





ООН-женщины – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмасидир. Глобал микёсда аёллар ва қизлар манфаатларининг фаол ҳимоячиси ва йўл кўрсатувчиси бўлган **ООН-женщины** бутун дунё бўйлаб хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилиниши ишида илгарилашни тезлаштириш мақсадида тузилган.

ООН-женщины БМТга аъзо мамлакатларга гендер тенглигига эришиш учун халқаро меъёрлар ва стандартларни ўрнатишда қўмақ кўрсатади, мазкур стандартларни амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар, сиёсий ёндашувлар, дастурлар ва хизматларни ишлаб чиқиш учун ҳукуматлар ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қилади. **ООН-женщины** фаолиятнинг беш устувор йўналишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, турмушнинг барча соҳаларида аёлларнинг тенг ҳуқуқли иштирок этишига фаол қўмақлашади. Бу йўналишлар орасида аёлларнинг етакчилик ролини кучайтириш ва уларнинг жамият ҳаётида иштирокини кенгайтириш; аёлларга нисбатан зўравонликни тугатиш; аёлларни тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга оид барча масалаларни ҳал қилишга жалб қилиш; аёлларнинг иқтисодиёт соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш; миллий тараққиётни режалаштириш ва молиялаштириш жараёнларида гендер тенглигининг марказий ролини таъминлаш кабилар бор. Шунингдек, **ООН-женщины** БМТнинг бутун тизими доирасида гендер тенглигини олға суриш бўйича ишларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади.



United Nations Peacebuilding Support Office

Тинчлик қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича бошқарма (ТҚҚБ) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муассасаларининг тинчликни барпо қилиш ҳаракатларини мувофиқлаштириш орқали Тинчлик қурилиши бўйича комиссияга қўмақ ва қўллов кўрсатиш, Тинчлик жамғармасини бошқариш ва Бош қотибга хизмат кўрсатиш учун таъсис этилган.

Ушбу қўлланма **ООН-женщины** ташкилоти томонидан БМТ Тинчлик жамғармасининг молиявий қўмагида амалга ошириладиган “Гендерга оид адолатни олға суриш ҳамда қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси доираси тайёрланган ва нашр этилган.

“Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” қўлланмаси ўрта мактабларнинг 9-, 10- ва 11-синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, улар Қирғизистон Республикаси Конституцияси моддаларига асосланган ҳолда, ёш аёл ва эркаклар, инсон ҳуқуқларидан, гендер тенглигидан хабардор бўладилар ҳамда ўз синфдошлари орасида турли этник гуруҳ ва турли қатламларнинг инсон ҳуқуқлари қай тарика бузиладиганига дохил зиддиятли вазиятни таҳлил қилиш йўллари ўрганадилар. Қўлланма методикаси ва мундарижаси бўйича ҳаракатларни амалга ошириш билан тенгдошлар муҳим ҳаётий малакани ишлаб чиқишга муваффақ бўладилар. Бу малака уларга келажакда касбий фаолият бўйича ориентир олиш ва шахсий муносабатларни муваффақиятлироқ шакллантиришда ёрдам беради.

Муаллифлар:

Гюнтер Геральд, Жээнбекова Марал, Кулишманова Амина, Хаслвантер Катя, Аманова Назик

Хаммуаллифлар:

Айткурманова Анара, «ООН-женщины»; Аманбаева Дарика, Y-Реег Бишкек; Кабилбек кизи Зина, Y-Реег Бишкек;
Каравашкина Александра, Y-Реег Ўш; Курманбекова Айчурек, «ООН-женщины» тузилмаси кўнгиллиси;
Мурзаканова Махабат, «ООН-женщины»; Нўрузбаева Мунира, «Маана» кризис маркази;
Эркинбаева Айзада, Y-Реег Бишкек

Мухаррирлар:

Монтгомери Жеймс ва Браун Элистейр (инглиз тили)
Абдикаликова Гулбара (қирғиз тили)
Айткурманова Анара ва Кулишманова Амина (рус тили)

Фотосуратлар:

© ООН-женщины

ОсОО «Тех.плюс» босмахонасида чоп этилди

Ушбу нашрда ифодаланган мулоҳазалар муаллифга тегишли ва улар **ООН-женщины**, БМТ ёки унга алоқадор ташкилотлар расмий нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин.

2016 йилда тадбир ўт- казиладиган саналар	Бўлим	Сессия номи Кутилаётган натижалар		Саҳифалар
12-16 сентябрь	Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз	Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз		5
19-23 сентябрь	1-бўлим. Тимбилдинг ва «Тенгга тенг» ўқитиш принципи	1-сессия: Тимбилдинг (команда тузиш)		15
26-30 сентябрь		2-сессия: «Тенгга тенг» принципи (ТТП)		30
3-7 октябрь	2-бўлим. Гендерга оид адолат ва инсон ҳуқуқлари	1-сессия: Инсон ҳуқуқлари ва аёллар ҳуқуқлари тарихи		42
10-14 октябрь		2-сессия: Гендер ва гендерга оид зўравонлик		64
17-21 октябрь		3-сессия: Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш		72
24-28 октябрь		4-сессия: Оилавий зўравонлик		86
	Таътил			
14-18 ноябрь		5-сессия: Вояга етмаганлар билан никоҳ қуриш Гендерга оид муаммолар таҳлили		98
21-25 ноябрь	3-бўлим. Эдвокаси	1-сессия: Ҳаракат қилиш вақти келди! Эдвокаси		109
28 ноябрь - 2 декабрь		2-сессия: Кампания стратегиясини режалаштириш Гендерга оид таҳлил натижалари бўйича ҳаракат режаси		115
5-9 декабрь	4-бўлим. Суицид ва унинг олдини олиш бўйича чоралар	Ҳаракат режасини амалга ошириш	1-сессия: Суицид ва унинг турлари	132
30 ноябрь - 4 декабрь			2-сессия: Суициднинг олдини олиш	139
12-16 декабрь	5-бўлим. Оқсоқоллар суди		1-сессия: Оқсоқоллар суди Ҳаракат режасини амалга ошириш бўйича ҳисобот	150
19-23 декабрь			2-сессия: Суд жараёни инсценировкаси	158
26-30 декабрь	6-бўлим. Уқуқ элчи	1-сессия: Уқуқ Элчининг роли ва ваколатлари		175
	Таътил / Тенг мураб- бийлар учун тренинг			

* ушбу ранг ажратиб кўрсатилганларни мураббийлар “ООН-женщины” ёки унинг ҳамкорларига белгиланган муддатда топширишлари ва ҳисобот беришлари лозимлигини англатади.

Тенг мураббийларларнинг Миллий Аёллар Форумидаги иштироки

Менинг исмим Ўсмўнова Айжан. Мен 14 ёшдаман. Мен Бишкекдаги 58-мактабнинг 9-синфини тугатдим. Мен ООН-Женщины ташкилоти қўллаётган «Гендер адолатини рағбатлантириш ҳамда қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш» лойиҳаси иштирокчисиман.

2015 йилнинг 2-3 мартида Бишкекда Қирғизистон аёллар ҳаракатининг 90 йиллиги, Пекин декларациясининг 20 йиллиги, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Аёлларнинг тинчликни сақлаш, тинчликни барпо қилиш ва зиддиятдан кейинги тикланишдаги аҳамиятини эътироф этиш тўғрисидаги 1325-сонли резолюциясининг 15



йиллигига бағишланган Миллий Аёллар Форуми бўлиб ўтди.

Бу форумда турли делегациялар вакиллари ҳамда Қирғизистоннинг барча вилоятларидан бўлган фуқаролар иштирок этдилар. ООН-Женщины ташкилоти форумга лойиҳа иштирокчилари бўлган ўзининг энг фаол тенг мураббийларини таклиф қилди. Улар республиканинг турли вилоятларидан - Норин, Ўш, Чуй, Бишкек, Талас, Боткен ва бошқа жойлардан келишди. Уларнинг қаторида мен ҳам бор эдим.

Миллий Аёллар Форумида жамиятдаги турли мавзулар ва муаммоли масалалар, шунингдек, қизлар ва аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Аёллар ва болаларга қарши зўравонлик, инсонлар орасидаги гендер тенглиги масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Энди эса биз – тенг мураббийлар бу форумда қандай иштирок этганимиз ҳақида батафсилроқ айтиб берай. Форумнинг биринчи кунини Миллий кутубхонада бўлиб ўтди. ООН-Женщины ташкилотининг кўнгиллиси Марал Жеенбекова «Менинг осойишта ва хавфсиз мактабим» қўлланмасини тақдим қилди ҳамда тенг мураббийлар иккита сахна кўриниши намоиш қилдилар. Биринчи сахна «Апельсин» деб номланган эди. Унда биз зиддиятларни ҳал қилиш учун медиация воситаларидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатдик (зиддиятни учинчи тараф ёрдамида ҳал қилиш). Иккинчи сахна эса «Ала-қачуу» ҳақида бўлди. Унда биз томошабинларга қиз ўғирлаш Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг моддаси асосида жазоланиши ва қиз ўғирлаш бу «урф-одат» эмас, балки жиноят эканлигини етказмоқчи бўлдик.

Форумнинг иккинчи кунини Тўқтоғул Сатилғанов номидаги Миллий филармонияда бўлиб ўтди. Бу кунини биз ўзимизнинг энг қизиқарли амалиётимиз бўлган флешмобни ўтказдик. Форум иштирокчилари тушликдан қайтганидан сўнг биз иштирокчилар орасига икки-икки киши бўлиб кириб, қўлимизда плакатлар ушлаган ҳолда ўрнимизда қотиб қолдик. Плакатларда ҳар хил шиорлар ёзилган эди, масалан, «Сиёсатда бор-йўғи 20% аёллар», «Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилинмаяпти» ва бошқалар. Иштирокчилар бизни кўриб ҳайрон қолдилар, улар тўхтаб, бизни томоша қилишди, бизни ўйин ўтказишмоқда, деб ўйлашди. Кейин эса улар бизни расм ва видеога тушириб, плакатлардаги ёзувларни ўқий бошладилар. Шу тариқа биз одамлар эътиборини



хотин-қизлар дуч келаётган қийинчиликларига қаратдик.

Ўша кунини тенг мураббийларимиз филармония зали бўйлаб юриб, иштирокчиларга: «Гендер тенглиги сиз учун нимани англатади?» деган саволни бериб, сўров ўтказишди.

Қирғизистон ва биз учун катта аҳамиятга эга бўлган ва жамиятдаги муаммолар муҳокама қилинган бундай форумда иштирок этиш биз учун жудаям қизиқарли бўлди. Мен бу форум Қирғизистон ва унинг фуқаролари учун кенг кўламли ва энг аҳамиятли тадбир бўлди, деб ҳисоблайман. Мен бу форум мамлакатимизда гендер тенглигини рағбатлантириш учун қўйилган энг муҳим қадамлардан бири бўлиб қолади, деб ўйлайман.



Мен бу форумда иштирок этиш имкониятига эга бўлганимдан ва жуда яхши йигит-қизлар (тенг мураббийлар) билан танишишга муяссар бўлганимдан жуда бахтиёрман.

Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз

Энг аввало, қайд этишни истардикки, агар бу қўлланма қўлингизга теккан бўлса, у СИЗ-НИКИ. Китобдан фойдаланиб бўлганингиздан кейин уни қайта топширишингиз мумкин, бироқ бу ишга сизни ҳеч ким мажбур қилмаслиги керак. ООН-женщины ташкилоти, унинг ҳамкорлари ва БМТ Тинчлик жамғармаси бу қўлланмани шахсан СИЗГА тақдим этган. Сиз уни сотмаслигингиз керак! Қўлланма нусхаларини ООН-женщины ташкилотининг Қирғизистондаги ваколатхонаси офисларидан ёки унинг ҳамкорлари идораларидан олишингиз мумкин. Бу китоб СИЗ учун, унда ўз қайдларингизни ёзиб боришингиз учун ишлаб чиқилган. Бу китобга ёзишни маън қилаётган ва уни таълим муассасасига қайтаришингиз лозимлигини айтаётган кишиларга қулоқ солманг. Марҳамат қилиб, сизга бу китобга ёзишни маън қилаётган ва уни қайтариб беришга мажбур қилаётган шахслар ҳақида ООН-женщины ташкилотига хабар қилинг. Сиз бу ишни MSPS.KG@gmail.com электрон почтасига хабар йўллаш орқали ҳеч кимга билдирмасдан амалга оширишингиз мумкин. Шунда биз бу қўлланма нима сабабдан сизнинг шахсий китобингиз бўлиб ҳисобланишини тушунтириш учун улар билан боғланамиз.

Қўлланмангиз йўқолиб қолмаслиги учун, марҳамат қилиб,  мана бу ерга ўз исмингизни ёзиб қўйинг.

Қадрли дўстим,

ООН-женщины ташкилоти, унинг ҳамкорлари ва бизнинг доноримиз бўлган БМТ Тинчлик жамғармаси Тинчлик жамғармаси БМТ Тинчлик жамғармассизга ўзингиз учун номаълум бўлган жойларга йўл олаётган кема бортига “Хуш келибсиз” дейишдан жуда мамнун. Йўл олажак манзилингизда сиз гендер тенглиги, инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқ соҳиби сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда масъул тараф бўлган давлат амалдорлари ҳақида билиб олиш билангина чекланмай, зиддиятларни ҳал қилиш ҳамда қўлланманинг номланишига мувофиқ равишда, осойишта ва хавфсиз мактаб, олийгоҳ ва ҳамжамиятга эришиш мақсадида ўз мактабингиз, университетингиз ёки ҳамжамиятингиздаги вазиятни баҳолаш ва таҳлилий фикрлашни ҳам ўрганиб оласиз.

Агар етарли даражада тиришқоқ бўлсангиз, ўз тенгдошларингиз билан бирга команда тузиб, ушбу қўлланма бўйича босқичма-босқич иш олиб боришингиз мумкин. Биз сизга шахсий, ижтимоий ва касбий турмушингизда асқотадиган ҳаётий малакага эга бўлишингизни ваъда қиламиз. Эҳтимолки, сиз яхши ва кўп ҳақ тўланадиган ишга жойлашарсиз; агар бизнес билан шуғулланишни истасангиз, балки янада каттароқ муваффақиятларга эришарсиз, чунки сиз хавф-хатарни яхшироқ илғаш ва йиғилган маълумотларга асосланган ҳолда, қарор қабул қилиш имкониятига эга бўласиз. 15 нафар тенгдошингиз, дўстингиз ёки синфдошингиз билан биргаликда, ҳар бирингиз муайян роль ва мажбуриятларни зиммангизга олган ҳолда, битта командада ишларкан, сиз команда тузишни ва командада ишлашни ўрганиб оласиз, бу эса ҳозирги замонда талаб жуда катта бўлган малака бўлиб ҳисобланади.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида ўзаро ҳурмат ва манфаатдор томонлар ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкамлаш даражаси ошади, бу эса қонун устуворлиги принципини мустаҳкамлайди. Лойиҳа ёшларни уй хўжалиги ва жамоат/қишлоқда фаровонликни таъминлаш малакасини сингдирувчи муҳим фаолият турларига жалб қилиш; инсон ҳуқуқлари, хусусан, ёш эркак ва аёллар ҳуқуқларига доир масалалар бўйича ҳуқуқ-тартибот органлари ва адлия сектори фаолигини ошириш; давлат лидерлари ва дин пешволари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш орқали амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Пировардида лойиҳа чекланган кишилиқ, молиявий ва табиий заҳиралар шахс, ҳамжамият ва миллат тараққиёти йўлида самарали фойдаланилиши мумкин бўлган қулай шарт-шароит яратади ҳамда турли то-

Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз

монлар ва кучларнинг жамиятни ўзаро курашувчи гуруҳларга бўлиш ҳаракатларининг олдини олиб, фаровонлик ва қонун устуворлиги қарор топишига кўмаклашади.

Лойиҳа аёллар ва ёшларни ижтимоий ва иқтисодий турмушнинг барча жабҳаларига жалб қилиш орқали гендер тенглигини олға суради. Лойиҳа тенг имкониятларни илгари суриш, иқтисодий ҳақ-ҳуқуқларни амалга оширишга кўмаклашиш ҳамда турфаликка ҳурмат туйғусига асосланган ҳолда яхши фуқаро бўлиш нима экани ҳақидаги билимларни шакллантириш орқали миллий келишмовчиликлар бартараф қилишга йўналтирилган.

Лойиҳа уч компонентга эга:

- ▶ 33 та мактабдаги турли миллатга мансуб бўлган 9- ва 10-синф ўқувчиларини бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш учун чекланган ер ресурсларидан самарали фойдаланишга ўргатиш. Ёшлар уй ва фермер хўжалиги иқтисодиёти соҳасида билим ва малакаларга эга бўлади, шу орқали улар муҳожирликка муқобил йўл топади ҳамда чуқур ва давомли қашшоқлик домидан қутулиш учун қўшимча имкониятга эга бўлади.
- ▶ 25 та муниципалитетдан бўлган турли манфаатдор томонлар вакиллари инсон ҳуқуқлари, жумладан, диний ҳуқуқлар асосларига, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, адолат ва тинчликка эришиш масалалари бўйича ишлайдиган давлат ва муниципал хизматчиларнинг мажбуриятларига ўқитиш. Муниципалитетлардаги турли манфаатдор томонлар биргаликда ўз ҳамжамиятидаги муаммолар ва зиддиятли вазиятларни муҳокама ва таҳлил қилади, ҳаракат режаси ишлаб чиқади, бу режа асосида чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда биргаликда мазкур режанинг амалга оширилиши бўйича мониторинг ўтказди.
- ▶ Ўрта мактаб ўқувчилари ўз ҳуқуқлари ва тенгдошларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга имкон берадиган ҳаётий малакаларини ривожлантиришлари, ҳамжамият ижтимоий турмушида ҳамда ўз мактаби ва ҳамжамятига дахлдор муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этишлари мумкин. Улар инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги нималигини ўрганадилар, ҳуқуқ-тартибот ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш давлат органлари билан тифиз ҳамкорликда зиддиятли вазиятни таҳлил қилиш ва зиддият сабабларини бартараф қилиш бўйича чоралар кўришни ўрганадилар. Лойиҳа натижасида ижтимоий тараққиётга эришиш ва турмушни яхшилаш учун аёллар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида тўлақонли иштирок этиши зарурлиги ва фойдалилиги ўғил болаларга ҳам, қизларга ҳам аниқ ва тушунарли бўлади.

Ушбу “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” қўлланмаси ООН-женщины ташкилоти га даставвал Европа Комиссияси томонидан 2012 йилда ажратилган грант доирасида ишлаб чиқилган концепция сўнги компонентининг асосий унсури бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” курси Европа Комиссияси ва БМТ Тинчлик жамғармаси томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар доирасида 70 дан ортиқ мактабда амалга оширилмоқда.

Лойиҳамизнинг асосий қисми сиз ва тенгдошларингиз бўлиб ҳисобланасизлар. Бу қўлланма орқали сиз қадам-бақадам қуйидагиларни ўрганиб оласиз:

- ▶ гендер тенглиги, инсон ҳуқуқлари нималиги ва фуқароларнинг ҳуқуқ эгалари эканига оид тушунчани;
- ▶ барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва мустаҳкам тинчликка фақат барча инсонларнинг тенглиги ва қонун устуворлиги барча учун баробар бўлгандагина эришиш мумкинлигини;

Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз

- ▶ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан давлат ва унинг вакилларининг мажбуриятларини;
- ▶ гендер контекстида инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қонун асосларини, бу билимларга эга бўлган ҳолда, сиз ҳақ-ҳуқуқлари бузилган кишиларга маслаҳат ва ёрдам беришингиз ҳамда бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиши керак бўлганларни мониторинг қилишингиз ва ўз ваколатларини бажармаган шахслар ҳақида хабар қилишингиз мумкин;
- ▶ муайян жойда тинчлик барпо қилиш бу тинчликни барпо қилишга барча манфаатдор томонларни жалб қилишни кўзда тутишини;
- ▶ ижобий ижтимоий ўзгаришлар учун эдвокаси воситаларидан қандай фойдаланишни;
- ▶ ўз мактабингиз, университетингиз ёки ҳамжамиятингизда зиддият медиациясини қандай ўтказиш ҳамда ҳамжамиятингизга дахлдор бўлган миллатлараро ва чегараолди жиддий зиддиятларини ҳал қилиш мақсадида бу ишга бошқаларни қандай жалб қилишни.

Сессияларнинг барчаси битганидан кейин сиз давлат, жамият ва тинчликка хавф солганларга қарши чиқиб, ҳуқуқлари бузилганларни ҳимоя қилиб ҳамда қонунбузарлар эркинликда юришига олиб келган жазосизликка қарши чиқиб, ўз давлатингизда демократияни муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўришга имкон берувчи билим-кўникмаларга эга бўласиз.

Биз ёшларни ҳамда ёшлар ташкилотларини гендерга оид адолатликни олға суришга жалб қилиш орқали ёшларнинг ҳамжамиятлар даражасида зиддиятлар медиатори сифатида ёрдам кўрсатиш имконияти мустаҳкамланади ва шу тариқа, бу мактаб, университет ва ҳамжамиятда таранглик камайиши ва ҳал қилинишига кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Лойиҳа ёш аёлларга зарур билим-кўникмаларни ўргатиш орқали уларни лидерликка тайёрлашга кўмаклашишга қаратилган. Шунингдек, ёш қизлар ва йигитларни ҳамжамиятлар даражасида тинчлик барпо этилишидаги роли кучайтирилади, бу ерда улар тинчлик қурилиши ва зиддиятлар юмшатилиши бўйича конкрет фаолият билан шуғулланадилар. Бу ёндошувга қўшимча равишда, ёш ва кекса ёшдаги аёллар ҳуқуқларини эркаклар томонидан ҳимоя қилинишига эришиш ҳамда қиз ўғирлаш каби уларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида лойиҳада эркакларнинг ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳа бўйича **ООН-женцины** ташкилоти БМТ Тинчлик жамғармаси ва Қўшма бошқарув қўмитасига ҳисоб беради. ООН-женцины тузилмаси ўн йиллаб гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари билан шуғулланган БМТнинг 4 муассасасини ўзида бирлаштириб, 2010 йилда ташкил қилинган. ООН-женцины ташкилоти уч йўналиш бўйича ишлайди:

- Гендер тенглиги, аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга дахлдор мажбурий халқаро конвенцияларга ҳамда Қирғизистон Республикаси каби БМТга аъзо давлатлар томонидан бу борада ихтиёрий равишда зиммасига олинган мажбуриятларига риоя қилишда давлат фаолияти устидан мониторинг ўтказиш, давлат потенциалини мустаҳкамлаш ва лобби қилиш учун ҳукумат билан яхши алоқада бўлиш
- Гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича дастур тузишда БМТнинг бошқа тузилмалари ўз мажбуриятларини тўла бажаришлари учун уларни мониторинг қилиш ва ўқитиш
- Гендер тенглиги, аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича моделларни йўлга қўйиш юзасидан, фуқаролар ва хусусий сектор, шунингдек, ҳокимият структуралари

Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз

билан ишлаш; ўтилган дарслар асосида сиёсат ишлаб чиқиш ҳамда бу сиёсатни фуқаро даражасида қўллашда ёрдам кўрсатиш.

Қирғизистондаги ООН-женщины ташкилоти офиси Шарқий Европа ва Марказий Осиёда таъсис этилмиш тараққий қилган офислар ичида биринчилардан бўлиб ҳисобланади.

Лойиҳани муваффақият билан амалга ошириш учун ООН-женщины ташкилоти командаси фақат лойиҳанинг асосий ҳадаф (мўлжалдаги) гуруҳи бўлган ёшлар билангина ишлаш билан чекланмай, таълим, адлия соҳасидаги давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳам самарали ҳамкорлик қилиши лозим. Лойиҳа командаси маҳаллий ўз-ўзини бошқариш институтлари (қишлоқ ҳукумати ва қишлоқ кенгашлари) ва *оқсоқоллар* судлари дохил маҳаллий лидерларни самарали адлияга эришиш ва ёшларга иштирок имкониятини тақдим қилишда истиқболда асосий ҳамкор сифатида кўрмоқда.

Ушбу қўлланмадан қандай фойдаланиш керак:

“Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” деб номланган қўлланмамиз мустақил ўрганиш учун ёки тенгга тенг тамойили бўйича ўқитишдан фойдаланган ҳолда 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган қиз ва йигитлар ҳадаф (мўлжалдаги) гуруҳлари томонидан мустақил ўрганишда кўмак кўрсатиш учун мўлжалланган.

“Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” қўлланмасидан турли шароитларда фойдаланиш мумкин:

- ▶ Ўрта мактабингиздаги синфдан ташқари тадбирга ажратилган вақт давомида
- ▶ Расмий ўқув дастури доирасида турли фанларни ўрганишга кўмак кўрсатиш мақсадида
- ▶ Ўқув даргоҳингизда очилган дарсдан кейинги клубда бўлган чоғингизда
- ▶ Мактабдан ташқари оилангизда ёки ҳамжамиятингизда
- ▶ Ёзги лагерда бўлган чоғингизда

Ушбу курсда иштирок этиш учун нималар талаб қилинади:

- ▶ Ўқув йили давомида ҳафтасига бир марта икки соатдан ажратишга ва бунга қўшимча равишда дала машғулотлари учун озроқ вақт ажратишга ҳозирлигингиз
- ▶ “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” қўлланмасини мустақил ўрганишда ҳамкорлик қилиш учун команда иши қоидаларига риоя қилувчи 15 нафар тенгдош- ҳамфикрлар
- ▶ Очиқлик ва қизиқувчанлик
- ▶ Қўлланманинг турли бобларини ўрганиш асносида командадаги турли ролларни бажаришга ҳозирлик
- ▶ Идеалда – “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” предметининг турли масалалари ва воситаларини ўрганиш сизга ижтимоий ва касбий турмушингизда ёрдам беришини ҳамда бутун ҳамжамият учун фойдали бўлишини тушунган ота-оналар



Ўзни тутиш қоидалари:

Мактабда, университетда ва семинарларда ўқув жараёнини енгиллатиш учун ўзни тутиш қоидалари мавжуд. Биз интерфаол ўқитиш методикасига асосланган ва *“Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим”* қўлланмасида ҳам ўз аксини топган тенгга тенг тамойили бўйича ўқитишдан фойдаланганимиз учун биргаликда ўқиш мобайнида хавфсизлигимизни таъминладиган бир неча тамойил бўйича ўзаро келишиб олишимиз жуда муҳим. Мазкур методикада мактабларда бўлган одатдаги иерархия йўқ, масалан, муте ўқувчи қаршисидаги етакчи ўқитувчи каби. Қийинроқ тамойилларга ўтишдан олдин энг содда тамойиллардан бошлаймиз. Қуйида ҳар бир иштирокчи риоя қилиши, олға суриши ва бажарилишини назорат қилиши лозим бўлган мажбуриятлар рўйхати келтирилган:

Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз

- ▶ Гендер жиҳатдан мувозанат сақланган ва идеалда ҳар хил миллатга мансуб 15 нафар тенгдошдан иборат бўлган гуруҳ йиғишга ҳаракат қилинг
- ▶ Чекмаслик, спиртли ичимлик ва бошқа гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслик
- ▶ Барча сессияларга ўз вақтида келинг!
- ▶ Ҳар бир сессияда қатнашинг, айниқса сессияда ўйнашингиз лозим бўлган роль бўлса
- ▶ Агар ота-онангиз сизни уй ишларига жалб қилмоқчи бўлса, уларга гуруҳдаги ўртоқларингизга учрашувга келишни ваъда қилганингизни, берилган ваъдани бажармаслик оилангиз “юз”ини кўрсатишини ва обрўингизга путур етказишини тушунтиринг. Оилангиз аъзоларига улар ҳафтанинг муайян бир кунда икки соат мобайнида сизнинг вақтингизни ҳурмат қилишлари ва сизга ўз ишларини буюрмасликлари лозимлигини тушунтиринг. Бунақа муаммолар борлигини тенгдошларингизга айтинг, улар эса, ўз навбатида, сессияларда иштирок эта олишингиз учун қариндошларингиз билан гаплашиб кўришади.
- ▶ Гуруҳдаги барча аъзоларни ҳурмат қилинг, ҳатто уларнинг фикрларига қўшилмасангиз ҳам
- ▶ Биров гапираётганда, унинг гапини бўлманг. Бироқ ҳар доим фақат бир хил одамлар гапирмаётганига ҳам эътибор қилинг.
- ▶ Ҳар бир сессияда тенгликни ва гуруҳнинг барча аъзолари ишга тўла жалб этилишини таъминланг
- ▶ Айрим сессияларда иштирокчи фасилитатор, стенографист (қайдлар қилиб борувчи) ва шу каби ролларни бажараётганида бу роллар ҳар бобда турли одамлар томонидан бажарилишини назорат қилинг. Бу “лидер”нинг доим фасилитатор бўлиб олишига имкон бермайди ва гуруҳингизда сунъий иерархия пайдо қилмайди
- ▶ Агар гуруҳда кимдир ҳукмронлик қилишга даъвогар бўлса, у билан бу ҳақда гуруҳнинг очиқ баҳси чоғида гаплашинг. “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” лойиҳаси ҳурмат, хилма-хиллик ва тенглик каби қадриятларни ўрганишга қаратилганини эътиборга олган ҳолда, гуруҳ баҳсида ҳеч кимнинг устунлик қилишига рухсат берманг, бироқ унинг бошқача фикрга эга бўлиши, бошқа миллатга мансуб бўлиши ёки уни ўзига хос қиладиган бошқа мезонлар билан фарқланиб туриши мумкинлигини ҳам истисно қилманг.
- ▶ “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим”ни ўрганиш ва амалда қўллаш чоғида айтилганларнинг барчаси конфиденциал (махфий) маълумот бўлиб ҳисобланади. “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” бўйича машғулотлар чоғида айтилган ёки қилинган ишлар ҳақида бегоналарга гапириб юрманг. Бундай гап-сўзлар ўзаро ишонч ва сўз эркинлигига путур етказди, ихтилофлар келтириб чиқаради ва лойиҳанинг барбод бўлишига олиб келади. Улар осойишталикни барпо қилиш ўрнига уни барбод қиладди. Агар сиз баҳслар конфиденциаллигини сақлай олмасангиз, “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим”ни ўрганишда иштирок этмай қўя қолганингиз маъқул. Ўқитувчиларингиз ва ота-онангизга ҳам сессиялар чоғида айтилган ва қилинган ишларнинг ҳаммаси шахсий бўлиб ҳисобланишини айтинг. Агар улар “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим”га қизиқиб қолишса, уларга қўлланмани кўрсатишингиз ва улар билан бир неча машқни биргаликда бажаришингиз мумкин. “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим”да одамлардан яширадиган ҳеч нарса йўқ, бироқ тенгдошларингиз у ёки бу масала ҳақида нима деб ўйлашлари, тенгга тенг тамойили бўйича ўқиш чоғида нималарни айтиб, нималар қилишларини ҳеч ким билмаслиги керак.
- ▶ Биз сизга “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” бобларини босқичма-босқич ўрганишни маслаҳат берамиз. Агар айрим ўқувчиларга мутлақо қизиқ бўлмаган боблар бўл-

Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз

са, уларнинг гуруҳни тарк этишига имкон беринг, аммо улар кейин машғулоти давом эттиролмайдилар. Бу кимнингдир машғулоти мутлақо жалб бўлмай қолиши, уни ўтказиб юборишидан ёки бошқаларни эътиборини чалғитиб, уларга сессиядан ўтишда халақит берганидан кўра яхшироқдир.

Аввалда баён қилинганларга катта маъно бериш учун сизга юқорида зикр этилган ўзни тутиш қоидалари бўйича зиммангизга мажбуриятларни расман олишни таклиф қиламиз. Марҳамат қилиб, юқорида айтилганлар ҳақида астойдил ўйлаб кўринг ва уч ишни амалга оширинг:

1. Бу ерга  имзо қўйиш билан мазкур ўзни тутиш қоидаларига риоя қилишга ваъда беринг.
2. Гуруҳингиздан бўлган тенгдошингиз бу қоидаларга риоя қилишга ваъда қилибгина қолмай, бу ерга  имзо чекиш орқали сизнинг ваъдангизга гувоҳ бўлганини тасдиқласин.
3. Марҳамат қилиб, ўзни тутиш қоидаларига амал қилиш юзасидан қўлланмангизга имзо чеккан тенгдошингиз қўлланмасининг иккинчи сатрига имзо чекинг.

Бу мажбурият сизнинг қуйидагиларни англашингизга ёрдам бериши керак:

- I. остига имзо чекиш керак бўлган ҳужжат шартларини аввал ўқиб чиқиш ва шундан кейингина уни имзолаш лозимлигини ҳамда
- II. бирор-бир мажбурият остига имзо чекаркансиз, унга риоя қилишингиз шартлигини англашга ёрдам бериши керак. Юридик кучга эга бўлган шартномалардан фарқли равишда сизнинг мажбуриятингиз бундай кучга эга эмас. Шунга қарамай, одамлар ўз ваъдаларига вафо қилишлари лозим, сиз томонингиздан берилган ваъда эса сизга буни эслатиб туради ҳамда сиз ва тенгдошларингизни масъулиятли қилади.

Ушбу қўлланмани ишлаб чиққанимизга оид 9 та сабаб:

1. Сўнгги йилларда Қирғизистон Республикасида одамлар қонун устиворлигига нисбатан ишончларини йўқотганидан, давлат ва фуқаролар ўртасидаги алоқа эса ҳар иккала томоннинг бир-бирларига нисбатан мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли заифлашиб қолганидан инсоний тараққиёт кўрсаткичлари пасайиб кетди.
2. Совет Иттифоқи тарқаб кетганидан кейин ижтимоий муаммолар чуқурлашди, айти пайтда давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, тараққиётни олға суриш ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш масалалари бўйича қудрати заифлашиб кетди.
3. Қирғизистон Республикасининг демократик характери фуқароларга жамият, давлат ва иқтисодиёт тараққиётида иштирок этиш учун кенг имкониятлар беради. Бироқ бу имкониятлардан камдан-кам ҳолларда фойдаланадилар.
4. Кўп фуқаролар келажак авлодни тарбиялаш учун ўз ҳамжамиятини яхшилаш бўйича ишга қанақа ҳисса қўшишлари мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар.
5. Масъулиятли фуқаро сифатида ишлаш ўрнига кўп одамлар аксариятнинг зиёни ҳисобига оз одам манфаатини қондиришга қаратилган аёвсиз ва кўпинча бузғунчи ҳаракатларни қўллаган ҳолда, жазосизлик ҳуқуқий вакуумини суиистеъмол қилмоқдалар.

6. Эркинлик чегараси бошқа одам эркинлигига зарар етказмасликни англатадиган демократик давлатдаги эркинлик тушунчасига нисбатан кўп ҳолларда беписандлик билан ёндошилмоқда.
7. Кўп одамлар ўзларининг маданий анъаналари ва диний қадриятлари билан фахрландилар, бироқ, афсуски, уларни амалиётда кам қўллайдилар, қўллаган тақдирларида ҳам кўпинча бу қадриятларнинг тамоман акси бўлади. Агар одамлар “ҳашар” каби ижобий қадриятларни амалиётда қўллайдиган бўлсалар ва улар орасида фуқаровий-ҳуқуқий баҳс-мунозараларни ҳал қиладиган ўқимишли ва ҳурматли оқсоқоллар бўлса, кўплаб муаммоларни ҳал қилиш ва зиддиятлардан қочишга эришиларди.
8. Дарвоқе, дунёдаги энг ривожланган жамиятларда гендер тенглиги энг кўп тараққий қилган.
9. Халқаро ҳамжамятнинг аъзоси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига (БМТ) аъзо давлат бўлган Қирғизистон Республикаси ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳавфсизлигини таъминлашга мажбур; таркибига ООН-женщины ташкилоти ҳам кирган Бирлашган Миллатлар ташкилоти эса давлатнинг бу жабҳадаги потенциални ривожлантиришда давлатга кўмаклашишга ҳамда Қирғизистон Республикасида инсон потенциали ривожига ўз ҳиссасини қўшиш учун фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қилишга мажбур.

Мазкур қўлланма асосида ётувчи **ўзгаришлар назарияси** қуйидагиларда ўз аксини топган: ёшлар ўз таълим муассасаларида ҳақ-ҳуқуқлари ҳурмат ва ҳимоя қилинаётган ёш аёлларни ўз ҳамжамятларини ривожлантириш ва тинчликни ҳимоя қилишга кўмаклашиш жараёнига тўла жалб қилган ҳолда, бу жараёнлар қабатида ўз фуқаровий ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиб олиши билан ижобий ўзгаришлар содир бўлиши, камдан-кам ҳолларда ёрдам берадиган бегоналар фикрига қарамлик эса ҳар бир фуқаронинг ишига айлантирилиши мумкин. Бу иш фуқаро томонидан ўз ҳамжамяти манфаатини кўзлаб ҳамда тенгдошлари ва қўшнилари билан биргаликда амалга оширилади. Ижтимоий ўзгаришлар, қадриятлар қайта тикланган ҳамда чоралар кўрилган тақдирда, содир бўлади ва уларга амал қиладиган бўладилар. Қўлланмаизнинг мақсади ижобий ижтимоий ўзгаришга эришиш йўлида қўллаш учун ёш аёллар ва эркекларга истиқбол ва воситалар тақдим этишдан иборатдир.



Тимбилдинг ва «Тенгга тенг» ўқитиш принципи

01

Тимбилдинг (команда тузиш) | 15
«Тенгга тенг» принципи (ТТП) | 30

Барча орзуларимиз ушалиши учун тўлақонли ва мазмунли ҳаётга қандай тайёрланиш керак?

Тўлақонли ҳаёт кечириш учун биз ўз келажагимизни пухта режалаштирмоғимиз ва орзуларимиз томон қадам-бақадам ҳаракат қилмоғимиз керак. Биз доим эсимизда тутишимиз керакки, қисқа вақтга мўлжалланган ҳаракат ва қарорларимиз узоқ муддатга чўзиладиган оқибатларга олиб келади. Шунинг учун биз: «бугунги ҳаракат ва қарорларимиз олдимизга қўйган мақсадларимизга етиш ва орзуларимиз ушалишига қандай таъсирини кўрсатиши ёки қай тарзда халақит қилишлари мумкин?» деган савол устида жиддий бош қотиришимиз лозим.

10 ёки 15 йилдан кейинги келажакка саёҳат қилиш учун тасаввурингизни ишга солинг. Қандай ҳаёт кечирмоқчи бўлсангиз, шунинг кўз олдингизга келтиринг. Ўзингизни соғлом ва фаол киши ўлароқ ҳис қиляпсизми, тўлақонли ва мазмунли ҳаёт кечиряпсизми, оила ва ишингизга тенг эътибор қарата олаяпсизми? Сизнинг яқинларингиз, масалан, умр йўлдошингиз орзуларингиз ушалишида сизни қўллаб-қувватлаяптими ёки қизиқишларингиз бошқа-бошқа бўлгани учун улар сизга тўсиқлар яратишяптими?

Бу машқ сизнинг ўз потенциалингизни юзага чиқариб, ёруғ ва бахтиёр келажакни кўз олдингизга келтириш учун мўлжалланган. У сизга ўзингиз орзу қилган келажакни қуришда стратегиянгни ишлаб чиқишда ёрдам беради. Бунинг учун сиз олдингизга мақсадлар қўйишингиз ва уларга эришиш учун режа ишлаб чиқишингиз керак.

Қисқа муддатли мақсад: Ўқув йили давомида амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳа.

Масалан: «Кейинги ўқув йилида мен ўзимнинг ижтимоий ва ҳаётий малакаларимни ошириб, мактабдан кейин ўз танловим билан университетга кириш учун «Менинг осойишта ва хавфсиз мактабим» номи тренингда фаол қатнашмоқчиман».

Узоқ муддатли мақсад: бир қанча йиллар давомида амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳа.

Масалан: «Университетни тамомлаганимдан сўнг мен энг аввало ўз карьерам билан шуғулланаман, 20 ёшдан ўтганимдан кейин эса уйланаман/турмушга чиқаман ва бахтли оила қураман».

Келинг, энди пастдаги жадвалга эътибор берайлик ва уни тўлдирайлик. Агар жадвалдаги жой етмаса, чапдаги бўш варақни ишлатишингиз мумкин:

№1 Ўқув материали: Мақсадларга оид иш варақаси

Қисқа муддатли мақсад

Мақсадга эришишнинг афзал жиҳатлари

Йўлимда қандай тўсиқлар бўлиши мумкин?

Нималарни билишим ва қилишим керак?

Мени ким қўллаб-қувватлайди?

Ҳаракат режаси – Кейинги қадамлар

Яқун санаси

Узоқ муддатли мақсад

Мақсадга эришишнинг афзал жиҳатлари

Йўлимда қандай тўсиқлар бўлиши мумкин?

Нималарни билишим ва қилишим керак?

Мени ким қўллаб-қувватлайди?

Ҳаракат режаси – Кейинги қадамлар

Яқун санаси



01

Тимбилдинг
(команда тузиш)

Кириш

Тимбилдинг (команда тузиш) нима? Бунини яхшироқ тушуниб олиш учун даставвал биз “команда” атамасинимани англатишинини аниқлаб олишимиз лозим. Команда бу умумий мақсадларга эга бўлган ва уларни амалга ошириш учун мажбуриятларни ўзаро тақсимлаш орқали ҳамкорлик қиладиган одамлар гуруҳидир. Иш доирасида команда аъзолари бир-бирлари билан ўзаро тўғиз ҳамкорлик қилишлари шарт эмас, бироқ биргаликда бажараётган иш мақсадига эришиш учун улар бир-бирига таяниш имкониятига эга бўлишлари лозим. Иш бажарилиши учун команданинг турли аъзолари мувофиқлаштирилган ҳолда ҳамкорлик қилишлари ҳамда ҳамкорликнинг айрим стандартларига мувофиқ равишда ҳаракат қилишлари шарт бўлади. Яхши команда команданинг алоҳида аъзоларидан кўра каттароқ натижаларга эришади. Иерархиясини унча собит бўлмаган ва ишонч даражасини юқори бўлган командада аъзолар мақомига қараб эмас, балки ишга қўшган ҳиссасига қараб баҳоланади.

Агар команда аъзолари қуйидаги сифатларга эга бўлсалар команда ишини самарали бўлади:

- ишонарли ва ишончга лойиқ,
- ҳамжиҳатлик билан ишласа,
- меҳнатсеварлик,
- янги, ижодий ғоялар ва ёндошувлардан фойдаланишга ҳозирлик.

Шундан келиб чиққан ҳолда, команда аъзолари нечоғли фаол бўлса ва улар юқорида зикр этилган билим-кўникмалардан қанчалик яхши фойдаланса, команда ишини шунча яхши самара беради. Шундай бўлса-да, яхши команда характерлари ва дунёқарашлари турлича бўлган аъзолардан ташкил топган бўлади. Бу турфалик бутун командани кучли қиладиган, чунки қилиниши лозим бўлган ишнинг ҳар бир жиҳати командада мазкур соҳани жуда яхши билган одам бўлган тақдирда аъло даражада бажарилиши мумкин. Команданинг айрим аъзолари кучли нотиқлик қобилиятига, бошқалари жуда бой тасаввурга эга бўлади, яна бировлари эса ишнинг турли жиҳатларига йўналган ёки режаларни турмушга татбиқ этишни биладиган бўлади. Бу билим-кўникмаларнинг барчаси зарур бўлгани учун командадаги аъзоларнинг ҳеч бири бошқасидан аҳамиятсизроқ бўлмайди – яхши командада барча аъзолар бир-бирига нисбатан ўз тенгига қилгани каби муомалада бўладилар.

Баъзан команда деганда битта лидер ортидан эргашган одамлар гуруҳи ҳам тушунилади. Бироқ гап тимбилдинг (команда тузиш) ва команда ишини ҳақида кетганда команда лидерининг роли қиладиган иш буйруқ бериш, назорат қилиш ҳамда “лидер” дейилган одам ортидан кўр-кўрона ва сўроқ-саволсиз эргашадиган ижрочиларга эга бўлиш эмас, балки гуруҳ ишини жараёнини бошқариш ва командага етакчилик қилишдан иборат бўлишини назарда тутиш керак.

Ўзингиз аъзо бўлган командани ёки сиз туғилганингиздан бошлаб аъзосини бўлган командани тасаввур қила оласизми? Ҳа, албатта, бу сизнинг оилангиз. Оиладан ташқари, сиз ўз ҳаётингизда яна қанақадир команданинг, масалан, спорт, мусиқа ва шу каби бошқа командаларнинг аъзосини бўлган бўлишингиз мумкин, ҳозир эса сиз ва синфдошларингиз битта командани ташкил қиласиз. Команда тузиш учун, биринчи навбатда, мақсад ва вазифаларни аниқлаб олиш даркор (Сиз командангиз учун нимани истайсиз? Сизга команда нимага керак, бу мақсадга ўзингиз ёки бирор дўстингиз билан эришишингиз осонроқ эмасми?)

Мазкур мақсад ва вазифаларни сессия чоғида киритинг ва ўзингиз аъзосини бўлган командани кучайтириш учун улардаги команда руҳини имкон қадар кўтаринг ва бунини қуйидаги фикр билан таъкидланг: “Сиз ўз командангиз аъзоларининг аксини бўлиб ҳисобланасиз, командангиз аъзолари эса сизнинг аксингиздир!” Аслини олганда, команда занжир кабидир, бунда

1-сессия: Тимбилдинг (команда тузиш)

занжирнинг заиф жойи унинг мустаҳкамлиги бўлиб ҳисобланади. Ким ўз мажбуриятларини бажармаётган бўлса, ўша одам команда ишига путур етказаётган ва унинг бошқа аъзолари ишини оқсатаётган бўлади. Ишда, одатда, бунинг учун лавозимдан бўшатиб юборадилар, бизнинг гуруҳда эса бунинг учун тенгдошлар гуруҳидан чиқариб юборадилар, чунки бунақа одамга ишониб бўлмайди ва пировардида, у ўз синфдошлари орасида ҳам ҳурмат-эътиборини йўқотади. Команданинг муваффақиятли ва ҳурматли аъзосига айланиш учун ишончли, масъулиятли бўлишингиз, ўз тенгдошларингизга улкан ҳурмат билан муносабатда бўлишингиз ҳамда уларни уялтириб қўймаслигингиз лозим. Бу ҳам шахсий, ҳам касбий турмушингизда муваффақиятга эришиш учун яхши сабоқдир!

Бўлим мақсади:

- Иштирокчиларни бир-бирлари билан таништириш
- Команда тузиш методологияси билан таништириш ва команда руҳини мустаҳкамлаш
- Иштирокчилар орасида тортинчоқликни енгил
- Командадаги ҳар бир аъзо ролининг муҳимлигини тушунтириш

Вақт: 2 соат 5 дақиқа

Сессия режаси:

№	Машқлар номи	Материаллар	Вақт
	Пре-тест		5 дақиқа
1	Танишув		15 дақиқа
2	Команда нима?	Флипчарт, скотч, маркерлар	15 дақиқа
3	Шамол қаёқдан эсмоқда (машқ)	Стуллар	20 дақиқа
4	Расм чизиш	Қоғоз, рангли ручкалар	10 дақиқа
5	Гуруҳ муҳокамаси	Флипчарт, скотч, маркерлар	10 дақиқа
6	Менинг командадаги ролим (ўз-ўзини англаш)		5 дақиқа
7	Ролларни қабул қилиш бўйича фикр алмашиш		10 дақиқа
8	“Минора” машқи	Флипчарт, маркер, скотч, рангли қоғоз	20 дақиқа
9	Хулоса		5 дақиқа
	Пост-тест		10 дақиқа

Пре-тест:

1. Команда нима?

2. Самарали иш учун команда қандай сифатларга эга бўлиши лозим?

3. Сиз командада ишлашни маъқул кўрасизми ёки якка ўзингиз ишлашними?

4. Нима деб ўйлайсиз, командада ишлаш фойдали бўлиши мумкинми?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

5. Ўз ҳаётингизга назар солиб кўринг - Сиз қайси командаларнинг бир қисми бўлиб ҳисобланасиз?

6. Мактабда команда бўлиб ишлашга муносабатингиз қанақа?

7. Нима деб ўйлайсиз, командада ишлаган самаралироқми ёки якка ҳолдами?



1. Танишув:

Мақсад: Тенгдошларни бир-бири билан таништириш ва ёқимли муҳит яратиш.

Тадбирни олиб бориш: Фасилитатор иштирокчилар билан саломлашиб, улардан жупликларга бўлинишни сўраши керак. 5 дақиқа мобайнида иштирокчилар бир-биридан қуйидаги саволларни сўрайдилар:

1. Ўзингиз ҳақида сўзлаб беринг (исм, ёш, хобби, қизиқишлар)
2. Келажақда қайси касбни эгалламоқчисиз?
3. Тренингдан нималарни кутаяпсиз?

Муҳокамадан сўнг жуфтликнинг ҳар бир иштирокчиси юқоридаги саволларга олинган жавоблардан келиб чиққан ҳолда ўз шеригини таништиради.

2. Команда нима?

Бу сессия давомида бошдан-оёқ команда самарадорлиги ва потенциални ошириш мақсадида тимбилдинг (команда тузиш) бўйича тадбирлар ўтказилади. Мактаб тугаганидан кейин ҳам қолаверадиган ва келажақда фойдали бўлиши мумкин бўлган кучли команда тузилади!


Бутун семинар давомида тенгдошлар ўқиб, самарали команда тузиш бўйича тажриба орттирадилар. Сиз бир-бирингизни шахс сифатида яхши таниб оласиз, бу эса бир-бирингизга кўпроқ ишона олишингизда ёрдам беради. Сиз икки турли ишни бажарасиз:

1. Мулоҳаза юритиш бўйича иш
2. Ўйинлар ёки “қизиқ машқлар”, улар ҳам таълимий бўлиб ҳисобланади

Мулоҳаза юритиш бўйича иш командага ўз аъзолари ва команданинг ўзини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради.

Ўйинлар ёки “қизиқ машқлар” иштирокчиларнинг ўзаро яқинлашувига кўмаклашади ва муносабатлардаги тарангликни бартараф қилишга ёрдам беради.

Бу савол иштирокчилар томонидан ҳам муҳокама қилиниши мумкин. Фасилитатор бу борада баҳс бошлаши, баҳс охирида эса иштирокчиларга команда атамасининг умум томонидан қабул қилинган таърифини тақдим этиши керак.



Команда бу умумий мақсадга эришиш учун бир-бири билан ҳамкорлик қилувчи одамлар гуруҳидир.

Таъриф муҳокама қилиб бўлингач, фасилитатор фикрий ҳужум методидан фойдаланган ҳолда, иштирокчилардан команданинг самарали ишлашига эришиш учун зарур бўлган унсурлар ҳақида сўраши лозим.

Унсурларнинг айрим намуналари қуйида келтирилган:

- Ўзаро ҳамкорлик
- Жипслашганлик
- Умумий мақсадлар
- Мажбуриятларнинг тақсимланганлиги
- Ролларнинг белгиланганлиги
- Масъулият!
- Координатор/фасилитатор (“лидер”)
- ва ҳоказолар.

3. Шамол қаёқдан эсмоқда

Мақсад: Гуруҳ иштирокчиларининг муштарак қизиқишларини аниқлаш.

Тадбирни олиб бориш: Фасилитатор иштирокчилардан айлана ясаган ҳолда ўтиришни сўрайди. Фасилитатор ўйинни бошлайди. У айланадаги одамлардан бирини танлайди ва унинг стулини шундай силжитадики, пировардида иштирокчи айлана ўртасида туришга мажбур бўлади. Унинг вазифаси гуруҳдаги бошқа иштирокчиларга ўзига хос жиҳат (унсур) ҳақида айтишдан иборат бўлади, масалан, “Мен шоколадни яхши кўраман” каби.

Бу хусусият ўзига ҳам хос бўлган иштирокчилар ўрнидан туриши керак. Ўрнидан турган бу иштирокчилар энди ўзлари ўтиришлари мумкин бўлган бошқа стулларни топишлари керак. (Эътибор қилинг: сизга яқинроқ бўлган стулни шунчаки олиб, ўтириб олиш мумкин эмас). Охири бир иштирокчи стулсиз қолади ва у ҳам айлана ўртасига туриб, ўзига хос жиҳат (унсур) ҳақида маълум қилиши керак бўлади.

Марҳамат қилиб, бу машқда битта стулга икки ёки ундан ортиқ иштирокчи ўтириб олиши мумкин эмаслигини эътиборга олинг, ҳатто умумманфаат учун бир нарсани бошқалар билан ўртоқлашиш команданинг энг ажойиб хусусияти бўлиб ҳисобланса ҳам!

Машқдан кейин фасилитатор қўйидаги саволлардан фойдаланган ҳолда, баҳсни бошлаши керак:

1. Бу машқ давомида ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?
2. Бу машқ сиз учун позитив машқ бўлиб ҳисобланадими? “Ҳа”ми ёки “Йўқ”, нима сабабдан шундай?
3. Тенгдошларингиз билан орангизда умумий жиҳатлар қанчалик кўп эканини кўриш сиз учун қизиқ бўлдимиди?

4. Расм чизиш

Мақсад: Гуруҳ иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳиссини ошириш.

Материаллар:

- Расм чизиш учун қоғоз
- Рангли ручкалар

Тадбирни олиб бориш: Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинадилар, ҳар бир гуруҳга ўз командасининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш топшириғи берилади. Шу тариқа иштирокчилардан ўз командасини акс эттирувчи расмлар ёки карикатуралар тайёрлаш сўралади.

Шундан сўнг тенгдошлар ўзаро расм алмашадилар ва фасилитатор дискуссияни бошлайди. Бу дискуссия давомида иштирокчилар командада ишлаш ҳақидаги умумий тушунчани аниқлайдилар.

5. Гуруҳ муҳокамаси

Аввалги машқ асосида кейс ўтказилади. Бунинг учун фасилитатор танланган уч савол бўйича умумий позицияни топиш мақсадида муҳокама бошлайди. Масалан, қўйидаги саволларни муҳокама қилиш мумкин:

- Командадаги барча аъзоларга қандай қилиб бир хил муносабатда бўлиш мумкин? (командада тортиниб турадиган ва устунлик қиладиган одамлар ҳар доим бўлади – эътибор қилинг: команда кучи унинг энг заиф аъзоси кучига тенгдир);
- одамларни қандай қилиб фаол рағбатлантириш мумкин? (команданинг шунчаки пассив (суст) аъзоси бўлиш ярамайди, команда руҳини кўтариш учун кимдир актив (фаол) бўлиши лозим);

- ихтилофларни қандай ҳал қилиш керак (умумий мақсадга эришишнинг конкрет усули ҳақида келишиб олиш жуда муҳим, масалан, овоз бериш йўли билан).

Саволлар юзасидан келишиб олинганидан сўнг иштирокчилар 3 гуруҳга бўлинадилар, гуруҳларнинг ҳар бири уч саволдан бирини муҳокама қилади. Улар қўйидаги унсурлар юзасидан батафсил тўхталадилар:

1. Муаммонинг асосий сабаблари?
2. Муаммога қандай чап бериш мумкин?
3. Муаммоларни ҳал қилиш ёки ҳал қилмасликнинг оқибати қандай бўлиши мумкин?
4. Муаммони бир одам бир ўзи, мустақил равишда ҳал қилиши мумкинми?
5. Биргаликда ишлайдиган команда муаммони ҳал қилишда яхшироқ натижаларга эришиши мумкинми?

6. Менинг командадаги ролим (ўз-ўзини англаш)

Мақсад: Ўз-ўзини англаш тушунчаси ва унинг ўзни назорат қилишдаги аҳамиятини аниқлаш.

Шахсни ўрганишда сўнгги штрихлардан бири **шахснинг ўз-ўзини англаши** бўлиб ҳисобланади. **Шахснинг ўз-ўзини англаши** бу унинг шахсий “Мен”ини аниқлаш, ўзини атроф-муҳитдан ажратиш қобилиятидир. Ўз-ўзини англашсиз шахс мавжуд эмас.

Ўз-ўзини англаш инсон туғилган пайтда, шахс ривожлаши аввалида юзага келади ва инсон характери ва шахси шаклланиши мобайнида ўзгариб боради. Туғилганидан бошлаб кичкина бола ўзини бошқалардан ўз “Мен”и воситасида ажратади. Бу кўриш орқали қабул қилинаётган тимсолларга мувофиқ чегаралаш ва ўз “Мен”ини (Мен кўряпман) бошқалардан ажратишга қодир психик ҳодисадир, ўз ҳиссий кечинмаларини идрок қилишдир (Мен ҳис қиляпман, Мен тушунаяпман). Бу ҳодиса туфайли инсон ўзини бошқалардан ажратишга қодирдир.

Ўз-ўзини англаш илк қадамдан бошланиб инсоннинг психик ривожланиши шаклланадиган ўсмир ёшигача шаклланади. Ўз-ўзини англаш шаклланишида биринчи босқич кишининг ўз танасига, маконда ҳаракатланиш ва баданга жисмоний дахлга муносабат (ўзни яхши ёки ёмон ҳис қилиш) бўлиб ҳисобланади.

Сўнгра ўз-ўзини англаш мустақилликни ифода қилиб (яъни “Мен” мустақил равишда, бошқаларнинг ёрдамисиз ҳаракатланади), бошқа одамларга нисбатан хатти-ҳаракатни белгилайди. Кейин эса кишининг жинсини белгилашга муносабат ва бошқа жинсга нисбатан кечинмалар шаклланади. Сўзлашишни ўрганиб олганидан кейин инсон бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатини ўз ихтиёрига кўра йўналтира олади.

Ўз-ўзини англашнинг асосий функцияларидан бири бу кишининг ўз хатти-ҳаракатларини регуляция қилишдир (бошқаришдир). Шахснинг ўзини тутиши орттирилган билимлар ва инсоннинг ўзи ҳақидаги тасаввури билан белгиланади. Инсон ўзи ҳақидаги билимларни қанча ўзлаштирган бўлса, шунча ўз имкониятларини намоён қила олади. Инсоннинг ўзига берган баҳосини ўзни тутишда бировга қарам бўлмаслик, ўзига ишонч белгилаб беради. Ўз-ўзини англаш таърифига мувофиқ, бу ифоданинг натижаси “Мен – концепция” бўлиб ҳисобланади. Бу атама остида, одатда, кишининг ўзи ҳақидаги тасаввурлари йиғиндиси тушунилади. Бу индивидуумнинг кузатишлар, таҳлиллар ва ўзини турли ролларда кўриш натижасида юзага келувчи хусусиятлари умумлашма тимсолидир. Мен – концепция кишининг жамиятда ўзини тутишининг асосий чизиғини белгилаб беради. Аммо бу концепция шахсда турли образларни қўллаб кўриш билан ўзгариб боради. “Мен” реал бўлиши мумкин, идеал бўлиши мумкин, мифик бўлиши мумкин, инъикосий бўлиши мумкин. Мен – концепция инсоннинг ўзига берган баҳоси, атрофидаги жамиятнинг унга берган баҳосига боғлиқ бўлади. Танқидий баҳо туфайли шахс шаклланишда ва ривожланишда давом этади.

Шу тариқа, ўзни назорат қилиш ва чор-атрофга ижобий таъсир кўрсатиш учун киши ўз-ўзини англашнинг муайян даражасига эга бўлиши муҳимдир.

7. Ролларни қабул қилиш юзасидан фикр алмашиш

Мақсад: Командада турли ролларни аниқлаш.

Тадбирни олиб бориш: Фасилитатор сўров ўтказиш мақсадида иштирокчиларга турли роллар тайин қилади.



Аниқлик киритувчи: “тушунтиради ёки тахмин қилади; шартларни белгилайди; командага саволларни англатади; чигал вазиятларга аниқлик киритади”

Мурасага келтирувчи: “Ўзининг ғояларига нисбатан шубҳа билдирилганда ўз позициясини ақс эттирган мурасани таклиф қилади; жипслашиб ишлаш ва команданинг ўсиши ҳамда осойишталик бўлиши учун ғояларни ўзгартиради”. Бироқ мурасага келтирувчи ўз ғояларидан шунчаки воз кечиб юбориши эмас, балки гуруҳ кўпроқ манфаатга эришиши йўлида “бериш ва олиш” га тайёр бўлиши керак.



Консенсус қабул қилувчи: “Командадан қарор қабул қилишга тайёр ёки эмаслигини сўрайди; саволлар беради ва эҳтимолий қарорларни текшириб кўриш учун изохлар беради”.

Илҳомлантирувчи: “Бошқаларга нисбатан дўстона ва хайрихоҳ иштирокчи; командадаги бошқаларнинг “қўшган ҳиссаси” ни қабул қилганини имо-ишоралари ёки изоҳлари билан ифода этиб туради”.





Эргашувчи: “Команда ортидан эргашади; бошқаларнинг ғояларини пассив равишда қабул қилади; командада муҳокама бўлаётган ва қарор қабул қилинаётган пайтда тингловчи бўлиб туради”.

Воситачи: “Коммуникация (алоқа) каналлари очиқ сақлаб турилишига ёрдам беради; бошқалар иштирокига кўмаклашади; изоҳлар билан ўртоқлашишга имкон берувчи процедураларни таклиф қилади”.



Уйғунлаштирувчи: “Ихтилофларни аритишга ҳаракат қилади; тарангликни юмшатади, одамларни ўзаро фарқларни ўрганишга мажбур қилади”.

Ахборот қидирувчи: “Фактлар билан тушунтиришни сўрайди; баҳсга алоқадор фактларни талаб қилади”.



Информатор (ахборот етказувчи): “Фактлар таклиф қилади; ҳис-туйғулар ва фикрларни ифода қилади”.

Ташаббускор: “Мақсад, вазифа ёки хатти-ҳаракатларни таклиф қилади; команда олдида турган муаммони белгилайди; уларни ҳал қилиш йўллариини таклиф қилади”.



Фикр изловчи: “Муҳокама қилинаётган мавзуга алоқадор қадриятларни ойдинлаштиришни сўрайди; муқобил таклифларга киритилган қадриятларга нисбатан шубҳа билдиради”.

Ориентатор (йўналишни белгиловчи): “Команданинг ўз мақсадларига нисбатан позициясини белгилайди; келишилган йўналиш ёки мақсадлардан оғиш бўлган жойларни кўрсатади; командада муҳокама ўтказилаётган пайтда олиб борилаётган йўналишлар ҳақидаги масалаларни кўтариб чиқади”.



Синовчи/Ўлчовчи: “Ғояларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилади; ғоялар иш бериш-бермаслигини кўриш учун уларни муайян вазиятда қўллаш мумкин ёки эмаслигини текширувдан ўткази”.

Стандартлар ўрнатувчи: “Команда эришишга ҳаракат қиладиган стандартларни ўрнатади; командага оид иш сифатини баҳолашда стандартларни қўллайди”.



Жамловчи: “Бир-бири билан боғлиқ ғояларни бирлаштиради; янгитдан таклиф тузиб чиқади; команда кўриб чиқиши учун қарор ёки хулосалар таклиф қилади”.

Иштирокчиларга қуйидаги саволни беринг: киши командада ҳар доим ҳам фақат биттагина ролни ўйнайдими? (Эътибор қилинг, одамлар бирданига бир неча ролни ҳам бажариши мумкин, гарчи бу роллардан бири устунлик қилса-да.)

Рамзий роллар варағи

Йўриқнома (инструкция):

Иштирокчилар қуйида келтирилган жадвални тўлдирадилар. Даставвал улар санаб ўтилган “тавсифномалар” билан танишиб чиқадилар. Кейин эса иштирокчилар команданинг ҳар бир аъзосини кўздан кечириб, улар назарида, ўз тенгдошларига кўпроқ мувофиқ келадиган роль рўпарасидаги устунга уларнинг исмларини ёзиб чиқишлари лозим бўлади. *Бир иштирокчи-га битта ёки бир нечта роль берилиши мумкин, бироқ роллар сони **учтадан ошмаслиги** шарт, шунингдек, улар бажарадиган асосий ролни айлана ичига олиб қўйиш керак бўлади.* Қарорлар (роль берилган киши фикридан фарқли ўлароқ) гуруҳ динамикаси, вазифалар, мажбуриятлар, шахс ва шу каби омилларни ўз ичига олган ҳолда, команда қабул қилишига асосланган бўлиши лозим.



Роль	Исм	Исм	Исм	Исм	Исм
Исмлар:					
Аниқлик киритувчи					
Муросага келтирувчи					
Консенсус қабул қилувчи					

Роль	Исм	Исм	Исм	Исм	Исм
Илҳомлантирувчи					
Эргашувчи					
Воситачи/Назоратчи					
Уйғунлаштирувчи					
Ахборот қидирувчи					
Информатор (ахборот етказувчи)					
Ташаббускор					
Фикр изловчи					
Ориентатор (Йўналишни белгиловчи)					
Ўлчовчи					
Стандартлар ўрнатувчи					
Жамловчи					

8. “Минора” машқи

Мақсад: Ҳар бир иштирокчига мувофиқ характеристикани аниқлаш.

Материаллар:

- 2 дона флип;
- 1 та маркер;
- 0.3 м скотч;
- 3-4 варақ турли рангдаги қоғоз.

Тадбирни олиб бориш: Фасилитатор иштирокчиларни икки гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳ ўз ичидан кузатувчилик қиладиган бир одамни танлаши зарур. Ҳар бир команданинг вазифаси “Минора” қуришдир. “Минора” баланд, пишиқ-пухта ва чиройли бўлиши лозим. Кузатувчилар қурилиш жараёнини кузатиб боради ва иштирокчилар уларга тайинланган ролни бажараётган-бажармаётганини қайд этиб боради.

Бу машқ пайтида иштирокчилар командадаги ҳар бир иштирокчининг роли нақадар муҳимлигини ҳамда ролларни тўғри тақсимлаш иш натижасига қандай таъсир кўрсатишини англаб етадилар.

Қурилган “Минора” тақдимотидан сўнг кузатувчилар аслида гуруҳнинг у ёки бу иштирокчиси учун хос бўлган характеристикани айтиб берадилар.

9. Хулоса

Хулоса чиқариш вақти етди. Фасилитатор иштирокчилар билан биргаликда семинарнинг асосий ғоялари қайсилар бўлгани ҳамда бундан иштирокчилар нималар олишлари мумкинлиги юзасидан натижа ва хулосалар чиқаради. Шунингдек, иштирокчилар семинар ўзлари учун ижобий тажриба бўлган-бўлмагани ва бунга уларнинг ўзлари қанчалик ҳаракат қилганлари

ҳақида ўйлаб кўришлари лозим бўлади. Энди улар командада ўзларига тўғри келадиган роллар ҳақида билиб олдилар. Улар ўзларига мувофиқ роль воситасида команда ишига янада кўпроқ ҳисса қўшиш учун ўз малакаларини чархлашга жаҳд қилишлари лозим бўлса-да, иштирокчиларнинг ҳар бири “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” курсини ўрганиш чоғида ўзи учун хос бўлмаган ролларни ҳам амалиётда қўллаш имкониятига эга бўлади.

«Менинг осойишта ва хавфсиз мактабим» Бишкекдаги 24-мактабда амалиётга татбиқ этилди

Тенг мураббий, 9-синф ўқувчиси Алтинай Юсупова билан интервью



Сиз 15 кишидан иборат ўз командангизни қандай туздингиз?

«Гапимни энг бошидан бошлай қолай, мактабимизда бўлиб ўтган сайловдан сўнг команда тузишим керак эди. Менда бошлаган ишимни охирига етказа олишимга етарлича ишонч йўқ эди. Лекин тренеримиз Марал эженнинг: «Сизларнинг ўрнингизда бўлганимда, бундай имкониятни қўлдан бой бермасдим» деган сўзи менда ўзимга бўлган ишончни оширди ва мен ишимда давом этдим. Биринчи

босқичда менга ҳар тарафдан: «Биз у ерда нима қиламиз?», «Бу қизиқ бўладими?» ва бошқа шу каби кўп саволлар ёғила бошлади. Болаларни командамга жалб қилиш учун мен уларга гуруҳда мавзулар муҳокамаси, ўйинлар, саҳна кўринишларини қўйиш қанчалар қизиқ бўлиши ҳақида сўзлаб бердим. Командани шакллантириб бўлганимдан кейин ҳам жуда қийин бўлди, кўрқдим, мен ҳатто лойиҳадан воз кечиш ҳақида ўйлай бошладим, «режалаштирган ишларимиз амалга ошадими, командамиз муваффақиятга эриша оладими?» дея кўп ўйландим. Ўша пайтда мени синфдошларим, дўстларим ва Марал эже қўлловини ҳис қилдим. Бу ёрдам ва дастак менда кўп ижобий таассурот қолдирди, мен бу таассуротларни доим ёдда сақлайман ва қадрлайман!»

Бу лойиҳадан сиз нималар кутяпсиз?

«Мен ўзим интиланган катта натижа ва ютуқларни, менга фойда келтирадиган ва келажакда олдимда катта истиқболларни очадиган маълумотларни кутяпман.

Лойиҳадан сўнг менинг ўзимга ишончим ошади, билимларимни бошқа одамлар билан ўртоқлашиб, уларнинг имкониятларини очишда ёрдам бера оламан. Мен дискриминация ва унга қарши курашиш йўллари ҳақида сўзлаш, бошқаларга ёрдам бериш нақадар яхши иш эканлигини намоён қилиш имкониятига эга бўламан!

Мен ўзимни ва атрофимдаги инсонларни ўзгартиришни истайман, кимнидир хайрли ишга илҳомлантирганимни, командамга билим ва малакаларимни улашганимни, улар эса бу билимларни қабул қилиб олиб, ҳаракат бошлаганини кўргим келади!

Бу лойиҳадан сўнг менинг ва командамнинг билими ошиши муқаррар! Биз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таниймиз, биз ҳақиқат, дискриминация турлари ва жамиятдаги стереотипларни ўрганамиз. Биз келажакни ўзгартиришда ёрдам бера оладиган қимматли билимларга эга бўламиз».

Пост-тест:

1. “Тимбилдинг” (команда тузиш) сессиясидан ўзингиз учун чиқарган энг муҳим сабоқ қайси бўлди?

2. Гуруҳингиз сизнинг мактабингизни янада хавфсизроқ ва осойиштароқ қилиш учун бuni қандай қўллаши мумкин?

3. Олинган билимларни кундалик ҳаётингизда қандай қўлламоқчисиз?

4. “Тимбилдинг” сессиясини янада яхшилаш бўйича таклифларингиз борми?

5. “Команда” тушунчасига таъриф беринг.

6. Самарали ишлаш учун команда қандай сифатлар ва унсурларга эга бўлиши лозим?

1-сессия: Тимбилдинг (команда тузиш)

7. Сиз командада ишлашни маъқул кўрасизми ёки якка ўзингиз ишлашними?

8. Нима деб ўйлайсиз, командада ишлаш фойдали бўлиши мумкинми?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

9. Ўз ҳаётингизга назар солиб кўринг - Сиз қайси командаларнинг бир қисми бўлиб ҳисобланасиз?

10. Мактабда команда бўлиб ишлашга муносабатингиз қанақа?

11. Команданинг айрим аъзолари, сизнингча, қайси ролларга мувофиқ келади?

12. Команда руҳини сақлаб туриш учун команда аъзолари асосланишлари лозим бўлган энг яхши роллар қайсилар?

13. Қай бири самаралироқ: командада ишлашми ёки якка ҳолдами?



02

“Тенгга тенг”
принципи (ТТП)

2-сессия: “Тенгга тенг” принципи (ТТП)

Мақсад: Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитиш методологияси ва унинг самарадорлиги билан таништириш ҳамда тенгга тенг тамойили бўйича ёндошув орқали иштирокчиларда тенглик, яхши хулқ тушунчасини ривожлантириш.

Вақт: 1 соат 20 дақиқа.

Сессия режаси:

№	Тадбирлар	Мақсадлар	Зарур материаллар	Вақт
	Пре-тест			5 дақиқа
1	Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитиш билан таништириш, услуб – маъруза	ТТП ў фалсафаси, мақсади ва умумий ғояси билан таништириш ва тушунтириш		20 дақиқа
2	Қиздирувчи тадбирлар: – Фикрий ҳужум “Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитишнинг қандай афзалликлари бор?” – Тенгга тенг ёндошувини тренингден кейин ўз тенгдошларингиз орасида қандай тарқатасиз?	Тенгга тенг ёндошувини ойдинлаштириб олиш, тренингден кейин тенгга тенг ёндошувидан фойдаланиш ҳақида фикрларни йиғиш	Флипчарт	30 дақиқа
3	Хотима/Акс алоқа “Сессия чоғида нималарни билиб олдингиз ва ҳис қилдингиз?”	Олинган билимлар билан ўртоқлашиш ва сессиянинг асосий тушунчаларини мустаҳкамлаш		15 дақиқа
	Пост-тест	Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитиш методи ҳақидаги иштирокчилар билим даражасини ҳамда тренингнинг ўтказилиш сифатини баҳолаш		10 дақиқа

Пре-тест:

“Тенгга тенг” тамойили бўйича тренинга иштирок этаётганингиз учун сизга миннатдорчилик билдирамиз. Сизнинг бу мавзуда билим даражангиз қандай эканини баҳолай олишимиз учун, марҳамат қилиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг. Бу ерда нотўғри жавоб бўлиши мумкин эмаслигини эътиборга олинг. Бу шунчаки ушбу тренинг учун кўрсатма, холос.

Жинс: ☐ эркак ☐ аёл (зарурининг тагига чизинг)

1. Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитиш бу ўзаро тенг одамлар ўртасидаги таълимий ёки биргаликда ўқиб-ўрганишга оид муносабатлардир.

☐ Тўлалигича қўшиламан ☐ Билмайман ☐ Мутлақо қўшилмайман

2. Тенг – бу бошқалар билан бир хил ижтимоий гуруҳ, жинс ва ёш тоифасига мансуб бўлган кишидир.

☐ Тўлалигича қўшиламан ☐ Билмайман ☐ Мутлақо қўшилмайман

3. Мен тренинга фаол иштирок этаман ва фойдали маълумотларни ўрганиб оламан, чунки бу келажакда менга фойда беради.

☐ Тўлалигича қўшиламан ☐ Билмайман ☐ Мутлақо қўшилмайман

4. Тренинг тугаганидан кейин мен барча материаллар ва билимларни дўстларим ва қариндошларим билан ўртоқлашаман.


☐ Тўлалигича қўшиламан ☐ Билмайман ☐ Мутлақо қўшилмайман

5. Ҳар бир одам тенг инструктор бўла олиши мумкин.

☐ Тўлалигича қўшиламан ☐ Билмайман ☐ Мутлақо қўшилмайман

1-маъруза: Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитиш методи нима, унинг мақсадлари, самарадорлиги ва фалсафаси қандай?

Мақсад: ўқувчиларни тенгга тенг тамойили бўйича ўқитиш методи билан таништириш ва унинг самарадорлигини баён қилиш; шунингдек, тенгга тенг тамойилига ёндошув орқали улардаги тенглик, яхши хулқ-атвор тушунчасини ривожлантириш. Тренингдан сўнг иштирокчилар буни ўз тенгдошларига ўргатишлари мумкин.



Эслатма! Тенглик принципи тенгга тенг усулига ёндошувни мустаҳкамлайди. Ўқиш жараёнида ҳамма тенг ва бир хил мақомда бўлади. Барчага бир хил ва тенгдек муомалада бўлиш ҳурмат ва ҳамдардликни талаб қилади. Иерархия ва тенгсизликка асосланган муносабат олқишланмайди!

Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитиш методига кириш

“Тенгга тенг” тамойили бўйича ўқитиш нима? Сессиямизни бошлашдан аввал биз “Тенгга тенг” тамойили (бундан буён матнда ТТТ) бўйича ўқитиш методи нимадан иборат эканини, унинг ғоялари ва мақсадлари қандай тушуниб олишимиз ҳамда бу методдан фойдаланишнинг афзал жиҳатларини белгилаб олишимиз лозим.

“Тенгга тенг” тамойили (ТТТ) ўқитиш методи бўлиб, унда таълим олган тенгдошлар ўз гуруҳи аъзолари учун норасмий ва таълимий тадбирларни ўтказадилар.

Тенгдошлар ёши, маълумоти, қизиқишлари бир хил бўлган, бир хил мақсад, маълумот, маслак ва ҳаётий малакага эга бўлган одамлар гуруҳидир. “Тенгга тенг” тамойили бўйича ўқитиш жараёнида тенгдошлар бир-бирининг хулқ-атворига ижобий томондан таъсир кўрсатадилар.

“Тенгга тенг” тамойили бўйича таълим ёндошувининг умумий мақсади гуруҳда муайян хулқ-атворни ишлаб чиқиш ва унга эришиш бўлиб ҳисобланади. “Муайян хулқ-атвор” деганда вазиятни, тенгдошлар нуқтаи назарини ва гуруҳ аъзолари маслагини теран англаш тушунилади. Масалан, гуруҳнинг (дарсларда доим аъло баҳолар олиб келган) обрўли лидери тенгдошлар орасида тенгсизликнинг бўлиши жамият ривожига салбий таъсир кўрсатишига амин бўлса, гуруҳнинг бошқа аъзолари, одатда, унинг нуқтаи назарини қабул қиладилар ва унинг тажрибасини кундалик турмушда қўллайдилар.

“Тенгга тенг” тамойили бўйича таълим дастури битта ижтимоий гуруҳга мансуб бошқа одамлардан ўқиб-ўрганадиган одамларни ўз ичига олади. Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитишда иштирокчиларнинг ўзаро муносабати бу барча билим ва ҳокимиятга эга ўқитувчининг бундай билим ва ҳокимиятга эга бўлмаган ўқувчи устидан ҳукмронлик қилиши эмас, балки бир-бирига тенг бўлган одамларнинг ўзаро муносабати бўлиб ҳисобланади.

“Тенгга тенг” тамойили бўйича таълим дастури бу бутун жамоат ичида зарур маълумотни тарқатиш орқали хизматлар сифатини ошириш усули бўлиб ҳисобланади. Бундай дастурлар ёрдамида одамлар ўз жамоатини мустаҳкамлаш, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини ҳимоя қилиш ҳамда ўз ҳаёти устидан кўпроқ назоратга эга бўлиш учун билим олишлари ва кўникмалар ҳосил қилишлари мумкин.

Ўз ишининг устасига айланиш ҳамда шогирдларига касб ўргатиш учун йўлида давом этган гишт терувчи каби тенгга тенг тамойили бўйича таълим дастури иштирокчилари ўз ҳамжамиятида лидерга айланишлари ва ўзлари билган нарсаларни бошқаларга ўргатишлари мумкин.

“Тенгга тенг” тамойили бўйича таълимда ишонч ва ҳурматнинг асоси, ҳадаф гуруҳи фикрига кўра, информатор (маълумот етказувчи) тенгдошлар бўлиб ҳисобланади. Тенгга тенг тамойили бўйича ўқиш ўтказилиши учун кадр тайёрлашда иштирок этаётган ёшлар кўпинча тренерлар билан ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик осонлашаётгани учун ҳам ҳурматга сазовордирлар. Тенгга тенг тамойили бўйича таълимда тренер ва гуруҳнинг қизиқишлари умумий бўлади, улар бир хил муסיқани, бир хил машҳур шахсларни ёқтиришади, бир тилда сўзлашишади, муаммолари ҳам (оилавий муносабатлар, мустақиллик учун кураш, таълим, ўз тақдири ўзи белгилаш каби) бир хил. Ёш информаторларни бошқаларга юқоридан туриб қарайдиганлар ва ҳулқ-атворга дохил шикоятларга салбий муносабатда бўладиганлар тоифасидан, деб қараш тўғри бўлмайди. Аксинча, тенгдош томонидан олиб бориладиган дарс ёшлар томонидан ёш бўлиш нима эканини тушунадиган дўстнинг маслаҳати сифатида қабул қилинади. Ёшлар ўз тенгдошларидан олаётган маълумотнинг катта қисми жуда нозик ёки жамият орасида муҳокама қилиниши таъқиқланган масалалар сирасига киришига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Бундай таълим ёшларнинг қобилиятларини кучайтиради: у ёшларнинг ўзларига бевосита дахлдор жараёнларда иштирок этишига имкон яратади ҳамда улар муҳтож бўлган маълумот ва хизматларга эга бўлиш ҳуқуқини беради.

“Тенгга тенг” тамойили бўйича таълимни турли шароитларда – мактабларда, ёшлар клубларида, ишхонада, кўчада, масжидларда ёки ёшлар бир-бирлари билан тез-тез учрашиб турадиган бошқа исталган жойда кичик гуруҳларда ёки якка тартибда олиб бориш мумкин”.



2. Фикрий ҳужум

Мақсад: Тенгга тенг ёндошувини ойдинлаштириш, тренингдан кейин тенгга тенг ёндошувидан фойдаланиш ҳақидаги фикрларни йиғиш.

Тадбирни олиб бориш:

Иштирокчиларни икки гуруҳга бўлинг. Ҳар бир гуруҳга қуйидаги саволларни беринг:

1. “Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитиш методининг қандай афзал жиҳатлари ва қандай камчиликлари бор?”
2. “Тренингдан кейин тенгга тенг ёндошувини ўз тенгдошларингиз орасида қандай ёймоқчисиз?”

Шундан сўнг ҳар бир гуруҳ фикрий ҳужум ўтказади ва ўз тушунчасини бошқа гуруҳга тақдим қилади. Иккинчи гуруҳ ҳам худди шу ишни такрорлайди. Гуруҳлар тенг мураббий/фасилитатор ёрдамида натижаларни муҳокама қиладилар. Сўнг иштирокчилар “фикрий ҳужум” методи ҳақида ўзаро фикр алмашадилар.

3. Хотима/Акс алоқа: Тренинг чоғида нималарни билиб олдингиз ва нималарни ҳис қилдингиз?

Мақсад: Олинган билимлар билан ўртоқлашиш ва сессиянинг асосий тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Тадбирни олиб бориш: Ҳар бир иштирокчи семинар ва тадбирлар муҳокамасида иштирок этади, ушбу семинар чоғида олинган билимларини намоён қилади. Фасилитатор коптокдан фойдаланган ҳолда, “қор уюми” ўйини методи билан ҳар бир иштирокчига умумлаштирувчи саволлар беради ва сессия якунини чиқаради.

Баҳолаш тести

Мақсад: Тенгга тенг тамойили бўйича ўқитиш методи ҳақидаги иштирокчилар билим даражасини ҳамда тренингнинг ўтказилиш сифатини баҳолаш.

Тадбирни олиб бори: Иштирокчиларнинг барчаси пост-тест варағини тўлдирадилар.

Пост-тест :

1. Тренинг сизга ёқдими ва нима учун?

2. Бугун сизга энг ёққан нарсa нима бўлди?

3. Сессиядан нималарни билиб олдингиз?

4. Семинарда сизга ёқмаган нарсалар бўлдимиди? Марҳамат қилиб, аниқроқ ёзинг.

5. Тренинг чоғида олинган маълумотларни кейинчалик кундалик турмушингизда қўллай оласизми?

6. “Тенгга тенг” таълими бўйича сессияни янада яхшилаш борасида қандай таклифларингиз бор?



Гендерга оид адолат ва инсон ҳуқуқлари

02

Инсон ҳуқуқлари ва аёллар ҳуқуқлари тарихи	42
Гендер ва гендерга оид зўравонлик	64
Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш	72
Оилавий зўравонлик	86
Вояга етмаганлар билан никоҳ қуриш	98

Бўлим мақсади: Қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишига оид ноҳуш ҳодисаларни камайтиришга қаратилган гендерга оид адолатни олға суришда ёшлар фаоллигини ошириш. Бўлим жинсий мансубият бўйича дискриминация, турмуш қуришга мажбурлаш, жумладан, эрта турмуш қуришга мажбурлаш ва оиладаги зўравонлик каби масалаларни кўриб чиқади.

Мазкур бўлим юқори синф ўқувчилари ва бошқа фаол ёшларнинг салоҳиятини оширишга – ватанпарвар сифатида, ўз ватани манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мактабларда, ҳамжамиятларда қизлар ва ўғил болалар ҳуқуқ ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилароқ, эркак ва аёлларга тенг муносабатда бўлиш ва оиладаги аёллар дохил қизларга нисбатан зўравонлик қўлламаслик амалиётига риоя қилиш орқали фикр юритиш ва ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган. Шу тариқа Қирғизистон ёшлари ҳар бир киши ҳурмат ва ҳавфсизлик билан таъминланган барқарор давлат қурилишига ёрдам беради. Ўзининг барча фуқаролари ва бу ерда яшовчи кишиларга бирдек муносабатда бўлган давлатгина фаровонлик ва тараққиётга эришиши мумкин. Дейлик, агар биз қашшоқлик, жаҳолат ва тегишлича бошқарув тизимининг йўқлиги кабилардан қутулмоқчи бўлсак, бир-биримизга тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига риоя қилган ҳолда муносабатда бўлишимиз лозим.

Қайд этиш жоизки, жамият ҳамда унинг юзага келишига замин ўлароқ хизмат қилган қадриятлар вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Америкада қўллик бор-йўғи 150 йил аввал бекор қилинган, қора танлилар эса 50 йил аввалгина овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганлар. Россияда крепостной ҳуқуқ (помешчикларнинг ўзига қарашли деҳқонларга, уларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эгалик қилиш ҳуқуқи) фақат Октябрь инқилобидан сўнггина тугатилган. Қирғизистоннинг аксар қисмида одамлар кўчманчи ҳаёт тарзини кечириб, отларда юрганлар, ҳозир эса кўпчилик шаҳарларда яшайди ва машиналарда юради – қишлоқларда яшовчи кишиларнинг аксарияти ҳам шаҳарларда яшашни ва ишлашни истайди. Афтидан, қадриятларимиз ва анъаналаримиз вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Замонавий индустриал жамиятлар ишчи кучига - саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаш учун малакали аёл ва эркакларга муҳтож. Агар кўплари раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган аёллар иқтисодийнинг барча жабҳаларида фаол бўлмаганларида эди, бой жамиятлар ҳозиргидек бадавлат бўлиб, юқори турмуш даражасига эриша олмаган бўларди. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичи энг юқори бўлган Осиё мамлакатлари, Малайзияга ўхшаган асосан мусулмонлар яшовчи давлатлар ишчи кучининг барча секторларида аёллар тимсолидаги яхши тайёргарликдан ўтган кадрларга эга. Агар Қирғизистон тараққий топган жамиятга айланишни истаса, у ҳолда одамлар ўзларининг эски стереотипларини қайта кўриб чиқишлари лозим бўлади. Фақат тенглик ва барчанинг тенг ҳуқуқли бўлиши томон амалга оширилган прогрессив ижтимоий ўзгаришларгина мамлакатга иқтисодий ва технологик жиҳатдан мунтазам равишда такомиллашиб бораётган, ўз фуқароларига ўзи, оиласи, жамияти ва мамлакати манфаати учун биргаликда астойдил меҳнат қилаётган ўқимишли ва малакали одамларга асосланган қўлай турмуш шароитини тақдим этувчи бошқа кўплаб мамлакатлар сафига қўшилиш учун имкон яратади. Қонун ўстиворлиги томонидан кафолатланмиш гендер тенглиги ва барча учун тенг имконият берилишининг энг юқори даражасига етган Скандинавия ва Шимолий Европанинг кўплаб мамлакатлари кабилар энг тараққий топган, энг юқори турмуш даражасига эга бўлган ва энг юқори ҳаёт давомийлигига эга бўлган мамлакатлар бўлиб ҳисобланиши бизни ҳайрон қолдирмаслиги керак. Шу тариқа, Қирғизистоннинг келажаги порлоқ бўлиш-бўлмаслигини ҳал қилиш мамлакат аҳолисининг ҳозир мактабни битираётган қисми қўлидадир. Қашшоқликнинг кенг қўлоқ ёйишига, қонун ва ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига, кўплаб аёл ва эркакларнинг шахсан ҳимоя қилинмаганига олиб келган йўлнинг ўзгаришсиз давом этиши халқ ичидаги аксариятга яхши ҳаёт олиб келмагани аниқ. Мабодо сиз бу вазиятни яхшиламоқчи бўлсангиз, сиз мамлакат фуқароси сифатида “эски ҳақиқатлар” устида бош қотиришингиз, ҳаммаси қандай амалга ошириб келингани ва ҳалигача қандай қилиб келинаётгани ҳақида ўйланиб кўришингиз керак. Бироқ бунинг самарали равишда амалга ошириш учун қонунга риоя қилишингиз ва Конституция томонидан кафолатланган ўз фуқаролик ҳақ-ҳуқуқларингиздан фойдаланишингиз керак. Иш гендер муносабатларини тенглик томон олға силжитиш кераклигини қайта тафаккур қилишдан бошланса, вақт ўтиши билан бу янада адолатлироқ ва фаровонроқ жамият ва мамлакат шаклида ўз меvasини беради. Шу тариқа, гендерга оид роллар ўзгаришсиз қоладими ёки яхши томонга ўзгарадими – кўп жиҳатдан жамиятнинг хоҳиш-истагига, унинг Қирғизистонни келажакда қандай кўришни исташига боғлиқ.

Мазкур бўлимда ёшлар гендер ҳамда гендер тенглигига оид асосий тушунчалар билан таниша оладилар, “жинс” ва “гендер” ўртасидаги фарқни ўрганадилар, гендерга оид зўравонлик нима эканини билиб оладилар. Улар қизларга нисбатан зўравонлик турлари ҳақида маълумот оладилар, қизларни никоҳ учун қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш, балоғатга етмаганлар билан никоҳ қуриш ва оиладаги зўравонлик каби зўравонлик турлари ҳақида батафсилроқ билиб оладилар. Ёшлар ўзлари ва тенгдошлари учун гендерга оид адолатни олға суриш ҳамда оилада, мактабда ва ҳамжамиятда чораларни амалга ошириш ва жавобгар шахсларнинг (давлат амалдорлари) ўз вазифаларини бажариш чоғидаги хатти-ҳаракатлари юзасидан мониторинг ўтказиш орқали қизлар устидан зўравонлик ҳолатларини камайтириш бўйича ўзлари ва тенгдошлари учун тавсиялар ишлаб чиқишга муваффақ бўлишлари кутилади.

«Менинг осойишта ва хавфсиз мактабим» Бишкекдаги 58-мактабда амалиётга татбиқ этилди

Тенг мураббий, 9-синф ўқувчиси Айжан Ўсмўнова билан интервью



Сиз 15 кишидан иборат ўз командангизни қандай туздингиз?

«Аввало, сайлов пайтида мени қўллаган ва овоз берган барча-барчага самимий ташаккурларимни айтаман. Шу инсонлар туфайли мен лойиҳага ўтдим.

Маълум бўлишича, бир неча мактабдошим мени қўллаш учунгина командамга ёзилган экан, улар ишнинг моҳиятини охиригача тушунмаган бўлишлари ҳам мумкин, аммо уларга ҳам раҳмат. Шунга қарамай, мен мустақкам ва ҳамжиҳат команда туза олдим, командам

аъзолари бир-бирларига ва ўзларига ишонишади ҳамда бир-бирини ҳурмат қилишади.

Албатта, қийинчиликлар бўлди, қийинчилик қаерда йўқ дейсиз! Бошида бу иш, яъни 15 кишидан иборат команда тузиш, уларни ҳар ҳафта икки соатга тўплаш амалга ошмайдиган ишга ўхшарди. Бироқ лойиҳани уларга тушунарли йўсинда етказиш ва уларга бўлган дўстона муомала вазиятни ўзгартирди. Жуда оғир бўлгани йўқ, чунки дўстларим мени доим қўллаб-қувватлаб туришди, уларга мен ўзимнинг алоҳида ташаккуримни айтаман. Мен бундай аҳил, сабр-матонатли ва ишончга сазовор команда туза олишимни ҳатто ўйлаган ҳам эмасдим. Командам аъзоларига мен тўла ишонаман. Ўйлайманки, олдимизга қўйган мақсадларимизга биз албатта етамиз».

Бу лойиҳадан сиз нима кутяпсиз?

«Биринчидан, мен ўз потенциалимни ошира оламан, ўзимга бўлган ишончим ортади, деб ўйлайман. Иккинчидан, мактабимга, жамиятимга ва мамлакатимга фойдам тегишини хоҳлайман.

Лидерлик салоҳиятим ошади, деб ҳисоблайман. Одамларни қандай бошқариш нисбатида эмас, балки қандай қилиб уларни тўғри йўлга йўналтириш ва жамиятга ёрдам бериш нисбатида.

Мен ўз дунёқарашимни кенгайтирдим, команда тузишни ва команда тузишдан олдин ўз олдимга мақсад қўйишни ўргандим. Гендер тенглиги, гендер стереотиплари, зўравонлик, ҳурматсизлик ва дискриминация каби аёлларга нисбатан адолатсизликнинг нима эканини билиб олдим.

Аввалига жуда қийин бўлади, чунки ҳамма ҳар хил фикрда бўлади. Кимдир бунини шунчаки фойдасиз иш, деб ўйлайди, кимдир эса катта қизиқиш билан ҳаммасини ўргангиси келади. Ўйлайманки, кўп нарса сиз қандай таассурот қолдиришингизга ва қандай қизиқиш уйғота олишингизга боғлиқ».

Пре-тест:

1. Қизлар ва аёллар тенг ҳуқуқли бўлиши ҳамда билим олиш имкониятига эга бўлишлари керак:

☐

Ҳа

☐

Йўқ

2. Аёллар фарзанд кўрганларидан кейин, болалари устидан боқув ташкил қилинган бўлса, ишга жойлашишлари мумкин:

☐

Қўшиламан

☐

Қўшилмайман

3. Аёллар эркалар билан бир хил ишлари учун улардан кам ҳақ олишларига йўл қўйиш мумкин:

☐

Қўшиламан

☐

Қўшилмайман

4. Агар хотин бирор айб иш қилса, эр уни:

☐

Калтаклаши

☐

Пул бермай қўйиши

☐

Уйдан ҳайдаб чиқариши

☐

Боласини олиб қўйиши мумкин

☐

Уйга қамаб қўйиши

☐

Бошқа: _____

5. Қизларни никоҳ қуриш учун мажбуран олиб қочиш (“Ала-қачуу”) бу:

☐

Қирғиз ҳалқининг анъанаси

☐

Жиноят

6. Қизларни ўғирлашаётганига уларнинг ўзлари айбдор:

☐

Ҳа

☐

Йўқ

7. “Ала-қачуу” орқали қиз болани турмушга чиқишга мажбур қилишса, у ёрдам сўраб кимга мурожаат қилиши мумкин? (Биттадан ортиқ жавоб бериш мумкин)

☐

Ички ишлар идораларига

☐

Ота-онасига

☐

Прокуратурага

☐

Кризис марказларига

☐

Судга

☐

Нодавлат ташкилотларига

☐

Оқсоқоллар судига

8. Қирғизистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, фақат куёв ва келиннинг розилиги билан неча ёшдан турмуш қуришга рухсат берилади?

☐

19 ёш

☐

17 ёш

☐

18 ёш

☐

16 ёш

9. Сизнингча, никоҳни қаерда қайддан ўтказиш лозим:

☐

Фақат никоҳни қайд этиш давлат идораларида

☐

Фақат масжидларда

☐

Бошқа: _____

10. Сиз аёллар устидан зўравонликларнинг қандай турларини биласиз ёки уларни бошдан кечиргансиз/гувоҳи бўлгансиз?

11. Нима деб ўйлайсиз, аёллар устидан зўравонлик:

☐


Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммо бўлиб ҳисобланадими?

☐

Аёллар ва улар оилаларининг шахсий муаммоси бўлиб ҳисобланадими?

☐

Бошқа: _____



01

Инсон ҳуқуқлари ва аёллар ҳуқуқлари тарихи

Мақсад: Инсон ҳуқуқлари ва аёллар ҳуқуқларининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи билан, давлатнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилишни таъминлашдаги мажбуриятлари билан таништириш.

Вақт: 2 соат.

Сессия режаси:

№	Номланиши	Вақт
	Пре-тест	10 дақиқа
1	Машқ	1 соат 15 дақиқа
2	Ислом халифалиги илк даври	
3	Манас эпоси	
4	Ўрта асрлар	
5	Уйғониш даврига	
6	Иммануил Кант: Барча баробарлиги ва давлатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлари	
7	19-асрдан Биринчи Жаҳон урушигача	
8	Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари орасидаги давр	
9	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИХУД)	
10	Аёлларнинг ҳуқуқлари тенглиги: АДБК	
11	Инсон ҳуқуқларининг Совуқ уруш тугашига таъсири	5 дақиқа
12	БМТ Хавфсизлик кенгашининг аёллар, тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича резолюцияси	
13	Совуқ урушдан кейин ва 2011 йил 9 сентябридан кейинги даврда инсон ҳуқуқлари муаммолари	
14	Инсон ҳуқуқларининг келажаги	10 дақиқа
15	Қирғизистон Республикаси Конституцияси	10 дақиқа
16	Қирғизистон Республикасида гендерга оид тенгликка эришиш бўйича стратегия	10 дақиқа
	Пост-тест	10 дақиқа

Пре-тест:

1. Умуминсоний ҳақ-ҳуқуқлар ва ҳеч ким томонидан тартибга солинмайдиган ҳақ-ҳуқуқлар мавжудми? Агар бўлса, қайсилар?

• Ҳа

• Йўқ

2. Жинси, миллий мансубияти ёки динидан қатъий назар, барча одам бирдек ҳақ-ҳуқуқларга эгами?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

3. Аёллар ва қизлар ўз ҳақ-ҳуқуқларининг алоҳида ҳимоя қилинишига муҳтожми? Нима сабабдан?

• Ҳа

• Йўқ

4. Инсон ҳуқуқларидан истаган учтасини санаб беринг.

• , • , • .

5. Қиз олиб қочиш (ала-қачуу) инсон ҳуқуқларининг бузилиши бўлиб ҳисобланадими?

• Ҳа. Нима учун?

• Йўқ. Нима учун?

6. Агар инсон ҳуқуқлари барча одамлар учун (туғилишдан) хос бўлса, нима учун айрим одамлар, бунинг анъана эканини айтиб, бошқа одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини бузадилар? Уларнинг бошқа одамлар ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлмасликлари ёки фойдаланмасликлари лозимлиги юзасидан хатти-ҳаракатини қандай изоҳлаш мумкин?

Инсон ҳуқуқлари ва аёллар ҳуқуқлари тарихи



“Инсон ҳуқуқлари қайси давлат фуқароси экани, яшаш жойи, жинси, миллий мансубияти, терисининг ранги, дини, тили ёки истаган бошқа хусусиятидан қатъий назар, ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Одамларнинг барчаси бирдек ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлиб, уларга нисбатан дискриминациянинг ҳеч қайси тури қўлланилиши мумкин эмас. Бу ҳақ-ҳуқуқларнинг барчаси ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақазо этадиган ва ажралмасдир” (ИХУД). “Инсон ҳуқуқларининг тан олиниши уларни амалга ошириш учун ҳуқуқнигина эмас, балки муайян мажбуриятларнинг бажаришни ҳам англатади. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, муҳофаза қилиш ва бажариш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Инсон ҳуқуқларининг бажарилиши давлатнинг инсон ҳуқуқларини амалга оширишга аралашмаслиги ва ҳуқуқларни чеклашдан тийи-

лишини назарда тутати. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлар давлатдан қонунбузарликка йўл қўймасликни талаб қилади. Инсон ҳуқуқларининг бажарилиши давлат зиммасига инсоннинг асосий ҳуқуқлари тўсиқсиз амалга оширилишини кафолашлаш вазифасини юклайди. Индивидуал даражада ҳар бир инсон бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиши лозим” (ИХУД).

1. Машқ:

Мақсад: Иштирокчиларнинг инсон ҳуқуқлари ва аёллар ҳуқуқлари ривожланиш тарихи ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Тадбирни олиб бориш: Фасилитатор иштирокчиларни уч гуруҳга бўлади ва ҳар бир гуруҳга қуйидагича топшириқ беради – инсон ҳуқуқлари тарихининг гуруҳга ажратилган даврини 5 дақиқа ичида ўқиб чиқиш ҳамда ҳар бир даврнинг ижобий ва салбий томонларини ажратиб кўрсатган ҳолда, 10 дақиқа мобайнида қуйидаги формани тўлдириш.

Биринчи гуруҳ даврлари: Ислом халифалиги илк даври, Манас эпоси ва Иммануил Кант.

Иккинчи гуруҳ даврлари: Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари орасидаги давр, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИХУД), Аёлларнинг ҳуқуқлари тенглиги (АДБК).

Учинчи гуруҳ даврлари: Инсон ҳуқуқларининг Совуқ уруш тугашига таъсири, БМТ Хавфсизлик кенгашининг аёллар, тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича резолюцияси, Совуқ урушдан кейин ва 2011 йил 9 сентябридан кейинги даврда инсон ҳуқуқлари муаммолари.

	Ислом халифалиги илк даври	Манас эпоси	Иммануил Кант
+			
-			

	Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари орасидаги давр	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИХУД)	Аёлларнинг ҳуқуқлари тенглиги (АДБК)
+			
—			

	Инсон ҳуқуқларининг Совуқ уруш тугашига таъсири	БМТ Хавфсизлик кенгашининг аёллар, тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича резолюцияси	Совуқ урушдан кейин ва 2011 йил 9 сентябридан кейинги даврда инсон ҳуқуқлари муаммолари
+			
—			

Шундан сўнг ҳар бир гуруҳ ҳар бир давр бўйича 15 дақиқа давомида ўзлари тўлдирган формаларни тақдим қилади. Ҳар бир гуруҳ тақдимотидан кейин фасилитатор тақдим этилган уч даврнинг асосий жиҳатларини муҳокама қила бошлайди.

1. Ислом халифалиги илк даври

Ислом зодагонларнинг имтиёзга эга бўлишини қоралаган, иерархияни рад қилган ва муваффақият асоси қилиб инсоннинг қайсидир бир қабилага мансублигини эмас, балки унинг иқтидорини олган. Пайғамбар аёл жинсига мансуб чақалоқларнинг ўлдирилиши, камбағалларнинг эксплуатация қилиниши, қотиллик, сохта шартномалар ва ўғрилиқ каби хатти-ҳаракатларни қоралаган. Исломнинг эгалитарлик (тенгловчи) хусусияти Юнон-Рим ва Қадим Форс дунёси каби тараққиёт тақдим этган.

Мадина конституцияси 622 йили тузилган. У Муҳаммад алайҳиссалом билан Мадинадаги мусулмонлар, яҳудийлар ва мажусийлар дохил оилалар ҳамда асосий қабилалар ўртасида тузилган расмий шартномадан иборат эди. Ҳужжат Мадинадаги аймақлар ўртасида қабилаларaro низога чек қўйиш учун ишлаб чиқилган. Шу мақсадда конституция Мадинадаги мусулмон, яҳудий ва мажусий жамоаларини битта жамоатга – умматга жамлаб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган. Конституция жамоатнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаган, эътиқод эркинлигини жорий қилган, Мадинанинг ҳар қанақа зўравонлик ва қурол ишлатиш маън қилинган муқаддас жой сифатидаги ролини белгилаб берган, аёллар хавфсизлигини, Мадинадаги қабилаларaro барқарор муносабатларни таъминлаган, тўқнашувлар чоғида жамоатларни даста-клаш учун солиқ тизимини, ташқи сиёсий иттифоқлар мезонларини, шахсларни ҳимоя қилиш

тизимини ҳамда ўзаро баҳсларни ҳал қилиш учун суд тизимини жорий этган. Ислом қадимги қулликка иккита сезиларли ўзгартиш киритган. Улардан бири эркинлик презумпцияси; иккинчиси эса, ўта жиддий шароитларни истисно қилинганда, озод одамларни қулга айлантиришга қўйилган таъқиқ эди. Қул эндиликда шунчаки ҳаракатланувчи мулк эмас, балки муайян диний, демакки, ижтимоий мақомга ҳамда қонунийсифат ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлган инсон, деб қарала бошлаган. Аёллар ҳақ-ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотлар никоҳ, ажралиш ва мерос кабиларга дохил бўлган. Бошқа маданиятларда аёллар яна бир неча аср ҳеч қанақа юридик мақомга эга бўлолмаганлар.

Ислом бўйича Оксфорд луғати араб аёллари мақомининг яхшиланиши аёл жинсига мансуб болаларнинг ўлдирилишига таъқиқланиши ҳамда аёлларнинг тўла индивидуаллиги эътироф этилишини ўз ичига олганини қайд этади. Аввал келин учун эваз пули ҳисобланган ва унинг отасига тўланган сеп ёки маҳр эндиликда никоҳ соғасига айланган. Маҳр аёл шахсий мулкнинг бир қисми сифатида хотинда сақланган. Мусулмон фикҳига мувофиқ, никоҳ эндиликда “мақом” сифатида эмас, балки аёл кишининг розилиги шарт бўлган “шартнома” сифатида кўрилган. Патриархал жамиятда аёллар мерос ҳуқуқига эга бўлган, ваҳоланки, аввал мерос фақат эркак жинсига мансуб қариндошлар орасида тақсимланиш билан чекланарди.



Аёлларнинг Исломгача бўлган (жоҳилият даври) ҳолатига солиштирганда, исломий қонунчилик бу борада сезиларли даражада тараққиёт олиб келган; шариатга мувофиқ, аёл киши оилага олиб келган ёки ўз қўли билан топган маблағини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган. Пайғамбар аёллар ҳуқуқи ҳимоясини тасдиқлади ва мулк, мерос, таълим ва ажралиш ҳуқуқларини

жорий қилиш орқали аёлларнинг аҳволини яхшилади. Шу тариқа, аёллар асосий кафолатларга эга бўлдилар. Муҳаммад алайҳиссалом аёлларга оилавий турмуш, никоҳ, таълим ва иқтисодий фаолият соҳаларида ҳуқуқ ва имтиёзлар тақдим этди. Аёллар аҳволи уларнинг жоҳилият давридаги мақомидан ўзгарди (у пайтда аёлга нисбатан эҳтиром аёл жинсига мансуб бут-санамларга сажда қилишдагина кўринарди), эндиликда эса улар муайян ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлдилар ва уларга тенг кишидек муомала қилиш лозим эди. Илк мусулмонлар жамоати жамоавий ёки гуруҳга оид масъулиятга посанги ўлароқ ҳар бир одамга ўзига хос қиймат берган. Ислом динининг айрим ҳимоячилари динни консервативроқ талқинини ёйишга уринаётган бугунги кунда бундай талқин Ислом асослари ҳамда унинг илк даврдаги нисбатан тараққийпарварлигига зид келиши мумкинлигини қайд этиш зарур.

2. Манас эпоси

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1994 йили Манас эпосини Марказий Осиё элини уларнинг қадим тарихида дастаклаган ва бирлаштирган ҳаётий жиҳатдан муҳим бўлган боғловчи ҳалқа сифатида эътироф этган. У фақат қирғиз тили ва адабиёти манбаси эмас, балки инсоният идеаллари ва қадриятларини ёювчи, қирғиз халқининг маданий, ахлоқий, тарихий, ижтимоий ва диний анъаналарининг асоси ҳамдир. Бироқ аёллар эркакларнинг ишини бажарганига ҳамда ўз ўйи ва элини қўлида қурол билан душманлардан ҳимоя қилганига қарамай, одатда, уларга эркак жинсига мансуб болаларни туғувчи уй бекалари каби гендерга оид стереотипга айланган роллар ажратиларди; ва улар ўз мажбуриятларини бажаролмаган тақдирда уларга қулдан баттар муомала қилинарди, калтаклашлари, майиб қилишлари, ҳайдаб юборишлари ёки ота-онанинг уйига қайтариб юборишлари мумкин эди. Айни пайтда эпосда мажбурий никоҳ номақбул хатти-ҳаракат сифатида кўрсатилган. Қизнинг розилигини олиш учун *йигит* унинг қалбини забт этиши лозим эди, у қизни ўзига эрга тегишга мажбур қилолмасди.

3. Ўрта асрлар

Эркинликлар буюк хартияси (лат. Magna Carta) 1215 йилда Англияда чиқарилган ҳужжат-ёрлиқ бўлиб ҳисобланади. У конституциявий ҳуқуқ устиворлигига олиб келган энг салмоқли биринчи қадам бўлди. Кўп асрлардан кейин Эркинликлар буюк хартияси Қўшма Штатлар Конституцияси ва Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль каби конституциявий ҳужжатлар ҳамда умумий ҳуқуқ ривожига таъсир кўрсатди. Даставвал у қирол ҳуқуқлари юзасидан папа Иннокентий III, қирол Иоанн ва инглиз баронлари ўртасида пайдо бўлган ихтилоф туфайли ёзилганди.

Эркинликлар буюк хартияси қиролдан муайян ҳуқуқлардан воз кечишни, муайян ҳуқуқий процедураларга риоя қилишни ва унинг иродаси қонун билан чекланиши мумкинлигини қабул қилишни талаб қилган. Бу қиролга тобеъ бўлган ҳам озод, ҳам қамоқдаги кишиларнинг муайян ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиларди. Бу ерда ноқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш юзасидан шикоят қилишга имкон берувчи хабеас корпус ёзилишини алоҳида таъкидлаш зарур. Эркинликлар буюк хартияси адолатли судлов ҳуқуқини ҳам ўз ичига олган:

“Озод одамларнинг ҳеч бири ҳибсга олинмайди ёки қамоққа ташланмайди, ёки мулки ва озодлигидан ёки эркин анъаналардан маҳрум қилинмайди, ёки қонундан ташқарида турувчи деб эълон қилинмайди, ёки қувғин қилинмайди, ёки бошқа бирор йўл билан мосуво қилинмайди ва биз унга тенг кишилар (унинг пэрлари) чиқарган қонуний ҳукм ҳамда мамлакат қонунидан ташқари унга қарши бормаймиз ва унинг устига одам солмаймиз. Биз ҳуқуқ ва адолатни ҳеч кимга сотмаймиз, улардан ҳеч кимни маҳрум қилмаймиз ва уларни кечиктирмаймиз”

Эркинликлар буюк хартиясининг XXIX моддаси



4. Уйғониш даврига

15- ва 16-асрларда, Буюк жўғрофий кашфиётлар даврида Испания томонидан Американи забт этиш бўйича кетма-кет амалга оширилган зўравонлик кампаниялари мустамлакачи испан Америкасида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Бу Фердинанд томонидан Бургос католик қонунларини эълон қилинишига олиб келди. Бургос қонунлари моддалари орасида болалар меҳнати; аёллар ҳақ-ҳуқуқлари; иш ҳақи; турар-жойнинг яроқли турлари; дам олиш/таътил тўғрисидаги моддалар бор эди. 17 ва 18-асрда яшаган европалик файласуфларнинг бир қанчаси, биринчи навбатда, Жон Локк *табиий ҳуқуқлар* тушунчасини, инсонлар, албатта, эркин ва тенг ҳуқуқли экани тўғрисидаги тушунчани ишлаб чиқишди. Гарчи Локк инсонлар Худо томонидан яратилгани учун табиий ҳуқуқлар илоҳий аслга эга, деб ҳисоблаган бўлса-да, унинг ғоялари замонавий ҳуқуқ тушунчаси ривожига муҳим бўлган. Табиий ҳуқуқлар кишининг фуқаролигига, давлатнинг исталган бир қонунига боғлиқ эмас, конкрет миллий, маданий ёки диний гуруҳ томонидан чекланолмайди. Тақрибан ўша пайтларда, 1689 йили Англияда Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль яратилган.

18-асрда иккита йирик инқилоб содир бўлди: Қўшма Штатларда (1776 й.) ва Францияда (1789 й.). 1776 йилдаги Виржиния ҳуқуқлар декларацияси бир қатор асосий ҳуқуқ ва эркинликларни жорий қилган. Кейинчалик АҚШ Мустақиллик декларацияси табиий ҳуқуқлар тушунчасини ўз ичига олган ва унда “барча одам тенг яратилган, уларга Яратган томонидан муайян ажралмас ҳуқуқлар берилган бўлиб, бу ҳуқуқларга ҳаёт, эркинлик ва бахтга интилиш кабилар киради”, дея қайд этилади. Бундан ташқари, Франция Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси инсонларнинг бир қатор индивидуал ва жамоавий ҳуқуқларини белгилаб беради. Ҳужжатда улар универсал ҳуқуқ ўлароқ тақдим этилган, яъни фақат Франция фуқаролари учунгина эмас, балки “истисносиз барча одамлар” учун ҳам.

5. Иммануил Кант: Барчанинг баробарлиги ва давлатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлари

18-аср охирида Иммануил Кант инсон ҳуқуқлари ғоясини сиёсат доирасида қуйидагича кўриб чиққанди: “фақат легитим давлатгина бизнинг эркинликка бўлган табиий ҳуқуқимизни кафолатлай олади ва бу эркинликдан бизнинг бошқа ҳуқуқларимиз ҳам келиб чиқади”. Кант ҳақ-ҳуқуқларнинг вужудга келтирилиши, ривожлантирилиши ва амалга оширилишини, биринчи навбатда, давлатга ва давлатда ҳукуматнинг ишлашига боғлиқ, деб қарайди. Бундан ташқари, Кант, агар фундаментал ҳуқуқлар, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари давлат томонидан тақдим этилиб, яхшиланиб борсагина, жамият давлатга нисбатан сиёсий жиҳатдан ишлаши мумкинлигини таъкидлайди. Кант бу “адолатли қонунлар” қуйидаги уч рационал тамойилга асосланган дея ўргатади:

- Жамиятдаги ҳар бир аъзонинг инсон сифатида эркинлиги
- Жамиятдаги барча аъзолар субъектлар ўлароқ тенглиги
- Давлатдаги ҳар бир аъзонинг фуқаро сифатида мустақиллиги.


Бу тамойилларнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, улар давлат томонидан тақдим этилмайди, аммо давлатга халқ томонидан асос солиниши ва қабул қилинишида энг аҳамиятли омил бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, бу тамойиллар давлат табиатига хос ва агар давлат бу тамойилларни акс эттиролмаса, у давлат бўлолмайди. Бу жиҳатдан Кант мазкур тамойиллар, асосан, “адолатли қонунлар”ни ривожлантириш учунгина эмас, балки, биринчи навбатда, давлатнинг фаолият юритиши учун керак, деб ҳисоблайди. Чунки халқ тан олмайдиган бўлса, давлат мавжуд бўлолмайди, шунинг учун ҳақ-ҳуқуқлар мамлакатда халқ томонидан давлатнинг дастаклашини сақлаб қолиши учун керак.

“Адолатли қонунлар” асосланган биринчи тамойил инсон “эркинлиги” ғоясига асосланган. Инсон эркинлиги муҳим, чунки давлат ёки ҳокимият инсонлар ҳаётини бошқаришга ҳақли эмас. Агар шундай бўлганида давлат халққа оталарча муносабатда бўладиган ҳукумат ролини ўз зиммасига юклаб олган бўларди. Шунинг учун ҳам Кант инсон эркинлиги фақат ватанпарвар ҳукумат бошқарувидагина бўлиши мумкинлигини, чунки у ерда ҳукуматнинг ваколатлари доирасида бўлган инсон ҳуқуқлари учун ҳам жой бўлишини таъкидлайди.

Жамиятдаги барча аъзоларнинг баробарлиги иккинчи рационал тамойил бўлиб, ҳақ-ҳуқуқлар унга мувофиқ равишда вужудга келтирилади. Давлат раҳбари бошчилигидаги жамиятнинг барча аъзолари баробарлигида давлатдаги барча учун умумий асосга эга бўлиш муҳимдир. Бу баробарлик давлат раҳбарига дахлдор эмас, чунки давлат асосчиси сифатида фақат унда тенглик ғояси қонун воситасида амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилиш мажбурияти бор. Қонунларни баҳолаш ва уларни барчага баробар қўллаш мумкин бўлиши учун давлатдаги ҳар бир одамда бир хил ҳуқуқ бўлиши лозим. Шунинг учун тенглик ҳар бир кишининг ҳуқуқи юзага келадиган асос бўлиб ҳисобланади.


Кант томонидан мамлакатда ҳуқуқ пайдо бўлишини изоҳлаш учун ишлатиладиган сўнги рационал тамойил жамиятдаги ҳар бир аъзонинг фуқаро сифатида мустақил бўлишидир. Ҳақ-ҳуқуқлар ана шу тамойилдан келиб чиқади, чунки агар ҳуқуқ ёки қонун амалда қўлланиладиган бўлса, инсон мустақил равишда ҳаракат қилиши мумкин. Агар жамият аъзоси давлат раҳбариятидан мустақил равишда ҳаракат қилолмаса, у ҳолда ҳуқуқлар керак бўлмайди. Раҳбар ёки ҳукмдор жамият аъзоси учун ҳамма нарсани тайин қилиш учун масъул бўлади ва бу жамият аъзоси шубҳа қилиш ёки ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга зарурат сезмайди, чунки давлат фуқароларга кўрсатаётган йўлида “ҳақ” бўлади. Мустақиллик сиёсий контекстдаги ҳақ-ҳуқуқларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, раҳбар ёки ҳукуматда ҳам (давлат табиатига хос бўлган) индивидуумларга ҳақ-ҳуқуқ тақдим қилиш “иродаси” кўпроқ.

Бу уч тамайилдан ҳуқуқ ва “адолатли қонунлар” қандай қилиб табиий равишда ривожланаётгани тушунарли бўлди. Бундан ташқари, эркинликнинг давлат ёки салтанатдаги ролига таъкидланади, чунки бу, Кант назариясига кўра, барча ҳақ-ҳуқуқлар юзага келадиган тамалдир.



6. 19-асрдан Биринчи Жаҳон урушигача

Томас Пейн, Жон Стюарт Милль ва Георг Вильгельм Фридрих Гегель каби файласуфлар 18 ва 19-асрларда универсаллик мавзусини обдон ўрганганлар. 1831 йили Уильям Ллойд Гаррисон *The Liberator* газетасида ўз ўқувчиларини “инсон ҳуқуқлари каби буюк иш”га жалб қилишга уринаётганини ёзганди. 1849 йили унинг замондоши бўлган Генри Дэвид Торо кейинчалик инсон ҳуқуқлари ва фуқаровий ҳуқуқ мутафаккирларига таъсир ўтказган “Фуқаровий бўйсунмаслик бурчи тўғрисида” номли трактатида инсон ҳуқуқлари ҳақида ёзганди. Қўшма Штатлар Олий судининг адъюнк-судьяси Дэвид Дэвис 1867 йили “Инсон ҳуқуқлари қонун ҳимоясида; агар бу ҳимоя олиб ташланса, улар ёвуз ҳукмдорлар қўл остига ёки ғазабланган оломон орасига тушиб қоладилар”, дея баёнот берганди.



20-аср мобайнида кўплаб гуруҳ ва ҳаракатлар инсон ҳуқуқлари йўлида чуқур ижтимоий ўзгаришларга эриша олдилар. Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада касаба уюшмалари ишчиларга минимал меҳнат шароитини жорий қиладиган ва болалар меҳнатини таъқиқлайдиган ёки тартибга соладиган иш ташлаш тадбирларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи қонунлардан фойдаланадилар. Чор Россиясида бундай ҳуқуқларга риоя қилинмагани 1917 йилги Октябрь инқилоби учун замин ҳозирланишига олиб келди.

Аёллар ҳуқуқлари учун ҳаракатни учта тўлқинга бўлиш мумкин. Биринчи тўлқин 19-аср ва 20-аср бошларида юзага келиб, унинг асосий эътибори аёлларга сайлаш ҳуқуқининг берилишига қаратилганди. Биринчи тўлқиннинг асосий ютуқларидан бири кўп мамлакатларда аёлларга овоз бериш ҳуқуқи берилгани бўлганди. Иккинчи тўлқин 1960-йиллар билан 1980-йиллар оралиғида бўлиб ўтиб, унинг асосий эътибори қонунлар ва маданиятдаги гендерга оид тенгсизликка қаратилганди, бу эса, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги

конвенция (CEDAW) қабул қилинишига олиб келди, Учинчи тўлқин 1990-йиллар бошида юзага келди ҳамда аёлларнинг сиёсий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилди. Масалан, ҳаракатга ўз ҳиссасини қўшган мутафаккир аёллар орасида Кристин де Пизан, Виржиния Вульф, Симона де Бовуар, Мэри Уолстонкрафт ва бошқалар бор эди. Аммо улар орасида аёллар ҳуқуқлари ҳақидаги материалларни кенг қўламда чоп қилиб келган Жон Стюарт Милль каби мутафаккир эркаклар ҳам бўлган.

Аёллар ҳуқуқлари учун ҳаракатлардан ташқари кўп мамлакатларда мустамлакачи давлатларни сиқиб чиқарган миллий озодлик ҳаракатлари ҳам бўлган. Энг асосий ҳаракатлардан бири жонажон Ҳиндистонини Британиянинг мустамлакачилиги бошқарувидан озод қилиш учун курашган Маҳатма Ганди ҳаракати бўлган. Узоқ вақтдан бери ирқий ва диний жиҳатдан камситилган озчиликлар дунёнинг кўплаб жойларида муваффақият қозондилар, улар орасида фуқаровий ҳуқуқлар учун ҳаракат ҳамда кейинроқ АҚШда фаолият олиб борган сиёсий тенглик учун кураш ҳаракати, аёллар, озчиликлар ва рангли кишилар ҳаракатларини бор эди.

1864 йили Либер Коуд томонидан Халқаро Қизил Хоч қўмитасига асос солиниши ва 1864 йили биринчи Женева конвенциясининг қабул қилиниши халқаро гуманитар ҳуқуққа асос солди ва у иккита жаҳон урушлари натижасида ўз ривожини топди.

7. Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари орасидаги давр

Миллатлар Лигаси 1919 йили, Биринчи жаҳон уруши тугаганидан кейинги Версаль шартномаси юзасидан музокаралар чоғида тузилди. Лиганинг мақсадларига қуролсизланиш, жамоа хавфсизлиги орқали урушнинг олдини олиш, музокаралар, дипломатия ва глобал фаровонликни ошириш орқали турли мамлакатлардаги баҳс-мунозараларга барҳам бериш кирган. Унинг Низомида кўплаб ҳақ-ҳуқуқларни олға суриш учун мандат бириктирилган бўлиб, бу ҳуқуқлар кейинчалик Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига киритилганди.

Миллатлар Лигаси ғарбий Европа собиқ колонияларининг мустабид тузумдан озод бўлиб, мустақил давлат бўлишларида уларни дастаклаш мандатига эга бўлган. Бироқ Миллатлар Лигаси таркибига киритилмаган, урушда ғалаба қозонган мамлакатлар бўлмиш Совет Россияси ва Германия билан қўшма чора-тадбирлар кўрилмаганди.

Миллатлар Лигаси агентлиги сифатида ташкил этилган, ҳозирда эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қисми ҳисобланмиш (чунки БМТ Миллат Лигасининг вориси бўлиб ҳисобланади) Халқаро меҳнат ташкилоти ҳам кейинчалик Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига киритилган айрим ҳақ-ҳуқуқларни олға суриш ва уларни ҳимоя қилиш мандатига эга бўлган:

“Бугунги кунда ХМТнинг асосий мақсади эркинлик, тенглик, хавфсизлик ва инсоний кадр-қиммат шароитида муносиб ва самарали ишга эга бўлишда аёллар ва эркакларнинг имкониятлари кенгайтирилишидан иборатдир”.

Женева конвенциялари 1864 ва 1949 йиллар оралиғида Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг асосчиси Анри Дюнан саъй-ҳаракатлари натижасида дунёга келди. Бу конвенциялар тўқнашувларда иштирок этаётган инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ҳамда 1899 йилдан ва 1907 йилгача бўлган Гаага конвенцияларидан келиб чиқади.

8. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИХУД)

Иккинчи жаҳон урушининг бузғунчилик характериға нисбатан қисман жавоб тариқасида 1948 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИХУД) мажбурий характерға эга эмас. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси аъзо мамлакатларни бир қатор инсон ҳуқуқлари ҳамда

фуқаровий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни олға суришга даъват этади ҳамда бу ҳуқуқлар “бутун дунёда озодлик, адолат ва тинчлик асослари”нинг бир қисми эканини таъкидлайди.

“... инсон оиласининг барча аъзоларига хос бўлган қадр-қиммат ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас ҳақ-ҳуқуқларини тан олиш озодлик, адолат ва ҳамма жойда тинчлик ҳукмрон бўлишининг асоси бўлиб ҳисобланади”

1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг преамбуласи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1947 йили *Ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро билль* муҳокамасини бошлаган Элеонора Рузвельт раислигидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита аъзолари томонидан тузилган. Қўмита аъзолари ҳуқуқлар тўғрисидаги бундай биллнинг шакли ҳамда унинг бўлиш-бўлмаслиги ёки унинг ҳаётга қандай татбиқ этилиши борасида дарров келиша олмаганлар. Қўмита Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва унга ёндош шартномаларни ишлаб чиқишни давом эттирган, аммо биринчиси тезда энг устувор ҳужжатлардан бирига айланган. Декларация моддалари преамбуланинг умумий тамойилларини изоҳларди. Ҳужжат структураси шундай тузилгандики, унга аввал қадр-қиммат, озодлик, тенглик ва биродарликнинг асосий тамойиллари, кейин эса индивидуумларнинг ҳақ-ҳуқуқлари; одамларнинг бир-бирларига ва гурӯҳларга нисбатан ҳуқуқлари; маънавий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлар; иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар киритилиши керак эди. Сўнгги моддалар ҳуқуқларни улар амалга оширилиши керак бўлган чекловлар, мажбуриятлар ва ижтимоий-сиёсий тартиб контекстида кўриб чиқади.

“инсон сўнгги восита сифатида мустабидлик ва зулмга қарши исёнга қўл уришга мажбур бўлмаслигини таъминлаш мақсадида, инсон ҳуқуқлари қонун ҳокимияти билан қўриқланиши зарурлигини эътиборга олган ҳолда”

1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси преамбуласи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг баъзи пунктлари барча қитъа ва барча асосий динлар вакиллари ўз ичига олган ҳамда Маҳатма Ганди каби етакчиларнинг маслаҳатларига таянган ҳолда, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро экспертлар қўмитаси томонидан ёзилган. Ҳужжатга фуқаровий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар инсоннинг асосий ҳуқуқлари бўлинмаслиги ва санаб ўтилган ҳуқуқларнинг турлари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги асосида киритилгани билдирилганди. Декларация қабул қилинаётган пайтда аъзо давлатлардан бирортаси ҳам бу тамойилга қарши чиқмаган, бироқ Совет блоки, Жанубий Африкадаги апартеид ва Саудия Арабистони овоз беришдан тийилган.

9. Аёлларнинг ҳуқуқлари тенглиги: АДБК

Расман Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги конвенция (АДБК/CEDAW) сифатида билинган аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги шартнома аёллар ва қизлар ҳуқуқларига оид халқаро келишув бўлиб ҳисобланади.

CEDAW ратификация қилинган мамлакатларда аёллар ўз мамлакатлари ҳукуматлари билан аёллар ва қизларнинг вазиятини яхшилаш учун ҳамкорлик қиладилар, бунинг натижасида аёллар ва уларнинг оилаларига хавфсизроқ муҳит яратиш ва уларнинг имкониятларини кенгайтириш учун қонунлар ва сиёсий йўналиш ўзгартирилган.

CEDAW аёллар ва қизлар учун катта аҳамиятга эга, хусусан, жинсий савдо ва маиший зўравонлик даражасини қисқартириш, таълим олиш имкониятини таъминлаш, овоз бериш ҳуқуқи, мажбурий никоҳ ва вояга етмаганлар билан турмуш қуришни тўхтатиш, она саломатчилигини сақлаш учун имконият яратиш ва ҳеч бир дискриминациясиз меҳнат қилиш,

бизнес ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқларини таъминлаш орқали оналар ва уларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш каби масалаларда.

Шартнома 1979 йилнинг 18 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган. Дунёдаги 186 та мамлакат CEDAWни ратификация қилган бир пайтда, Эрон, Сомали, Судан, АҚШ ва бошқа бир нечта кичик мамлакат ҳужжатнинг гендерга оид ҳуқуқлар борасидаги моддалари билан боғлиқ бўлмасликка уриниб, уни ратификация қилмаган.

10. Инсон ҳуқуқларининг Совуқ уруш тугашига таъсири

1945 йили Иккинчи жаҳон уруши тугаган даврдан бошлаб Совуқ уруш тугагани ҳақида расман эълон қилинган 1990 йилгача у икки блок орасида содир бўлган: Америка бошчилигидаги капиталистик Ғарбий блок ва Совет Иттифоқи раҳбарлигидаги Шарқий блок. Сиёсий ҳуқуқлар муаммоси ҳам халқаро мунозараларда Ғарб томонидан Шарқни заифлаштириш учун ишлатилган. Бунга жавобан Шарқ Ғарбда иқтисодий тенглик етишмаслигини таъна қилиб, бунини инсон ҳуқуқларининг бузилиши ўлароқ баҳолаган.

Одамлар ҳамкорлиги манфаати йўлида Европада Ғарб ҳамда Шарқ ўртасидаги ғоявий бўлинишни бартараф қилишга уринган Германия канцлери Вилли Бранд томонидан бошланган кескинликни юмшатиш сиёсати 1975 йили Хельсинки шартномасининг имзоланишига олиб келди.

Унда Европанинг барча давлатлари, Совет Иттифоқи, АҚШ ва Канада қуйидагилар юзасидан ўзаро келишиб олди:

1. Европадаги чегаралар фақат тинч йўл билан ўзгартирилиши мумкин;
2. Иқтисодий, илмий ва экологик ҳамкорликнинг турли шакллари ҳақида;
3. Одамларнинг барчасини маданий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлар билан таъминлаш тўғрисида.

АҚШ президенти Жеральд Форд фикрича, “Хельсинки ҳужжатлари кескинликни камайтиришга ҳамда Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасидаги бундан буёнги алоқаларни йўлга қўйишга қаратилган сиёсий ва маънавий мажбуриятларни келтириб чиқаради... Уларнинг, жилла қурса, бир қисми муваффақият билан амалга оширилган тақдирда ҳам, келажакда Шарқий Европа халқлари озодлик неъматларидан фойдалана оладиган бўладилар”.

1962 йилдан 1986 йилгача Совет Иттифоқининг Вашингтондаги элчиси бўлиб ишлаган Анатолий Добринин Хельсинки Акти аста-секин Совет Иттифоқидаги диссидентлик ва либерал ҳаракатнинг манифестига айланишини қайд этган.

Маъмурий-режали (буйруқбозлик) иқтисодиёт тизими вақт ўтиши билан Ғарбнинг очиқроқ ва рақобатбардош бўлган бозор иқтисодиётига нисбатан ўзининг самарасизлиги ва ношаффофлигини кўрсатди, бу эса Совет блокнинг ўз халқи фаровонлигини таъминлаш бўйича Ғарбдан ортда қолишига олиб келди.

Бундан ташқари, кўпроқ эркинлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бўлган интилиш Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқдошларини ич-ичдан заифлаштирди. Шунга қарамай, Россиядаги дўкон пештахталари Бишкекникига қараганда бўм-бўш бўлиб турган бир пайтда Москванинг Қирғизистон ССРга субсидия беришда давом этиши Совет Иттифоқининг заиф чегараолди ҳудудларида унчалик катта норозиликлар келтириб чиқаргани йўқ.

1989 йилдан 1990 йилгача Марказий ва Шарқий Европа халқлари, кейинроқ эса Россия халқи ҳам қатор тинч инқилоблар чоғида демократия, инсон ҳуқуқлари ва бозор иқтисодиёти тарафдори бўлган фуқароларни шакллантирди. 1991 йили ўз мустақиллигини эълон қилган Қирғизистон Республикаси дунёвий давлат қуриш, демократия, инсон ҳуқуқлари ва бозор

иқтисодиёти бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олди ва эндиликда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган мамлакат ихтиёрий равишда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бир қатор қўшимча пактлар, шу жумладан, Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги конвенция (CEDAW) каби ҳужжатларга имзо чекди.

11. БМТ Хавфсизлик кенгашининг аёллар, тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича резолюцияси

2000 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши аёллар, тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича бир қатор резолюциялари қабул қилинган. Уларни қабул қилиш БМТ ХКнинг 1325-резолюциясидан бошланган. Бу резолюциялар БМТга аъзо мамлакатларнинг барчаси учун мажбурий бўлиб ҳисобланади. Улар давлатларни зиддиятларни бартараф этиш, зиддиятларни чоғида ва ундан кейин аёллар ва қизлар муҳофазасининг таъминланиши жараёнларига эркактар билан бир қаторда аёлларни ҳам фаол жалб қилишга чақиради. Шунингдек, улар аёллар ва қизларнинг ўзига хос эҳтиёжларини таъминлаш учун зиддиятдан тикланиш жараёнида аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни олға суради. Бу билан адолатлироқ ва тенг ҳуқуқли жамият тикланиши ва қўролли тўқнашувларнинг олдини олиш кўзда тутилади.



2010 йил ёзида Ўш ва Жалолободда содир бўлган зиддият эътиборга олинса, БМТнинг бу резолюциялари Қирғизистон Республикаси учун жуда ҳам муҳим. Шу сабабли Ҳукумат ООН-женщины ташкилотининг Қирғизистондаги ваколатхонаси кўмагида 2013 йил феввалида БМТ ХК 1325-резолюцияси асосида Миллий ҳаракат режасини қабул қилди ва ҳозир унинг моддаларини бажараяпти. Бу МДХ мамлакатлари ичида қабул қилинган биринчи Миллий Ҳаракат Режасидир. Болтиқбўйи давлатлари ва Грузияда ҳам, Европанинг бошқа кўплаб мамлакатлари, жумладан, энг янги тарихида ҳеч қанақа зиддият содир бўлмаган давлатлари каби, Миллий Ҳаракат Режаси бор.

12. Совуқ урушдан сўнг ва 2011 йил 9 сентябридан кейинги даврда инсон ҳуқуқлари муаммолари

Америкалик олим Франсис Фукуяма каби Ғарбдаги айрим тарихчилар 1990-йиллар бошида Ғарб ва унинг қадриятлари Совуқ Урушда ғалаба қозонганини англатувчи “Воқеанинг тугаши” ҳақида эълон қилган бўлсалар-да, яқин кунлар воқелиги бунинг аксини кўрсатди.



2001 йил 11 сентябрида АҚШга қилинган қатор террорчилик ҳужумлари мамлакат террорчиликка қарши америкача турмуш тарзини намоишкорона ҳимоя қилган, аслида эса бу давлатга асос бўлган эркинлик тамойилларини қўпорган ҳолда, узоқ вақт мобайнида олға суриб келинган фуқаровий эркинликлар ва инсон ҳуқуқлари жиддий равишда бузилишининг натижаси бўлди.

Америка Қўшма Штатлари ва “Ҳоҳловчилар коалицияси” 2001 йилда бошлаган террорга қарши уруш қуйидагиларни англатарди:

- Ироқ ва бошқа мамлакатларга бостириб кириш орқали халқаро ҳуқуққа қарши уруш эълон қилинди,
- Америка қўшинлари томонидан қўлга олинган гумонланувчиларни судга мурожаат қилмасдан, АҚШ тасарруфидаги қамоқхоналарда сақлаганлар, уерда гумонланувчиларнинг айримлари қийноққа тутилган,

- АҚШ бошчилигидаги кўп мамлакатлар ўйлаб-нетиб ўтирмай, глобал алоқа воситаларини устидан жосусликни амалга ошириш учун янги технологияларни жорий қилмоқдалар, шу тариқа одамларнинг хорижий ҳукумат аралашувидан ҳоли ҳаёт кечириш ҳамда адлия тизими ҳимоясига эга бўлиш ва ҳужумлардан қўрқишдан ҳоли бўлиш каби асосий ҳақ-ҳуқуқларига путур етказмоқдалар. Бу ҳужумлар муҳим террористик нишонлар билан бирга қатор мамлакатларда сон-саноқсиз бегуноҳ фуқаролар ҳаётига зомин бўлаяпти, шу билан ўзига ҳаммаслак бўлмаган кишилардан ташқари барча инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини йўқ қилишни истаган террорчиларнинг янги авлодини етиштиришга ёрдам бераёпти.

13. Инсон ҳуқуқларининг келажаги

Давлат ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишини кафолатлаш учун биз яшаб турган мамлакатимиздан қатъий назар, ҳушёр бўлишимиз зарур. Қирғизистонда барча эркак ва аёллар, ўғил болалар ва қизлар давлат томонидан муҳофаза қилиниши шарт.

Қирғизистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқларини сўзсиз ҳимоялагани ҳолда, фуқароларга хизмат қилиши лозим бўлган давлат органларини кўпинча бу ишни қилишга қодир бўлмаяпти. Турмуш ўртоғини ураётган эр-хотинлардан бирига нисбатан чора кўрмай, қиз ўғирлашларнинг олдини олмай ва бунга чора кўрмай, тадбиркорларни уларнинг бизнесидан улуш олишни истаган манфаатдор шахслардан ҳимоя қилмай, давлат хизматчилари ҳар доим ҳам қонун устуворлигидан непотизм ва жазосизлик устун келган муҳитда ўз вазифаларини бажармаяптилар.

Бундан биз ҳаммамиз ютқазаяпмиз: ёш қизлар ўзини хавф-хатардан ҳоли сезмаяптилар, айна пайтда муваффақиятли ишбилармон тадбиркорликни давом эттириш учун ўз малака ва сармоясини бошқа мамлакатда қўллаяпти ҳамда иш ўринларини Қирғизистонда эмас, хорижда яратаяпти. Адолатли судловнинг ношаффоф ва қисман адо этилиши кейинчалик давлат учун, Конституцияда акс этган қадриятлар учун ҳамда ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдалана олиши учун таҳдид яратадиган экстремистларга одам ёллаш имкониятини яратади. Фақат қонун устуворлиги ва адолат доирасида ишлаш орқалигина биз ўзимизни ва болаларимиз келажагини ҳимоя қила оламиз.

14. Қирғизистон Республикаси Конституцияси

Қирғизистон Республикасининг барча Конституциялари давлатга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ишониб топширган ҳолда, эркаклар ва аёллар тенглигини кафолатлаган. Қирғизистон Республикасининг амалдаги Конституцияси умумхалқ референдумида тўла қўллаб-қувватланган. Шу тариқа, референдумда овоз берган Қирғизистон Республикаси фуқароларининг аксарияти мазкур Конституцияни қўллаб-қувватлаган. У барчани бирлаштиради ва ҳеч ким унга қарши чиқишга ҳақли эмас. Шундай қилиб, шубҳали “анъаналар”га асосланган ҳолда, Конституцияга беписандлик ёки унга эътироз билдирилишини оқлаш Асосий қонунга нисбатан ҳурматсизлик белгисидир.

Қуйида Конституциядан айрим кўчирмалар келтирилади.

“Биз, Қирғизистон халқи,

- инсон ҳуқуқларини [...] ҳурмат ва ҳимоя қилишга асосланган эркин ва демократик жамият қуриш мақсадига содиқлигимизни тасдиқлаган ҳолда;

- қонун устуворлигини жорий қилишга ҳамда ижтимоий адолат, иқтисодий фаровонлик ва халқнинг маънавий тараққиётини таъминлашга уринган ҳолда;

[...] ушбу Конституцияни қабул қиламиз”.

Қирғизистон Республикаси Конституциясидан олинган Муҳим Моддалар:

6.3. Қирғизистон Республикаси аъзо бўлиб ҳисобланган, қонунда белгиланган тартибда кучга кирган халқаро шартномалар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг барча томонидан қабул қилинган тамойил ва меъёрлари Қирғизистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар меъёрларига бевосита амал қилинади ва улар бошқа халқаро шартномалар меъёрларидан устун туради.

16.1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлари ажралмасдир ҳамда ҳар бир инсонга туғилишдан дахлдордир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият бўлиб ҳисобланади. Улар бевосита амал қилади, қонун чиқариш, ижроия ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятининг мазмун ва моҳиятини белгилаб беради.

16.2. Қирғизистон Республикаси ўз ҳудудида бўлган ва унинг юрисдикциясида бўлган барча шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилади ва таъминлайди.

Ҳеч ким жинси, ирқи, тили, ногиронлиги, миллий мансубияти, дини, ёши, сиёсий ёки бошқа қарашлари, билими, келиб чиқиши, мулкӣ ёки бошқа ҳолати ҳамда бошқа вазиятига қараб дискриминацияга дуч қилиниши мумкин эмас.

Халқаро мажбуриятларга мувофиқ равишда турли ижтимоий гуруҳлар учун тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган ва қонунда белгилаб қўйилган махсус чора-тадбирлар дискриминация бўлиб ҳисобланмайди.

16.3. Қирғизистон Республикасида барча қонун ва суд олдида тенгдир.

16.4. Қирғизистон Республикасида эркактар ва аёллар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга, уларни амалга ошириш учун тенг имкониятларга эга.

17. Ушбу Конституция билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар тугал бўлиб ҳисобланмайди ҳамда улар инсон ва фуқаронинг умумқабул қилинган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини рад этиш ёки камситиш сифатида талқин қилинмаслиги лозим.

20.3. Қонун билан бошқа мақсадларда ва Конституцияда кўзда тутилганидан ортиқроқ даражада ҳуқуқ ва эркинликларга чеклов жорий қилиниши мумкин эмас.

36.5. Никоҳ ёшига етган шахслар никоҳланиш ва оила қуриш ҳуқуқига эга. Ҳеч бир никоҳ никоҳланувчиларнинг ихтиёрий ва ўзаро розилигисиз қурилиши мумкин эмас. Никоҳ давлат томонидан қайд этилади.

37.1. Қирғизистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаб қўймайдиган халқ урф-одатлари ва анъаналари давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

40.3. Ҳар бир шахс малакали ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Қонунда кўзда тутилган ҳолатларда ҳуқуқий ёрдам давлат ҳисобидан берилади.

41.2. Ҳар бир шахс халқаро шартномаларга мувофиқ равишда бузилган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимояси учун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур органлар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилгани эътироф этилган тақдирда Қирғизистон Республикаси уларни тиклаш ва/ёки етказилган зарарни қоплаш бўйича чоралар кўради.

Ёдда тутинг! Инсон Ҳуқуқларининг Бузилиши бу икки одам бир-бирининг ҳақ-ҳуқуқларини бузиши эмас, балки давлатнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши вазиятига ҳаракатсиз қараб туришидир. Масалан: агар бирор одамнинг зўрлик билан қиз ўғирлашига. Агар милиция ва судлар қиз ўғирлаган одамни ёки ўғлининг ноқонуний хатти-ҳаракатига кўмаклашган онани жавобгарликка тортмаса, бунақа вазиятда инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳақида гапириш тўғри бўлади.

15. Қирғизистон Республикасида гендер тенглигига эришиш стратегияси

Қирғизистонда 2020 йилгача бўлган Миллий гендер стратегияси ва янада конкретроқ бўлган 2012-2014 йиллар учун Миллий ҳаракат режаси мавжуд. Сўнгги йилларда Жўғўрқу Кенеш аёлларнинг ижтимоий ҳаётда янада фаолроқ иштирок этишига ва жалб қилинишига кўмаклашишга, аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларига кўмаклашишга ҳамда аёлларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган бир неча қонун қабул қилди. Бу қонунлар Қирғизистон Республикаси Конституциясининг асосий принципи сифатида мужассамлашган эркаклар ва аёллар тенглигига яна ҳам кўпроқ мазмун бахш этади. Масалан, Ҳисоб палатаси, Олий суд, Конституциявий суд ва Марказий сайлов комиссиясидаги лавозимларнинг 70 фоиздан кўп бўлмагани бир жинс вакиллари томонидан эгалланиши мумкинлигини белгиловчи гендер квотаси бор. Моҳиятан, бу 30 фоиз квота аёлларга берилганини англатади.



Худди шу нарса партия сайлов рўйхатларида ҳам қўлланилади, гарчи қонуннинг ҳақиқий мазмуни аёл номзодларни депутатлик ўрнидан бош тортишга мажбур қилиб, уларга босим ўтказаетган одамлар томонидан топталаётган бўлса-да (чунки қонунчилик квота сақланиши учун бир жинс вакили томонидан бошқа жинс вакилига ўз ўрнини беришини тақиқламайди). Агар бу бўш ўрин аёл номзодга эга бўлган кейинги ваколатли партияга тақдим этилганида, квотани сақлаб қолиш мумкин бўларди.

Шундай қилиб, кўпинча айб қонунда эмас, уни қандай қўллаётганларида ва уни амалга ошириш механизмларининг йўқлигида бўлади.

Қиз ўғирлаганлик учун жазони кучайтиришга қаратилган қонун билан ҳам шундай бўлган, қонунда кўзда тутилган бўлса ҳам, судьялар мазкур модда бўйича ҳеч қачон қамоқ жазосини қўлламаганлар. Жиноят кодексининг 155-моддаси бўйича 2012 йили ўтказилган кампания туфайли қиз ўғирлаганлик учун жазо 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш даражасигача кучайтирилди ва бугунги кунда адлия органлари аста-секинлик билан бўлса-да, қонунни ижро қилмоқдалар ва жиноятчиларни турмага йўллагиптилар.

Қирғизистон парламентида (Жўғўрқу Кенешида) аёллар			
Сайланган йили	Парламент аъзолари-нинг умумий сони	Депутат аёллар	Депутатлар ичида аёллар улуши
1995	105	5	5%
2000	105	7	7%
2005	75	0	0%
2007	90	23	26%
2010	120	28	23%

15. Аёллар сайлов ҳуқуқининг ривожланиши

Европада биринчи бўлиб аёлларнинг сайлов ҳуқуқини жорий қилган мамлакат ўша пайтда Россия империяси таркибига кирган Финляндия буюк князлиги бўлиб ҳисобланади. 1907 йили у ерда аёллар биринчи марта депутат сифатида парламентга сайланганлар. 1913 йилда эса Норвегия ҳам аёлларга тўла сайлов ҳуқуқини берган. Европа, Осиё ва Африкадаги кўп мамлакатлар Биринчи жаҳон уруши охиригача аёлларга сайлов ҳуқуқини бермаганлар. Аёлларга сайлов ҳуқуқини озод қилинган Франция 1944 йилда, Италия 1946 йилда, Греция 1952 йилда, Швейцария эса фақат 1971 йилда берган.

Динда аёлларнинг сайлов ҳуқуқлари:

Ислом: Тўғри йўлдаги (рашидун) халифалик даврида (632-661 йиллар) аёллар халифа сайловида иштирок этганига қарамасдан, бугунга келиб аёлларнинг сайлов ҳуқуқи мусулмон ўлкаларининг кўпида савол остида қолмоқда. Аёлларнинг сайлов ҳуқуқи кўп имомлар ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Католиклик: Папа кардиналлар кенгаши тарафидан сайланадиган ягона шахсдир. Аёллар кардиналлик лавозимига тайинлана олмайди, шунинг учун улар папа сайловида овоз бера олмайдилар.



Плакатдаги ёзув: Германия социал-демократик партияси ўзининг 1919 йилдаги плакатада эркеклар ва аёллар тенг ҳуқуқ ва тенг мажбуриятларга эга экани ҳамда аёллар сайловда иштирок этишлари зарурлигини баён қилган.

Аёлларнинг аббатиса ва игуменя лавозимлари сайлов орқали эришиладиган лавозимлар бўлиб ҳисобланади. Бу лавозимларга улар роҳиблар томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Яҳудийлик: қадимда ҳам, ҳозир ҳам руҳоний лавозимда ишлаган аёллар сони жуда озчиликни ташкил қилади. Шунга қарамасдан, аёлларга зоҳидаликни махсус таъқиқлаган матн манбалари яҳудийликда жуда кам учрайди. Қадимда ҳам, ҳозирда ҳам аёллар дин ишлари билан машғул бўлганига оид жуда кўп мисол бор.

Яҳудийликнинг ортодоксал бўлмаган тармоқлари аввалдан эгалитар (ўзаро тенгликка асосланган) бўлишганига қарамай, ультраортодоксал яҳудий жамоатларида аёллар етакчи лавозимларга сайловда иштирок эта олмайдилар.

Пост-тест:

1. Ушбу сессиядан энг муҳим қандай учта фактни билиб олдингиз? Биринчи сатрга инсон ҳуқуқлари умумий тарихи ҳақидаги ҳикояда эслаб қолганингизни, кейингисига Қирғизистондаги инсон ҳуқуқлари тарихи ҳақида ўрганганингизни, учинчисига эса Қирғизистон Республикаси Конституцияси ҳақида эсингизда қолганларни ёзинг.

-
-
-

2. Олинган билимларни кундалик ҳаётингизда қандай қўлайсиз? Масалан, сиз бошқа бир одамнинг ҳуқуқини бузган ва буни “анъана” деб оқлашга уринаётган кишига бу ҳуқуқбузарлик анъана меъёри эмаслигини, унинг Конституция, қонун ва тартибни бузишини тушунтиришингиз мумкин. Бундай вазиятда сиз қандай конкрет хатти-ҳаракатларни амалга оширасиз (қиз ўғирлаш жинояти ҳақида милицияга хабар берасизми ёки давлат мазкур жиноятга нисбатан ҳеч қанақа чора кўрмаётгани ҳақида жамоатчиликни огоҳлантирасизми):

3. “Инсон ҳуқуқлари” бирикмасига таъриф беринг.

4. Давлат инсон ҳуқуқлар, аёллар ва қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керакми?

• Агар “ҳа” бўлса, нима учун

• Агар “йўқ” бўлса, нима учун

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича учта мисол келтира оласизми?

-
-
-

6. Инсон ҳуқуқлари бузилиши нима? Марҳамат қилиб, ҳамжамиятингиздаги инсон ҳуқуқлари бузилишига мисоллар келтиринг.

-
-

7. “Инсон ҳуқуқлари” концепцияси ва унинг кундалик ҳаётингиздаги роли ҳақида нима деб ўйлайсиз?



02

Гендер ва гендерга
оид зўравонлик

Сессия мақсади:

- “Жинс” ва “гендер” нималигини аниқлаб олиш, эркаклар ва аёлларнинг жисмоний ва шахсий жиҳатларидаги умумий ва ўзига хос жиҳатларни аниқлаш.
- Гендерни (табиат ёки тақдир томонидан барпо этилмаган) ижтимоий конструкт сифатида англаш, одамлар жамоа бўлиб қандай яшаётганлари, жамият ривожлангани сайин гендер роллари ҳамда қизлар ва ўғил болалар, аёллар ва эркаклардан кутилган нарсалар қандай ўзгараётганини ҳамда улар бизга қандай таъсир қилаётганини тушуниш.
- Гендерга оид зўравонлик нима эканини, қизларга нисбатан зўравонлик турларини билиб олиш.

Вақт: 2 соат.

Сессия режаси:


№	Номланиши	Услуб	Вақт
1	“Жинс” ва “гендер” тушунчалари ва улар ўртасидаги фарқ	Фикрий ҳужум. Умумий баҳс-мунозара Машқ: “Ўғил болани ўғил бола қиладиган нарса нима? Қиз болани қиз бола қиладиган нарса нима?”	15 дақиқа 55 дақиқа
2	Гендерга оид роллар ва стереотиплар	“Гендерга оид роллар – туғмами ёки ҳаёт давомида орттирилганми?” машқи ёки “Ҳинду” машқи	30 дақиқа
3	Гендерга оид зўравонлик ва унинг турлари	Умумий баҳс-мунозара	20 дақиқа

1. “Жинс” ва “гендер” тушунчаси ва улар ўртасидаги фарқ

“Жинс” нима ва “гендер” нима эканини ўзаро муҳокама қилинг.

Изоҳ

- Гендер бу эркаклар ва аёллар ўртасида ижтимоий жиҳатдан конструкцияланган (ва шу сабабли ўзгариши мумкин бўлган) фарқдир. “Жинс” эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик фарқни белгилайди. “Гендер” “жинс”дан шуниси билан фарқ қилади.
- “Жинс” категорияси одам туғилиши билан тиббиёт/биология мутахассислари томонидан унинг жинсий аъзосига қараб ёзилади ва/ёки кейинчалик аҳолини қайдга олиш тизими томонидан унинг паспортида кўрсатилади. Жинс жамият томонидан мунтазам равишда “эркак” ва “аёл”га бўлинади. “Гендер” атамаси кўпинча “жинс” атамаси билан бирга галма-галдан ишлатилади, аммо “жинс” атамаси биологик контекстда ишлатилса, “гендер” атамаси, масалан, ижтимоий фаолият доирасида ишлатилади.
- Эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик/жинсий ва гендерга оид фарқ уларнинг эҳтиёжлари ҳамда ресурслар ва ҳокимиятдан фойдаланиш имкониятлари турлича эканини белгилаб беради, бу эса гендерга оид тенгсизлик юзага келишига сабаб бўлади.



“Ўғил болалар нимадан ясалган? Қиз болалар нимадан ясалган?” машқи

Материаллар:

- ручкалар, қаламлар ёки маркерлар (чизиш мумкин бўлган воситалар);
- тоза қоғоз варақлари;
- ўйин учун ижтимоий роллар ёзилган варақчалар (бобо, буви, ота, она, ўғил, қиз);
- жадвал акс этган карточкалар


№	1	2	3	4	5
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
18					
19					
20					

Машқни олиб бориш:

1. Машқ чоғида иштирокчилар учта гуруҳга – “оиласи”да бола туғилгани тасаввур қилинган учта оилага бўлинади. Бу машқ тик турган ҳолда бажарилади.
2. Иштирокчиларга оила аъзосининг ижтимоий роли ёзилган ўрама шаклидаги варақчалар тарқатилади. Иштирокчилар хона бўйлаб тез ҳаракатланган ҳолда, сигнал берилгунича ўрама шаклидаги бу варақчаларни бир-бирларига узатиб турадилар.
3. “Оила” сигнали берилгач, иштирокчилар қўлларида бўлган ўрама шаклидаги варақчаларини очадилар, у ёки бу оилага оид фамилия ва ўзларининг ижтимоий ролларини ўқиб эшиттирадилар ҳамда оила-оила бўлиб, бир-бирларининг тиззаларига: “бобо – буви – ота – она – ўғил – қиз” тартибида ўтирган ҳолда, хонанинг турли бурчакларида гуруҳланадилар. Мазкур босқичда оиланинг турли шакллари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш тавсия қилинади. Бунинг учун бобо ва буви ота-она бўлган; фақат ота ёки она бўлган ва шу каби оилаларни режалаштириш мумкин.
4. Уч оила ташкил қилинганидан сўнг уларнинг ҳар бирига жадвал акс этган карточка тарқатиб чиқилади ва уларга оиланинг янги аъзосида тарбия қилишни истаганлари 20 та шахсий сифатни биринчи устунга қайд этиб чиқишлари таклиф қилинади. Бу босқичда боланинг жинси ҳали маълум эмас.
5. Сўнгра оилаларга ультратовуш тадқиқоти (УЗИ) боланинг жинси қиз эканини кўрсатгани ҳақида маълум қилинади. Иккинчи устунда оилага биринчи устундаги сифатлардан туғилажак қизда кўришларини истаган сифатларини қайд этиш таклиф қилинади.
6. Хатолик рўй берди! Оилаларда ўғил бола туғилиши кутилаяпти. Учинчи устунда иштирокчилар биринчи устундаги сифатлардан туғилажак ўғилда кўришларини истаган сифатларини қайд этишлари лозим.
7. Иштирокчиларга қўйидаги вазифалар топширилади:
 - ўғил бола учун ҳам, қиз бола учун хос бўлган жиҳатларни қайд этиш;
 - болага исм бериш (қўшалоқ Э/А);
 - янги туғилган чақалоқ суратини чизиш ва унинг жисмоний аломатларини баён қилиш;
 - “идеал” бола иккинчи тоифада (қиз бола) баён қилингани каби учинчи тоифада (ўғил бола) баён қилинган жиҳатларга эга ҳам бўлиш-бўлмаслигини муҳокама қилиш.

Муҳокама учун саволлар:

1. Қиз болага хос бўлган жисмоний аломатларнинг қайсилари қайд қилиб ўтилган?
2. Ўғил болага хос бўлган жисмоний аломатларнинг қайсилари қайд қилиб ўтилган?
3. Ўғил бола ва қиз боланинг шахсий сифатларини танлашга нима таъсир қилди?
4. Санаб ўтилган сифатларнинг қайси бири фақат қиз бола ва аёлларга ёки фақат ўғил бола ва эркекларга дахлдор?
5. Бирор-бир жинсдаги бола фақат бир жинсга дахлдор сифатларни ривожлантиришда дастакланиши керакми? Қиз болалар трактор ҳайдашни ўрганиши керакми? Ўғил болалар қудуқ ёки ариқдан сув ташишни ўрганиши керакми?
6. Биздаги фарқлар, бизда танлов ихтиёри борлиги эҳтимолидан келиб чиққан ҳолда, ҳаётдаги танлаш имкониятларимизга (масалан, иш масаласида; қачон уйланиш/турмушга чиқиш кераклиги масаласида; кимга уйланиш/турмушга чиқиш кераклиги масаласида; оила ҳақида ғамхўрлик қилиш масаласида; ҳамжамиятдаги ролимиз масаласида ва ҳоказо масалаларда) қандай таъсир қилади?
7. Гендерга оид фарқлар эркеклар ва аёллар томонидан муайян вазифаларнинг бажарилиши учун тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Гендерга оид фарқлар жамият учун фойдали бўлиши мумкин бўлган нарсаларга қандай тўсқинлик қилади?

**Изоҳ**


Бу машқнинг асосий вазифаси ўғил болалар ва қиз болалар, эркаклар ва аёллар (жинс) ўртасида биологик фарқлар, шу билан бир қаторда, ижтимоий (гендерга оид) фарқлар борлигини, шунга қарамай, биз ижтимоий фарқларни одамларнинг биологик мансубиятидан келиб чиққан ҳолда белгилаб қўяётганимизни иштирокчилар англашига ёрдам беришдир.

Масалан, эркаклар ва аёлларнинг жинсий аъзолари бир-биридан фарқ қилади, аммо жинсий аъзолар аёлларнинг ўта ҳассос ёки таъсирчан бўлиши ёки эркакларнинг кучли ирода ва қатъий характер эгаси бўлишига таъсир қилолмайди. Агар уларни болаликдан, гендерга оид стереотиплардан келиб чиққан ҳолда, бунга “ўргатишган” бўлмаса албатта.

Шунингдек, бу машқни муҳокама қилиш чоғида оила ичидаги ролларни алоҳида кўриб чиқиш мумкин. Оила бола тарбиясига қандай таъсир кўрсатади? Биз оилада ўрганадиганимиз гендерга оид роллар уларнинг оиладаги катта аъзолари ўртасида қандай тақсимланганига (масалан, оилада идиш-товоқни ким ювади, болага ким қарайди ва ҳоказолар) нечоғли боғлиқ? Яна бир муҳим савол: агар оила ҳам ота, ҳам онадан ташкил топмаган бўлса (масалан, интернат, буви ва она, қариндошлар ва ҳоказо), биз ундан бола тарбиясида анъанавийдан кўра ўзгачароқ бўлган ёндошувларни кутишимиз мумкинми?

2. Гендерга оид роллар ва стереотиплар**Изоҳ**

- “Гендерга оид роллар” ва “гендерга оид стереотиплар” кўпинча синоним сифатида ишлатилади. Бу анъанавий роллар – эҳтимол, “яхши” аёлнинг маданият жиҳатдан мақбул таърифи бу оила қуришдан аввал аввал йигитлар билан учрашмай, эрта турмушга чиққан, кўп ўғиллари бор, ўғиллари ва эри учун уйни батартиб сақлаш мақсадида кўп ишлайдиган, уларнинг эҳтиёжларини ўзиникидан устун қўядиган, ювош ва меҳрибон, баҳслашмайдиган ва ҳоказо хусусиятларга эга бўлган аёл бўлиб ҳисобланар. Стереотипга айланган бу сифатлар аёлнинг бу маданиятдаги гендерга оид ролларини акс эттиради;
- Гендерга оид роллар баъзан вазият тақозосига кўра ўзгаради. Масалан, агар она касал боласига қараш учун ишга чиқмаса, бунда у анъанавий “аёлларнинг гендерга оид роли”ни бажараётган бўлади. Эртаси куни у боласини мактабга жўнатиб, фабрикага ишга кетиши, ҳатто оиладаги асосий боқувчи сифатида ҳаракат қилиши мумкин – бунда у анъанавий “эркакларнинг гендерга оид роли”ни бажараётган бўлади;
- Гендерга оид роллар жамият томонидан тартиб берилган ва жинс каби ўзгармас бўлмагани учун ҳам вақт ўтиши билан гендерга оид ролларда ўзгариш бўлишига олиб келадиган қарши ҳаракатларни амалга оширса бўлади. Масалан, агар эр информацион технологиялар бўйича мутахассис бўлиб ишласа, у уйда ўтириб ишлаши ва компьютер дастурларини ёзиши (ҳозирги кунда бу анъанавий “эркакча” роль бўлиши мумкин) ва шу билан бирга, болага ҳам қараб туриши мумкин (анъанавий “аёл” роли), бу пайтда эса унинг хотини университетда ўқиши ёки офисда ишлаши мумкин. Барча жамиятларда бу роллар вақт ўтиши билан ривожланган ва ўзгариб борган. Биз “эркаклар ва аёллар бир-биридан фарқ қилади” деганимизда, фақат биологияни (биологик/жин-



сий фарқларни) эмас, балки жамиятда барпо этилган фарқли ролларни (гендерга оид тафовутларни) ҳам назарда тутамиз.

Обсудите с участниками «Гендерные Роли и Стереотипы»

Машқ: “Гендерга оид роллар – туғмами ёки турмуш давомида орттирилганми?”

Материаллар:

- Икки хил рангдаги стикерлар
- Жадвал акс этган флипчартлар (эркаклар, аёллар).

Машқнинг олиб борилиши:

Иштирокчилар замонавий жамиятда одатланилган “гендерга оид роллар”ни санаб ўтишлари лозим. Иштирокчиларга икки хил рангдаги (сарик ва яшил) стикерлар тарқатилади. Сарик стикерларга иштирокчилар жамиятдаги эркакларнинг ролларини, яшил стикерларга эса аёлларнинг ролларини ёзиб чиқишлари керак. Иштирокчилар ишни битириб бўлганларидан сўнг, флипчартнинг бир томонига аёлларнинг роллари ёзилган стикерлар, бошқа томонига эса эркаклар роллари ёзилган стикерлар осилади.

ЭРКАКЛАР	АЁЛЛАР
Ишончли; полигам (кўп хотин олиши мумкин бўлган); мускулдор; гетеросексуал; жасур; жисмонан бақувват; ота; ғолиб; бадавлат; муваффақият қозонган; қўрқмас; раҳбар; кучсизларни, айниқса аёлларни ҳимоя қилади; пул топади; фаол; салоҳиятли; оила боқувчиси; зиёли; баланд бўйли; ақлли; қаттиққўл; ўз ҳиссиётларини (ғазабдан ташқари) намойиш қилмайди; тадбиркор; депутат.	(Яхши) она; чиройли; мулоим (аслида шундай бўлиши керак; аммо у қизларни ўз ўғлига турмушга чиқишга мажбур қилаётган бўлса, шундай бўла оладими?); турмушга чиққан; сексуал (жинсий жиҳатдан жозибадор); моногам (фақат битта эр никоҳида бўлиши мумкин бўлган); бокира; пассив; (яхши) уй бекаси; фарзанд тарбияси билан шуғулланади; бола туға оладиган; хушчақчақ; озғин; эркакка қараганда ақллироқ бўлмаган; назокатли; ўз жисми ҳақида қайғурадиган; жаҳлитезчиқмайдиган; анъаналарга содиқ; эскича кийинади; итоаткор; ўзини оилага бағишлаган; камгап; хушрўй; эътиборли; ўқитувчи, шифокор ёки ҳамшира бўлиб ишлайди.

Муҳокама учун саволлар:

- Бу тавсифлар туғмами ёки турмуш давомида орттирилганми?
- Уларни эркак жинсига мансуб шахсларга нисбатан қўлласа бўладими ёки аёл жинсига мансуб шахсларга? Ё ҳар иккала жинсга ҳамми?
- Уларнинг қайси бири табиатан фақат “аёлларга хос” бўлиб ҳисобланади ва агар эркак бундай жиҳатлардан бирига эга бўлса, уни дўстлари олдида ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин? Бу жиҳатлардан уялишга сабаб нима?

Топшириқ бажариб бўлингач, иштирокчиларга эркаклар роллари билан аёллар роллари ёзилган стикерларнинг жойларини алмаштириб қўйиш таклиф қилинади. Бу машқ мерос олинган гендерга оид роллар ва ижтимоийлашув эркакларнинг мамлакат ижтимоий, сиёсий ва

иқтисодий соҳаларида иштирок этишлари рағбатлантирилиши учун қисман жавобгар эканини кўрсатади. Шунинг учун бу тизимлар эркакларга хос воқелик ва уларга нисбат берилган “эҳтиёжлар”ни кўпроқ акс эттиришидан ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Бошқа томондан эса аёллар оилада қолиб, у ҳақида қайғуришга рағбатлантирилади, пировардида улар қарор қабул қилувчи шахслар орасида нисбатан камчилиқни ташкил қилишади ва иқтисодий жиҳатдан эркакларга қарам бўлишади. Бу аёлларнинг ҳаётий вариантларини, танлов ва эркинлигини жиддий равишда чеклайди. Ва жамият ҳамжамят турмушини яхшилаш ва иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш ишида етакчи ролларни ўйнайдиган фаол аёллардан маҳрум бўлиб қолади.

Гендерга оид роллар мавжудлиги кўпинча рад қилинади, чунки гендерга оид роллар “табиий”, деб ҳисобланади. Бироқ ўн йил ичида ёки бир авлод алмашиши билан ва ё юз километр нарида ёхуд мамлакат хорижида ўзгариб қолаётган нарса қандай қилиб табиий ҳамда биологик тизимимизнинг бир қисми бўлиб ҳисобланиши мумкин? Бу ерда иштирокчилар томонидан фикрий ҳужум чоғида кўтарилган маданий ва жўғрофий фарқлар далил сифатида келтирилиши мумкин. Кўплаб ўғил болалар ва қизлар, аёллар ва эркаклар гендерга оид ролларга муносиб бўлиш юзасидан ўз зиммасига юкланган талаблардан азият чекишади. Гендерга оид ролларнинг қатъий қилиб белгилаб қўйилгани аёллар ва эркаклар ўртасида тенгсизлик ҳамда гендерга оид зўравонликнинг юзага келишига сезиларли таъсир қилади. Замонавий ва ўқимишли эр-хотинларнинг айримлари ўз мамлакатларини тарк этиб, энг яхши ақл соҳибларига харидор бўлган, аёллар ўз қобилиятларини ривожлантиришлари мумкин бўлган, ёш болалар эса тенг имкониятларга эга бўлган ҳолда катта бўлиши мумкин бўлган муҳитда яшаш учун фуқаролик таклиф қилувчи Канада каби мамлакатларга кетиб яшаш керак, деб ҳисоблайдилар. Ахир мамлакатимизни ривожлантириш учун бизга ёрдам бериши мумкин бўлган бу одамларни ўз мамлакатимизда ушлаб қолишимиз керак эмасми?

“Ҳинду” машқи

Материаллар:

- флипчартлар,
- маркерлар.

Машқнинг олиб борилиши: Иштирокчиларни икки гуруҳга ажратиш. Фасилитатор ҳар бир гуруҳга ҳиндуни қандай тасаввур қилсалар (либос, турмуш тарзи, яшайдиган жойи, атрибутлар ва ш.к.), шу ҳолда чизиш топшириғини беради. Одатда, иштирокчиларнинг ҳаммаси ҳиндуни анъанавий либосда, юз-кўзига ёрқин бўёқлар сурилган, патлар таққан, қўлига камон-ўқ тутган ҳолда тасвирлайди. Кейин ҳар бир гуруҳ ўзи чизган расмни тақдим қилади. Тақдимотдан кейин фасилитатор иштирокчиларга қуйидаги саволларни беради:

- Бу расмларда қанақа умумий жиҳатлар бор?
- Замонавий ҳиндулар ҳозир шунақа кийинадиларми?

Хулоса: Расмларда ҳиндунинг стереотипли тимсоли акс этган. Бу ерда у ижтимоий стереотипни тамсил этмоқда. Ижтимоий стереотип бу инсоннинг ижтимоий шарт-шароит ва аввалги тажриба таъсирида юзага келган бирор-бир ҳодисага одатий муносабатини акс эттирадиган, ижтимоий ҳодиса ёки объект ҳақидаги тасаввуридир.

3. Гендерга оид зўравонлик ва унинг турлари

Аёллар устидан гендер зўравонлиги бу аёлларга нисбатан амалга оширилаётган индивидуал ёки жамоавий-зўравонлик хатти-ҳаракатларидир. Унинг асосий мотиви қурбоннинг гендерга оид мансубияти бўлиб ҳисобланади.

Аёлларга нисбатан зўравонлик бу, хоҳ ижтимоий ҳаётда бўлсин, хоҳ шахсий ҳаётда бўлсин, аёлларга жисмоний, жинсий ёки психологик шикаст ёки азият етказадиган ва ё етказиши мумкин бўлган (масалан, бирор ишга мажбур қилиш ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш каби), жинсий мансубият асосида амалга оширилган ҳар қандай зўравонлик ҳаракати ҳамда бундай ҳаракатни амалга ошириш таҳдиди бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда гендерга оид зўравонликнинг тўрт асосий тури борлиги эътироф этилади, айрим одамлар ҳар қандай ўзгаришлар зиддига “анъаналар”ни ҳимоя қилишни истаётганлари учун ҳам бу зўравонликларнинг барчаси бизнинг мамлакатда ҳам мавжуд:

- **Жинсий зўравонлик**
- **Психологик (руҳий) зўравонлик**
- **Жисмоний зўравонлик**
- **Иқтисодий зўравонлик**

Айни пайтда зўравонликнинг барча турлари ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва уларнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида рўй бериши ҳам мумкин. Масалан, жисмоний ва психологик (масалан, калтаклаш ва бақриб-чақриш, уриш ва қўрқитиш), жисмоний ва жинсий (масалан, бўғиш ва ҳоҳишга қарши жинсий алоқага мажбурлаш), иқтисодий ва маънавий (масалан, зарур нарсалар олиб беришни рад қилиш ва ҳақоратлаш) ва шу кабиларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, зўравонлик турлари ўртасида ўзаро боғланганлик факти ҳам бўлиши, улар “занжир реакцияси” каби бири иккинчисини юзага келишига сабаб бўлиши, оиланинг бир аъзосидан иккинчисига ўтиши мумкин. Масалан, ота онани дўппослади, у эса бақриб, аламини боласидан ёки келинидан олди. Аввалига руҳий зўравонлик рўй беради, маълум муддатдан сўнг у турли даражадаги жисмоний ҳаракатлар билан тўлдирилади, кейин эса у жисмоний ёки жинсий зўравонликка ўтиши мумкин.

Аёлларга нисбатан зўравонлик ва унинг турли шакллари Қирғизистоннинг долзарб ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, чунки у оилаларни барбод қилаяпти ва шу тариқа у жамият ва давлатга путур етказмоқда, чунки фақат мустаҳкам оилагина мустаҳкам жамият ва давлат қура олиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, оилавий зўравонлик ватанпарварона бўлмаган хатти-ҳаракатлар сирасига киради. Мамлакатда иқтисодий турғунлик бўлган пайтда оилавий зўравонлик ҳолатлари мавжуд бўлишда давом этиши ва ҳатто кўпайиши ҳам мумкин. Бизнинг мамлакатда қизларни никоҳ учун олиб қочиш, яширин кўп хотинлилик, эрта никоҳлар каби оила жабҳасидаги зўравонлик шакллари ривожланиши, тарқалиши ва оқланиши тенденцияси мавжуд. Аммо бу бир пайтнинг ўзида бутун жамият ва давлатнинг заифлашувига олиб келади. Келаси сессияларда биз зўравонликнинг айнан шу шакллари кўриб чиқамиз.



03

Қизларни никоҳ
учун мажбуран
олиб қочиш

Сессия мақсади: иштирокчилар билан келинни мажбуран олиб қочиш нима эканини муҳокама қилиш, мазкур кўринишга оид сабаб ва оқибатларни таҳлил қилиш. Куч билан олиб қочиши мумкин бўлган қизлар ҳамда бу кўринишнинг бошқа иштирокчилари учун тавсияларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш.

Вақт: 2 соат.

Сессия режаси:

№	Номланиши	Услуб	Вақт
1.	“Гендер ва гендерга оид зўравонлик” деб номланган аввалги сессия обзори	“Хотиралар тўпи” ўйини	10 дақиқа
2.	“Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш” (ала-қачуу) тушунчаси. Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш саҳнаси иштирокчиларини ҳамда уларнинг ролларини белгилаш.	Фикрий ҳужум, умумий баҳс-мунозара. “Ала-қачуу” машқи (қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш вазияти иштирокчиларнинг ўзлари томонидан ўйналиши).	10 дақиқа Тайёргарлик 15 дақиқа Саҳна кўриниши 15 дақиқа Умумий муҳокама – 10 дақиқа
3.	Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочишга оид сабаб ва оқибатлар таҳлили.	Гуруҳларда ишлаш Кейс устида ишлаш + тақдимот	Гуруҳларда ишлаш – 15 дақиқа Тақдимот – 10 дақиқа 20 дақиқа
4.	Оила ёки ҳамжамиятда зўравонлик билан келин олиб қочишда превентив ва кейинги ҳаракатларни қандай қабул қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	Гуруҳларда ишлаш	15 дақиқа

1. Аввалги сессия обзори: Гендер ва гендерга оид зўравонлик.


“Хотиралар тўпи” ўйини.

Аввалги сессия обзори учун иштирокчилар айлана ҳосил қилиб турадилар ва бир-бирларига тўпни узатган ҳолда, “Гендер ва гендерга оид зўравонлик” деб номланган аввалги сессия чоғида эслаб қолганларини айтиб берадилар. Асосий қоидалар: ҳар бир иштирокчи ўз гапини айтиши керак ва кейинги иштирокчининг ҳар бири аввалги иштирокчининг айтганларини такрорламай, бошқа бир гапни айтиши лозим. Бу машқ чоғида фақат янги маълумотни ўртага ташлаш билан чекланиб қолмай, балки аввалги сессия пайтида ва ундан кейин пайдо бўлган янги фикр ва ғоялар билан ҳам ўртоқлашиш мумкин.

2. Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш

Қирғизистон Республикаси Оила кодексида никоҳга “эр-хотин ўртасида мулкга оид ҳамда мулкка оид бўлмаган шахсий муносабатларни юзага келтирувчи оила барпо қилиш мақсадида, томонларнинг ўз ихтиёри ва тўла розилиги билан қонунда белгиланган тартибда эркак ва аёл ўртасида тузилган тенг ҳуқуқли иттифоқ” ўлароқ таъриф берилади.

Қизларни никоҳ учун олиб қочиш (ала-қачуу) бугунги Қирғизистонда анча кенг тарқалган кўринишдир, бироқ, тадқиқотчиларнинг бу муаммога қизиқиши катта эканига қарамай, у ба-тафсил ўрганилган, деб бўлмайди. Қизларни никоҳ учун олиб қочиш анча нозик ва ҳамма ҳар хил ёндошадиган муаммо бўлгани сабабли уни тадқиқ қилиш юзасидан муайян қийинчиликлар мавжуд. Бу атама остига тушадиган хатти-ҳаракатларнинг камида учта турини ажратиш кўрсатиш мумкин:



1. Ота-она норози бўлган пайтда кув ва келиннинг ўзаро келишуви асосида қиз олиб қочиш (бунинг бошқа бир варианты - ота-оналар розилигида харажатларни қисқартириш мақсадида қиз олиб қочиш);
2. Қизларни уларнинг розилигисиз, аммо ота-онасининг розилиги билан олиб қочиш;
3. Қизларни ҳам ўзларининг, ҳам ота-онасининг розилигисиз олиб қочиш. Мазкур ҳолатда қиз ўз кувини олиб қочиш пайтида биринчи марта кўриши кўп кузатилган.

Қиз олиб қочишнинг биринчи ва иккинчи турларида собит аъналарга кўра келишув асосидаги никоҳга риоя қилинган маросим ҳақида гапириш мумкин. Келин ва кув никоҳ қуриш ёшига етган бўлса, биринчи сценарий қонунга мувофиқдир. Иккинчи ҳолатда, аънавий жиҳатлар қандай бўлишидан қатъий назар, мазкур хатти-ҳаракат қонунларга, Конституцияга, Конституцияда битилган қадриятларга зид жиноят бўлиб ҳисобланади, бу эса мазкур қадрият-

ларга ҳамда қонунларни бажариши ва тартибни сақлаши лозим бўлган давлатга қарши чиқиш бўлиб ҳисобланади. Иккинчи ва учинчи ҳолатлар бўйича Қирғизистон Республикаси қонунчилигида муайян санкциялар (жазо чоралари) мавжуд ва улар қўлланилиши лозим!

Эндиликда айрим одамлар “анъаналар” қонунбузарлик сифатида кўрилиши мумкин эмаслиги ва бунинг тўғрилигини таъкидлаши мумкин. Бу одамлар бизнинг Конституциямиз ҳамда унга асосланган қонунлар фақат уч йўл билан ўзгартирилиши мумкинлигини тушунишлари лозим: инсон ҳуқуқлари ва халқаро меъёрларни писанд қилмайдиган нодемократик давлат учун овоз бериб, Қирғизистоннинг инсон ҳуқуқларига қарши чиқиши ва мамлакатнинг маҳдудлашишини истайдиган аксар фуқаролар томонидан, иккинчидан, зўравонлик ёрдамида ҳокимиятни афдарिश йўли билан (буни одамлар истамасалар ҳам керак), учинчидан, Қирғизистонни тарк этиб, инсон ҳуқуқларининг бу тарзда бузилишига қонун томонидан йўл қўйиладиган мамлакатни топишга уриниш орқали. Аслини олганда, бунақа давлат дунёда битта ҳам йўқ ва ҳатто Афғонистонда сўнгги ўн йиллар ичида аёллар ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш ва қонун билан мустаҳкамлаш йўлида катта муваффақиятларга эришилди.

Шундай қилиб, бу одамлар оддий ҳақиқатни қабул қилишлари лозим. Мазкур ҳақиқат бу одамлар ва улар томонидан жонбозлик билан риоя қилинаётган анъаналар янги замонга, ижтимоий таълим ва соғлиқни сақлаш, замонавий инфратузилма ва электр, автомобиллар, самолётлар ва Интернет бўлган замонга мувофиқ равишда ўзгартирилиши лозимлигида акс этган. Шу ўринда “Нима учун айрим одамлар ўтган асрларга хос, бировларнинг бошқаларни таҳқирлаши билан боғлиқ бўлган анъаналарини ҳимоя қилишни истайдилар?” дея савол бериш зарур. Фақат дилозор кимса шундай қилишга жазм қилгани учунгинами? Кучли халқ ва маданият таҳқирлашларсиз ҳаёт кечира олмайдими?



Қайд этиш муҳимки, бундай хатти-ҳаракатларни амалга ошираркан, ижрочилар орасида камдан-кам одам бундай хатти-ҳаракатнинг қонунга мувофиқлиги ҳақида ўйлаб кўради. Бироқ бу ижрочилар учун оқлов бўлолмайди, агар одамлар ижобий қадриятларга эга бўлсалар ва ахлоққа таянган ҳолда, нима “нотўғри” ва нима “тўғри” эканини ҳал қила олсалар. Билимнинг чекланганлиги сабабларидан бири сўнгги йилларда давлатнинг қонунларни бажаришни истамаганлиги ва бажаришга қодир бўлмаганлиги бўлиб ҳисобланади, бу эса аёл киши (балки сизнинг опангиз ёки синглингиз) ҳаётини барбод қилиши мумкин бўлган айбдорларга жуда қўл келди. Келин олиб қочиш кўпинча келиннинг қариндошлари ва Конституцияда акс этган қадриятларни ҳимоя қилмаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг индамай рози бўлиши туфайли содир бўлмоқда. Аммо ҳаммаси ўзгараяпти, гарчи одамларга бошқа одамни озодликдан маҳрум қилиш нима учун жуда ярамас иш бўлиб ҳисобланишини тушунтириш ҳали-ҳамон қийин бўлса-да.



Яқинда бир қиз ўз ихтиёрига зид равишда ўғирланди. Қизнинг ота-онаси уни қўллаб-қувватлади. Ота-она бунинг ўз қизларини унга эга бўлиш учун фақат жисмоний куч ишлатиши мумкин бўлган, қизнинг кўнглини олиш орқали унга эришолмаган ва қизни куч билан турмушга чиқишга мажбурлаб, жиноий хатти-ҳаракатга қўл урган нўноқ йигитга эмас, балки ўзи танлаган кучли йигитга бериш истаги билан изоҳлаганлар. Ўғирланган қизнинг ота-онаси оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилганлар ва оқшомга борибоқ янгиликларда ўғирланган қиз сурати кўрсатилиб, бунинг учун ўғрилар жазоланиши ваъда қилинган. Бунинг кўргач, қиз ўғирсининг ота-онаси қизни қўйиб юборган. Шунга қарамай, у ўзини ўғирлаб кетганларида қаттиқ ғазабга минган ва ўғрига қарши жиноий иш очилишини ваъда қилган. Айбдорнинг онаси энди ўғлининг ҳаёти барбод бўлиши мумкинлиги ҳақида шикоят қила бошлаган. Бу аёл ўғли ўғирлаган қизнинг ҳаёти ҳақида ёки аёлларни ҳурмат қилиш юзасидан ўғлига ёмон тарбия бергани ҳақида ўйлаб кўрмаганмикин?

Ўғирланган қизнинг ота-онасининг уйига қайтиб келиши кўпинча ота-она учун шармандалиқ сифатида кўрилади. Бироқ ҳозир бу ҳам ўзгараяпти. Наҳот, ота-оналарга қиз ўғирлагани

учун қонунга мувофиқ равишда бир неча йилга қамаладиган йигитга қизини беришдек шармандаликка чидаш бундан осонроқ бўлса?

Аёлнинг эркин, ўз ихтиёрига кўра никоҳ қуриш ҳуқуқи Қирғизистон Республикаси Жиноий кодекси билан ҳимояланган.

155-модда. Аёлни турмушга чиқишга мажбурлаш ёки унинг турмуш қуришига тўсқинлик қилиш.

1. Аёл кишини никоҳ қуришга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш, шунингдек, аёлнинг турмушга чиқишига тўсқинлик қилиш – юзтадан икки юзтагача бўлган ҳисоб кўрсаткичи баробаридаги жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
2. Аёл кишини унинг хоҳиш-истагига зид равишда никоҳ қуриш мақсадида олиб қочиш – беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Қирғиз Республикасининг 2013 йил 25 январида чиққан 19-сонли қонуни таҳриридан)

Қиз турмушга чиқаётган пайтда унинг розилигини олиш шарт.

1.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ جَارِيَةَ بَكَرًا أَتَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَتْ أَنَّ أَبَاهَا زَوَّجَهَا وَهِيَ لَكَارِهَةٌ. فُخِّرَهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْبُكَرُ تُسْتَأْذَنُ (رواه أبو داود و ابن ماجه)

Маъноси: Ибн Аббос (Оллоҳ ундан рози бўлсин) айтди: “Турмушга чиқмаган бир қиз Пайғамбар САВ ёнига келиб, отаси уни хоҳиш-иродасига қарши турмушга бераётганини айтганда, Пайғамбар унга ўз ихтиёри билан турмушга чиқиши мумкинлигини айтган”.
Пайғамбар яна шундай деб ҳам айтган: “(Турмушга чиқмаган) қиздан (никоҳ учун) розилик сўралиши шарт”. (Абу Довуд, Ибн Можа)

“Қиз қуумай” – қирғиз қизининг турмуш ўртоғини ихтиёрий равишда ўзи танлаш ҳуқуқига эга эканини кўрсатадиган далил сифатида.

Қадим замонларда бу ўйин тўй маросимининг бир қисми бўлган. Ўйинда миллий либосдаги бир неча жуфтлик (чавандоз йигит ва қиз) иштирок этади. Ўйин қоидасига кўра, келинга энг чопқир от берилган ёки у 20 метр олдинга ўтиб, ўз отида чопишни бошлаш ҳуқуқи берилган. Куёв қизнинг ортидан қувалаб кетган, бу эса унинг муҳаббати ва унга уйланиш ҳуқуқи борлигининг исботи бўлган. Куёвнинг оти нимжонроқ бўлгани учун, йигит севгилисини қувиб етишга баъзан муваффақ бўлолмаган. Шундан сўнг у йигитни қамчи билан савалаш орқали “мукофотлаш”и мумкин бўлган ва агар қиз бўлажак эрини рад қилмаса, тўй қилинган. Қиз унга рад жавобини бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлган, бироқ, агар кучли йигит унинг муҳаббатини қозонолса, улар турмуш қуришлари мумкин бўлган. Мана бу қирғиз халқи фахрланиши мумкин бўлган анъанадир. Эътибор қилинг, бу ерда аёл киши танлаш имкониятига эга ва қиз ҳам, ўғил бола ҳам тенгдир. Шундай экан, нима учун замонлар синовидан ўтган бу ижобий анъаналарга яна қайтмаслик керак?

Олиб қочиш қурбонига айланган аёллар ўртасида ўтказилган сўров олиб қочиш вақтидан қатъий назар (XX асрнинг етмишинчи йилларида бўладими ёки XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида), бу жараён муайян чегаралар доирасида такрорланади ва муайян босқичларга эга: ўғирлаш учун қиз танланиши, алдов ёки жисмоний кучдан фойдаланган ҳолда қизни ўғирлаш,

кўндириш ёки қўрқитиш воситасида, баъзан эса зўравонлик қўллаган ҳолда, қизни турмушга чиқиш учун розилик беришга мажбурлаш, қизнинг қариндошлари билан музокара олиб бориш, кўпинча никоҳни фуқаролик қайдидан ўтказмаган ҳолда, диний никоҳ маросимини ўтказиш. Фуқаролик қайди бўлмагани учун аёл никоҳ пайтида орттирилган мулкдаги ўз қонуний улушидан маҳрум бўлади ёки бу улушни талаб қилишда қийинчиликларга дуч келади ёки эри эрта вафот қилган тақдирда, бу мулкни аёл ёки унинг фарзандлари томонидан мерос олишда муаммолар юзага келади.

Интервьюларда олинган маълумотларга кўра, кўпроқ 17 ёшдан 23 ёшгача бўлган қизлар ўғирланади, ўғирланган қизларнинг ўртача ёши 19.6 ёшни ташкил қилади. Сўралганлар орасидаги тўрт аёлни 15 ёшида, етти аёлни 16 ёшида ўғирлаб кетганлар, бу эса кейинги жиноий хатти-ҳаракатларга сабаб бўлади ҳамда жисмоний жиҳатдан тўла балоғатга етмай туриб, туғруқ пайтида жабрланиши мумкин бўлган ёш аёл туққан нимжон болаларнинг дунёга келишига олиб келади.

268 нафар қиздан 218 (81%) нафарининг ўғирланиши никоҳ билан тугаган, қолганлар ё қўйиб юборилган, ёки қочиб кетган. Сўров ўтказилган пайтда сўралган аёлларнинг 47 фоизигина ўзини ўғирлаган эркак билан яшашда давом этаётгани (улар орасида учдан бири сўнгги уч йил давомида ўғирланган), қолганлари ажрашиб кетгани маълум бўлди. Турмуш қуриш учун қиз ўғирлашни фақат қизнинг ўзи учунгина эмас, балки қиз ва унинг болалари ҳақида қайғуриши лозим бўлган янги оиласи ҳамда эски оиласи учун ҳам, ҳамжамият ва давлат учун сал бўлмаса фожеа дейиш мумкин. Ҳақиқий ватанпарварлар ҳеч қачон қизни унинг инон-ихтиёрига зид равишда ўғирламайдилар, бу мамлакатни заифлатади ва “Қиз қуумай” каби анъаналарда акс этган қирғизча қадриятларга зид келади.



Аёлларнинг жуда кўпи ўғирланган пайтда бундан дарғазаб бўлганларига қарамай, сўнгги йиллардан улар орасида фақат ўнтадан биттасигина бу ҳақда милицияга ариза топширган. Бироқ кўп ҳамжамиятларда Ала-қачуу кўринишига (баъзан ҳуқуқ-тартибот идоралари ёрдами билан) барҳам бериш учун одамларнинг ўзлари маълум чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Судгача етиб борган бир неча иш қиз ўғирлаган шахснинг уч йилга қамалиши билан тугаган. Сўнгги пайтда жазо кучайтирилганидан кейин ҳуқуқ-тартибот идораларига ариза ташлаш ҳолатлари кўпайди, бу эса келин ўғирлаш жараёнида иштирок этиб, танлаган “келин” келажагини эмас, балки ўз келажагини барбод қилиш мумкин бўлган ўғрилар учун қиз олиб қочиш амалиётини хавfli ишга айлантиради. Авваллари қиз ва ўғрининг қариндошлари ўртасидаги зиддият ўзаро совға-салом улашиш ва муайян миқдорда пул тўлаш билан тугарди. Бу пул миқдори, афтидан, эндиликда кескин кўтарилиб кетади, чунки қамоққа тушиш эҳтимоли анча реал ҳодисага айланиб бормоқда.

Боткен қишлоқларининг биридан бўлган оқсоқоллар бу боб муаллифларига бир неча йил аввал ўз қишлоқларида содир бўлган Ала-қачуу ҳодисаси ҳақида сўзлаб бердилар. Ўшанда оқсоқоллар дарҳол қиз ўғрисининг қишлоғига бориб, агар қиз зудлик билан озод қилинмаса, икки қишлоқ ўртасида уруш бўлишини билдирганлар. Қиз қўйиб юборилган ва шундан кейинги йилларда ҳеч ким бу оқсоқоллар қишлоғидан қиз ўғирлашга ботинолмаган.

Бу боб муаллифлари Ала-қачуу мавзусида Иссиқкўл вилоятидаги қишлоқларда ҳам тўшунтириш ишларини олиб борганлар. Қизиғи шундаки, Ала-қачуу амалиётига нисбатан муносабат салбий бўлган қишлоқлардан бирида бу амалиётга айнан диний пешволар энг кўп қаршилиқ кўрсатганлар. Улар қиз олиб қочиш ҳаром экани айтиб, Қуръони Каримдан бунини маън қилувчи турли оятларни келтириб ўтганлар. Диний пешволар балоғатга етмаган қизнинг диний никоҳдан ўтиши ёки қизнинг раъйига зид равишда никоҳ ўқилиши шарият амалларини қўпол равишда бузиш эканини, боз устига, бу қонунга ҳам зид эканини маълум қилишган. Демак, Ала-қачуу қонунга ҳам, қирғизларнинг қадим анъаналарига ҳам, Ислом динига ҳам тўғри келмайдиган ишга ўхшайди. Шундай экан, ахлоқи бузуқ кимсалардан бошқа яна ким ҳам ҳозирги пайтда бу ишни амалга оширади ва “жазодан қутулиб қоламан”, деб ўйлайди?

“Ала-қачуу” машқи

Материаллар:

- Рўмол (шарф ҳам бўлиши мумкин)
- Имкон қадар олиб қочиш иштирокчилари учун муносиб кийим.

Машқнинг оид борилиши: Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинадилар: артистлар ва кузатувчиларга. Артистлар гуруҳига тегишли роллар тақсимланиб, келинни мажбуран олиб қочиш сахнасини тайёрлаш учун 15 дақиқа вақт берилади. Кейин эса гуруҳга тайёрланган сахна кўринишини тақдим қилиш учун яна 15 дақиқа вақт ажратилади. Сахна кўринишидан сўнг артистларга ҳам, томошабинларга ҳам ўз фикрини билдириш учун имкон берилади.

Муҳокама учун саволлар:

- Иштирокчилар мазкур вазиятда ўзларини қандай ҳис қилдилар?
- Уларнинг қизни мажбуран олиб қочиш жараёнида уларнинг роли қандай бўлди?

Хулоса: қиз ўғрисининг дўстлари ва қариндошлари қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочишда шерик бўлиб ҳисобланадилар. Бу жиноят айнан уларнинг фаол иштирокида амалга оширилмоқда.

Кейс устида ишлаш:

Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинадилар, уларга Кейс билан танишиш ва қуйидаги саволларга жавоб бериш учун 15 дақиқа вақт берилади:



Анара Кенжебекова 19 ёшда, у Талас шаҳрида яшайди. У отасиз ўсган, Анара ва унинг икки акасини онаси бир ўзи вояга етказган ва тарбия қилган. Анара болалар таълим марказида ишлайди. Ўтган йил мобайнида Анарани икки марта “ала-қачуу” орқали зўравонлик билан никоҳ қуришга мажбур қилмоқчи бўлганлар.

Биринчисида Анаранинг келинойиси ўз синглиси билан биргаликда, ёш йигитлар билан тил бириктирган ҳолда, қизни уларнинг қўлига топширишган. Ўшанда Анаранинг онаси уни қайтариб олиб келган. Анаранинг келинойисидан: “Нега бундай қилдингиз?” деб сўрашганида, у “йигит яхши оиладан эди, нимага унга турмушга чиқмаслик керак”, дея жавоб қайтарган.

Иккинчи марта уни бир ой ўтгач, ишдан қайтаётган пайтда ўғирлаб кетишган. Йигит ажрашган, бир қиз фарзанди бор ва Анарадан 12 ёш катта экан. Анара қайтиб кетмоқчи бўлганида йигит унинг қўл-оёғини боғлаб, агар қочиб кетса, бадном бўлиши ва бошқа ҳеч қачон турмушга чиқа олмаслигига ишонтиришга ҳаракат қилган. Қизнинг онаси уни ўғрининг уйидан олиб кетган ва ҳуқуқ-тартибот идораларига ариза ёзиб берган. Ариза ёзилганидан кейин йигитнинг ота-онаси қурбоннинг оиласи турадиган уйга бир неча бор келишиб, улардан милициядан аризани қайтиб олишни, бунинг эвазига эса улар анъаналарга риоя қилган ҳолда Анарага совчи юбориб, тўй қилиб беришларини айтганлар. Ўғрининг қариндошлари Анарани қарғашларидан қўрққан қизнинг онаси милициядан аризасини қайтиб олишга қарор қилган. Шу ҳодисадан кейин қиз “Маана” кризис марказига мурожаат қилган. Эшитган ҳақоратларию “шаънимга доғ тушган” деган ўй туфайли Анарада норасолик комплекси пайдо бўлган, у ўзини ўйинчоқ ҳис қиларди. Ҳатто Анаранинг қариндошлари ҳам уни оиласи шаънига доғ тушираётганликда айблашарди. Кризис маркази мутахассислари ёрдамида қиз ўзига келишга муваффақ бўлди. Ҳозир Анара тўлақонли ҳаёт кечирмоқда, унинг севган кишиси бор, кейинчалик ўша йигитга турмушга чиқмоқчи. Анара маҳалладаги ақлсиз

одамларнинг миш-мишларига қулоқ тутмай ва улар олдида ожизлик қилмай, қизини ҳимоя қилишда жасорат кўрсатган ўз онасидан миннатдор.

1. Анаранинг вазиятига тушиб қолганингизда, сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?
2. Анаранинг қариндошлари нима учун уни қораладилар? Нима деб ўйлайсиз, уларда бунинг учун асос бормиди ёки улар Анаранинг орзу-истаклари ва бахтидан бозордаги миш-мишларни юқори қўйганлари учун уялишлари керакми?
3. Анара дучор қилинган зўравонлик оқибатлари қандай бўлди, у бунга арзирмиди? “Нима ўлдирмаса, кучлироқ қилади” деган нақл бор, сизнингча, Анаранинг вазияти бу нақлнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайдими?

2. Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочишга оид сабаб ва оқибатлар таҳлили.

Гуруҳларда ишлаш:

Қизларни мажбуран олиб қочишга оид сабаб ва оқибатлар таҳлилини ўтказиш учун иштирокчилар иккита гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ 15 дақиқа давомида қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочишга оид сабаб ва оқибатларни, иккинчи гуруҳ эса муҳаббат ва ўзаро розилик асосида қурилган турмуш оқибатларини баён қилади.

Сабаблар:

- Қарама-қарши жинс билан мулоқот қилиш маданиятининг йўқлиги
- Қизни ўғирлаган кишида ва унинг эҳтимол ўзи ҳам ўғирланган, аммо бунга қаршилиқ кўрсатмаган онасида ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўзига нисбатан ишонч даражасининг пастлиги;
- Бошқаларга нисбатан ҳурмат даражасининг пастлиги ва худбинлик.
- Ўз ақлининг йўқлиги; оила ва уруғ истакларига кўр-кўрона эргашиш ҳамда фақат уруғ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш.
- Интеллект (ақл) даражасининг пастлиги ва инсон ҳуқуқлари масаласида хабардорлик даражасининг пастлиги.
- Давлат идораларининг ўз функционал мажбуриятларни бажармаслиги.
- Жамиятнинг, айниқса ўғирланган қиз қариндошларининг индамай рози бўлиб туриши.
- Мазкур кўринишни романтиклаштириш – ўзини “кучли” инсон деб ҳис қилиш, ваҳоланки, аслида қиз ўғриси қизларнинг илтифотига ноил бўлишга қодир бўлмаган омадсиз бир йигитдир.

Сиз бундай йигитга турмушга чиқишни истармидингиз; ўзингизнинг энг ашаддий душманингизга шундай йигитга турмушга чиқишни раво кўрган бўлармидингиз?

Оқибатлар:

- Бузилган тақдирлар
- Эрта никоҳлар
- Эрта туғиш
- Ажралишлар
- Ўз жонига қасд қилишлар
- Жиноий ишлар
- Юқорида саналган пунктларнинг ҳар бир туфайли тенгдошлар орасида ҳурматни бутунлай йўқотиб қўйиш
- Кўпинча жамият учун тўсиқ ва юкка айланади

Муҳаббат ва ўзаро розилик асосида никоҳ қуриш оқибатлари:

- Режалаштирилган ҳомиладорлик
- Соғлом фарзандлар

- Оиладаги хайрихоҳона психологик вазият
- Эҳтимол, яхшироқ иқтисодий вазият
- Стресслар (сиқилиш) ва касалликларнинг камроқ бўлиши
- Бахтли ҳаёт туфайли узоқ умр кўриш
- Ҳамжамиятга ҳисса қўшиш

3. Қизларни мажбуран олиб қочишнинг барча иштирокчилари учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Аввалги муҳокамаларга асосланган ҳолда, барчага қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш жараёнида роль ижро этиш таклиф қилинади. Роллар қуйидагича бўлиши мумкин: кўевнинг ота-онаси, кўев, кўевнинг дўстлари, қиз, қизнинг ота-онаси, қариндошлар, қўшнилари, ўғри, кузатувчи ролини бажараётган СИЗ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, диний арбоблар, нодавлат ташкилотлари ходимлари, ёшлар ташкилоти фаоллари ва бошқалар. Роллар тақсимлаб чиқилганидан кейин иштирокчилар давра бўлиб ўтириб, қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочишга дахлдор ечим ва тавсияларни ишлаб чиқиш бўйича муҳокама бошлашлари керак. Саҳнанинг ҳар бир иштирокчиси ва ҳамма аъзолар у ёки бу роль ҳақида ўз шахсий фикрини билдиради.

Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш иштирокчилари учун тавсиялар:

СИЗ – 102 рақамига қўнғироқ қилиб, жиноят ҳақида маълум қилинг, Ички ишлар бўлими ходимларининг келишини кутинг ва гувоҳ сифатида чиқинг. Агар қўлингиздан келса, ўғирлик содир этилишига тўсқинлик қилиш учун, аммо ўзингизни жисмоний шикастга рўбарў қилмаган ҳолда, ишга аралашинг. Бундан ташқари, жиноят ҳақида далил-исботга эга бўлиш учун аёлнинг қаршилиқ кўрсатаётганини телефонингиз билан видеотасвирга олишингиз мумкин. Бунақа пайтда тасвирга олинган видеоёзувни милицияга топширишдан олдин ундан нусха кўчириб олинг, бу нусхани ишончли жойда сақланг ва ҳоказо.

Йигитнинг ота-онаси – ўғлингизга муҳаббат ва қизнинг розилиги асосида уйланишни маслаҳат беринг.

Кўев – оилани муҳаббат ва ўзаро розилик асосида қуриш.

Кўевнинг дўстлари – мабодо сизга келинни мажбуран олиб қочишда иштирок этишни таклиф қилиб қолишса, рад этинг ва “бу жиноят бўлиб ҳисобланади” дея огоҳлантиринг.

Қизнинг ота-онаси – ҳар қандай вазиятда ҳам қизингизни ҳимоя қилинг, уни уйга олиб кетинг.

Қариндошлар – келинни мажбуран олиб қочишда иштирок этишдан бош тортинг, бошқа қариндошларга бу жиноят эканини ҳамда йигит ва унинг шериклари бунинг учун қамоққа тушишлари ва бадном бўлишлари мумкинлигини айтинг.

Қўшнилари – 102 рақамига қўнғироқ қилинг ва жиноят ҳақида маълум қилинг, манзилни маълум қилинг, Ички ишлар бўлими ходимларининг келишини кутинг, гувоҳ сифатида чиқинг.

Ички ишлар идоралари ходимлари – мажбуран қиз олиб қочиш ҳодисасини қайд этинг ва айбдорлар ёки шериклари томонидан айтилган “оқловлар” таъсирига берилмай, ўзингизни Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси моддаларига мувофиқ равишда тутинг.

Нодавлат ташкилотлари ходимлари – қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида информатсион ва тушунтириш ишларини олиб боринг, никоҳга мажбурлаш масалалари бўйича судолди ва суд ишлари мониторингини ўтказинг.



1. Жиноят иштирокчилари сони ва юз тузилишларини эслаб қолинг.
2. ИИМга батафсилроқ маълумот бериш учун автомобиль маркаси ва рақамини эслаб қолинг.
3. Чор-атрофдагилар эътиборини жалб қилиш йўлларини қидиринг, масалан, уларни ёрдамга чақириш билан.
4. Қариндошларнинг ҳеч қанақа қарғишидан қўрқманг, қатъиятли бўлинг, ўғрилардан сизни зудлик билан озод қилишни талаб қилинг.
5. Жиноий кодексдаги моддалар рўйхатини ва бунинг учун жиноий жавобгарлик борлигини қайта-қайта такрорланг.
6. Агар имкон бўлса, 102 га қўнғироқ қилиб, ўғирлик ҳақида маълум қилинг.
7. Ўтган-кетганни ёрдамга чорланг. Ҳар қандай ёрдам муҳим! Кимдир содир бўлган ҳодиса ҳақида маълум қилиши мумкин.
8. Агар сизга ёрдам беришган бўлишса, ўғирлашга уриниш фактига гувоҳлик беришлари учун ёрдам берган кишиларга оид маълумотларни ёзиб олинг.
9. Ҳатто арзимаган жароҳат олган бўлсангиз ҳам – жароҳат олганларга ёрдам бериш пунктига мурожаат қилинг.
10. Олган жароҳатингиз жиддийроқ бўлса, тез ёрдам чақиринг.
11. Даволаниш пайтида барча маълумотнома ва чекларни йиғиб боринг.
12. Ички ишлар бўлимига ариза ёзинг. ИИБ ходими аризангизни қайдга олганини назорат қилинг. Нодавлат ташкилотлари ёки ООН-женщини ташкилотининг Бишкекдаги офисига ёрдам сўраб мурожаат қилинг.

Иштирокчилар ва уларнинг ота-оналарига мажбурий олиб қочишга қарши қасамёд таклиф қилинг.

Қиз бола учун қасамёд:

“Мен, _____ мажбуран олиб қочиш содир бўлган тақдирда, ўз ихтиёримга зид равишда ўғрининг уйида қолмасликка ва никоҳга рози бўлмасликка қасамёд қиламан. Мен ўғрилиқ содир бўлгани ҳақида албатта ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қиламан. Мен фақат муҳаббат ва ўзаро розилик асосида турмушга чиқаман”.

Йигит учун қасамёд:

“Мен, _____ никоҳга мажбурлаш мақсадида ҳеч қачон қиз ўғирламайман. Агар бирор дўстим ёки танишим қиз ўғирлашни режалаётган бўлса, қасам ичаманки, уни бужиноятни содир қилишдан қайтаришга ҳаракат қиламан. Мен “дўстлик” дан кўра адолатни биринчи ўринга қўяман ва қиз ўғирлаган ҳар қандай киши ҳақида, ҳатто у менинг дўстим бўлса ҳам, агар режасидан қайтмаса, милицияга хабар қиламан. Ҳатто ота-онам менга босим ўтказган тақдирда ҳам, муносабатларни ўз ихтиёримга ёки қизнинг ихтиёрига қарши эмас, балки ўзаро розилик асосида қуришга ҳамда фақат муҳаббат ва ўзаро розилик асосида уйланишга қасам ичаман”.

Қизнинг ота-онаси учун қасамёд:

“Мен, _____ отаси/онаси _____ қизим ўғрилиқ қурбонига айланмаслиги учун барча имкониятларимни ишга солишга қасам ичаман. Қизим ўғирланиб, турмуш қуришга мажбурланган тақдирда, уни зудлик билан ўғрининг уйдан олиб кетишга ва ҳамжамиятни сафарбар қилиш, ички ишлар идоралари ва нодавлат ташкилотларига мурожаат қилиш каби чораларни қўллашга қасамёд қиламан. Мен чораларни зудлик билан кўраман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қизимни қўллаб-қувватлашга қасам ичаман, уни ўғрининг уйдан олиб кетаман ва ўз қизимга нисбатан зўравонлик қилинишига йўл қўймайман. Қизимни олиб қочганлар мени пул ёки қорамол таклиф қилиш билан сотиб ололмайдилар, чунки мен учун қизим ҳар нарсадан қимматлироқ”.

Йигитнинг ота-онаси учун қасамёд:

“Мен, _____ отаси/онаси _____ ўғлимиз пировардида унинг ўзи ёки дўстларига хотин бўлиши керак бўлган қизнинг ўғирланишига сабабчи бўлиб қолишига йўл қўймаслик учун барча имкониятларни ишга солишга қасамёд қиламан. Агар ўғирлик ёки ҳар қандай қиз ўз ихтиёрига зид равишда никоҳ қуришга мажбурланаётгани ҳақида билиб қолсам, уни зудлик билан уйига қайтаришга қасам ичаман. Мен кутиб ўтирмасдан, зудлик билан ҳаракат қиламан. Ўғилларимни аёлга нисбатан ҳурмат руҳида ҳамда бўлажак рафиқасини унинг инон-ихтиёрига қарши эмас, балки юрагини ижобий характери ва хулқ-атвори билан забт этиш руҳида тарбия қилишга қасамёд қиламан. Агар ўғлим қизни унинг ихтиёрига зид равишда ўғирлаган бўлса, унинг тўйида иштирок этмайман”.

Сессия якунида иштирокчилар эътиборини Қирғизистонда анчадан бери жиноят ҳисобланса-да, ҳамон содир бўлиб турган қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш ҳолатларига яна бир бор қаратинг. Бироқ биз ҳаммамиз ва ҳар биримиз бу шармандали кўринишнинг камайишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкинлигини айтинг.

Навбатдаги сессиядан олдин ўтилган материални такрорлаш учун дарсда ўтилган масалаларга мувофиқ равишда уч гуруҳга бўлиниш лозим:

1. “Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш” (ала-қачуу) тушунчаси;
2. Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочишга оид сабаб ва оқибатлар таҳлили;
3. Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочишнинг асосий иштирокчилари учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ҳар бир гуруҳ биттадан масала олиб, навбатдаги сессия учун унча катта бўлмаган ҳисобот тайёрлайди. Ҳисобот иштирокчиларнинг ихтиёрига кўра турли шаклда бўлиши мумкин, масалан, иштирокчилар хоҳиш-истаги ва фантазиясига қараб, ҳикоя, саҳнача, расмлар, пародия ва шу каби шаклларда.



04

Оилавий
зўравонлик

Сессия мақсади: Оилавий зўравонлик нима экани ва унинг турларини аниқлаш, зўравонликнинг турли шакллари, зўравонлик динамикаси ҳақида маълумот бериш, оилавий зўравонлик ҳақидаги уйдирмаларни йўққа чиқариш.

Вақт: 1 соат 45 дақиқа

Сессия режаси:

№	Номланиши	Услуб	Вақт
1.	Аввалги сессия обзори	Уч гуруҳ ҳисоботи	15 дақиқа
2.	Оилавий зўравонлик ва унинг турлари	Фикрий ҳужум, умумий баҳс-мунозара. “Оилавий зўравонлик турлари” машқи.	10 дақиқа 20 дақиқа
3.	Зўравонлик даврийлиги	Фикрий ҳужум, умумий баҳс-мунозара	10 дақиқа
4.	Оилавий зўравонлик ҳақидаги уйдирмалар	Машқ	30 дақиқа
5.	Зўравонлик оқибатлари	Фикрий ҳужум, умумий баҳс-мунозара. Кейс устида ишлаш.	15 дақиқа
6.	Аёлларни оилавий зўравонликдан ҳимоя қиладиган қонунчилик обзори	Тақдимот, умумий баҳс-мунозара.	5 дақиқа

1. Аввалги сессия обзори.

Учта (аввалги сессия охирида бўлинган) гуруҳга аввалги сессия чоғида қандай масалалар муҳокама қилинганини айтиб/кўрсатиб бериш учун беш дақиқагача вақт берилади. Ҳар бир гуруҳ тақдиротидан сўнг бошқа икки гуруҳ иштирокчилари ўз саволларини беришлари мумкин бўлади.

2. “Оилавий зўравонлик” тушунчаси

Қуйидаги саволларни муҳокама қилинг:

- “Аёлларга нисбатан зўравонлик” атамаси нимани англатади?
- “Оилавий зўравонлик” атамаси нимани англатади?
- Бу кўринишнинг оила ва яқин муносабатлардаги динамикаси қандай?

Оилавий ёки маиший зўравонлик:

- бу бир кишининг бошқа бир шеригига нисбатан тез-тез такрорланувчи зўравонлиги бўлиб, бу ҳолат энг аввало никоҳдаги жуфтликлар орасида кузатилади. У жисмоний, психологик, жинсий ва иқтисодий зўравонлик шаклида намоён бўлиши мумкин.
- бу биз ҳукмронлик ва назоратни қўлга киритиш мақсадида қўрқитиш эмас, балки ишончимиз лозим бўлган яқин инсонларимизга нисбатан жисмоний, жинсий, лисоний, эмоционал (ҳиссий) ва иқтисодий зўравонлик циклидир. Бундай зўравонлик кўпинча вақт ўтган сайин кучайиб кетади, содир бўлиш даражаси ҳам тезлашади. Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган тадқиқот маълумотларига кўра, оиладаги зўравонлик гендерга оид аниқ ўлчовга эга. Зўравонликнинг бу тури қурбони асосан аёллар бўлади, бироқ оиладаги зўравонлик қурбони фақат аёллар бўлади, дейиш ҳам тўғри эмас.

2013 йилнинг январь-февраль ойларида Қирғизистонда 457 та оилавий зўравонлик ҳодисаси қайд этилган, 392 та вақтинча қўриқлаш ордери берилган. Жабрланганлардан 68 фоизи жисмоний, 31,5 фоизи эса руҳий зўравонликка дучор қилинган. Афсуски, бу расмий маълумотлар, холос, қурбонлар қўрқиб қолгани, умидсизликка тушгани ва ҳатто уялгани учун фақат баъзи ҳолатлар ҳақидагина маълум қилишади.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, оиладаги зўравонлик бўйича 23 та жиний иш очилиб, судга юборилган, улардан 186 киши маъмурий жавобгарликка тортилган. Зўравонликни амалга оширган 298 киши ҳеч қаерда ишламаган.

Оилавий зўравонликни амалга оширган шахсларнинг сони ва уларнинг ёш бўйича тақсимланиши:

Ёш	эркаклар	аёллар
20 ёшгача	2	-
21-30	86	3
31-40	183	2
41-50	79	3
51 ва ундан юқори ёш	33	1
Жами 392	Жами 383	Жами 9

Оилавий зўравонлик, худди эпидемия каби, муайян бир ижтимоий ёки этник гуруҳларда ўз қурбонларини танламайди, у аҳолининг турли қатламларидаги оилаларда мавжуддир.

Бироқ оиладаги зўравонликнинг аҳоли орасидаги барча гуруҳларга хос бўлган алоҳида белгилари бўлади. Масалан:

- агар муносабатларда зўравонликнинг бир тури мавжуд бўлса, унинг бошқа турларининг ҳам ривожланиш эҳтимоли катта;
- ҳар қандай шаклдаги оилавий зўравонлик зўравонликни амалга ошираётган шахс томонидан назорат ва ҳукмронлик қилиш унсурларини ўз ичига олади;
- оилавий зўравонликни амалга оширишга ва унинг даврийлигини таъминлашга элтувчи психологик ва ижтимоий-маданий омиллар кўпинча оилавий зўравонликнинг турли шакллари учун бир хил бўлади;
- зўравонлик натижаси бўлган психологик жароҳат ва зўравонлик қурбони томонидан бошдан кечириляётган симптомлар (белгилар) оилавий зўравонликнинг турли шакллари учун бир хилдир.

Оилавий зўравонлик турлари

Машқ: Оилавий зўравонлик таърифи ва турлари.

Материаллар:

- Флипчартлар;
- Маркерлар.

Иштирокчиларга зўравонлик намоён бўлган ҳолатларга мисоллар келтириш таклиф қилинади. Иштирокчиларнинг айтганлари флипчартга ёзилади ва қуйидаги категорияларга мувофиқ равишда гуруҳланади: жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, эмоционал-психологик (ҳиссий-руҳий) зўравонлик, иқтисодий зўравонлик. Бу тўрт категорияни энг бошида сарлавҳа сифатида ёзиб, мисолларни тегишли категориялар остига ёзиш мумкин.

Оилавий зўравонликни ташкил қиладиган зўравонлик ҳаракатларининг тўртта асосий турини кўриб чиқайлик. Зўравонлик мавжуд бўлган алоҳида муносабатлар бу тўрт турнинг ҳаммасини, унинг бир неча турини ёки улардан бирини ўз ичига олиши мумкин. Мазкур турлар вақт ўтиши билан галма-гал содир бўлиши ва биридан-бирига ўтиши мумкин.

1. Жисмоний зўравонлик:

туртиш, ушлаб олиш, отиш, тупириш, кафт ва/ёки мушт ва/ёки бошқа бир буюм билан зарба бериш, тутиб туриш, бўғиш, дўппослаш, тепиш, қурол ишлатиш, куйдириш, қурбоннинг ижтимоий ёки тиббий ёрдам олиш имкониятини назорат қилиш ва шу кабилар.

2. Жинсий зўравонлик:

мунтазам равишда жинсий босим ўтказиш, куч, таҳдид ёки шантаж воситасида жинсий алоқага мажбурлаш, зўрлаш; аёл киши учун номақбул шаклдаги жинсий алоқага мажбур қилиш; бошқа одамлар олдида жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, болалар ва учинчи шахслар билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, куч ишлатиш орқали жинсий алоқага мажбур қилиш ёки жинсий характердаги хатти-ҳаракатлар воситасида қурбонга оғриқ ёки унинг соғлиғига зиён етказиш ва шу кабилар.

Жинсий зўравонлик кўпинча оиладаги зўравонликка оид вазиятларда мавжуд бўлишига қарамай, никоҳда бўлган одамлардан бирининг иккинчисини зўрлаши нафақат кўпчилик пайқашни истамайдиган, балки тан олишни ҳам истамайдиган жиноят бўлиб қолмоқда. Муаммо ижтимоий стереотиплар қатига яширинган: дунёнинг кўплаб бошқа мамлакатларида бўлгани каби Россияда никоҳ кўпинча ўз хотини билан жинсий муносабатда эркак кишига сўзсиз устунлик ҳуқуқи берилиши сифатида баҳоланади ва аёл жинсий алоқа қилишни истамаган тақдирда, унга нисбатан куч қўллаш мумкинлигини назарда тутати.



3. Психологик зўравонлик:

вербал ҳақорат; шантаж; хотин ёки эр устидан назорат ўрнатиш учун болалар ёки бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик содир этиш ҳолатлари; ўзига, қурбонга ёки бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик қилишга оид таҳдидлар; уй ҳайвонларига нисбатан зўравонлик содир этиш билан қўрқитиш ёки шахсий мулк ҳисобланган буюмларни чилпарчин қилиш; таъқиб; қурбон фаолияти устидан назорат ўрнатиш; қурбон мулоқот қилаётган кишилар доираси устидан назорат ўрнатиш; қурбоннинг турли ресурслардан фойдаланиши устидан (ижтимоий ёки тиббий ёрдам олиш, дори-дармонлардан, автотранспортдан фойдаланиши, дўстлари билан мулоқот қилиши, таълим олиши, ишлаши ва шу кабилар) назорат ўрнатиш; эмоционал зўравонлик; қурбонни уни таҳқирловчи ҳаракатларни бажаришга мажбур қилиш; қурбоннинг кун тартибини назорат қилиш ва шу кабилар.

Зўравонликнинг бу тари сурункали касалликларнинг кучайишига ҳам олиб келиши мумкин. Зўравонликдан жабр кўрган аёллар билан ишлайдиган кўп психотерапевтлар оиладаги зўравонликнинг психологик оқибатлари ташқаридан бўлган тажовуз, масалан, кўчадаги безорилар ҳужумидан безиллашдан кўра жиддийроқ, деб ҳисоблашади, чунки у сиз ишонган, сиз кваттира каби катта бўлмаган жойда бирга яшаётган ва ҳар доим рўпара келиб турадиган инсон томонидан амалга оширилмоқда.

4. Иқтисодий зўравонлик:

Болаларни боқишдан бош тортиш; даромадни яшириш; оила пулларини харжлаб юбориш; молиявий қарорларнинг аксариятини мустақил равишда қабул қилиш - бу, масалан, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишда болалар ёки аёлнинг эҳтиёжларини инобатга олмасликда акс этиши, бунинг натижасида болалар ёшлари учун зарур бўлган озуқадан маҳрум бўлишлари мумкин; бирор нарса харид қилишда хотин эр олдида унга чекларни тақдим қилиш билан ҳисоб бериши лозим ва ш.к.



5. Зўравонликнинг даврийлиги

Оиладаги зўравонлик муаммоси устида ишлайдиган тадқиқотчиларнинг деярли барчаси зўравонликда даврийлик мавжудлигини қайд этадилар. Бу назария илк бор жабрланганлар билан амалий иш чоғида зўравонлик ҳодисаларининг даврий бўлишини аниқлаган америкалик тадқиқотчи ва оилавий зўравонлик муаммоси бўйича кўзга кўринган мутахассис Линор Уокернинг “Дўппосланаётган аёл синдроми” китобида пайдо бўлган (Walker; 1980). Унинг назарияси Россиядаги кризис марказлари иши доирасида ҳам тасдиқланган.

Мазкур назария шундан иборатки, оиладаги зўравонлик вазияти, умуман олганда, бирин-кетин келадиган қуйидаги тўрт фазадан (даврдан) ташкил топган ҳолда, даврий равишда ривожланади. Бу ерда рецидивларсиз бўлмайди. Яқинларига нисбатан зўравонлик актларини такрор ва такрор қўллаш аввалдан “дастурлаштирилган” бўлиб, у зўравонликка оид вазиятнинг динамик ривожланиш мантиғидан келиб чиқади. Қабатида оилавий террор қулоч ёяётган контекстлар турли-туман бўлиши мумкин, аммо динамика доим ўзгармай, бир хил бўлиб қолаверади.

“Асал оий”дан кейин муносабатлар илк босқичга қайтади ва цикл такрорланади. Вақт ўтиши билан ҳар бир фаза (давр) қисқариб боради, шафқатсизлик алангаланиши тез-тез рўй бериб туради ва етказилган зарар катталашиб боради. Қўрбон вазиятни мустақил равишда ўзига солиб юборолмайди, унга ёрдам қилиш зарур.

Камдан-кам ҳолларда онда-сонда содир бўладиган, аммо меъёрга айланмаган қандайдир алоҳида ҳолат ёки вазият туфайли юзага келган оилавий зўравонлик алангаланиши рўй бериб туради.

6. Зўравонлик ҳақидаги уйдирмалар

“Зўравонлик ҳақидаги уйдирмалар” машқи.

Мақсад: Зўравонлик ҳақидаги уйдирмаларни қайта кўриб чиқиш.

Иштирокчиларга 5-6 кишидан бўлиб, гуруҳларга бўлинишни таклиф қилинг. Иштирокчилардан ўқув қўлланмасида келтирилган зўравонлик ҳақидаги уйдирмалар рўйхати билан танишиб чиқишни ва ҳар бир уйдирмани қуйидаги саволлар ёрдамида қайта кўриб чиқишни сўранг:

- Бу ростми?
- Нима учун бу рост/ёлғон?
- Бунақа афсоналар қаердан олинади?
- Бу афсоналар ҳаётимизга қандай таъсир қилади?

Шундан сўнг ҳар бир уйдирмани бутун гуруҳ билан муҳокама қилинг. Уйдирмаларнинг ёлғонлигини турмушдан олинган мисоллар, статистик маълумотлар ва ҳужжатлар ёрдамида намоиш қилинг.

Жамоатчилик онгида доим оиладаги зўравонлик муаммоларига оид жуда кўплаб стереотиплар мавжуд бўлган. Оиладаги зўравонлик муаммолари устида ишлайдиганларнинг ҳаммаси бу муаммоларни ўраб олган ҳамда уларни ҳал қилиш жараёнини секинлатиб, мазкур муаммо жўяли таҳлил қилиш ва баҳолашдан чалғитувчи уйдирмалар борлигини биладилар. Бунақа уйдирмалар жудаям кўп. Қуйида биз Қирғизистонда энг кенг тарқалган уйдирмалардан бир нечасини муҳокама қиламиз.

1-уйдирма: Зўравонлик юзага келишига аёлларнинг ўзлари сабаб бўлади

Кенг тарқалган бу фикр аёлларни дўппослаш муаммосининг ижтимоий муаммо эканидан далолат беради: унинг илдизи одамларга болаликдан сингдириладиган ва жамият томонидан ишлатиб туриладиган гендерга оид стереотиплардадир. Зўравонлик провокацияси, агар аёл ўзини бошқачароқ тутганида – бўйин товламайдиган, яхши она ва хотин бўлганида эди, уни “жазолаш” ҳам шарт бўлмасди, деган нарсани англатади.

Воқелик эса оиладаги зўравонлик вазиятида аёлнинг ўзини тутиши ҳеч нарсани ҳал қилмаслигини кўрсатади. Кўпчилик аёллар эрлари уларни ҳақорат қилиш ёки дўппослаш учун кўпинча бир-бирига мутлақо зид бўлган сабабларни ўйлаб топишларини айтадилар.

Зўравонлик ҳолатида фақат битта айбдор одам бор, у ҳам бўлса, жиноий хатти-ҳаракатларни амалга оширган инсондир. У шу йўлни танлади. У бу ишни, жабрланган аёл ўзини қандай тутишидан қатъий назар, амалга оширган бўларди. Бу унинг жиноятидир. Қурбонни айблаб бўлмайди.

2-уйдирма: Эркаклар қанчалик дилозор бўлса, аёллар ҳам шунча дилозордирлар

Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар дилозорлик кўпинча айнан эркаклар томонидан содир этилишини кўрсатмоқда. АҚШ ва Канадада аёллар ва эркаклар ўртасида ўтказилган сўровлар, суд маълумотлари ва полиция ҳисоботлари асосида тузилган статистик маълумотлар оиладаги зўравонлик ҳолатларининг 90-95 фоизиди тажовуз қурбонлари аёллар бўлганини кўрсатган. Бироқ эркаклар ҳам қурбон бўлишлари мумкин ва улар бу ҳақда маълум қилишдан уялишлари керак эмас.

3-уйдирма: Оила аъзолари ва хотинларига нисбатан зўравонлик қиладиган эркаклар руҳан соғлом эмаслар

Дилозорлар тажовузкорона ҳулқини назорат қилолмаган пайтларидан бошқа пайтларда кўпинча “нормал” ҳаёт кечирадилар. Бунақа эркакларнинг ижтимоий мавқеи анча юқори бўлиши, улар раҳбарлик лавозимларини эгаллаган бўлишлари, ижтимоий ҳаётда фаол бўлишлари, тадбиркорликда муваффақиятга эришган бўлишлари мумкин. Бундай эркаклар ўз мақсадларига бошқаларни қўрқитиш орқали эришишга мойил бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Зўравонлик қурбонлари кўпинча бир кишида гўё икки характер мужассамлашгани ҳақида гапирадилар: улардан бири жуда-жуда яхши, иккинчиси эса ўта ёмон ва шафқатсиз бўлиши мумкин. У назорат ва ҳукмронликни сақлаб қолиш учун турли манипуляциялардан фойдаланган ҳолда, ўзининг бир “Мен”идан иккинчисига силлиқ ўтиб кетадиган бўқаламун кабидир. Бунақа дилозор айбдорлик, уят ва таассуфни ҳис қилиши ҳамда психотерапевт маслаҳатидан кейин ўз ҳулқини ўзгартириши мумкин. Ақли жойида бўлмаган инсон виждон азобини ҳис қилмайди ва ўз ғалабасидан қувонган ҳолда, бошқаларни азият чекишга мажбур қилади.

4-уйдирма: Зўравонликка қўл урувчи эркаклар хотинини яхши кўрмайди

Бу уйдирма “муҳаббат” ва “шафқатсиз муносабат” каби тушунчаларнинг бир жойда бўлиши анча қийин бўлгани учун ҳам мавжуд. Бироқ дилозорлар доим ҳам шафқатсиз бўлавермайдилар, айниқса зўравонлик актини амалга ошириб бўлгач, улар жуда эътиборли, меҳрибон бўлиб қолишлари, узр сўрашлари ва бу қилмишни бошқа такрорламасликка сўз

беришлари ҳам мумкин. Улар муҳаббатдан аёл кишини зўравонлик муносабатлари доирасида тутиб туриш учун фойдаланадилар. Бу зўравонлик даврийлиги мавжудлиги билан ҳам исботланган. Бироқ, агар бу дилозорлар психологик ёрдам сўраб мурожаат қилмасалар, уларнинг ўзгаришни исташлари ҳақидаги даъволари бор-йўғи бир даъволигича қолиб кетаверади.

5-уйдирма: Дилозорлар ўзларини ҳаммага нисбатан тажовузкорона тутадилар. Уларни осонгина таниб олиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам дилозор бўлган инсонлар тажовузкорона хулқ-атвор тенденциясига эга. Бироқ, шу билан бирга, улар ўзларининг тажовуз объектини диққат билан танлаб оладилар. Бу факт дилозорларнинг кўпчилиги ўз хулқ-атворини назорат қилишга қодир эканини, қаерда тажовузкор бўлиш мумкину қаерда мумкин эмаслигини яхши билишларини намойиш қилади. Улар гувоҳлар олдида тажовузкорликни бас қилишлари ёки ишда, милицияда, судда тажовузкорлик намойиш қилмасликлари мумкин. Қўшнилари ёки ишдаги ҳамкасблари орасида дилозорлар фарзандларини яхши кўрадиган ота ёки хотинини севадиган эр имижига эга бўлишлари мумкин.

6-уйдирма: Уйдаги жанжал, қўл кўтариш ва муштлашишлар ўқимаган ва қашшоқ одамларга хос хусусият. Даромади юқори бўлган ва ўқимишли оилаларда бунақа ҳолатлар камроқ содир бўлади.

Оиладаги зўравонлик аҳолининг маълум бир қатлами ва муайян гуруҳи билан чекланмайди. Бу, таълим даражаси ва топган даромадидан қатъий назар, ижтимоий гуруҳларнинг барчасида содир бўлиши мумкин. Дейлик, кризис марказларининг статистик маълумотлари уларга ёрдам сўраб мурожаат қилаётган аёлларнинг кўпчилиги олий маълумотга эга аёллар эканини намойиш қилмоқда, бу эса дўппослашлар ҳам ўрта, ҳам юқори қатламларда содир бўлиб туришини кўрсатади, бироқ шуниси ҳам маълумки, аёл қанча катта имкониятларга эга бўлса, пировардида қаршилиқ кўрсатиши ва таҳқирли муносабатдан ҳалос бўлиши мумкин, чунки тирикчилик ўтказиш учун унинг ўзи пул топа олади.

Дилозорларнинг ижтимоий мавқеи ҳам анча хилма-хилдир, улар турли хил касбларга эга бўлишлари, масъул лавозимларда ишлашлари, катта даромадга эга бўлишлари ва тадбиркорликда муваффақиятга эришган бўлишлари ҳам мумкин. Аёллар бу эркакларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга қодир эканлари ва ҳатто бошқаларни қўллаб-қувватлаб ҳам туришлари мумкинлигини айтишади.

7-уйдирма: Зўравонликнинг сабаби ичкиликбозлик бўлиб ҳисобланади.

Бу анча кенг тарқалган уйдирмадир. Ичкиликбозлик муаммоси чиндан ҳам зўравонлик муаммоси билан боғлиқ. Аёллар кўпинча эрлари маст бўлган пайтларида тажовузкор бўлишлари ҳақида гапирадилар. Бироқ давомли суҳбатдан сўнг, масалан, эркак ичмаган пайтида ҳам шафқатсиз бўлиши, яъни бунинг ҳар доим ҳам ичкиликка боғлиқ эмаслиги аниқланади.

Ичкилик истеъмол қилиш хулқ-атворни назорат қилиш қобилятини пасайтиради, шунинг учун аёлларга кўпинча эркакнинг хулқ-атворини ичкилик таъсирида бўлгани билан изоҳлаш психологик жиҳатдан осонроқ. Бироқ дилозорлар орасида “соғлом турмуш тарзи” кечирадиган, тамаки ва ичкиликни тан олмайдиганлар ҳам бор. Ичкиликбозликдан муваффақиятли равишда даволаниб чиққан айрим дилозорлар яқинларига нисбатан тажовузкор

ва шафқатсиз бўлишда давом этадилар. Ичкиликбозлик ва спиртли ичимликлар истеъмоли зўравонликни оқлаш учун сабаб бўлолмайди. Бу кўпроқ зўравонлик катализатори ёки зўравонлик содир қилиш учун бир баҳона, холос.

8-уйдирма: Эр ва хотин ўртасидаги жанжал доим бўлиб келган. “Эр-хотин уруши – дока рўмол қуриши”. Бу табиий ва жиддий оқибатларга эга бўлиши мумкин эмас.

Жанжал ва можаролар кўплаб муносабатларда учраб туради. Келишмовчилик – тенгликка асосланган ҳамкорликнинг соғлом кўрсаткичидир. Бироқ зиддиятли вазиятларда бўлгани каби бу ерда масала унинг қандай кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишидадир. Бундан ҳар иккала томон ҳам ютадимми ёки бир томон ютқизадими – масала ана шунда. Зўравонликнинг фарқли жиҳати унинг жиддийлиги, даврийлиги ва интенсивлиги, шунингдек, унинг оқибатлари (пировардида “кучли”нинг “кучсиз” устидан ҳукмронлик қилиши) бўлиб ҳисобланади.

Оиладаги зўравонлик жанжал ҳам, оилавий жанжал ҳам эмасдир. Оиладаги жанжал бирор нарса устида келишолмаётган ва ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга эр-хотиннинг мавқеи тенг бўлишини назарда тутди. Зўравонликка оид вазиятда эса бир киши ўзининг жисмоний кучи, иқтисодий имкониятлари, ижтимоий мавқеи ва шу кабилардан фойдаланган ҳолда, иккинчи бир кишини назорат қилишга уринади. Оиладаги зўравонлик жанжал ва можародан ўзининг режалаштирилганлиги ҳамда назорат ўрнатиш ва сақлаб туриш учун тажовузкорона хатти-ҳаракатларнинг такрорланиши билан фарқ қилади. Агар оилада можаро бўлса – бу ҳар доим алоҳида эпизод, зўравонлик бўлса эса - диққат билан қуриб чиқилган тизим бўлади.

9-уйдирма: Тарсаки ҳеч қачон жиддий жароҳатламайди.

Зўравонлик даврийлиги ва зўравонлик актларининг секин-аста кучайиб бориши билан фарқланади. Бу танқид қилишдан бошланиши, кейин эса камситиш, ихоталаб қўйиш, тарсаки тушириш, мушт тушириш, доимий калтаклашлар шаклида давом этиши, баъзан эса ҳатто ўлим билан тугаши мумкин.

10-уйдирма: Бир марта дилозорлик қилган одам бутун умрга зўравон бўлиб қолади.

Ҳақиқатан дилозорнинг тузалиши жуда қийин. Бироқ психологик жиҳатдан орттирилган зўравонлик ҳулқ-атвори назарияси тўғри бўлса, дилозорларни тажовузкор бўлмаган юриш-туришга ўргатиш мумкин, гарчи бу узоқ давом этадиган ва амалга ошириш қийин бўлган иш бўлса-да. Кўп мамлакатларда ўз яқинларига нисбатан зўравонлик қўллаб турадиган эркаклар учун мўлжалланмиш психотерапевтик ва таълимий дастурлар мавжуд. Бундай гуруҳларнинг мақсади эркакларни ўз хатти-ҳаракатларининг асл сабаби ва уларнинг жиддийлигини англаб етишга ўргатиш ҳамда ўз ҳиссиётлари ҳақида гапириш, келиша олиш, тажовузкор бўлмаслик ва ҳеч ким бошқа бир кимсани назорат қилиш ва бошқаришга ҳақли эмаслигини тушуниб етишга ўргатишдан иборат. Қирғизистонда бунақа дастурлар ҳалигача мавжуд эмас.

11-уйдирма: Болаларга, ҳатто тажовузкор бўлса ҳам, барибир ота керак ёки “Мен эрим билан фақат болаларим туфайли яшаяпман”.

Одамлар зўравонликдан азият чекаётган ёш болалар сони ҳақида ўйлай бошлагач, бу уйдирма бошқаларига қараганда тезроқ барбод бўлади. Идеалда болалар онага, отага ҳам

муҳтожлар. Бироқ оиладаги зўравонлик шароитида яшайдиган болалар оналаридан зўравонликдан қутилиш учун отаси билан ажрашишни кўпинча ўзлари илтимос қиладилар. Кўп болалар оиладаги таҳқирлашлардан ҳалос бўлиш учун бувилар ёки боболариникида истиқомат қилишни ёки ҳатто интернатда яшашни афзал кўрадилар.

Хотинини дўппослайдиган эркак кўпинча ўз фарзандларига нисбатан ҳам тажовузкор бўлиши ҳақида тадқиқотлар ҳам мавжуд. Шундай тадқиқотлардан бирига кўра, хотинини дўппослайдиган эркакларнинг 70 фоизи фарзандларига нисбатан ҳам зўравонлик қўлланганлар.

12-уйдирма: Оиладаги зўравонлик билан курашиш бефойда – бу ёмон об-ҳаво билан курашиш кабидир – у ҳар ерда бўлган ва доим бўлиб келаверади

Ҳақиқатан хотинни калтаклаш одати худди никоҳнинг ўзи каби эски бир одатдир. Маълумотлари бизгача етиб келган энг қадим замонларда қонун хотинни дўппослашни очиқчасига рағбатлантирган ва бунга рухсат берган. Ҳатто “Манас” эпосида ҳам, хотин ўз вазифаларини уддалай олмаган тақдирда, уни дўппослаш мумкинлиги ёзилган жойлар ҳам бор. Аёл киши устидан зўравонликнинг бошқа шакллари узоқ тарихга эга. Бироқ замонлар ўзгараяпти ва агар бу каби зўравонлик мавжуд бўлишда давом этаётган бўлса, эндиликда у ҳуқуқий тизим ва цивилизация даражасига бундан буён мувофиқ келмайди.

Аммо ҳамма жамиятларда ҳам манзара бир хил эмас. Келинг, солиштириб кўрамиз. Оиладаги зўравонликка қарши кураш ва профилактика тизими жуда яхши ривожланган ва



суд тизими бу каби ишларни самарали кўриб чиқаётган АҚШда оиладаги зўравонлик натижасида йилига тақрибан икки минг нафар аёл нобуд бўлади. Россияда аҳоли сони икки баробар кам бўлишига қарамай, бу рақам 6 баробар кўпроқдир. Гарчи Россиядаги қонунлар ҳам оиладаги зўравонликни таъқиқласа-да, уларни бажариш тегишли тартибда амалга оширилмаяпти. Зўравонлар жазога тортилмаяпти, профилактик чора-тадбирлар ҳам кам ўтказилаяпти.

Турли жамиятларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, оиладаги зўравонлик даражаси кўп жиҳатдан зўравонликка чидамли бўлган ёки ҳатто унинг қўлланилишини рағбатлантирадиган ижтимоий-маданий муҳитга ҳам боғлиқ. Шу тариқа, у турли жамиятларда кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади ва табиийки, зўравонликнинг энг паст кўрсаткичи гендерга оид тенглик даражаси энг юқори бўлган мамлакатларда кузатилади.

7. Оилавий зўравонлик оқибатлари:

Кейс устида ишлаш:

Иштирокчиларга кичик гуруҳларга бўлиниб, кейс билан танишиб чиқишни ва қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилинг.

Лариса (аёлнинг исми унинг илтимосига кўра ўзгартирилган) жуда эрта, 19 ёшида турмушга чиққан. Ўшанда у ҳаётидаги энг катта ва яккаю-ягона муҳаббатига рўбарў келгандек ҳис қиларди ўзини. “Мен ҳаммаси худди чиройли фильмлардагидек бўлади, деб ўйлардим”, - дейди у. Ҳозир Лариса ўзининг 11 йиллик турмушини оғриқ ва қўрқув билан хотирлайди. Унинг айтишича, оиласидаги “даҳшат” биринчи қизи туғилиши билан бошланган, икки йиллик турмушдан сўнг эри унга биринчи марта қўл кўтарган.

“Мен ҳамма калтакларга уч фарзандим учун чидардим, уларнинг тўлақонли оилада катта бўлишларини истардим”, - дейди аёл. Ларисанинг қайд этишича, жанжалга “ҳар қанақа майда-чуйда” баҳона бўлиши мумкин эди, аёлнинг қайнонаси ҳам уларнинг оилавий ҳаётида “охирги бўлмаган рол”ни ўйнаган. “У эримни менга қарши қайрарди”. Лариса эри уни фарзандлари кўз ўнгида дўппослагани билан боғлиқ воқеани ҳам айтиб берди. “У мени урарди, бу пайтда эса ёнимизда турган болаларимиз бўкириб йиғлашарди”. Аёл ўша пайтдаёқ эридан ажрашмоқчи бўлганини, аммо бу ишни қилолмаганини хотирлайди.

“Ажралишдан қўрқиш”га сабаблардан яна бири иқтисодий қарамлик бўлган. Оилани Ларисанинг эри боқарди. “Мен ҳеч қачон ишламаганман, бутун вақтимни фақат болларим ва эримга бағишлаганман, боз устига, махсус маълумотим ҳам йўқ”, - дейди у.

Ниҳоят, аёл бундай ҳаётга чидай олмай, болаларини олиб, эри билан ажрашиб кетган. “Биринчи кун кўчада тунаб қолдик, кейин бир яхши инсон менга БМТ Уйига мурожаат қилишни маслаҳат берди. У ердан мени “Сезим” реабилитация марказига йўллашди”, - дея эслайди у.

Лариса бир неча ойдан бери марказда яшаяпти, унга психологик ва юридик ёрдам кўрсатилаяпти. Фарзандлари, унинг сўзларига кўра, “уйга қайтишни ва оталарини кўришни исташмайди”. Эридан еган калтаклари оқибатида Ларисанинг доим боши ва умуртқа поғонаси оғрийдиган бўлиб қолган.

Саволлар:

1. Лариса эрининг зўравонликларига нима учун чидаб келган?
2. Сиз зўравонлик оқибатларидан қайсиларини санаб беришингиз мумкин?

Зўравонлик оқибатлари:

Қисқа муддатли

Жисмоний оқибатлар, хавотир, қўрқув, депрессия ҳолати, жинсий ҳаётнинг бузилиши, ёш болаларда катталардан қўрқиш (жинсий зўравонликда – ҳимояланишга оид ҳатти-ҳаракатлар (яшириниб оладилар, бурчакка тиқилиб оладилар, секс ҳақида ёшига тўғри келмайдиган билимлар, ўйинларда – секс акси))

Узоқ муддатли

Қайта оила қуриш истагининг йўқлиги, ҳамма аёлларга нисбатан нафрат, ҳамма эркакларга нисбатан нафрат, қисқа келажак – ҳаётини режалаштирмайди, психосоматик касалликлар – невроз, руҳий касалликлар, маълум муддатдан кейин ўзгалар фикрига қарамлик пайдо бўлади, яқин муносабат қуриш истагининг йўқлиги, ёш болаларда – ижтимоийлашув бузилиши, оила қуриш хавфининг юқорилиги, ўзни жиноятчилардек тутиш хавфининг юқорилиги (80 фоизи жиноят содир этишга, 40 фоизи зўравонликка мойил), спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш хавфи каттароқ; жинсий зўравонликка дучор қилинган бўлса – фоҳишага айланиш хавфи катта.

Жамиятга таъсир қилиши мумкин бўлган оқибатлар

- Одамлар йўқотилиши
- Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи аъзоларини йўқотиш (ишсиз одамлар ёки ҳатто ногиронлар)
- Жабрланганлар реабилитацияси, суд тизими, тергов тадбирларини ўтказиш, жабрланганларни даволаш учун давлат томонидан сарфланадиган харажатларининг.



Соғлом муносабатлар нимани англатади?

Соғлом муносабатлар бу икки инсон ўртасида қурилган ва қуйидагиларга асосланган ўзаро муносабатлардир:

- Ўзаро ҳурмат
- Ишонч
- Ҳалоллик
- Қўллов
- Адолат/тенглик
- Ўз-ўзини билиш
- Яхши коммуникация
- Интилиш, садоқат, дўстона муносабат

Манба: ЮВ Сиэтл



05

Вояга етмаганлар
билан никоҳ қуриш

Сессия мақсади: иштирокчилар билан “вояга етмаганлар билан никоҳ қуриш” тушунчасини муҳокама қилиш, бундай никоҳнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш.

Вақт: 2 соат.

Сессия режаси:

№	Номланиши	Услуб	Вақт
1.	Аввалги сессия обзори	Иштирокчилар ҳисоботи	20 дақиқа
2.	“Вояга етмаганлар билан никоҳ қуриш” таърифи	Фикрий ҳужум, умумий баҳс-мунозара	20 дақиқа
3.	Эрта қурилган никоҳлар сабаб ва оқибатлари таҳлили	Умумий муҳокама, гуруҳларда ишлаш, кейс устида ишлаш	10 дақиқа 30 дақиқа 20 дақиқа
4.	Кейинги ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш	Индивидуал/гуруҳларда ишлаш, тақдимот	20 дақиқа

1. Аввалги сессия обзори:

Аввалги сессия охирида ўз хоҳишларига кўра ҳисобот тайёрлаш ташаббуси билан чиққан иштирокчилар 3-4 дақиқа давомида “Оилавий зўравонлик” сессиясида ўтилган маълумотларни айтиб/кўрсатиб берадилар. Бошқа иштирокчилар аниқлик киритувчи саволлар беришлари ёки қўшимча қилишлари мумкин.

2. Вояга етмаганлар билан никоҳ қуриш.

Қирғизистонда, қонунчиликка мувофиқ равишда, 18 ёшдан бошлаб никоҳ қуришга рухсат берилади. Бироқ Оила кодексида қўшимча тушунтириш мавжуд: айрим ҳолатларда узрли сабабларга кўра аёллар учун никоҳ ёши 16 ёшгача туширилиши мумкин.

Мамлакатимиз қонунчилиги, агар бунинг учун жиддий асос бўлса, қиз болага 16 ёшда турмушга чиқишга рухсат беради. Одатда бу қиз бола ҳомиладор бўлиб қолганда ёки фарзанд кўриб бўлган тақдирда содир бўлади. Оталик ҳодисасининг тан олиниши ҳам никоҳ қуришга асос бўлиб хизмат қилади, шунақа бўлган тақдирда қиз боланинг никоҳи қайддан ўтказилган бўлса, вояга етмай туриб ҳам, у автоматик равишда ўз қилмиши учун жавоб бера оладиган шахсга айланади. Бироқ никоҳни қайддан ўтказиш учун ёшлар Қирғизистон Оила кодексининг 14-моддаси 2-бандида ёзиб қўйилганидек, турар-жойларидаги ўз-ўзини бошқариш органларига мурожаат қилишлари лозим бўлади.

Қирғизистонда эрта никоҳлар сони кўпайиб бормоқда ва одатда, улар ҳеч қаерда қайдга олинмаяпти, шунинг учун ажралиш ҳолати юз берган пайтда ёш оналар моддий ёрдамсиз қолиб кетмоқда. Кўплар оиладаги зўравонликка дучор қилинмоқда. Стигмага ёш оналар баробарида уларнинг фарзандлари ҳам дучор қилинмоқда.

Ёшлар ўз никоҳларини мусулмон одатларига кўра ўқитмоқдалар ва масжидлардаги имомлар уларга ҳеч қанақа юридик кучга эга бўлмаган никоҳ гувоҳномаларни бераяптилар. Бундай пайтларда қиз бола кўпинча ўзини қонуний хотин, деб ҳисоблай бошлаяпти. Шариатга мувофиқ, бундай никоҳлар эр томонидан уч марта: “Талоқсан” дейиш билан бекор бўлади. Бир умр бирга яшаш учун бу қанақа асос бўлди?

“Никоҳ” – бу шариатга асосланган ҳолда, эр-хотин ўртасида тузилган шартнома бўлиб ҳисобланади. У ерда мусулмон одатларига кўра турмуш қурган эркак ва аёлнинг ҳуқуқ ва бурчлари батафсил баён қилинади. Гувоҳномани осонлаштирилган туртибда қўлга киритиш кўплар учун, хусусан, ўз келажаги ва фарзандлари келажагини ўйламайдиган аёллар учун жозиб кўринади. Шариат қонунларига кўра, никоҳ ҳисоб-китоб асосида, чекланган муддат давомида жинсий муносабатларни қонунийлаштириш учун қисқа муддатга ҳам қурилиши мумкин. Фуқароликка оид қонунчилик бундай чекланган жинсий муносабатлар механизмини тартибга солмайди ва тан олмайди. Бу одамларга никоҳ қурмасдан бирга яшашга ёки эр-хотиннинг реалистик ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилиш орқали никоҳ қуришига имкон беради.

Инсон ҳуқуқларига келсак, қонун, турли динларда никоҳланиш бўйича қанақа диний маросим бўлишидан қатъий назар, аёлнинг вазияти ҳеч қачон ўзгармаслигини ва у давлат томонидан қўллаб-қувватланиши лозимлигини айтади.

Бундан ташқари, шариат аҳкомларидан фойдаланишда танлов бир томонлама бўлиб, куёвни “эрлик ҳақ-ҳуқуқлари” билан таъминлайди, бироқ бунда Шариат томонидан аёлга нисбат берилган куёв мол-мулкidan “махр” ажратилиши, яъни ажралиш бўлган тақдирда аёлга тўланиши лозим бўлган ўзига хос совға каби ҳақ-ҳуқуқлар эслатилмайди.

3. Эрта қурилган никоҳлар сабаб ва оқибатлари таҳлили.

Эрта никоҳлар ижтимоий характердаги муаммо бўлиб ҳисобланади, кўпинча ота-оналар қизнинг иффатини яхшироқ сақлашни ўйлаб, “уни имкон қадар эртароқ тушмушга бериш керак” деб, эрта никоҳ қурилишига сабаб бўладилар. Бунга чет элда таълим олган диний арбобларнинг араб ва бошқа мамлакатлардаги ижтимоий меъёрларни Қирғизистонга тиқиштириш ҳаракатлари натижасида жамиятда маънавий консерватизм ошиб бориши тенденцияси ҳам сабаб бўлмоқда. Ўз анъаналари ва кўчманчиликка оид маданияти туфайли Қирғизистон Ислом динини доим очиқ интерпретация қилган ва қабул қилган. Бу эса бугунги кунда хориждан кириб келаётган ҳамда содда одамларни ўзининг радикал диний интерпретациясига жалб қилишга уринаётган кўплаб турли дин ва маданиятлар таъсири остида рад этилмоқда. Пешволар амрига кўра рад этиб бўлмайдиган радикал “ҳақиқатлар”нинг илк мухлислари кўпинча аёллар бўлиб қолмоқда. Эрта ва қайддан ўтказилмаган никоҳнинг мифик афзалликлари радикал ваъзхонлар томонидан олға суриляётган ўйдирмалардан яна бири бўлиб ҳисобланади.

Янги уй остонасидан хатлаб ўтган ёш келинчак қаттиқ психологик шокни ҳис қилади. Қайнонаси, эри ва қариндошларининг кўнглини олиш мақсадида унинг эрта туриб, рўзғор ишларини бажаришига тўғри келади. Организм бу ёшда бунақа жисмоний зўриқишга тайёр эмас, бу эса турли касалликлар юзага келишига сабаб бўлади.

Шифокорларнинг, жисмоний ва руҳий омилларни инобатга олган ҳолда, қиз болаларга бундай эрта ёшда туғиш тавсия этилмаслиги тўғрисида айтган хавотирлари инобатга олинмаяпти. Ва бу гўдаклар ва оналар ўлими кўпайишига тўғридан-тўғри таъсир қилаяпти. Айниқса оналикни муҳофаза қилиш бўйича сифатли шарт-шароит бўлмаган қишлоқ жойларда аёллар 18 ёш ва ундан кейин соғлом фарзанд кўрадиган ёшга етган бўладилар. Аёл кишининг эрта ҳомиладор бўлиши тавсия қилинмайди, чунки организм бола туғилишига ҳали тайёр бўлмайди. Бола ташлаш ҳолатлари содир бўлади, бу эса оқибатда бепуштликка олиб келадиган жароҳат ва шамоллаш жараёнларини келтириб чиқаради. Бепуштлик оқибатида хотин бир тийинсиз кўчага ҳайдаб чиқарилиши ёки яна бир марта турмушга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Ёки унинг эри бошқа аёлга ўйланиб, шариат рухсат берганидек, боқа оладиган бўлса, бир неча хотинга эга бўлади, аммо кўпинча у бунинг уйдасидан чиқолмайди. Бу барча хўрликларнинг ёш қизга нима кераги бор?

Мутахассислар эрта ҳомиладорлик вояга етмаган аёллар орасида ўлим ҳолатларининг энг кенг тарқалган сабабига айланиб бораётганини қайд этмоқдалар. Бундан гўдаклар ҳам азият

чекаяпти, улар бу каби эрта ёшда турли касалликлар, жумладан, юқумли касалликларга ҳам рўбарў келаяптилар. Эрта никоҳдан туғилган болалар кўпинча заиф бўлади. 15-16 ёшдаги қиз бола ҳали она бўлишга тайёр эмас, катта кўрингани билан унинг психикаси, характери ҳали шаклланмаган бўлади. Шунинг учун оилавий ҳаёт унинг учун бошдан-оёқ стрессга айланади ва натижада у боласини ногирон туғиши ёки ундан ажралиши мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 16 миллион қиз 15-19 ёшида, 2 миллион қиз эса 15 ёшга тўлмай она бўлади. Даромад паст бўлган мамлакатларда ҳомиладорлик ва туғруқ пайтида юзага келган мушкулотлар 15-19 ёшдаги қизлар орасида ўлим ҳолатига олиб келувчи сабаблардан биридир. Ўсмир ёшидаги оналар туққан болалар туғилганда вазни кичик бўлиш эҳтимоли катта, бу эса унинг соғлиғи ва ривожланишида салбий акс этиши мумкин.



Қирғизистон Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 15-19 ёшдаги ҳомиладорларнинг 50 фоизи қайд этилган никоҳга эга бўлмаган ҳолда туғади. Оналар ўлимнинг энг катта фоизи айнан ёш қизларга тўғри келади. Эрта никоҳлар кўпинча эрта она бўлиш ва кам ҳақ тўланадиган иш билан боғлиқ қийин ҳал бўладиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий муаммолар юзага келишига сабаб бўлади. Бунақа оилалар давлат кўмагига қарамлик ҳолати кўпроқ тушадилар. Бундан ташқари, эрта никоҳлар, одатда, бузилиб кетади. Қўлида ёш боласи бор, 17-18 ёшдаги ажрашган аёллар нима қилишади? Улар қайта турмушга чиқиш учун ўз фарзандларини буви ва боболар қарамоғига ташлаб кетади. Пировардида бутун зарба болаларнинг устига тушаяпти. Бунда иштирок этаётган барча катталарнинг бу каби худбинона муносабатини қандай тушунса бўлади!

Кейс устида ишлаш.

Кейс билан танишиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг.

“Мен ўтган йили умумий таълим мактабининг тўққизинчи синфини тамомлашим билан турмушга чиқдим, - дейди ўзбек миллатига мансуб 16 ёшли Гулчеҳра. — Куёвга чиқишим ҳақида мен тўйга бир ҳафта қолганда билдим. Онам ўйимизга ўшдаги бой оиладан совчиликка келишгани ва ота-онам бу никоҳга розилик бериб бўлганларини айтди”.

Гулчеҳра оддий фермерлар оиласидан, турмушга чиқишидан аввал у Ўш вилоятининг Қорасув туманидаги Қизилқишлоқ қишлоғида яшаган. У оиладаги бешинчи фарзанд бўлиб, ундан кейин бир синглиси ва бир укаси ҳам бор. Гулчеҳранинг ота-онаси унинг катта опаларини ҳам худди Гулчеҳра каби балоғатга етмаган ёшда турмушга бериб юборишган. Қирғиз анъанаси бўлган Ала-қачуу сингари ўзаро келишув асосидаги эрта никоҳларни ўзбек анъанаси сифатида қаралиши мумкин. Гулчеҳрани 15 ёшида турмушга берганлар ва у эри билан ҳалигача ЗАГСдан ўтмаган. Ёшлар диний маросим - “никоҳ” ўқитиш билан чекланганлар. “Икки ой олдин фарзандли бўлдим, - дейди Гулчеҳра. - Туғруқхонада расмий қайддан ўтган никоҳим йўқлигини билиб қолишгач, қизим менинг фамилиямни олишини айтишди. Менга энди ёлғиз она эканлигимни айтишди, мен бундан қаттиқ ҳайратландим ва ранжидим. Эрим мени никоҳимиз шариатга асосан қурилгани ва шунинг ўзи етарли эканини айтиб, тинчлантирди”. Гулчеҳра Қизил хоч ва ярим ой миллий жамиятининг Жанубий ҳудудий ваколатхонасига мурожаат қилишга ўзида журъат топган. У ерда унга, тегишли давлат идораларига мурожаат қилиш жараёнини тушунтирган ҳолда, юридик ёрдам кўрсатишган. “Эрим ЗАГСга ва Ўш шаҳар ҳокимиятига бориб келишга ваъда берди. Мен никоҳимиз расмий қайддан ўтказилишини ва қизим отасининг фамилиясини олишини истайман, токи оиламизда бунақа ноқулай вазият бўлмасин”, - дея таъкидлади Гулчеҳра.

1. Гулчеҳранинг эрта турмуш қуришига нима сабаб бўлди?
2. Унинг оқибатлари қандай бўлди?
3. У келажакда қандай йўл тутиши керак?

4. Кейинги ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш.

Иштирокчиларга жуптикларга бўлиниб, одамларнинг муносабатини ўзгартиришга имкон берадиган, ижтимоий адолатни ўрнатиш ҳамда ўз оиласи, мактаби ва ҳамжамиятида содир бўлиб турган қизлар устидан зўравонлик ҳолатларини камайтиришга ёрдам берадиган келажакдаги хатти-ҳаракатлар бўйича ўз режасини ишлаб чиқишни таклиф қилинг.



Вазифалар	Ҳаракатлар	Муддатлар	Ҳамкорлар/масъул шахслар (бошқаларни ёзма, бу сиз ёки сизнинг тенгдошларингиз бўлиши керак)

Сана ва режага оид у ёки бу ишни бажаришини тасдиқлайдиган барча масъул кишиларнинг имзолари:

Бошқа иштирокчилар ўз тавсияларини беришлари ва режаларни амалга ошириш бўйича ихтиёрий ҳамкорлик таклиф қила олишлари учун режаларингизни тақдим қилинг.

Мазкур сессия муҳокамаси якунига етгач, барча иштирокчилардан пост-тестни тўлдириб беришни илтимос қилинг.

Пост-тест:

1. “Гендерга оид тенглик” сессиясидан ўзингиз учун олган энг муҳим сабоқ қайси бўлди?

1.

2.

3.

2. Мактабингизни хавфсиз ва осойишта мактабга айлантириш учун гуруҳингиз ўрганган дарсларни амалда қандай қўллаши мумкин?

1.

2.

3.

3. Сиз олган сабоқларингизни кундалик ҳаётда қандай қўлламоқчисиз?

1.

2.

3.

4. Жинс ва гендер ўртасида фарқ борми?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

5. Аёллар билан эркекларга бир хил муносабатда бўлиш керакми?

☐

Да

☐

Йўқ

6. Аёл киши раҳбар бўлиши мумкинми?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

7. Никоҳ ҳар бир кишининг эркин хоҳиш-иродасига асосланган бўлиши шартми?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

8. Турмуш қургач, аёл киши дарров фарзанд кўриши лозимми ёки унда танлаш имконияти борми (масалан, агар у ишлашни ёки ўқишни истаса)?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

9. Эркаклар фарзандларини аёлларсиз тарбия қила олиши мумкинми?

☐ Ҳа

☐ Йўқ

10. Сизнингча, агар кув ва келиннинг ота-онаси никоҳ ҳақида келишиб олишган бўлишса, аммо қиз турмуш қуришни истамаётган бўлса, бу мажбурий никоҳ ҳисобланадими?

☐ Ҳа

☐ Йўқ

11. Қизларни никоҳ учун олиб қочиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда жазоландиган хатти-ҳаракат ҳисобланадими?

☐ Ҳа

☐ Йўқ

12. Аёл кишини никоҳ қурдириш мақсадида ўғирлаб кетиш учун жазо қайси қонунда кўзда тутилган?

☐ Қирғизистон Республикаси Маъмурий кодекси

☐ Қирғизистон Республикаси Конституцияси

☐ Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси

Бошқа

13. Сиз: “Ураяптими, демак, севади” деган фикрга қўшиласизми?

☐ Ҳа

☐ Йўқ

14. Зўравонликдан жабр кўрган аёл қаерга мурожаат қилиши мумкин?

☐ Ҳуқуқ-тартибот идораларига

☐ Тиббиёт муассасаларига

☐ Кризис марказлари ва нодавлат ташкилотларига

15. Никоҳда зўрлаш жиноят ҳисобланадими?

☐ Ҳа, бу жиноят

☐ Йўқ, бу жиноят эмас, бу эр-хотинлик бурчи

16. Оиладаги зўравонлик юзага келиши аёл кишининг ўзи сабаб бўлади, деган фикрга қўшиласизми?

☐ Қўшиламан

☐ Қўшилмайман

17. Қирғизистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, неча ёшдан турмуш қуришга рухсат берилади?

☐

19 ёш

☐

18 ёш

18. Сизнингча, никоҳни қаерда қайд этириш лозим:

☐

Фақат никоҳни қайд этиш давлат идораларида

☐

Фақат масжидларда

Бошқа:

19. Аёллар устидан зўравонлик актларини бартараф қилиш бўйича шахсан Сиз нима ишлар қилаяпсиз?



Эдвокаси

03

Ҳаракат қилиш вақти келди!

Эдвокаси

109

Кампания стратегиясини
режалаштириш

115

Бўлим мақсади: «Эдвокаси» тушунчасини ҳамда эдвокаси олиб боришдаги турли ёндошувларни тушунтириш. Эдвокаси контекстида режалаштириш кўникмасини ҳосил қилиш.

Пре-тест:

1. Ҳаётингизда бирор нарсани ўзгартиришни истайсизми? Бунинг учун кимнидир ишонтиришингиз керакми?

2. Қирғизистон жамиятида сиз бошқалар ёрдами билан ўзгартиришни истаган бирор нарса борми?

3. Эдвокаси нима эканини биласизми?

4. Эдвокасини ижтимоий ўзгаришларга эришиш йўлидаги самарали усул, деб ҳисоблайсизми?

☐

ҳа

☐

йуқ

5. Эдвокаси кампанияси учун зарур бўлган воситаларни айтиб бера оласизми?

6. Қирғизистонда ёки исталган бошқа бир мамлакатда ўтказилган Эдвокаси кампаниялари ҳақида айтиб бера оласизми?



01

Ҳаракат қилиш
вақти келди!
Эдвокаси

Мақсад: “Эдвокаси” тушунчасини тушунтириб бериш.

Вақт: 2 соат 30 дақиқа

Тадбирлар режаси:

№	Номланиши	Зарур воситалар	Вақт
1	Умумлаштирувчи қисқача маълумот	Қоғоз, микрофон	10 дақиқа
2	Эдвокаси тушунчаси	Флипчарт, маркер, скотч	30 дақиқа
3	Риторика дарси		50 дақиқа
4	Эдвокаси кампаниясининг мақсад ва вазифаларини қандай аниқлаш керак	Флипчарт, маркер, скотч	20 дақиқа
5	Гуруҳ иши	Флипчарт, маркер, скотч	15 дақиқа
6	Эдвокаси принциплари	Флипчарт, маркер, скотч	15 дақиқа
7	Хулоса	Флипчарт, маркер, скотч	10 дақиқа

1. Умумлаштирувчи қисқача маълумот

Сессия аввалида фасилитатор бўлиб ўтадиган сессия ҳақида қисқача маълумот бериши ва иш жадвали билан таништириб чиқиши керак.

2. Эдвокаси тушунчаси

Иштирокчиларни “эдвокаси” мавзусига тўла жалб қилиш учун ишни “эдвокаси” атамасига изоҳ беришдан бошлаш муҳим.

- * “Эдвокаси бу инсонларни биз истаган нарсани бизнинг номимиздан амалга оширишга мажбур қилиш мақсадида қилинган хатти-ҳаракатлардир”.
- * “Маҳаллий эдвокаси – бу ўзгаришга эришиш учун лобби ва қарор қабул қиладиган шахсларга таъсир ўтказиш орқали умумий муаммо ечилишини талаб қилишдир”.
- * “Эдвокаси бу зарур ўзгаришлар баёни ва ўзгаришлар фойдасига далил-исбот келтириш орқали сиёсатни, ўрнатилган тартибни ёки бирор-бир нарсага бўлган муносабатни ўзгартириш мақсадида амалга оширилувчи уюшган ҳаракатлардир”.
- * Эдвокасини турли методологияларга алоқадор қуйидаги атамачаларни ўз ичига олган умумий атама сифатида тушуниш лозим:
 - кампаниялар ўтказиш
 - лоббилаш
 - хабардорлик даражасини ошириш
 - оммани сафарбар қилиш ва шу кабилар.

Эдвокасининг асосий мақсади бу одамларнинг юриш-туришини ўзгартириш бўлиб ҳисобланади, дейиш мумкин. Шу тариқа, бу ерда муҳокама қилиниши лозим бўлган савол қуйидагича янграйди:

1-сессия: Ҳаракат қилиш вақти келди! Эдвокаси

Бирор кишининг фикрини ўзгартириш учун сизга қандай билим-кўникмалар керак?


Навбатдаги сессияни давом эттиришдан аввал фасилитатор иштирокчилар билан бирор кишининг фикрини муваффақиятли равишда ўзгартириш учун зарур бўлган билим-кўникмаларни қисқача муҳокама қилиб олиши лозим. Муҳокама 15 дақиқа давом этиши керак. Белгиланган вақт тугагач, фасилитатор асосий пунктларни флипчартга ёзиб, умумлаштириши лозим. У иштирокчилар томонидан айтиб ўтилмаган айрим билим-кўникмаларни қўшиб қўйиши ва уларни бошқаларга тушунтириб бериши мумкин, масалан:

- Нотиқлик санъати малакаси;
- Ўзига ишонч;
- Аргументлар қай йўсинда қурилиши керак;
- Кекса ёшдаги кишиларни қандай ишонтириш керак;
- Ҳаракат ёки кампанияларни қандай бошлаш керак?

3. Риторика дарси

Қуйидаги секцияда “риторика” тушунчасига таъриф берилган ва унинг эдвокаси кампаниясига нима учун зарурлиги баён қилинган:

- “Риторика бу ишонтириш усуллари ва йўллари ҳақидаги фандир”
- “Риторика бу нуқтаи назар ва билимларни ҳам кашф қилиш, ҳам етказиш ҳақидаги фандир”.
- Риторика – бу “дунёда ҳамма нарсa қандай бўлиши кераклиги устида баҳслашилаётганда ёки бу борадаги масалалар мунозарали бўлиб қолаётганда, бировларнинг дунёқарашини ўз фойдамизга ўзгартириш усуллари ва бу дунёқарашларни ўзимизга ҳамда бошқаларга тушунтиришни ўрганадиган фандир”.
- Риторика (қадимги грек. $\rho\eta\tau\omega\rho\iota\kappa\acute{\eta}$ — “нотиқлик санъати”) — нутқ санъати, бадиий нутқ қурилиши қоидалари, нотиқлик санъатини ўрганувчи филологик фан”.



“Риторика бу дунё ҳақидаги билимларни қуриш ва бу билимларни баҳслилик нуқтаи назаридан ёки ўзининг ҳақ эканига аудиторияни ишонтириш мақсадида етказиш учун дискурс барпо қилишда тилдан фойдаланишни диққат билан ўрганишдир”.

Риторикадан эдвокасида қандай фойдаланиш мумкин?

Риторикадан эдвокаси мақсадида фойдаланиш учун аввало вазиятнинг ўзи риторик бўлиши керак. Яъни, вазият бирор кимсанинг фикрини ўзгартириш потенциалига эга бўлиши лозим. Риторик вазият қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиши мумкин:

- | | |
|----------|-------------|
| • Спикер | • Контекст |
| • Хабар | • Аудитория |

Бу 4 унсур бир-бири билан узвий боғлиқ ва спикер бошқа барча таркибий қисмларни ҳам билиши керак. Шу тариқа, спикер хабарни аудитория тушунадиган йўсинда қуриши керак ва у хабарни мувофиқ йўсинда қуриш учун контекстни ҳам кўриб чиқиши керак.

Умуман олганда, спикер бошламоқчи бўлган нутқни “рамкалаш” ишонтиришга эришишдаги ҳал қилувчи унсур бўлиб ҳисобланади, дейиш мумкин.

Олимлар қуйида келтирилган қисмлардан ташкил топган структура муваффақиятли бўлиб ҳисобланишини қайд этадилар:

- Ёрлиқ
- Овозли фрагмент;
- Мавзу;
- Тарих

Хўш, бу унсурлар конкрет нимани англатади?

1. Ёрлиқ

Ёрлиқ аудитория ёки қарор қабул қилувчи кишиларга тақдим этилган қизиқтирувчи саволни акс эттиради. Спикер ёрлиқни, ижобий қабул қилинадиган сўзлар ва тилдан фойдаланган ҳолда, диққат билан танлаши керак. Ёрлиқ эдвокаси кампаниясининг бутун муддаосини етказиб берувчи рамз ёки қисқартирилган матн бўлиши мумкин.

2. Овозли фрагмент

Овозли фрагмент битта гап ёки асосий жумлалар тўплами сифатида янграйдиган слогандан (шиордан) ташкил топган бўлади. Овозли фрагмент креатив бўлиши ва эдвокаси кампанияси томонидан кўриб чиқиладиган асосий саволларни етказиб берадиган бўлиши зарур. Шунингдек, бу ерда танланган овоз ҳам ёқимли бўлиши керак.

3. Мавзу

Мавзу аудиториянинг ижобий реакциясига эришишга қаратилган энг асосий фактларни акс эттирувчи кичик параграф шаклида тақдим этилиши лозим. Мавзунинг баён қилишда аудитория ва қарор қабул қилувчи шахсларнинг эмоционал (ҳиссий) ёки рационал (ақлий) даражасини эътиборга олиш мумкин.

4. Тарих

Сўнгги босқич, моҳиятан, энг узун қисм бўлган тарихнинг ўзига бағишланади. Бу восита доирасида аудитория/қарор қабул қилувчи шахсларни ишонтириш учун фактларни фойдали жиҳатларни кўрсатадиган йўсинда жойлаштиришга ҳаракат қилиш зарур. Сюжет структураси қуйидагича тузиб чиқилган бўлиши лозим: ибтидо, ўрта қисм, тасдиқли ечим.

Ёрлиқ, Овозли фрагмент, Мавзу, Тарих сонларда:

Ёрлиқ: 5 сўз

Овозли фрагмент: 15 сўз

Мавзу: 30 сўз

Тарих: 60 сўз

5. Эдвокаси кампаниясининг мақсад ва вазифалари қандай аниқланади?

Мақсадларни аниқлаш кўпинча режалаштиришнинг энг муҳим қисми сифатида кўрилади. Аниқ шакллантирилган вазифалар олиб бориладиган хатти-ҳаракатлар ва уларнинг муддатларини белгилаб беради. Эришилиши керак бўлган вазифаларни аниқлаш учун кампания ёрдам бермоқчи бўлган кишилар билан бевосита маслаҳатлашиш зарур. Бу ўринда вазифа ҳаракатга келтирилган мақсад бўлиб ҳисоблади.

Вазифаларга эришиш ва мақсадларни амалга ошириш учун хатти-ҳаракатларнинг конкрет режасини ишлаб чиқиш зарур. Бу хатти-ҳаракатлар SMART деб аталадиган муайян андозага мос равишда белгилаб чиқирилиши керак.

1-сессия: Ҳаракат қилиш вақти келди! Эдвокаси

Алҳол, вазифалар қуйидагича бўлиши керак:

S: (Specific) Аниқ

M: (Measurable) Ўлчанадиган

A: (Achievable) Эришиб бўладиган

R: (Realistic) Реалистик

T: (Time-bound) Вақти чегараланган

Мисол:

Кейинги йилда Қирғизистон Республикасидан бўлган 300 нафар ёш йигит-қиз гендер тенглиги соҳаси бўйича ўқитилади.

Мақсад: Гендер тенглигига эришиш одамларнинг барқарор тараққиёти учун замин ва бу тараққиёт кўрсаткичи сифатида кўрилади.

Баҳс: Юқорида зикр этилган мисол юзасидан мақсадга эришиш учун қандай хатти-ҳаракатлар ишлаб чиқиши керак?

Баҳс чоғида кўриб чиқиши лозим бўлган савол қуйидагича кўринишга эга:

Эдвокаси кампаниясининг ҳадаф (мақсадли) гуруҳи ким бўлиб ҳисобланади? Одатда, бу қарор қабул қиладиган шахслардир.

Тегишли қарор бўйича кимга мурожаат қилиш мумкинлигини яхшироқ тушуниб олиш учун қуйидаги саволларга жавоб бериш зарур:

- Қарор қабул қиладиган шахснинг роли қандай?
- Вазифанинг бажарилишига у қандай таъсир кўрсатиши ёки кўмаклашиши мумкин?
- Унинг аввал-бошдан қандай мақсадлари бўлиши мумкин? (Баҳсга яхшироқ тайёргарлик кўриш учун бу ҳақда учрашувдан олдин билиб олиш керак).

6. Гуруҳ иши

Фасилитатор гуруҳни икки командага бўлиши керак. Ҳар бир гуруҳга, аввалги машқлар чоғида олинган билимлардан фойдаланган ҳолда, ҳал қилиши лозим бўлган муаммо тақдим этилади. Гуруҳлар эдвокаси дастурини ишлаб чиққанларидан кейин улар 5 дақиқали тақдимот ўтказишлари керак бўлади.

1-муаммо: Қизларга спорт клублари аъзоси бўлишга рухсат беришмаяпти

2-муаммо: Ёшлар орасида вандализм (маданий ёдгорликларни ваҳшийларча вайрон қилиш) кун сайин кенг тарқалмоқда

Иштирокчилар ўз тақдимотларини ўтказиб бўлганларидан сўнг фасилитатор ўтказилган тақдимотлар асосида эдвокаси принципларини тушунтириши ва изоҳ бериши керак. Бу иш иштирокчилар мазкур принциплардан қанчасини савқи табиий кўмагида тақдимотга киритганларини кўриш учун амалга оширилади.

7. Эдвокаси принциплари

Иштирок

Қоида иложи борица кўпроқ одамни жалб қилишдан иборат. Принцип шарти шундайки, ҳар бир иштирокчи эдвокаси мақсадига эришиш учун ўз ҳиссасини қўшишни керак. Барчага бирдек дискриминациясиз (камситмай) муносабатда бўлиш ва дўстона муҳит яратиш ҳамда одамлар ўз хайрихоҳлигини кўрсатиши мумкин бўлган платформа яратиш тавсия қилинади.

Қонунийлик

Доим қонун устуворлигига амал қилиш ва ҳеч қачон уни бузмаслик.

Масъулият ва ҳисоб бериш

Эдвокаси кампанияси шаффофликни таъминлаш учун ҳалол ва очиқ ўтказилиши лозим.

Ҳурмат

Барчага ниҳоятда ҳурмат билан муносабатда бўлиш жуда муҳим. Маълумот даражаси ва характери турлича инсонлар билан ишлашингиз мумкин бўлган эдвокаси кампанияси ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун олган ҳолда, муҳит осойишталигини таъминлаши мумкин бўлган воситаларнигина танланг.

Ҳадаф аудитория билан тиғиз ишлаш

Ўзингизнинг ҳадаф аудиториянгизни тингланг ва бир-бирингиз билан ҳамкорлик қилинг.

8. Хулоса

Мулоҳаза вақти етди. Фасилитатор иштирокчилар билан биргаликда семинарнинг асосий пунктлари қайсилар бўлгани ва бундан иштирокчилар ўзлари учун нима олганлари ҳақида хулоса чиқариши ва яқун ясаши керак. Шунингдек, иштирокчилар семинар улар учун ижобий тажриба бўла олган-олмагани ва улар семинарга қандай ҳисса қўшганлари ҳақида ўйлаб кўришлари керак бўлади.



02

Кампания
стратегиясини
режалаштириш

Мақсад: Эдвокаси контекстида режалаштириш малакасини таъминлаш.

Вақт: 2 соат 20 дақиқа.

Тадбирлар режаси:

№	Номланиши	Зарур ресурслар	Вақт
1	Аввалги сессия ҳақида умумлаштирувчи маълумот		10 дақиқа
2	Муаммони аниқлаш	Флипчарт, маркерлар	15 дақиқа
3	Тадқиқот ўтказиш: методология	Флипчарт, маркерлар	15 дақиқа
4	Таъсир омиллари (ташқи: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик; ички: кучли ва заиф томонлар, имкониятлар, таҳдидлар)	Флипчарт, маркерлар	15 дақиқа
5	Эдвокаси кампаниясини самарали ўтказиш учун яна нималар кўриб чиқилиши лозим	Флипчарт, маркерлар	15 дақиқа
6	Эдвокасига нисбатан турлича ёндошув	Флипчарт, маркерлар	20 дақиқа
7	Мониторинг ва баҳолаш	Флипчарт, маркерлар	15 дақиқа
8	Эдвокаси кампаниясининг ўтказилиши ҳақида қисқаса якун	Флипчарт, маркерлар	15 дақиқа
9	Хулоса	Флипчарт, маркерлар	15 дақиқа
	Пост-тест		5 дақиқа

1. Аввалги сессия ҳақида умумлаштирувчи маълумот

Фасилитатор аввалги сессия юзасидан қисқача обзор бериши ва иштирокчилар билан бир-галикда унинг навбатдаги сессия учун талаб қилинган барча асосий жиҳатларини эсга олиб ўтиши лозим.

2. Муаммони аниқлаш

Муваффақиятли эдвокасининг асосий жиҳати самарали режалаштириш бўлиб ҳисобланади. Аммо самарали режалаштиришни ташкил қила олиш учун муаммони жуда яхши тушуниш керак. Муаммони тушуниб олиш жараёнида эдвокаси стратегиялари бўйича ғоялар юзага келади.

Шу тариқа, асл сабабларни тушуниб етишда кўмаклашиши учун қуйидаги саволларга аниқлик киритиш зарур:

- Муаммо нимадан иборат ва нима учун уни ҳал қилиш керак?
- Бу муаммо мавжудлиги бўйича қандай исбот-далиллар мавжуд?

- Мазкур муаммо юзасидан сизда қандай маълумотлар бор?
- Бу муаммо кимга таъсир қилаяпти?
- Уни ҳал қилиш бўйича ҳозир бирор-бир кампания мавжудми? Ҳамкорлик янада самаралироқ бўлиши мумкинми: Агар “йўқ” бўлса, нима сабабдан?
- Муаммо ҳал қилиниши бўйича кимдир муқобил ёндошувларни ишга солиб кўрганми?

Юқорида келтирилган саволларга аниқлик киритиб олганингиздан сўнг, бу муаммони учинчи шахсга (қарор қабул қиладиган шахсларга, масъул томонларга ва ҳ.) тақдим этишга ҳозир бўлиб тулинг. Бунинг учун асосли ва кенг қамровли тақдимот тайёрлаш зарур бўлади. Мазкур тақдимотда сабаб ва оқибатлар баён қилиниши ҳамда ишончли манбалар ва қатъий далиллар асосида таклиф қилинаётган ечим оқибатлари урғуланиши лозим.

Яхшироқ тушуниб олиш учун сиз бир дарахтни кўз олдингизга келтирсангиз бўлади. Бунда дарахт илдизларини мақсад ва теран сабаблар, деб олиш мумкин. Дарахтнинг танаси муаммони англатади, унинг бутоқлари эса муаммо оқибатларини.



Оқибатлар – бу маълум инсонларга ўз турмушларининг муайян соҳаларида таъсир қиладиган ва ҳалақит берадиган теран сабаблар натижасидир.

Муаммо – инқирозли, ҳалокатли вазият, ёмон таъсирга эга.

Эдвокаси кампаниясини ўтказиш сабаби – яжамият учун салбий бўлган бошқа таъсирларни юзага келтирувчи кўриниш.

Иштирокчиларга муаммони қандай таҳлил қилиш кераклигини тушунтиргандан сўнг фасилитатор гуруҳни икки командага бўлиши ва тегишли муаммони муҳокама қилиш жараёнида уларга олган билимларини қаерда қўллашлари мумкинлиги юзасидан йўл-йўриқ бериши лозим бўлади.

3. Тадқиқот ўтказиш: методология

Муаммо кўриб чиқилганидан сўнг ишончли фактлар йиғиш зарур. Улардан кампанияни ишлаб чиқиш бўйича кейинги ишларда фойдаланиш мумкин.

Бироқ ҳар қандай тадқиқотда ишончли манбалардан маълумот тўплашда фойдаланиш мумкин бўлган турли методологияларни тушуниш керак. Эдвокасида тадқиқот ўтказиш асосан қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- Муаммо таъсири остида қолган одамлар билан интервью;
 - Экспертлар билан интервью;
 - Маълумотлар йиғиш учун сўров ўтказиш;
 - Муаммо таъсирида қолган одамларни ишга жалб қилиш
- * **Фокус-гуруҳ/экспертлар билан интервью** – тугал интервью фокус-гуруҳ билан ўтказилиши керак.
- * **Шахсий интервью** муаммони тўла тушуниб етиш учун ўтказилади.

* **Сўровлар** ижтимоий фикрни ўрганиш учун аҳолининг кенг қатламлари орасида ўтказилиши мумкин.

Шундан сўнг киши ўзига қуйидаги саволларни бериши керак:

- 1. Мен нималарни билишим керак?
- 2. Ишончли ва аниқ маълумотни қаердан топишим мумкин?
- 3. Менга маълумотни ким тақдим қилади?
- 4. Мен қайси усуллардан фойдаланаман?
- 5. Мен маданиятни тўғри тушунаяпманми?
- 6. Мен сиёсий тизимни тўғри тушунаяпманми?

Тадқиқот ўтказиш чоғида қўлга киритилган ахборот янада яхшироқ кўриниши учун қуйидаги жадвални тўлдириш мумкин.

Мақсадлар жадвали

№	Мақсад	Мен қанақа маълумот олдим?	Бу респондентга қандай таъсир қилди?		
1					
2					
3					

Эдвокаси ўтказиш режаси унсурлари.

Бу режа эдвокасини ўтказиш учун ишлатилади.

Вазифалар	Ҳадаф гуруҳи	Индикаторлар	Хатти-ҳаракатлар	Якуний муддатлар
Мақсадларга эришиш учун асосий вазифаларни белгилаб олинг	Муаммо ечилишига кўпроқ бевосита таъсир қила оладиган одамлар	Индикаторлардан фойдаланиш эдвокаси хатти-ҳаракатларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради	Мақсадга эришиш йўлидаги қадамлар	Ҳар бир алоҳида хатти-ҳаракат учун белгиланиши керак

4. Таъсир омиллари (ташқи: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик, ички: кучли томонлар, заиф томонлар, имкониятлар, таҳдидлар)

Эдвокаси ҳаракатини ўтказиш учун ички ва ташқи омилларни инобатга олиш зарур.

Ташқи омиллар:

Иқтисодий омиллар вазият ва унинг ривожланиши билан ассоциацияланади. Ишсизлик даражаси, депозитларнинг фоиз ставкаси, иқтисодий ўсиш, солиқлар даражаси, ишлаб чиқариш даражаси, валюта курси, заҳиралар баҳоси ва бошқалар шу кабилар иқтисодий омилларга мисол бўла олади.

Сиёсий омиллар қонун устуворлиги, суднинг ҳам шахсий ишлар, ҳам бутун сиёсий муҳит (барқарорлик, ҳолат) юзасидан нормативлари ва қарорлари билан ассоциацияланади. Эдвокасига келажакда қандай сиёсий омиллар таъсир кўрсатиши мумкин? Бу омиллар тадбирларга (эдвокаси ҳаракатларига) қандай таъсир қилади?

Ижтимоий омиллар ижтимоий қадриятлар, турмуш тарзи билан ассоциацияланади. Ижтимоий омиллар ҳам миқдорга оид (туғилиш даражаси тенденцияси ёки Осиё аҳолиси сони кўплиги каби), ҳам сифатга оид (бўш вақт танқислиги ҳисси ёки ишчилар ва иш берувчи ўртасидаги муросанинг етарли даража эмаслиги каби) бўлиши мумкин.

Технологик омилларга, масалан, ахборот тарқатишга дохил технологиядаги тараққиёт кабилар киради.

Ички омиллар:

Ички омилларни ҳамда заиф ва кучли томонларни аниқлаш учун SWOT-таҳлил методидан фойдаланиш мумкин. SWOT кучли томонлар (Strength), заиф томонлар (Weakness), имкониятлар (Opportunities) ва таҳдидлар (Threats) кабиларни англатади.

Потенциал ички кучли томонлар (S): яққол намоён бўлган қобилиятлар, етарли даражадаги молиявий заҳиралар, рақобатга бўлган лаёқатнинг юқорилиги, мақсадни яхши англаш, аниқ белгиланган стратегия, омонатлардан фойдаланиш, шахсий уникал усуллар ва ҳоказолар.

Потенциал ички заиф томонлар (W): қобилиятнинг айрим аспектларини йўқотиб қўйганлик, молиявий маблағ етишмаслиги, харидорлар ҳақида маълумот таҳлилининг йўқлиги, аниқ стратегиянинг йўқлиги, уни амалга оширишдаги изчилликнинг йўқлиги, молиялаштиришнинг етарли эмаслиги, эдвокасининг эски усуллари, мукаммаллик ва қайишқоқликни йўқотиб қўйганлик.

Потенциал ташқи имкониятлар (O): тайёргарликдан ўтган команда, ҳадаф гуруҳини қамраб олиш, савдо-сотиққа оид тўсиқларни қисқартириш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан шарт-шароитнинг қулайлиги, заҳиралар мавжудлиги ва ҳоказолар.

Потенциал ташқи таҳдидлар (T): ҳадаф аудиториянинг бандлиги, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан шарт-шароитнинг қулай эмаслиги, заҳиралардан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги ва ҳоказолар.

5. Эдвокаси кампаниясини самарали ўтказиш учун яна нималар кўриб чиқилиши лозим?

Бу бўлимда эдвокаси кампаниясини режалаштиришда ҳам эътиборга олиш лозим бўлган қатор воситалар кўриб чиқилади. Рўйхат ҳамма нарсани қамраб олмайди ва ўтказилаётган кампания характеридан келиб чиққан ҳолда, бошқа жиҳатлар ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Бу курсда иштирок этаркан, биз сизга, агар зарурат туғилса, ана шундай омилларни аниқлаш учун зарур воситаларни тақдим этишга умид қиламиз.

Тарафдорларни жалб қилиш

Эдвокаси кампаниясини режалаштиришда ўз қарашларингизни қўллайдиган ва эдвокаси мақсадларига эришишда сиз билан ишлашни истайдиган бошқа нодавлат ташкилотлари, тармоқлар, ҳомийлар, коалициялар, фуқаролар ассоциациялари, касаба уюшмалари, аёллар гуруҳлари ва фаолларнинг дастагига эга бўлиш учун қўлдан келган барча имкониятларни ишга солиш зарур. Потенциал (муҳтамак) иттифоқдошларни қандай топишингиз мумкин? Сиз анжуман ва семинарларда иштирок этишингиз, бошқа нодавлат ташкилотлари етакчилари ва фаолларини ўз тадбирларингизга таклиф қилишингиз, оммавий ахборот воситалари қўлловидан фойдаланишингиз, учрашувлар ўтказишингиз, тадқиқотларингиз натижаларини эълон қилишингиз мумкин. Интернетдан фойдаланишни ҳам ёддан чиқарманг; омилкорлик билан фойдаланилса, глобал тармоқ исталган ташаббус учун дастакка эга бўлишда энг самарали воситага айланиши мумкин.

Маълумотни етказиш ва тарқатиш йўллари

Одатда кампания воқеалари ҳақидаги маълумотни материаллар, онлайн мақолалар, матбуот варақчалари, матбуот анжуманлари, информацион брошюралар ҳамда бюллетенлар ва ҳоказоларни ёйинлаш орқали тарқатиш мумкин. Маълумотни тарқатиш усулини танлашда ҳадаф гуруҳини ва унинг маълумотни қай йўл билан яхшироқ ола билиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш зарур.

Молиявий маблағ излаш

Молиявий маблағлар ҳам, ташқаридан келадиган бошқа ресурслар каби, эдвокаси кампанияси учун жуда фойдали бўлиши мумкин. Улардан материалларни тайёрлаш ва тарқатиш, учрашув ва семинарлар ташкил қилиш, жиҳоз сотиб олиш, алоқа харажатларини қоплаш учун фойдаланиш мумкин. Эдвокаси кампаниясини режалаштиришдан олдин эҳтимолий ҳомий ва маблағ йиғиш усуллари (фандрайзинг) аниқлаб олиш керак.

Кампания давомида:

Маълумот тўплаш ва уни таҳлил қилиш муаммони ойдинлаштириш учун лозим; муаммони шакллантириб олиш эдвокаси бўйича хатти-ҳаракатларни жорий этиш учун керак; ахборот тайёрлаш ҳадаф аудитория, тарафдорлар сонини кўпайтириш учун ва сиёсий секторга таъсир ўтказиш йўлини топиш учун зарур.

Шунингдек, эдвокаси жараёнида кампания аввалидан охиригача мониторинг ўтказиш ва баҳолаш зарур бўлади. Сиз фаолият жараёни ва унинг натижаларини қандай баҳолаш лозимлигини ҳал қилиб олишингиз керак. Натижалар кутилатган ўзгаришларга нисбатан белгиланиши керак, бироқ, агар гуруҳ вазият ўзгарганидан хабар топса, натижалар эдвокаси кампанияси якунига етгач ҳам ўзгариши мумкин.

6. Эдвокасини ўтказиш бўйича турли тадбирлар

Эдвокаси кампаниясида турли ёндошувлар мавжуд. Улардан энг кенг тарқалган учтасини кўриб чиқамиз:

Суд жараёни

Эдвокасини ҳамжамият орасида суд ёрдамида ўтказиш мумкин. Фуқаролик жамияти ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилиб, омма эътиборини ўзига жалб қиладиган суд ишлари миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда бўлиб ўтиши мумкин.

Ижтимоий кампания

Кампания қарор қабул қиладиган шахсларни ижтимоий ўзгаришларга эришиш учун қарор қабул қилишга мажбур қилиш мақсадида жамоатчилик қўлловини уларга босим ўтказиш учун ўзига жалб қилиши мумкин. Масалан, сиз муаммо ҳақида хабардорликни ошириш учун номойиш ташкил этишингиз ёки одамлардан ўзлари яшаб турган жойлардаги депутатлар билан

бевосита боғланишни сўрашингиз ёки қарор қабул қилиш талаб қилинмиш петиция билан му-рожаат қилишингиз мумкин.

Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар

Муаммо ҳақида хабардорлик даражасини ошириш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланинг. Оммавий ахборот воситалари саъй-ҳаракатларингизнинг маҳаллий ва халқаро миқёсда қўллаб-қувватланиши учун жуда кудратли ва самарали восита бўлиши мумкин. Оммавий ахборот воситалари вазифасини Ахборот агентликлари, радиостанциялар, телевидение ва интернет кабилар ўтайди. Умуман олганда, жамоатчилик билан алоқалар бўйича умумий стратегия доирасида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мақсадларингизга эришишга кўмаклашишда самарали восита бўлиб ҳисобланади.

7. Мониторинг ва баҳолаш

Мониторинг бу жараёни узлуксиз кузатиб бориш жараёнидир. Мониторинг бу айрим чораларнинг вазифаларга нисбатан долзарблиги, самарадорлиги ва амалий таъсирининг даврий обзорида.

Баҳолаш муайян пайтда, одатда, эдвокаси кампанияси охирида амалга оширилади. Баҳолаш жараёнига ташқаридан бўлган экспертлар жалб қилиниши керак. Баҳолаш жараёни туганидан сўнг кейинги ҳаракатларга ўзингиз томонингиздан олинган баҳо-мулоҳазаларни ҳам киритиш керак.

Баҳолаш бўйича ҳисоботда, одатда, қуйидаги саволлар акс этади:

- Вазифаларни бажаришга муваффақ бўлолдингизми?
- Ютуқ ва муваффақиятсизликларингизга қандай омиллар таъсир қилди?
- Конкрет ташаббусларнинг қайсилари иш берди, қайсилари иш бермади, нима учун?
- Методология натижаларга ижобий таъсир қилдими ё салбийми?
- Баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда нималарни ўзгартириш лозим?

8. Эдвокаси кампанияси ўтказилгани юзасидан қисқача якун

Эдвокаси кампаниясини режалаштириш жараёнида фаолиятни режалаштириш охирида жавоб берилиши лозим бўлган қуйидаги саволлар берилиши керак:

1-савол: “Эришилиши керак бўлган якуний мақсадлар нима?”

2-савол: “Эдвокаси ва/ёки ижтимоий қўллов бу мақсадга эришишда ёрдам бера оладими?”

3-савол: “Конкрет мақсадлар нималардан иборат?”

4-савол: “Қарор қабул қиладиган шахслар: сизга ўзингиз истаган нарсани бериш учун ҳокимиятга эга бўлган одамлар кимлар?”

5-савол: “Ҳадаф аудиториялари: сиз ўз мақсадингизга эришиш учун яна кимларни ишонтиришингиз керак?”

6-савол: “Сизнинг хабарларингиз нималардан иборат?”

7-савол: “Ўз маълумотларингизни дастаклаш учун сизда қанақа далил-исботлар бор?”

8-савол: “Муддатлар: сиз қарор қабул қиладиган шахсларга қай маҳал таъсир ўтказа оласиз?”

9-савол: “Ўз стратегиянгни амалга ошириш учун етарли воситаларга эгамисиз?”

10-савол: “Натижалар қандай чамаланади?”

9. Хулоса

Мулоҳаза вақти етди. Фасилитатор иштирокчилар билан биргаликда семинарнинг асосий пунктлари қайсилар бўлгани ва иштирокчилар бундан ўзлари учун нима олганлари ҳақида хулоса чиқариши ва якун ясаши керак. Шунингдек, иштирокчилар семинар улар учун ижобий тажриба бўла олган-олмагани ва улар семинарга қандай ҳисса қўшганлари ҳақида ўйлаб кўришлари керак бўлади.

Пост-тест:

1. Сизнинг “Эдвокаси” сессиясидан олган энг муҳим сабоғингиз нима бўлди?

2. Мактабингизни хавфсиз ва осойишта мактабга айлантириш учун гуруҳингиз бу сессияда олган билимларини қай тариқа қўллаши мумкин?

3. Олган билимларингизни кундалик ҳаётда қандай қўлламоқчисиз?

4. “Эдвокаси” бўйича сессияни фойдали, деб ҳисоблайсизми? Агар жавобингиз “ҳа” бўлса, нима учун; агар “йўқ” бўлса, нима учун?

5. Сизда эдвокаси тўғрисидаги сессияни қандай қилиб яхшилаш мумкинлиги бўйича таклифлар борми?

6. Эдвокаси қандай мақсадларда қўлланилиши мумкин?

7. Сиз эдвокаси кампанияси айнан кимга қаратилган бўлиши лозимлигини тушунтириб бера оласизми?

8. Сиз эдвокаси бу ижтимоий ўзгаришларга эришишнинг самарали усули, деб ҳисоблайсизми ва нима учун? Жавобингизни пухта ўйлаб кўринг.

☐

Ҳа

☐

Йўқ

9. Сиз эдвокаси кампаниясини қайси соҳаларда қўллаб кўришни истардингиз?

Қуйида, сиз тўлдиришингиз керак бўлган қадам ба қадам чора-тадбирлар режасининг намунавий формаси келтирилган. Барча кўрсатилган мактабларнинг номлари ва тенг инструкторларнинг исмлари ўйлаб топилган (ҳақиқий эмас).

Муаммо: Бизнинг мактабдаги эрта никоҳ қуриш ҳолатларининг кўпайиши

Чора-тадбир №:		Аудитория:	Чора-тадбирнинг мақсади:	Инструмент: (тадбирнинг номи)	Жараённинг индикатори: (ёки тадбирнинг индикатори)
Инструментарий					
Мисол		Директор, мактаб педагоги, мактаб психологи, қизиққан ўқитувчилар	Ўқитувчиларга эрта никоҳ қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида маълумот бериш	Учрашув	1. Суратлар 2. Регистрация рўйхати (қатнашувчиларнинг имзолари билан)
Мактабимиздаги чора-тадбирлар	1.				
	2.				
	3.				
	4.				

* Мулоҳазаларингиз учун 116-чи бўш варақни ишлатинг

2-сессия. Кампания стратегиясини режалаштириш

3

(Эслатма: эрта никоҳ бу вояга етмаган (18 ёшга тўлмаган) йигит ва қизларнинг орасидаги никоҳнинг ёки бирга яшашнинг барча турлари бўлиб ҳисобланади)
Вазият тарихи: 2013/2014 ўқув йилида Кўрғон-Отадаги № 3-чи мактабдаги эрта никоҳ қуришнинг саккизта ҳолати
Мақсад: 2014/2015 ўқув цилида эрта никоҳ ҳолатларини иккита ва ундан ҳам озга камайтириш

Кутилган натижалар:	Муваффақият индикатори:	Тадбирнинг санаси:	Ресурслар:	Қўшимча изоҳлар:
Эдвокаси бўйича				
Ўқитувчилар отаёналарнинг уйларига бориб, уларни қизларни эрта куёвга бермаслик учун ташвиқот ишлари олиб борадилар	10 та оилага ташриф буюрилди; бундай маълумот тенг инструкторларга қизларнинг шахсларини ва исмларини ошкор қилинмаган ҳолда етказилади.	Учрашув бўлиб ўтган санадан 10 кун ўтгандан кейин.	1. Директорнинг рухсати (учрашувнинг қайси хонада бўлиши ҳақида) 2. Маълумот материаллари (варақчалар, статистика, қишлоқдаги эрта никоҳ ҳолатлари ҳақида кейслар	Маълумот варақчаларини ООН-женщины Ташкилоти ва НПО етказиб берадилар

Ҳисобот топширилишини					
		Бир ёки бир неча а) шаҳар кенгаши ёки айил ҳукумати б) оқсоқоллар суди в) курултой, г) никоҳ амалларини олиб борадиган дин вакиллари	Мавзуни тўлиқ билимлар билан ёритиш; Мансабдор шахслардан керакли амалларни олиб боришни талаб этиш; Қарши чиқмасликда содиқликни илтимос қилиш. Болаларга нисбатан қўпол муомаланинг олдини олиш	Давра столи (круглый стол)	1. Суратлар 2. Қатнашувчилар рўйхати 3. Айтилган тадбирларни қўллаб ва ҳаракат қилишга рози бўлиб қўл кўтарганларнинг рўйхати.
Мақтабимиздаги чора-тадбирлар	1.				
	2.				
	3.				
	4.				

таъминлаш бўйича воситалар				
Танланган аудитория,ўз иш доираларида эрта никоҳ қуришга қарши иш олиб борадилар (Масалан, муллалар никоҳ ҳақидаги ЗАГС гувоҳномасисиз никоҳ ўқишдан бош тортадилар, ёки, ҳеч бўлмаса, никоҳ қураётганларнинг паспортларини текшириб, улар балоғат ёшига етганини аниқлайдилар)	Диний никоҳ орқали тасдиқланган эрта никоҳ ҳолатларининг тугатилиши	«Эдвокаси» сессияси битган санадан икки ҳафта кейин	1. Хонани олдиндан таёрлаш 2. Маълумот материаллари (тарқатмалар, ҳолатлар-кейслар, статистика)	Маълумот варақчаларини ООН-женщины Ташкилоти ва НПО етказиб берадилар

Ҳуқуқ ва имкониятларни					
		Хатарли шароитда яшаётган қизларга ўқитиш, статус ва ўзига ишончни ошириш орқали мумкинчилик яратиш	Тренинглар (уларни бошида гурппага қўшиб, кейин улардан тенг инструкторлар таёрлаш)	1. Уларнинг сессиялардаги иштироки 2. Уларнинг амаллар режасини ишлаб чиқишдаги ва уни бажаришдаги иштироки	
Мақтабимиздаги чора-тадбирлар	1.				
	2.				
	3.				
	4.				

кенгайтириш бўйича воситалар

Хатарли шароитда яшаётган қизлар ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қила оладилар ва эрта никоҳ қуришга қарши муваффақият билан қарши турадилар	Қизларнинг турмушга ўзатилиши ўлар балоғат ёшига етгунча кечиктирилади	Ўқув йили давомида қизлар 11- чи синфни битиргунча ўларнинг никоҳ қуришини олдини олиш	Ўқитилган тенг инструкторлар, МОХМ курсини киритишни қўллаш, ёрдам бераётган тенг инструкторлар	ООН-женщины Ташкилоти, нодавлат ташкилотлар (НПО)



Суицид ва унинг олдини олиш бўйича чоралар

04

Суицид ва унинг турлари
Суициднинг олдини олиш

132
139

“Эҳтимол, дунёни сақлаб қолишнинг имкони бўлмас, аммо алоҳида бир одамни ҳар доим сақлаб қолиш мумкин”.

Суицид... Соддароқ қилиб айтганда – ўз жонига қасд қилиш. Стресс ва депрессияга мойил бизнинг даврда ўзининг долзарблиги билан қўрқитувчи муаммо. Аксар ҳолатларда олдини олиш қийин бўлган офат. Инсонни ҳаёти билан видолашишга ундаган сабаблар ҳатто унинг қариндошлари ва яқинлари учун ҳам топишмоқлигича қолмоқда. Энг даҳшатлиси эса бу машъум қадамни ҳали бутун ҳаёти олдинда бўлган ёшлар қўяётганидир. Бу аянчли тенденция нимадан бошланаяпти?

Бир пайтлар сирли ва тушунарсиз ҳисобланган суицид муаммоси омма томонидан деярли қабул қилинмаган ва профессионаллар томонидан тадқиқ этилмаган. Энди эса суицид ҳақида кўп гапирилаяпти ва ёзилаяпти. Ўтган йигирма йил ичида тадқиқотчилар ақлни шоширадиган бу муаммо ҳақида кўп нарсани билиб олишди.


Айрим олимлар вояга етмаганлар орасидаги суицид бошқа ёш гуруҳларидаги суицид даражасидан юқорироқ бўлгани туфайли унга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Аммо у, одатда, қатор сабаблар туфайли юзага келган. Ёш йигит ва қизлар эрта ёшда ҳаётдан кўз юмаётгани туфайли бу тадқиқотчиларни ҳам тобора кўпроқ ўйлантираяпти. Янги нарсаларни ўргана бошлаган ва ҳамма нарсага қизиқиши ортиб бораётган ўспиринни ҳаёт йўлини эндигина бошлаган даврида бу каби машъум қадамга нима ундаётгани кўпчилик учун тушунарсиз бўлиб қолмоқда.

Ўсмирлар орасидаги суицид муаммоси кўплаб бошқа муаммолардан фарқли ўлароқ анча батафсил ўрганилган. Ўз жонига қасд қилаётган одамлар одатда кучли руҳий оғриқдан азият чекишади ва стресс ҳолатида бўлишади ҳамда ўз муаммоларини енгил имкониятидан маҳрум эканликларини ҳис қилишади. Кўпинча улар руҳий касалликлар, айниқса қаттиқ депрессиядан азият чекишади ва келажакка умидсизлик билан қарашади.

Суицидни даволаш олимлар олдида бир қатор мураккаб масалаларни қўймоқда. Ҳали ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган ўсмирлар учун муваффақиятли терапия усулларини ишлаб чиқиш керак. Олимлар суициднинг олдини олиш бўйича дастурларни ишлаб чиқишмоқда, аммо бундай дастурлар реал воқеликда умумий хавф омиллари ва ўсмирлар орасида ўз жонига қасд қилиш даражасини қандай қилиб камайтириши мумкинлиги ноаниқлигича қолмоқда.

Шу билан бирга, суицид бўйича тадқиқотлар сонининг доимий равишда кўпайиб бораётгани бу муаммонинг ечими топилишига умид беради. Балки эндиликда олимлар бу муаммоларни ҳал қилишга бутун жамиятни жалб қилишлари ҳаммасидан муҳимроқдир. Улар ўз жонига қасд қилиш бўйича маълумотларни ёйишга чақирмоқдалар. Бу дастурлар ёшларгагина эмас, кекса ёшдагиларга ҳам мўлжаллангандир. Бундай муҳит суицидни тўлароқ тушунишга ёрдам бериши ҳамда олимлар ва маслаҳатчилар аралашуви янада муваффақиятлироқ бўлишини тахмин қилиш мумкин. Моҳиятан суицид ёлғиз қолган ва тушкунликка тушган одамнинг акти бўлиб ҳисобланишига қарамай, бундай хатти-ҳаракат аслида жамиятга ва айниқса ўсмирларнинг тез таъсирланувчи руҳиятига катта таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам бу ерда ўсмир-девиантлар билан ишлашда турли технологиялардан фойдаланиш жуда муҳим.

Бўлим мақсади: суицид тушунчаси ва ўз жонига қасд қилиш фикри юзага келиш омиллари билан таништириш ҳамда суицид актининг олдини олиш бўйича чора кўришга ўргатиш.



01

Суицид ва унинг турлари

Мақсад: суицид тушунчаси ва ўз жонига қасд қилиш фикри юзага келиш омиллари билан таништириш ҳамда суицидга мойил одамларни танишга ўргантиш.

Вақт: 1 соат 25 дақиқа

Сессия режаси:

№	Номланиши	Материаллар	Вақт
	Пре-Тест		10 дақиқа
1.	Суицид тушунчаси ва статистика		25 дақиқа
2.	Суицидал ҳулқ-атвор турлари ва унинг сабаблари		25 дақиқа
3.	Суицид аломатлари		25 дақиқа

Пре-тест:

1. Сизга мактабингизда сўнги йилларда содир бўлган суицид ҳолатлари маълумми?.

☐

Ҳа

☐

Йўқ

2. Уларнинг сабаблари қандай эди?

-
-
-

3. Сизнингча, мактабингизда суицид эҳтимолининг олди олинмоқдами?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

Агар жавобингиз “ҳа” бўлса, қай тарзда олди олинмоқда

4. Сизнингча, суициднинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш мумкин?

Суицид сабаби:

-

Унинг олдини олиш чоралари:

1.

2.

3.

-

1.

2.

3.

5. Сизнингча, киши ҳулқ-атворидаги қандай ўзгаришлар ўз жонига қасд қилишга мойиллик кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади?

Масалан: хушчақчақ одам одамови бўлиб қолади.

-
-
-

6. Агар сиз суицидга мойиллик аломатларини пайқаб қолсангиз, сизнинг ҳатти-ҳаракатингиз қандай бўлади (бир нечта жавобни танлаб олишингиз мумкин).

☐

Суицидга мойил киши ҳақида дўстлар билан ғийбатлашиш

☐

Бу ҳақда ишончга сазовор ўқитувчига гапириб бериш

☐

Агар ота-она сир сақлашни билса, улар билан маслаҳатлашиш

☐

Ҳеч нарса қилмаслик. Бунинг менга нима кераги бор?

Бошқа

1. Суицид тушунчаси

Ўз жонига қасд қилиш, суицид (лот. *sui caedere* – ўзини ўлдириш) – мақсадли равишда ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш, одатда, ихтиёрий ва мустақил равишда. Суицидга мукаммал таърифни Э. Дюркгейм берган. Унинг талқини бўйича, агар жабрдийда ўзини кутаётган натижа ҳақида била туриб, содир қилган ижобий ёки салбий хатти-ҳаракатнинг бевосита ёки билвосита натижаси бўлмиш ҳар бир ўлим ҳолатини ўз жонига қасд қилиш, деб аталади.

Ўз жонига қасд қилиш жамиятда, одамлар орасидаги муносабатда инсон ўзи еча олмаган ёки одатий, ҳаммага маъқул бўлган йўл орқали ечишни истамаган муаммолар борлигидан, шахсий мусибат, умидсизлик ва тушкунлик билан боғлиқ ташвиш мавжудлигидан дарак беради. Ўз жонига қасд қилишга кўпинча узоқ давом этадиган касаллик, баъзан эса ногиронлик ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ўз жонига қасд қилиш жамият тарихида таҳқирга қарши нафрат, норозилик изҳор этиш йўлларида бири, ўз ор-номусини тиклаш воситаси, бошқа инсонга содиқлик исботи бўлган.

Суицидал хавф юқори бўлган гуруҳларга мутахассислар қуйидагиларни киритадилар:

- оилавий зўравонликка дучор қилинган аёлларни
- ўсмирларни, ўсмирлар суиқасди деб аталадиган ҳолат ёки тиббиёт тили билан айтганда, жинсий балоғат давридаги суицид
- муддатли хизмат ҳарбийларини

Қирғизистон бўйича суицид статистикаси:

Аянчли статистикага кўра, вояга етмаганлар орасида суицид кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

2009 – 2013 йилларда 512нафар ўсмир ўз жонига қасд қилган:	
Йил:	Ўқувчилар сони:
2009	76
2010	96
2011	94
2012	121
2013	125

Агар мактабингизда содир бўлган ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини эсласангиз, ушбу формани (жадвални) тўлдиринг:

Йил	2011	2012	2013	2014
Синф				

2. Суицидиал ҳуқ-атвор турлари ва унинг сабаблари

Суицидиал ҳуқ-атвор, одатда, уч гуруҳга бўлинади:

Ҳақиқий суицид

Намойишкорона суицид

Яширин суицид

Ҳақиқий суицид одамда ўз жонига қасд қилиш учун жиддий сабаблар борлиги билан характерланади. Одатда, уни қариялар ёки ўсмирлар амалга оширади. Бу ёш тоифасидаги кишилар бошқалардан кўра кўпроқ ўз-ўзини таҳлил ва танқид қилишга мойиллар, шунинг учун улар орасида ўзини ўзи ўлдирадиганлар кўп учрайди. Ўрта ёшдагилар ё ота-оналари, ёки фарзандлари олдида жавобгарлик ҳис қиладилар, шунинг учун улар бундай ҳаракатларни камдан-кам содир этадилар. Суициднинг бу турида одамлар кўпинча руҳий тангликни ҳис қиладилар, уларда сиқилиш кайфияти кузатилади ва ҳаётнинг мазмунни қолмайди.

Намойишкорона суицид исуициднинг бошқа турлари орасида камдан-кам ҳолатда ўлим билан якун топади. У ўсмирларда (беқарор руҳий ҳолатдаги шахсларда), ҳассос аёлларда кузатилади. Улар учун бу ўз ҳис-туйғуларини ифодалаш ва ўз муаммосига одамлар эътиборини қаратиш йўлидир. Улар ўлишни истамайдилар, аммо шу билан атрофдагиларни қўрқитиб қўйишга уринадилар. Одатда, улар дори-дармонлардан заҳарланишдан фойдаланадилар (аммо уларни ўлимга олиб борувчи миқдорда ичмайдилар), веналарини (кўктомирларини) кесадилар ёки ўзларини осмоқчидек ҳаракат қиладилар.

Яширин суицид вҳар доим ўлим билан якун топади. Одамлар беихтиёр ёки тўла англаган ҳолда ўлимга олиб борувчи экстремал вазиятларни излайдилар. Бу спорт тури, автомобилни тез ҳайдаш ёки “қайноқ” нуқталарга саёҳат бўлиши мумкин. Уларнинг тўғридан-тўғри ўзини ўлдиришга юраклари дов бермайди ва бу муаммога бошқа ечим топишга ҳаракат қиладилар. Бундай суицидал ҳуқ-атвор эътибор жалб қилади, аммо одатда улар ўз қарорларида қатъий бўладилар ва хавф-хатар ҳақидаги гап-сўзларга эътибор бермайдилар, ахир улар фақат шуни кутиб яшайдилар-да.

Инсон ўзи сабабчи бўлган ҳар қандай ўлимни ҳам ўз жонига қасд қилиш, деб бўлмайди. Рулда ухлаб қолган ва дарахтга бориб урилган инсоннинг ўзини ўзи ўлдириш нияти йўқ. Дейлик, Эдвин Шнейдман ўз жонига қасд қилишни атайлаб амалга оширилган суиқасд сифатида – инсоннинг мақсадли ва онгли равишда ўзини ҳаётдан маҳрум қилиши сифатида таърифлайди.

Ўз жонига қасд қилиш инсоннинг атайлаб, мақсадли ва онгли равишда ўзини ўзи ҳаётдан маҳрум қилиш актидир.

3. Суицид аломатлари

Ўзини ўлдирмоқчи бўлган бўлганлар орасида 70 дан 75% гача бўлган киши ўз мақсадини у ёки бу тарзда ошкор қилади. Баъзан бу аранг илғанадиган ишоралар бўлиши мумкин, аммо кўпинча таҳдид осон англанадиган бўлади. Улар ичидагини тўкиб солиш ва тингланиш имкониятини излайдилар. Аммо кўпинча уларни эшитишмайди. Агар одам ўз жонига қасд қилишга жиддий қарор қилган бўлса, одатда, бунини ўзига хос қатор аломатлардан илғаб олса бўлади. Бу аломатларни сўз орқали ифодаланган, ҳуқ-атвор орқали ифодаланган, вазият орқали ифодаланган белгилар каби уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Суицидал ҳуқ-атвор – бу суицидал фаолликнинг – ўй-хаёллар, ниятлар, мулоҳазалар, таҳдидлар, уринишлар, ўзини ўлдиришга ҳаракат қилиш кабиларнинг юзага чиқишидир.

Суицидал ҳулқ-атворни ўрганишда қуйидаги аломатларни фарқлаш лозим:

Лисоний аломатлар:	Ҳулқ-атворга оид аломатлар:	Ташқи аломатлар:	Вазиятга оид аломатлар:
1. Кўпинча ўзларининг руҳий ҳолатлари ҳақида гапирадилар: • “Мен ўз жонимга қасд қилишга қарор қилдим”. • “Келаси душанба кун мен ҳаёт бўлмайман...”–“Бундан кўра ўлганим яхши” • “Шунча яшаганим етар” • “Ўз ҳаётимдан нафратланаман!” • “Ягона чора - ўлим!” • “Мен бундан буён бунақа яшаёлмайман” • “Сен мени бошқа кўрмайсан!” • “Бундан буён мен ҳақимда қайғуриб ўтирмайсан”. • “Мен бошқа ҳеч кимга бошоғриқ бўлмайман” 2. Ўз жонига қасд қилиш мавзусида кўп ҳазиллашишади. 3. Ўлим ҳақидаги масалаларга ўта қизиқишади.	1. Ишларни тартибга солиш. Суицидга мойил айрим ўсмирлар яхши кўрган нарсаларини бошқаларга тарқата бошлайдилар, баъзилари эса ўлим олдидан “ўз ишларини тартибга солиш”ни зарур, деб биладилар. Ўсмирлар кўпинча саҳий бўлишади, аммо улар бирор-бир қимматбаҳо буюмини бирор сабабсиз тақдим қилаётган бўлса ва улар ўсмир учун жуда қадрли бўлса, бу атрофдагиларда шубҳа уйғотиши керак. 2. Видолашиш. Бу турли одамларга турли пайтларда кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорчилик билдириш шаклида бўлиши мумкин. 3. Радикал ўзгаришларни намойиш қилишади:масалан, овқатланишда. Иштаҳаси яхши бўлган ўсмирлар овқат танлай бошлайди, иштаҳаси ёмонлари эса уч кишининг овқатини бир ўзи паққос тушира бошлайди.	• юздаги ғамгинлик (қайғули мимика), гипомимия, амимия; • сокин бир оҳангдаги овоз, сустлик билан гапириш; • қисқа жавоб бериш, жавоб бермаслик; • тезлашган экспрессив нутқ; • умумий ҳаракатнинг секинлашуви, фаолиятсизлик; • атрофдагилар билан мулоқот қилишга интилиш, ҳамдард излаш, шифокорга ёрдам сўраб мурожаат қилиш; • эгоцентрикларча ўз азоб-уқубатлари га йўналганлик	Одам ўз жонига қасд қилишга қарор қилиши мумкин, агар у: 1. И ж т и м о и й жиҳатдан ихоталанган бўлса (дўстлари йўқ бўлса ёки дўсти фақат биттагина бўлса), ўзини четга суриб қўйилган одамдек ҳис қилади; 2. Нобарқарор ҳолатда яшаса (оилада, ота-онасига муносабатда ёки ота-онасининг бир-бирига муносабатида жиддий кризис кузатилаётган бўлса); 3. Ўзини жисмоний, жинсий ёки руҳий зўравонлик қурбони сифатида ҳис қилса; 4. Аввал ўзини ўлдиришга ҳаракат қилган бўлса; 5. Дўстлари, танишлари ёки оила аъзоларидан бири ўзини ўлдиргани учун ўз жонига қасд қилишга мойиллик сезса; 6. Оғир жудоликка учраган бўлса (яқинларидан бирининг ўлими, ота-онасининг ажрашиб кетиши)



02

Суициднинг
олдини олиш

Мақсад: Суицид ҳодисасининг олдини олиш бўйича айрим чоралар билан танишиш.

Вақт: 1 соат 40 дақиқа

План сессии:

№	Номланиш	Вақт
1.	Суициднинг олдини олиш	15 дақиқа
2.	Кейс муҳокамаси	40 дақиқа
3.	Суициднинг олдини олиш бўйича Чоралар	20 дақиқа
4.	Хулоса	10 дақиқа
	Пост-тест	15 дақиқа

1. Суициднинг олдини олиш

Ўз жонига қасд қилиш бўлутсиз кундаги момақалдиروққа ўхшамайди: суицидга мойил ўқувчилар атрофдагиларни ўз ниятидан анча очиқ огоҳлантиришади ва тегишли чораларни кўриш учун кўп имконият қолдиришади. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш мактаб маъмурияти ва ўқувчилар учун стратегик аҳамиятга молик масала ҳисобланади, уни ҳал қилиш учун қуйидагилар зарур:

- ▶ шахсиятида бузилиш бўлган ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни психологик ёрдам билан таъминлаш;
- ▶ болалар ва ўсмирларни тушуниш ва ёрдам кўрсатишга сидқидилдан ҳаракат қилган ҳолда улар билан самимий суҳбат ўтказиш орқали янада яқинроқ алоқани йўлга қўйиш;
- ▶ руҳий изтиробларни енгиллатиш;
- ▶ кузатувчан бўлиш ва суицидга оид ният, гап-сўзлар ва ҳулқ-атвордаги ўзларишларни ўз вақтида аниқлай олиш салоҳияти;
- ▶ дарсларни ёмон ўзлаштирадиган ўқувчиларга ўқишда ёрдам кўрсатиш;
- ▶ давомат ва дарс қолдиришларни назорат қилиш;
- ▶ ўз жонига қасд қилишга сабаб бўладиган эҳтимолий воситалар – захарли моддалар ва хавфли дори-дармонлар, пестицидлар, ўқотар ва шу каби бошқа қуроллардан фойдаланишни чеклаш бўйича тадбирларни ўтказиш;
- ▶ ўқитувчилар ва мактабнинг бошқа хизматчиларига иш жойларида стрессни енгилда кўмак кўрсатиш;
- ▶ асаби бузилган, спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилган ўқувчиларини ўз вақтида даволанишга йўллаш.

2. Кейс устида ишлаш

Қуйида ўзини ўлдиришдан бувиси сақлаб қолган 15 яшар Чўлпоннинг воқеаси келтирилган. Иштирокчиларга кейс билан танишиб чиқиш учун 20 дақиқа вақт ва қуйидаги саволларга жавоб бериш учун яна 20 дақиқа вақт берилади.

Чўлпон

Ўнинчи синф ўқувчиси бўлган чалдабарлик 15 яшар Чўлпон 2012 йилда ўзини ўлдиришга қарор қилади. Хайриятки, Чўлпоннинг бувиси Майрам эже дафъатан неварасининг кровати тагидаги арқонни топиб олади. Шу тариқа у неварасини ўз жонига қасд қилишдан сақлаб қолади. Невараси билан бўлиб ўтган суҳбатдан кейин Майрам эже топиб олган арқони нима учун керак бўлгани ва неварасининг асл мақсадини тушуниб етади. Майрам эже неварасининг ўзини ўлдирмоқчи бўлганидан даҳшатга тушади ва зудлик билан Чўлпоннинг машъум хатосининг олдини олиш учун чора кўришга қарор қилади.

Майрам эженинг дастлабки қилган иши Чўлпоннинг ота-онаси билан жиддий гаплашиш бўлади. У неварасининг ота-онаси масъулиятсизлик билан ҳаёт кечираётганини, ўз қизлари ҳақида қайғурмай, унга етарли эътибор қаратмаётганини тушунарди. Улар ҳеч қачон Чўлпоннинг мактабдаги ютуқлари билан қизиқишмаган, уни уй ишлари билан шуғулланишга мажбурлашган ва кўпинча қизни уйда ёлғиз қолдириб кетишган, Майрам эженинг ўзи эса бошқа қишлоқда яшаган ва неварасининг уйига меҳмонга кам келиб турган. Чўлпоннинг ота-онаси қизларининг сўнгги пайтларда ғамгин ва камгап бўлиб қолганини пайқашган, аммо бунга кўп ҳам эътибор беришмаган ва унинг аҳволини яхшилаш учун бирор-бир ҳаракат қилишмаган. Чўлпоннинг синфдошлари эса қиз уларга кучли апатияда экани ва ҳаётдан кўнгли қолганидан арз қилганини айтишган. Масалан, ижтимоий тармоқлардаги ўз саҳифаларида қиз: “Ҳаётимдаги ҳамма нарса ёмон ва даҳшатли. Ва бир савол бор: “Мен бу ҳаётда нима қилиб юрибман?!”, “Яшашни Истамайман” ва ҳоказо ёзувларни қолдирган. Бу орада, Чўлпон ўқийдиган мактаб ўқитувчиларига сўзларига кўра, қиз дўстлари орасида обрў-эътиборга эга бўлмаган ва фанларни яхши ўзлаштирмаган. Чўлпон бир неча марта яқинлари ва танишларининг эътиборини ўзига қаратишга ҳаракат қилган, аммо улардан бирор далда ололмаган. Пировардида у ижтимоий тармоқдаги саҳифасини ўчириб ташлаган, бу эса синфдошларининг таажжубига сабаб бўлган. Кейинроқ Чўлпон ўз ниятини ёлғизлик ҳисси, ота-онаси томонидан ғамхўрлик ва далданинг йўқлиги, мактабдаги муаммолари билан изоҳлаган.

Ҳозир Чўлпон реабилитация марказида даволанаяпти ва ота-онаси билан биргаликда психологга қатнаяпти. Мактаб маъмурияти эса ўқувчилар орасида суицид ҳолатларининг олдини олиш ва келажакда Чўлпон мактаб ҳаётига фаол аралашиб кетишига ёрдам кўрсатиш учун профилактика ишларини олиб борди. Энди Чўлпоннинг ота-онаси ҳам ўз ҳаёт тарзларини ўзгартирдилар ва қизларига имкон қадар кўпроқ эътибор қаратмоқдалар, бу эса ўз навбатида Чўлпоннинг аҳволига ижобий таъсир кўрсатди. Чўлпон янги дўстлар орттирди, у имкон қадар кўпроқ ижтимоий ҳаётга жалб қилинмоқда ва атрофидагиларнинг ҳаммаси қизга парасуицид давридан чиқишда ёрдам кўрсата олдилар.

Ҳозир Чўлпон 17 ёшда, у аввалги ҳолати ва ўз жонига қасд қилиш истагини ваҳима билан эслайди. “Ҳозир 15 ёшимга қайтиб қолганимда бундай ҳаракатларни амалга ошириш ҳақида ҳатто ўйламаган ҳам бўлар эдим”, - дейди Чўлпон. У мактабни муваффақиятли якунлади ва Бишкекдаги энг янги университетлардан бирига ўқишга кирди. Қиз ўшанда уни тенгдошлари ва ота-онаси қўллаб-қувватлагани ва қийинчиликларни енгиб ўтишида ёрдам кўрсатганини эътироф этади. Ҳозир у “Назик” реабилитация марказида ишлаяпти ва “нобоп” ўсмирларга психологик маслаҳатлар бериб келмоқда.

- Агар Чўлпоннинг ўрнида бўлганингизда сиз нима қилган бўлардингиз?
- Сизнингча, Чўлпоннинг муаммоси ҳақида унинг ота-онаси ва мактаб маъмуриятига айтиб, Майрам эже тўғри қилдими?
- Сизнинг фикрингизча, Чўлпон ота-онаси ва синфдошларининг кўмагисиз ўз жонига қасд қилишга мойиллик ҳиссини бир ўзи енга олармиди?

3. Суициднинг олдини олиш бўйича чоралар

Тенг мақомдаги етакчи ўз дўсти, синфдоши, таниши, қариндошида суицидал ҳулқ-атвор аломатларини кўрганда қандай чоралар кўриши мумкин?

Суицидга мойил ёшлар одатда тўғридан-тўғри ёрдамни излашмайди: шунга қарамай, уларнинг ота-оналари, мактаб маъмурияти ёки тенгдошлари огоҳлантирувчи аломатларни аниқлаши ва ўсмирни сақлаб қолиш учун қандайдир чораларни кўриши мумкин.

Инсонга қулоқ тутиш орқали унинг ҳаётини сақлаб қолишинг мумкин!

Агар сиз ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган бирорта одамни билсангиз ёки “унда суицидга мойиллик бор” деган гумонда бўлсангиз, у ҳолда, ҳаётини сақлаб қолишда унга ёрдам беришингиз мумкин, бунинг учун шунчаки унинг айтганларига қулоқ тутиш! Ҳа, ўзини ўлдиришга чоғланган одамлар кўпинча “менинг ҳеч кимга керагим йўқ”, “менда бошқа илож йўқ” ва “мен ҳақимда ҳеч ким қайғурмайди” деб ўйлайдилар.

Одамни тинглаётганингизда психологик даражада унга ўз ғамхўрлик кўрсатаётган бўласиз, у билан содир бўлаётган ҳодисаларга ва содир бўлиши мумкин бўлган нарсаларга бефарқ эмаслигингизни билдираётган бўласиз. Қуйида биз оддий маслаҳатларни, нима қилиш кераклигию нималарни умуман қилмаслик кераклиги бўйича тавсияларни келтирамиз.

Суицидал ҳулқ-атвор аломатлари кузатилганда тенг мақомдаги етакчи (команданинг исталган аъзоси) қуйидаги дастлабки қадамларни қўйиши лозим:

- осойишталикни сақлаши
- кишидан тўғридан-тўғри: “ўзингни ўлдириш ҳақида ўйламаяпсанми ишқилиб?” деб сўраши
- бу одамнинг хотиржамлиги ҳақида қайғуриши ва уни мутлақо қораламаслиги
- уни бошдан-оёқ тинглаши
- ёрдам албатта берилиши (борлиги) ва доимо ҳам ўзини бундай ҳис қилмаслигига уни ишонтириши
- сўроқ қилиб, қораламаслиги!
- уларни доимий равишда кузатиб юриши, уларни бу ҳолда ёлғиз ташлаб қўймаслиги
- ўзига шикаст етказиши мумкин бўлган воситаларни кўздан панароқ жойга олиб қўйиши

Кейин эса

- Ёрдам сўраб, мурожаат қилиш: Сиз танишингизнинг ўзини ўлдириш ниятини сир сақламаслигингиз ва бу ҳақда унинг ота-онаси, ўқитувчиси ёки мактаб психологи каби ёши катталарга айтишингиз керак, айти пайтда бу ишни ҳам эҳтиёткорлик билан ва катта ёшли одамнинг ёрдами тегишига сизда ишонч бўлган тақдирдагина амалга оширишингиз лозим.
- Ота-оналар мактаб маъмурияти ёки ижтимоий-руҳий марказларга иложи борица тезроқ ёрдам сўраб, мурожаат қилишлари керак.

Сўнгра сиз ўша одамни ўз сессияларингизга жалб қилиш ва унга командангизда ўзининг аҳамиятли киши эканини ҳис қилиш имкониятини бериш орқали ижтимоий ҳаётга жалб қилиш учун қўлингиздан келган барча ишларни амалга оширишингиз лозим. Сиз командангиздаги вазифаларни тақсимлаш чоғида унга ўзи учун қизиқ бўлган муайян бир вазифани топширишингиз мумкин. Аммо бунинг командангиз аъзоси бўлмаган бошқа болаларга мутлақо ошкор қилмаслигингиз керак. Шунингдек, мактаб маъмурияти ва мактаб психологи ўз вазифасини оғишмай бажаришини доимий равишда кузатиб бориш ҳамда парасуицидал ҳолатдан тўла чиқиб кетгунча бу одамлар билан бирга бўлиш лозим.

Нима қилмаслик керак: азият чекаётган одам муаммоларини “йўл-йўлакай” ҳал қилишга уринмаслик; сиздан сўрашмаган маслаҳатларни бермаслик; инсоннинг ҳиссиётлари ноўрин ва аҳамиятсиз экани ҳақида гапирмаслик (масалан, “бу арзимаган нарсa” дея гапирмаслик); шахсий муаммолар ҳақида гапирмаслик (бу каби йўл пессимистик кайфиятни кучайтириши мумкин).

Агар суицид ва ўзини ўлдиришга ҳаракат содир этилган бўлса, бундан мактаб ходимлари ва ўқувчиларни (ёки тенгдошларни) хабардор қилиш зарур.

Мактабларда ўзини ўлдиришга уриниш ёки ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳақида мактаб ходимлари, айниқса, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини хабардор қилиш бўйича махсус йўриқномалар бўлиши лозим. Бу чоралар ўз жонига қасд қилиш кластеризациясининг, яъни “юқувчанлик эффекти” юзага келишининг олдини олишга қаратилган.

Ўз жонига қасд қилган одамга мутлақо ёт бўлган ва уни учратмаган ўсмир йигит ва қизлар ҳам бу одамнинг хатти-ҳаракатига тақлид қилиши ва пировардида улар ҳам жонига қасд қилишлари мумкин.

Ўқувчилар, мактаб ходимлари ва ота-оналар бошқа ўқувчиларга нисбатан хушёрликни оширишлари учун уларни ўз жонига қасд қилиш ҳолати ёки суицидал уриниш ҳақида эҳтиёткорлик билан, аммо объектив тарзда хабардор қилиш керак.

Суицид аломатлари ва унинг олдини олиш чоралари билан танишгач, сиз тенг мақомдаги етакчи, синфдош ёки дўст сифатида суицидал хавф гуруҳига алоқадор бўлган инсоннинг ўз жонига қасд қилишининг олдини олишингиз мумкин. Кўп нарсa ота-оналар ва мактаб маъмуриятига ҳам боғлиқ, аммо юқорида баён қилинганимиз дастлабки хатти-ҳаракатингиз сизга яқин бўлган бир инсон ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

4. Хулоса

Инсоннинг ўз ихтиёри билан ҳаётдан кўз юмиши, албатта, унинг ўнглаб бўлмас шахсий фожиясидир.

Гарчи ўз жонига қасд қилувчилар орасида тубанликка юз тутган, сиртли ичимлик ва наркотикка ружу қўйган, шунчаки руҳий касал бўлган инсонлар кўп бўлса-да, энг аввало, орамиздан виждонли, ор-номусини, миннатдорчилик ҳиссини, инсоний қадр-қимматини сақлаб қолган инсонлар кетмоқда. Инсонни сўнгги ҳад олдида амаллаб тўхтатиб қолиш учун бирор иш қилиш мумкинми? МУМКИН. Инсонларнинг яшаш шароитини ўзгартириш орқали. Ҳар бир инсонга тенг имкониятлар берилган ҳақида адоқсиз гапларни бас қилиб, ўша имкониятларни таъминлаб берувчи реал шарт-шароит яратиш орқали. Инсон ўз мамлакати, ўз кўчаси, ўз уйида ўзини ҳимояланган ҳис қилишига эришиш орқали. Одамлар уларни кимдир ёки нимадир ҳимоя қилишига шунчаки ишонмай қўйганлар. Ўз жонига қасд қилиш одамлар бир-бирига эътибор бермай яшаётгани ва бу ҳолат кенгайиб бораётганининг далолатидир. Инсоннинг дунё билан алоқаси заифлашиб қолган пайтда кимдир ўша бўшлиқни ичкилик билан, кимдир наркотик билан тўлдиришга уринади, учинчи одам эса энди бу дунёга керак бўлмай қолгани ҳақида ўйлай бошлайди. Ва уни тарк этади. Бу йўқотишнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди, ахир ҳар бир одам ортидан бутун Коинот қайтмас бўлиб йўқликка кетади. Ахир, алаалоқибат, инсонларнинг кўпчилиги одам тўла бу оламда ўзларини якка-ёлғиз ҳис қилгани учун ҳаётни тарк этади. Одатда, ўз жонига қасд қилишга олиб келувчи ўткир ахлоқий бўҳронни бошидан кечираётган одамлар чор-атрофдагилар эътиборига ўта муҳтож бўладилар.

Пост-тест:

1. “Суицид ва унинг олдини олиш бўйича чоралар” сессиясидан сиз чиқарган энг муҳим сабоқ нима?

2. Мактабингизни хавфсизроқ ва осойиштароқ мактабга айлантириш учун гуруҳингиз бу билимлардан қандай фойдаланиши мумкин?

3. Суициднинг қандай турлари ва уларнинг ўзаро фарқларини санаб бера оласиз?

4. Сиз ва мактабингиз маъмурияти ўз жонига қасд қилиш ҳодисасининг олдини олиш бўйича чоралар кўра оласизларми?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

5. Ўз жонига қасд қилиш ҳодисасининг олдини олиш чораларидан бир нечтасини санаб беринг:

-
-
-

6. Суициднинг қанақа аломатларини санаб бера оласиз?

-
-
-

7. Суициднинг олдини олиш учун бирор-бир чора кўрганмисиз?

☐

Ҳа (Агар жавобингиз “ҳа” бўлса, қанақа чоралар кўргансиз?)

☐

Йўқ

8. Мактабингизда суициднинг олдини олиш бўйича сиз амалга оширадиган илк хатти-ҳаракатлар:

Моди қишлоғидаги Қурмонжон Додхоҳ номли ўрта мактаб тенг мураббийсининг муваффақият тарихи

Ўш вилояти Қорасув тумани Модӣ қишлоғидаги Қурмонжон Додхоҳ номли ўрта мактаб тенг мураббийсининг муваффақият тарихи.

«Сиз мактабингизни қизлар ва йигитлар учун хавфсиз ва осойишта қила оласиз ва қилишингиз лозим!»

Бу Ўш вилояти Қорасув тумани Модӣ қишлоғида жойлашган Қурмонжон Додхоҳ номли ўрта мактабдаги тенг мураббийларнинг шиори. Бу мактабнинг тенг мураббийлари ўз тенгдошларини гендер тенглиги, инсон ҳуқуқлари, тинчлик қуриш, зиддиятларнинг олдини олиш, ўзларининг жамоатларида ижобий ўзгаришлар яшаш учун эдвокаси воситаларини қўллаш каби масалалар бўйича ўқитиб, йўл бошловчи вазифасини бажарадилар. Бу билан улар тенгдошларига ўз мактаби, шаҳри, қишлоғи, ҳамжамияти қандай бўлиши кераклиги ҳамда тинчлик ва бағрикенгликни барпо қилиш ва олға сўриш учун қанча вақт, ҳаракат, билим ва малака сарф қилишни ўзлари ечишлари учун имконият яратадилар.

9-синф ўқувчиси бўлган Келдибек қизи Кичияйим ўз тенгдошларининг гендер тенглиги доирасидаги қизиқишларини ўзгартира олди, ижтимоий педагог билан биргаликда иш режасини ишлаб чиқди, учрашувлар жадвали тузди, устувор вазифаларни белгилади ва уларни командаси билан бирга ҳимоя қила олди. “Ала-қачуу”га қарши бир ҳафталик ахборот кампаниясининг мактаб тадбирлари тақвимига қўшилгани унинг иш режаси муваффақиятининг кўрсаткичи бўлди. **Энг муҳими, ёш қиз-йигитлар ташаббус кўтариб, ўз қишлоқлари доирасида қиз ўғирлаш бартараф қилиниши бўйича олдинга бир қадам ташлашди!**

«Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим» қўлланмаси менинг зиддиятлар ҳақидаги дунёқарашимни бутунлай ўзгартириб юборди. Лойиҳада иштирок этиш мобайнида мен шуни билиб олдимки, зиддиятлар ҳар доим ҳам ёмон нарсаси эмас экан ва улар доим ҳам ёмон оқибатларга олиб келмас экан. Зиддият, агар у инсонга деструктив таъсир кўрсатмаса, тараққиётимизнинг муҳим ва ажралмас қисми экан. Энг муҳими, мен шахсан ўзим учун «Зарар келтирма» принципини ўрганиб, ўзлаштириб олдим. Келажакда мен бу принципга содиқ қоламан ва қаерда бўлмасин - мактабимдами ёки ўзим яшаган ҳамжамиятдами - зиддиятларнинг олдини олишда ўзимнинг фаол фуқаролик позициямни билдираман! Ўз тенгдошларимга медиация ва бағрикенглик асосларини ўргатиб, ватанимда тинчлик ва тотувлик барпо этилиши учун ўз ҳиссамни қўшаман!»

Келдибек қизи Кичияйим, Ўш вилояти Қорасув тумани Модӣ қишлоғидаги Қурмонжон Додхоҳ номли ўрта мактаб.

69-сонли таълим-тарбия мажмуаси-гимназия тенг мураббийсининг муваффақият тарихи

Менинг исмим Махабат. 2014 йил сентябрь ойидан бери мен ООН-Женцины ташкилотининг «Қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш» лойиҳаси тенг мураббийсиман. Мени лойиҳада қатнашиш учун энг яхши номзод сифатида танлаб олишди. Интервью пайтида онам ва оғир кечган болалигим ҳақида сўзлаб бердим. Менинг бир орзуим бор, у ҳам бўлса, аёлларга ҳаётнинг оғир дамларида ёрдам бериш. Сентябрь ойи охирида биз тренингда қатнашдик. Лойиҳа аввалида биз аудиториядан қўрқардик, иштирокчиларнинг аксарият омма олдида ўзларига ишонмай чиқиш қилардилар. Бошида биз ўз тенгдошларимиз учун тренинглар ўтказдик, аста-секин тингловчилар олдида чиқиш қилишда ўзимизга бўлган ишончни мустаҳкамладик. Кейин эса улкан дастак билан чекка ҳудудлардаги бошқа мактаблардан мактабимизга тажриба алмаштириш учун келган илмий мудирларга (завучларга) тренинглар ўтказдик. Уларга бизнинг тренинг ва «Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим» қўлланмаси жуда ёқди, улар бу каби лойиҳани ўз мактабларида ҳам амалга оширишга қизиқиб қолишди.

Бизнинг осойишта ва хавфсиз мактабимиз

2015 йил январь ойида мактаб маъмурияти биздан ўқувчилар учун «Оиладаги зўравонлик», «Эрта никоҳ қуриш», «Репродуктив саломатлик» каби нозик мавзуларда тренинглар ўтказиб беришни илтимос қилди. Биз «Оиладаги зўравонлик» мавзусида ўқувчиларнинг ота-оналарига ҳам тақдимот (презентация) ўтказиш имкониятига эга бўлдик.

Лойиҳа шарофати билан мен кўпчилик олдидagi чиқишларда ўзимга ишонч билан сўзлай оладиган бўлдим, билим, тажриба ва тақдимот ўтказиш малакасига эга бўлдим. Шунингдек, мен бирор нарсани кутиб ўтирмай, ҳаракат қилиш шижоатига ҳам соҳиб бўлдим!

Агар онам Бишкекка кўчиб келиш ҳақида қарор қабул қилмаганида, бу воқеаларнинг ҳеч қайсиси содир бўлмасди. Кўчиб келишимизга онам бошидан ўтказган оилавий зўравонлик сабаб бўлган. У: «Ҳаммаси яхши бўлиб кетади» деган ўй билан оиласини сақлаб қолиши мумкин эди, бироқ у фарзандларининг келажаги ҳақида ўйлади. Бишкекка кўчиб келганимиз дастлабки пайтлар жуда оғир кечди, ўзимизга: «Нима қилсак экан?», «Қандай қилиб қаддимизни тутиб олсак экан?» деган саволларни кўп берганимиз. Бироқ омадимиз чопди ва бизни яхши одамлар қўллаб юборишди. Мен ўз онамга қойил қоламан ва менга катта сабоқ бергани учун ундан миннатдорман. Ўтган тренингларим ҳам менга ҳаётимда жуда катта ёрдам берганини қайд этмасдан ўтолмайман.

Тенг мураббийларнинг БМТ Бош Котиби Пан Ги Мун ва унинг рафиқаси Пан хоним билан учрашуви

Лойиҳамиз бутун мамлакат бўйлаб, 60 дан зиёд мактабда амалга оширилади. Тенг мураббийларимиз турли акциялар ўтказганлар ва турли тадбирларда иштирок этганлар. Қирғизистоннинг турли ҳудудларидан бўлган Тенг мураббийларнинг энг яхшилари ва фаолари БМТ Бош Котиби жаноб Пан Ги Мун ва унинг рафиқаси Пан хоним билан учрашиш имкониятига эга бўлдилар.

БМТ Бош Котиби Пан Ги Мун ўзининг Германия ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафари доирасида 10 июнь куни Қирғизистонга ташриф буюрди. Ўш шаҳрига ташриф буюрган Бош Котиб ўз рафиқаси Пан хоним билан биргаликда «Онанинг кўз ёшлари» ёдгорлигига гул қўйиш имкониятига эга бўлди. Кейин эса Пан хоним Сулаймон тоғ тарихий мажмуасига ташриф буюрди.

Бизнинг Тенг мураббийларимиз меҳмонларга «Қаражўрғў» миллий рақсини тақдим қилдилар, «Зўравонлик билан қиз ўғирлаш» мавзусида форум-театрни ўйнаб бердилар.

Пан хонимнинг ташрифи доирасида бизнинг Тенг мураббийлар чиқиши режаланмаган эди. Бироқ «Қаражўрғў» миллий рақси ва «Зўравонлик билан қиз ўғирлаш» форум-театрини томоша қилиб, «Манас» эпосидан парча тинглаганидан кейин Пан хоним бунинг ўзи учун жуда ёқимли ва кутилмаган сюрприз бўлганини қайд этди. Пан хонимга ҳамроҳлик қилган Қирғизистон таълим вазири Элвира Сариева ҳам Тенг мураббийларимизнинг жуда иқтидорли ва қобилиятли болалар эканини таъкидлади. Ҳар икки меҳмон Тенг мураббийларимизга улкан миннатдорчилик билдиришди.





Оқсоқоллар суди

05

Оқсоқоллар судлари тушунчаси
ва уларнинг ваколатлари
Суд жараёни инсценировкasi

150

158

“Қирғизистон Республикасида фуқаролар оқсоқоллар судларини таъсис этишга ҳақли. Оқсоқоллар судларини таъсис этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ва фаолияти қонун билан белгиланади”.

Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 59-моддаси

Бўлим мақсади: Қирғизистон Республикасидаги оқсоқоллар судлари ҳақида умумий билимлар олиш, мазкур институт билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва маиший муаммоларни ҳал қилишда ундан дастлабки восита сифатида фойдаланишдан иборатдир.

Моҳиятан, оқсоқоллар судлари, айниқса малакали юристлар, аҳолининг ҳуқуқий маълумот олиш имкони бўлмаган қишлоқ жойларда, халқ омбудсменлари ролини ўташи мумкин. Шу боис қишлоқ жойлардаги кичик жанжалли вазиятлар хайрихоҳ қариндошлар жалб қилинадиган катта можароларни келтириб чиқариши мумкин ва бу масала ўз вақтида ҳал қилинмай, кутилмаган натижаларга олиб борувчи кучли уруғчилик адоватини юзага келтириши мумкин. Шунинг учун бу босқичда, айниқса қишлоқ жойларида, барча можароли вазиятларни ишонтириш, жамоатчилик орқали таъсир ўтказиш, томонларни муроасага келтириш, республика қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларига зид келмайдиган адолатли ечим чиқариш учун норасмий оқсоқоллар судларини ташкил қилиш ўта муҳим.

Ушбу бўлим қонунга мувофиқ равишда маҳаллий даражада оқсоқоллар судлари институти ва уларнинг ваколатлари билан таништириш ҳамда можароларни ҳал қилиш йўллари билан бири сифатида қараладиган бу институтга ўқувчилар муносабатини шакллантириш учун мўлжалланган.

Пре-тест

1. Оқсоқоллар суди нима?

2. Ўзингиз яшайдиган жойдаги оқсоқоллар суди фаолияти ҳақида эшитганмисиз?

☐

Ҳа (қаерда)

☐

Йўқ

3. Кимлар оқсоқоллар суди аъзоси бўлиши мумкин?

4. Аёллар ҳам оқсоқоллар суди аъзоси бўла оладиларми?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

5. Оқсоқоллар судлари қандай ишларни кўриб чиқади?

6. Оқсоқоллар судлари жараёнларини адолатли, деб ҳисоблайсизми?

• Ҳа (нима учун?)

• Йўқ (нима учун?)



01

Оқсоқоллар
судлари тушунчаси
ва уларнинг
ваколатлари

1-сессия. Оқсоқоллар судлари тушунчаси ва уларнинг ваколатлари

5

Сессия мақсади: иштирокчиларга оқсоқоллар судлари тушунчасини, уларнинг асосий вазифалари, функциялари ва мазкур институт томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш тартибини тушунтириш ҳамда можароларни ҳал қилиш йўлларида бири бўлган оқсоқоллар судига нисбатан ўқувчилар муносабатини шакллантириш.

Кутилаётган натижалари:

Мазкур сессияни ўтказиш натижасида иштирокчилар қуйидагиларни **билиб оладилар**:

- оқсоқоллар судлари нима;
- оқсоқоллар судларининг асосий функциялари ва вазифалари;
- оқсоқоллар судлари томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш тартиби.

Сессия натижасида иштирокчилар қуйидаги малакаларга **эга бўладилар**:

- оқсоқоллар суди томонидан кўриб чиқиладиган ишлар тоифаларини аниқлаш;
- оқсоқоллар судлари манзиллари, мурожаат қилиш мумкин бўлган оқсоқоллар судлари аъзоларини топиш.

Сессия натижасида иштирокчилар:

- оқсоқоллар судларига қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, ўз жамиятларидаги ҳуқуқбузарликлар олдини олишга кўмаклашадиган, мурожаатларга мувофиқ можарони ўзгартиришга жалб қилинадиган ва фуқаролик ишларини кўриб чиқадиған институт сифатида;
- қонунга, тарихий урф-одат ва анъаналардан шаклланган одоб ва ахлоқ меъёрларига ҳурмат билан **муносабатда бўладилар**.

Вақт: 2 соат 5 дақиқа

Сессия режаси:

№	Номланиши	Олиб бориш услуби	Материаллар	Вақт
	Пре-тест			5 дақиқа
1	Оқсоқоллар судлари тушунчаси	Фикрий ҳужум	Флипчартлар, скотч, маркерлар, А4 бичимидаги қоғоз, стикерлар	10 дақиқа
2	Оқсоқоллар судларининг асосий вазифалари. Оқсоқоллар судлари функциялари.	Кичик маъруза		10 дақиқа
3	Оқсоқоллар судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар (материаллар). Оқсоқоллар судлари томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш тартиби.	Ролларга бўлинган ўйин, имитация		45 дақиқа
4	Оқсоқоллар томонидан ишларнинг ўрганилиши ва судда кўриб чиқилиши давомийлиги.	Кичик маъруза		30 дақиқа
5	Хулоса яшаш. Олинган маълумотларни мустаҳкамлаш.	Мунозара Очиқ саволлар		25 дақиқа

1. Оқсоқоллар судлари тушунчаси

Фасилитатор “Фикрий ҳужум” усули ёрдамида иштирокчилардан: “Оқсоқоллар суди” тавси-фи остида нимани тушунишларини сўрайди, шунингдек, бу бирикмани эшитганда уларда қан-дай тасаввурлар ҳосил бўлиши ҳақида ҳам сўраш мумкин. Ҳар бир иштирокчининг мулоҳазаси флипчартга қайд этилиб бориши лозим. Иштироклар ўз фикрларини айтиб бўлганларидан сўнг фасилитатор айtilган барча фикрларни умумлаштиради ва оқсоқоллар судига ўз таърифини бериб, уни флипчартга ёзиб қўяди.

Оқсоқоллар суди тушунчаси

Оқсоқоллар суди – бу ихтиёрий тарзда, сайлаш ва ўз-ўзини бошқариш асосида ташкил этиладиган, Қирғизистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ равишда суд, прокурор, ички ишлар органлари ва давлатнинг бошқа идоралари ҳамда бу идора-ларда ишлайдиган мансабдор шахслар томонидан тегишли тартибда юборилмиш мате-риалларни ҳамда қонунда белгиланган тартибда фуқаролар ўртасидаги можароларга оид ишларни кўриб чиқиш учун ташкил этилган жамоатчилик ташкилотларидир.

Оқсоқоллар судлари Қирғизистон учун ўзига хос институт бўлиб ҳисобланади. Оқсоқол-лар судлари бошқа мамлакатларда ҳам бор, аммо Қирғизистондаги оқсоқоллар судларнинг ўзига хослиги шундаки, улар ўз ичига нафақат аёллар, балки ёшларни ҳам олади. Бундан ташқари, улар ҳуқуқий тизимдан расман ўрин олган. Уларнинг роли фуқаролар ишларига оид қонунчилик билан тартибга солинувчи ишларни кўриб чиқиш билан белгиланган бў-либ, улар жиноий ишларга оид қонунчилик билан тартибга солинувчи ишларни кўриб чиқ-майдилар. Уларнинг асосий мақсади маҳаллий ҳамжамиятлар даражасидаги кичик муам-моларга уйғун ечим топиш ҳамда жамиятдаги зиддият ва келишмовчиликларнинг олдини олиш бўлиб ҳисобланади. Улар ўз диққат-эътиборларини асосан профилактикага, айниқ-са оилавий муаммоларнинг олдини олишга қаратадилар. Улар қиз ўғирлаш (ала-қачуу) ва оилавий зўравонлик кабиларнинг олдини олишлари лозим, аммо ала-қачуу ёки оилавий зўравонлик каби ҳодисалар содир бўлган бўлса, суд тизими ўрнини босолмайдилар.

Оқсоқоллар судлари тўғрисидаги қонундан кўчирмалар:

Оқсоқоллар суди – бу ихтиёрий тарзда, сайлаш ва ўз-ўзини бошқариш асосида ташкил эти-ладиган, Қирғизистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ равишда суд, про-курор, ички ишлар органлари ва давлатнинг бошқа идоралари ҳамда бу идораларда ишлай-диган мансабдор шахслар томонидан тегишли тартибда юборилмиш материалларни ҳамда қонунда белгиланган тартибда фуқаролар ўртасидаги можароларга оид ишларни кўриб чиқиш учун ташкил этилган жамоатчилик ташкилотларидир.

Оқсоқоллар судлари фуқаролар йиғини, қишлоқ, посёлка, шаҳар ҳудудларидаги маҳаллий кенгашлар ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг бошқа вакиллик органи қарорига кўра таъ-сис этилиши ҳамда унга ҳурмат ва обрў-эътиборга эга оқсоқоллар, эркаклар ва аёллар кириши мумкин.

Оқсоқоллар судлари ҳуқуқий шахс бўлиб ҳисобланмайди ва улар адлия идораларида қайд-дан ўтишлари шарт эмас. Оқсоқоллар судлари ўз номи ёзилган муҳр ва штампга эга бўлади.

Оқсоқоллар судлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Оқсоқоллар судларига Қирғизистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун ва Қирғизи-стон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Оқсоқоллар судлари ўз фаолияти давомида, шунингдек, ўз виждони, шахсий эътиқоди, Қирғизистон халқларининг мамлакат қонунчилигига зид келмайдиган тарихий урф-одат ва анъаналардан шаклланган одоб ва ахлоқ меъёрларига ҳам таянади.

2. Оқсоқоллар судларининг асосий вазифалари

Оқсоқоллар судларининг асосий вазифалари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- фуқароларнинг фуқаровий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланишига кўмаклашиш ҳамда қишлоқлар, посёлкалар ва шаҳарлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- фуқароларда қонунга, тарихий урф-одат ва анъаналардан шаклланган одоб ва ахлоқ меъёрларига нисбатан ҳурмат туйғусини тарбиялаш.

Оқсоқоллар судлари ишонтириш, жамоатчилик орқали таъсир ўтказиш, томонларни яраштириш ҳамда Қирғизистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларига зид келмайдиган, адолатли қарорлар чиқариш йўли билан фаолият юритади.

Оқсоқоллар судларининг функциялари

Оқсоқоллар судлари қуйидагиларни кўриб чиқади ва ҳал қилади:

- фуқаровий-процессуал қонунчиликда кўзда тутилган тартибда фуқаровий ишлар бўйича маҳаллий судлар томонидан юборилган материалларни;
- жиноий иш тўхтатилганидан кейин жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ равишда ижтимоий таъсир чораларини кўриш учун прокурор санкцияси билан судлар, прокурорлар, тергов ва дастлабки тергов органлари томонидан юборилган материаллар.

Оқсоқоллар судлари, агар бировга руҳий ёки жисмоний зарар етказилмаган бўлса, мулкка оид ва оилавий можароларни ҳал қилиш учун томонларни муросага келтириш мақсадида (томонлар розилиги билан) фуқаролар аризаси бўйича ҳам ишларни кўриб чиқиши мумкин.

Оқсоқоллар судлари суд ҳукми чиқариб бўлинган, маъмурий жазо белгилаб бўлинган ёки ўз ваколати доирасида оқсоқоллар суди томонидан қарор қабул қилиб бўлинган материалларни кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Оқсоқоллар суди билан қандай алоқа ўрнатиш мумкин:

Оқсоқоллар судлари Бишкекнинг ҳар бир туман ва мавзеида фаолият олиб боради. Улар Қирғизистон Республикасининг бошқа барча шаҳарларида ҳам бор. Қўшимча маълумот олиш учун маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ташриф буюриб, улардан оқсоқоллар суди аъзоларининг рўйхатини сўранг.

3. Оқсоқоллар судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар (материаллар), /Оқсоқоллар судлари томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш тартиби

Оқсоқоллар судлари қуйидаги ишларни (материалларни) кўриб чиқишга ҳақли:

- а) фуқароларнинг мулкка оид ва зўравонликсиз оилавий можароларига оид:
- мулкка оид қарзни ундириш бўйича;
 - ёт одам ноқонуний ўзлаштириб олган мулкни талаб қилиш бўйича;
 - ёт одам ноқонуний ўзлаштириб олган мулкни қайтариб олиш бўйича;
 - омонатга берилган мулкни қайтариб олиш бўйича;
 - ижара ҳақини ундириш бўйича;
 - мулкка етказилган зарарни қоплаш бўйича;
 - эр-хотиннинг умумий мулкни тақсимлаш бўйича;
 - никоҳ-оила муносабатлари билан боғлиқ миллий никоҳ муносабатлари ва анъаналар бўйича;

б) ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан бола тарбиялаш ва боқиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаётгани тўғрисидаги;

в) балоғатга етган фарзандлар томонидан ишга яроқсиз ота-она ёки уларни тегишли тартибда тарбиялаган ва боққан шахсларни боқиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаётгани тўғрисидаги;

г) меҳнат шартномаси бўйича бажарилган ишга ҳақ тўлаш тўғрисидаги;

д) ер участкаларидан фойдаланувчилар орасидаги суғориш билан боғлиқ можаролар.

Оқсоқоллар судлари жиноий иш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқа олмайдилар.

Улар қиз ўғирланиши ёки ўғирликнинг олдини олишлари мумкин, шунга қарамай, ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин улар бу ишни кўриб чиқолмайди, чунки бундай пайтда Қирғизистон Республикасининг жиноятга оид қонунчилигига мувофиқ равишда айбдор шахслар билан ҳуқуқ-тартибот ва адлия идоралари шуғулланади.

Оқсоқоллар суди эр ва хотин ўртасида мунтазам равишда юзага келиб турган мулкка оид можароларни кўриб чиқиши мумкин. Бироқ, агар хотин эр томонидан калтакланган бўлса, бу ишни оқсоқоллар суди эмас, балки ҳуқуқ-тартибот идоралари ва адлия сектори кўриб чиқиши лозим.

Тегишли оқсоқоллар суди никоҳ муносабатларига нобоп турмуш натижасида эр ё хотинга нисбатан зўравонлик содир этилганига қадар аралашиши лозим ва зўравонлик содир бўлганидан кейин эса бунга кўз юмиб қўймаслиги керак!

Оқсоқоллар судлари томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш вақти ва жойи

Оқсоқоллар судлари томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш вақти суд раиси томонидан белгиланади. Оқсоқоллар судларида иштирок этиши шарт бўлган шахсларни маҳкамага таклиф қилиш суд раиси томонидан участка нозири орқали амалга оширилади. Бу шахсларга суд бўлиши ҳақида олдиндан (камида уч кун аввал) хабар берилиши лозим.

Агар ишни кўриб чиқиш учун бошқа жой белгиланмаган бўлса, оқсоқоллар судлари ишларни (материалларни) қишлоқ ҳукумати, туман (шаҳар) кенгашлари томонидан ажратиб берилган биноларда кўриб чиқади.

Оқсоқоллар суди қуйидаги ишларни (материалларни) кўриб чиқади:

- агар ҳуқуқбузарлик унинг ҳудудида содир этилган бўлса;
- даъвогарнинг яшаш жойидан қатъий назар, агар жавобгар шахс унинг ҳудудида яшайдиган бўлса;
- бошқа оқсоқоллар судлари илтимосига кўра, ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки жавобгар шахс унинг ҳудудида яшайдиган бўлса.

Оқсоқоллар судлари томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш учун асослар

Оқсоқоллар суди томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

- а) тегишли қишлоқ ҳукумати, туман (шаҳар) кенгашларининг тақдимномаси;
- б) маъмурий жазо бериш ҳуқуқига эга давлат идоралари ёки уларда ишлайдиган мансабдор шахслар томонидан тақдим этилган материаллар;
- в) тергов ва дастлабки тергов ҳамда суд томонидан тегишли тартибда тақдим этилган материаллар;
- г) фуқаролардан тушган аризалар;
- д) бошқа оқсоқоллар судларидан келиб тушган аризалар.

Оқсоқоллар судининг ишларни (материалларни) кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича хатти-ҳаракатлари

Оқсоқоллар суди келиб тушган аризалар ва ишларни (материалларни) кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган бошқа материалларни текширувдан ўтказди. Текширув суд раиси томонидан ҳам, унинг топшириғига кўра суд аъзоси томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Зарурат туғилгудек бўлса, оқсоқоллар судига жалб қилинаётган шахс, жабрланувчи, гувоҳлар сўралади ёки улардан изоҳлар олинади.

Текширув ўтказётган шахс унинг натижалари бўйича хулоса беради ва унда ишга оид ҳақиқий аҳвол, содир этилган хатти-ҳаракат сабаблари, оқсоқоллар судига жалб қилинаётган киши шахсига оид маълумотларни келтиради.

Можаро иштирокчиларини мавжуд материаллар билан таништириш

Оқсоқоллар суди судга жалб қилинаётган шахсни ҳамда жабрланувчи ва можаронинг бошқа иштирокчиларини мавжуд материаллар билан таништириши шарт.

Жабрланувчи ва можаронинг бошқа иштирокчилари судга қўшимча материаллар талаб қилиш ҳақида илтимоснома киритишга ҳақли.

Суд мажлисининг очилиши

Ишларни (материалларни) кўриб чиқиш учун белгиланган вақтда раис ёки унинг топшириғига кўра оқсоқоллар суди аъзоларидан бири оқсоқоллар суди мажлисини очади ва қандай ишлар (материаллар) кўриб чиқирилишини эълон қилади.

Жараёнда иштирок этаётган шахслар давоматини текшириш ва уларга ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш

Мажлис очилганидан кейин раислик қилувчи судга чақирилган шахсларнинг келганига қаноат ҳосил қилади, судга жалб қилинган шахсга, жабрланувчига ва жараённинг бошқа иштирокчиларига уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиради, шундан сўнг уларда суд таркибига норозилик ва илтимосномалар бор-йўқлигини ойдинлаштиради, мулкка оид ва оилавий можаролар бўйича эса уларнинг иши оқсоқоллар судида кўрилишига томонлар розилигини сўрайди.

Жараёнда иштирок этаётган шахслар далилларнинг тадқиқ этилишида қатнашишга ва қўшимча материалларни талаб қилиш дохил илтимосномалар киритишга ҳақли.

Ишнинг моҳиятан кўриб чиқирилиши

Отвод ва илтимосномалар ҳақидаги масала ҳал бўлганидан кейин раислик қилувчи судга жалб қилинган шахс томонидан содир этилмиш хатти-ҳаракат ёки ҳуқуқбузарлик моҳиятини, шунингдек, ўтказилган текширув натижаларини, фуқаролар аризалари бўйича эса можаро предмети ва моҳиятини баён қилади.

Шундан сўнг суд судга жалб қилинган жабрланувчи, жавобгар, гувоҳлар ва жараённинг бошқа иштирокчилари изоҳларини тинглайди ҳамда иш учун зарур бўлган барча материалларни кўриб чиқади.

Жараён иштирокчилари томонидан қўшимчалар бўлмаган тақдирда раис ишни кўриб чиқиш якунланганини эълон қилади ва суд қарор чиқариш учун алоҳида хонага чиқиб кетади.

Бирор-бир қўшимча маълумот олишга эҳтиёж туғилган тақдирда, суд хатти-ҳаракат ёки ҳуқуқбузарлик ва фуқаролар аризалари моҳияти бўйича қарор чиқармай, мажлисни қолдириши ёки бошқа кунга кўчириши мумкин.

Оқсоқоллар судида ишларнинг кўриб чиқилиши бепул амалга оширилади.

Оқсоқоллар суди маҳкамасининг баённомаси

Иш кўриб чиқиладиган пайтда оқсоқоллар суди аъзоси баённома (протокол) юритади.

Оқсоқоллар суди баённомасида суд таркиби, иш характери, уни кўриб чиқиш вақти ва жойи, оқсоқоллар суди мажлисида иш кўриб чиқиладиганда иштирок этган шахслар ҳақида маълумот, уларнинг баёнот ва қисқа чиқишлари (изоҳлари, илтимосномалари) ва қабул қилинган қарор акс этган бўлиши лозим.

Оқсоқоллар суди мажлиси баённомаси раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Ролларга бўлинган ўйин, имитация

Мақсад: иштирокчиларнинг оқсоқоллар судлари ролида ишларни кўриб чиқиш тартибига оид малакани ўзлаштириши.

Тадбирни олиб бориш:

Фасилитатор иштирокчиларни уч гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳ маълум бир ишни, масалан, мулкка оид тортишув бўйича собиқ хотин даъвогар, собиқ эр эса жавобгар бўлган ишни кўриб чиқади. Гуруҳларга тайёрланиш учун 15 дақиқа ва тақдимот учун 10 дақиқа берилади.

4. Оқсоқоллар томонидан ишларнинг ўрганилиши ва судда кўриб чиқилиши давомийлиги

Оқсоқоллар судларида ишларни (материалларни) кўриб чиқиш муддати

Оқсоқоллар суди ишларни (материалларни) улар келиб тушганидан кейин 15 кун ичида кўриб чиқади. Зарурат туғилган тақдирда, ишларни (материалларни) кўриб чиқиш муддати материаллар сўраб олинган муддатгача узайтирилиши мумкин, бироқ бу муддат 15 кундан ошмаслиги шарт.

Оқсоқоллар судлари томонидан бошқа қарор қабул қилинмаган тақдирда, бир ой давомида кворум йиғилмаган бўлса, тегишли давлат идоралари ва уларда ишлайдиган мансабдор шахслар томонидан оқсоқоллар судига топширилган ишлар (материаллар) ҳамда фуқаролардан келиб тушган аризалар улар томонидан қайтариб олиниши мумкин.

5. Хулоса яшаш. Олинган маълумотларни мустаҳкамлаш.

Фасилитатор очиқ саволлар ташлаш орқали хулоса ясайди:

1. “Оқсоқоллар судлари” нима?
2. Оқсоқоллар судлари қандай функцияларга эга?
3. Оқсоқоллар судларининг асосий вазифалари қайсилар?
4. Оқсоқоллар судлари томонидан қандай ишлар (материаллар) кўриб чиқилади?
5. Сизнингча, оқсоқоллар судлари зиддиятлар, можароларни ҳал қилишнинг самарали йўли бўла олиши мумкинми?

Уй вазифаси

Тенг мақомдаги етакчига судьяларнинг биридан интервью олиш ёки ушбу бобнинг иккинчи сессияси бошлангунича оқсоқоллар суди очиқ маҳкамасида қатнашиш топширилади.

Кўплаб қишлоқ ҳукуматлари ёки шаҳарларда оқсоқоллар судлари мавжуд. Тадқиқотлар натижаси уларнинг айримлари яхши ишлаётгани, бошқалари ўз мажбуриятларини етарлича

бажармаётгани, учинчилари эса шунчаки расмиятчилик учун мавжуд бўлиб, ишларни кўриб чиқмаётганини кўрсатди.

Сиз яшаётган қишлоқ ҳукумати ёки шаҳарда оқсоқоллар суди бор-йўқлигини аниқланг. Кейин эса судьяларнинг биридан интервью олинг ёки очиқ суд мажлисида қатнашинг.

Авалло ўзингиз яшаётган қишлоқ ҳукуматига бориб, судьялар шахсига оид маълумотларни ва улар билан қандай боғланиш мумкинлигини сўранг. Сўнгра судьялардан бири билан боғланиб, ундан: “Яқин кунлар ёки ҳафтага суд мажлиси режаланмаганми?” деб сўранг.

Оқсоқоллар суди мунтазам равишда ишламагани учун яқин орада суд мажлисида иштирок этишингиз эҳтимоли кам. Муқобил вариант сифатида судья билан интервью режалаштириб қўйинг, унинг ҳузурига боринг ёки уни мактабингизга таклиф қилинг. Оқсоқоллар суди оммавий функцияни бажаргани учун улар Сиз билан учрашишдан манфаатдор бўлишлари керак. Агар улар Сиз билан учрашишни истамасалар, синф раҳбарингиз ёки директорингиздан у билан боғланиб, учрашувга таклиф қилишни сўранг.

Оқсоқоллар судлари вакилларида интервью олиш учун саволлар намунаси:

- Судьяларнинг ёш спектри (чегараси) қандай?
- Судья лавозимига тайинланган эркаклар ва аёллар борми?
- Оқсоқоллар судига судьялар қандай тайинланади ва уларнинг хизмат муддати қанча?
- Агар Сиз кўп миллатли қишлоқ ҳукумати ёки шаҳарда истиқомат қилсангиз, оқсоқоллар судида бошқа миллат вакиллари ҳам борми?
- Оқсоқоллар судида қандай ишлар кўриб чиқилади?
- Қанча ҳолатда иккала томон ҳам чиқарилган ҳукмдан рози бўлган ва қанча ҳолатда бир томон расмий суд тизими орқали товон ундиришга муваффақ бўлган?
- Оқсоқоллар суди ала-қачуу, оилавий зўравонлик ва бошқа жиноий ишлар ҳам кўриб чиқадими? Маълумингизки, оқсоқоллар судларига расмий суд тизим томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган жиноий ишларни кўриб чиқиш таъқиқланади.
- Жамиятда осойишталикни сақлаш учун оқсоқоллар суди нақадар самарали?
- Бошқи исталган тегишли саволларни бераверинг, лекин уларни судьядан интервью оладиган тенгдошларингиз гуруҳи билан биргаликда аввалдан тайёрлаб олинг.

Саволлар, жавоблар ва кузатишларингизни ҳужжатлаштирганингизга ҳамда уларни тенгдошларингиздан иборат бутун гуруҳ билан ўртоқлашиб, муҳокама қилганингизга ишонч ҳосил қилинг.

Биринчи сессия тугаганидан кейин оқсоқоллар суди судьясидан интервью олиш ёки бир неча кун давомида суд мажлисини кузатиш сизга ушбу бўлимнинг оқсоқоллар суди маҳкамасини саҳналаштиришингиз лозим бўлган иккинчи сессиясига тайёргарлик кўришда ёрдам беради.



02

Суд жараёни
инсценировкasi

Сессия мақсади: Ўйин шаклидаги суд жараёнини саҳналаштириш орқали ўтилган материални такрорлаш ва мустаҳкамлаш.

Вақт: 2 соат 5 дақиқа

Сессия режаси:

№	Номланиши	Методлар	Материаллар	Вақт
1	Ўтилган материални такрорлаш	Ортни кўрсатувчи ойна, очиқ ва ёпиқ саволлар	Флипчарты, скотч, маркеры, А4 бумага, стикеры	10 дақиқа
2	Оқсоқоллар судидаги суд жараёнининг ўйин шаклидаги инсценировкаси	Ролларга бўлинган ўйин, имитация, стоп-кадр, мунозара, саволлар – жавоблар		1 соат 30 дақиқа
3	Якуний қисм, хулоса ясаш	Сўров		20 дақиқа
	Пост-тест			5 дақиқа

1. Ўтилган материални такрорлаш

“От ўйин” машқи

Тадбирни олиб бориш:

Фасилитатор гуруҳни “ҳисоб” принципига кўра “биринчи ва иккинчи”ларга ажратади. “Биринчи” рақамлар ички доирани, “иккинчи”лар эса ташқи доирани ҳосил қилади. Ички ва ташқи доира иштирокчилари бир-бирларига юз томони билан туришлари лозим.

Барчага битта савол берилади. “Биринчи” рақам “иккинчи”га, “иккинчи” эса “биринчи”га жавоб беради. Сўнг “биринчи”лар чап томонга ҳаракатланади, “иккинчи”лар эса ўз жойларида қоладилар. Навбатдаги савол берилади. “Иккинчи”лар ўнгга қараб ҳаракатланади, “биринчи”лар эса ўз жойларида қоладилар.

2. Оқсоқоллар судидаги суд жараёнининг ўйин шаклидаги инсценировкаси

Фасилитатор иштирокчилар гуруҳи билан биргаликда оқсоқоллар судидаги суд жараёнини саҳналаштиради. Машққа жалб қилинмаган иштирокчилар кўзатувчи ролини ўйнайдилар. Жараён ривожлангани сайин, зарурат туғилгудек бўлса, “Стоп-кадр” услубидан фойдаланган ҳолда, тўхташ ва иштирокчилар эътиборини муҳим жиҳатларга қаратиш керак.

Ўйин шаклидаги суд жараёни якунида фасилитатор очиқ саволлар беради, даставвал шарҳловчилар, кейин эса тегишли ролларни ўйнаган иштирокчиларнинг жавобларини, изоҳларини тинглайди. Сўнгга кўрилган ўйин шаклидаги суд жараёни бўйича билимларни мустаҳкамлаш мақсадида мунозара уюштиради.

Ўйин шаклидаги суд жараёни инсценировкаси бўйича баҳо ва акс алоқа

Фасилитатор мазкур методнинг 4 босқичи акс эттирилган флипни осади:

НАМХ**Н** – нуқтаи назар**А** – аргумент (далил)**М** – мисол**Х** – хулоса

Фасилитатор босқичларни тушунтиради ва иштирокчиларнинг эҳтимолий саволларига жавоб беради. Кейин эса ҳар бир босқичга мисол келтиради.

Мисол:

Н – Мен бинолар ичида чекиш қонунан таъқиқланиши тарафдориман

А – Чекиш кашандалар учунгина эмас, бино ичида бўлган чекмайдиган шахслар учун ҳам зарарли

М – Тадқиқотлар пасcив кашандалик саратон касалига олиб боришини кўрсатди

Х – Шунинг учун ҳам Мен бино ичида чекканларни маъмурий жазога тортиш тарафдориман

Ушбу метод бўйича иш бошлашдан аввал бир кузатувчи тайинлаш зарур. У иштирокчилар чиқишини “ТАМХ” бўйича баҳолаш мезонлари” жадвали ёрдамида баҳолаши, таҳлил қилиши ва хулоса бериши лозим, ўргатувчи шахс эса ўз навбатида кузатувчини баҳолайди. Мазкур жадвал бўйича баҳолаш ўргатувчи шахсга умумлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳога муносабат билдириш имконини яратади.

Баҳога муносабат билдириш шундан иборатки, кузатувчи жадвал бўйича хулоса ясаганидан кейин ўргатувчи шахс кўп салбий натижаларни аниқлайдиган бўлса, у машғулоти олиб бориш чоғида ниманидир назардан қочирганини тушуниши керак (худди шу ерда муносабат билдириши лозим), яъни мазкур бўшлиқни тўлдириши керак. Шунингдек, бу ерда муҳим жиҳат шуки, жадвал 10 балли шкала бўйича баҳоланиши ва мазкур жадвал кузатувчи натижаларни эълон қилишидан олдин иштирокчиларга тарқатиб чиқилиши лозим. Бу иштирокчилар ўзларининг қандай мезонлар асосида баҳоланаётганларини билишлари учун амалга оширилади.

НАМХ методи бўйича баҳолаш мезонлари

	Мезонлар	Мавжудлик (максимум 10 балл) + -	
Нуқтаи назар	- Аниқ тавсифланган - Аудитория учун тушунарли		
Аргумент	- Ижтимоий қадриятлар, ҳужжатлар, сўров натижалари, меъёрий ҳужжатларга таянилган - Ишонарли, асосли		
Мисол	- Асосли ва жамият учун оқибатларни намойиш қилади - Мисолда манбаларга ишоратлар мавжуд		
Итог	- Позиция моҳияти қисқа баён қилинган - Муаммони ҳал қилиш учун конкрет ҳаракатлар таклиф қилинган		
	Баллар йиғиндис:		

Фасилитатор гуруҳга савол беради. Иштирокчиларга ушбу савол бўйича муайян мулоҳаза ишлаб чиқиш ва ТАМХ методига мувофиқ ўз фикрини билдириш таклиф қилинади.

Кузатувчи бўлган иштирокчи (у ҳақида юқорида айтилди) метод иштирокчиларини баҳолайди ва машқ тугаганидан кейин гуруҳни “ТАМХ бўйича баҳолаш мезонлари” жадвали асосида чиқарилган натижалар билан таништиради.

Машғулот якунида иштирокчиларга турли рангдаги стикерлар тарқатилади (қизиллар – 5 балл, сариқлар – 4 балл, яшиллар – 3 балл, пўртаҳолранглар – 2 балл) ва тегишли рангдаги стикерни ёпиштириш орқали ўтказилган машғулотни беш балли шкала бўйича баҳолаш имконияти берилади.

3. Якуний қисм, хулоса яшаш

Сессия бошида баён қилинмиш кутилган натижаларга асосланган ҳолда иштирокчилар мавзу бўйича қандай янги нарсга ўрганганлари ҳақида сўров ўтказиш.

Сўров

1. Оқсоқоллар судлари нима?

2. Оқсоқоллар судлари бизга нима учун керак?

3. Оқсоқоллар судларининг асосий вазифалари ва функциялари нималардан иборат?

4. Оқсоқоллар судлари томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади? Мисол келтиринг.

5. Тортишув юзага келганда қаерга, кимга ва қай йўсинда мурожаат қилиш лозим?

Пост-тест:

1. Оқсоқоллар судига ала-қачуу ва оилавий зўравонлик каби жиноий ишлар билан мурожаат қила оласизми?

☐

Ҳа

☐

Йўқ

2. Оқсоқоллар судининг асосий вазифалари қайсилар?

3. Кимлар оқсоқоллар суди аъзоси бўлиши мумкин?

4. Оқсоқоллар судида қарор қабул қилиш учун нима асос бўлиб хизмат қилади?

5. Оқсоқоллар суди қарорларига асос бўлиши керак бўлан айрим қадриятларни санаб бера оласизми?

6. Оқсоқоллар суди билан қандай боғланишингиз мумкин?

Сизнинг неча ёшда эканингиз муҳим эмас, ҳаммаси сизнинг билимингиз, иродангиз ва характерингизга боғлиқ. Сиз ҳатто 26 ёшингизда ҳам судья бўла олишингиз мумкин.

Ўқиш учун қўшимча материал

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

“ОҚСОҚОЛЛАР СУДИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли, 2009 йил 12 июнидаги 181-сонли қонунлари таҳририда)

Ушбу Қонун оқсоқоллар судларининг ҳуқуқий асослари, ташкил этилиш принциплари ва фаолиятини белгилаб беради.

I бўлим

Умумий қоидалар

1-модда. Оқсоқоллар суди

Оқсоқоллар суди бу ихтиёрий тарзда, сайлаш ва ўз-ўзини бошқариш асосида ташкил этиладиган, Қирғизистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ равишда суд, прокурор, ички ишлар органлари ва давлатнинг бошқа идоралари ҳамда бу идораларда ишлайдиган мансабдор шахслар томонидан тегишли тартибда юборилмиш материалларни ҳамда қонунда белгиланган тартибда фуқаролар ўртасидаги можароларга оид ишларни кўриб чиқиш учун ташкил этилган жамоатчилик ташкилотларидир.

Оқсоқоллар судлари фуқаролар йиғини, қишлоқ, посёлка, шаҳар ҳудудларидаги маҳаллий кенгашлар ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг бошқа вакиллик органи қарорига кўра таъсис этилиши ҳамда унга ҳурмат ва обрў-эътиборга эга оқсоқоллар, эркалар ва аёллар кириши мумкин.

Оқсоқоллар судлари ҳуқуқий шахс бўлиб ҳисобланмайди ва улар адлия идораларида қайддан ўтишлари шарт эмас. Оқсоқоллар судлари ўз номи ёзилган муҳр ва штампга эга бўлади.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли, 2009 йил 12 июнидаги 181-сонли Қонунлари таҳририда)

2-модда. Оқсоқоллар судлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Оқсоқоллар судларига Қирғизистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун ва Қирғизистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Оқсоқоллар судлари ўз фаолияти давомида, шунингдек, ўз виждони, шахсий эътиқоди, Қирғизистон халқларининг мамлакат қонунчилигига зид келмайдиган тарихий урф-одат ва анъаналардан шаклланган одоб ва ахлоқ меъёрларига ҳам таянади.

3-модда. Оқсоқоллар судларининг асосий вазифалари

Оқсоқоллар судларининг асосий вазифалари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- фуқароларнинг фуқаровий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланишига кўмаклашиш ҳамда қишлоқлар, посёлкалар ва шаҳарлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- фуқароларда қонунга, тарихий урф-одат ва анъаналардан шаклланган одоб ва ахлоқ меъёрларига нисбатан ҳурмат туйғусини тарбиялаш.

Оқсоқоллар судлари ишонтириш, жамоатчилик орқали таъсир ўтказиш, томонларни яраштириш ҳамда Қирғизистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларига зид келмайдиган, адолатли қарорлар чиқариш йўли билан фаолият юритади.

4-модда. Оқсоқоллар судларининг функциялари

Оқсоқоллар судлари қуйидагиларни кўриб чиқади ва ҳал қилади:

- фуқаровий-процессуал қонунчиликда кўзда тутилган тартибда фуқаровий ишлар бўйича маҳаллий судлар томонидан юборилган материалларни;
- жиноий иш тўхтатилганидан кейин жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ равишда ижтимоий таъсир чораларини кўриш учун прокурор санкцияси билан судлар, прокурорлар, тергов ва дастлабки тергов органлари томонидан юборилган материаллар.

Оқсоқоллар судлари, агар бировга руҳий ёки жисмоний зарар етказилмаган бўлса, мулкка оид ва оилавий можароларни ҳал қилиш учун томонларни муроасага келтириш мақсадида (томонлар розилиги билан) фуқаролар аризаси бўйича ҳам ишларни кўриб чиқиши мумкин.

Оқсоқоллар судлари суд ҳукми чиқариб бўлинган, маъмурий жазо белгилаб бўлинган ёки ўз ваколати доирасида оқсоқоллар суди томонидан қарор қабул қилиб бўлинган материалларни кўриб чиқишга ҳақли эмас.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли Қонуни таҳририда)

5-модда. Суд ишлари юритиладиган тил

Оқсоқоллар судида суд ишлари давлат ёки расмий тилда ёки мазкур жойда кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Оқсоқоллар суди томонлардан ҳар қандай ёзма далилларнинг иш кўриб чиқиладиганда қўлланилиши лозим бўлган тилдаги таржимасини талаб қилиши мумкин.

6-модда. Оқсоқоллар судларида иш юритилишининг ошкоралиги

Оқсоқоллар судида маҳкама очик ўтказилади.

Ёпиқ маҳкама фақат суднинг асосли қарори, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг ишлари бўйича томонлардан бирининг илтимосига кўра, оилавий можаролар кўриб чиқиладиган пайтда судда иштирок этаётган томонлар турмушининг интим жиҳатлари бўйича маълумотлар ошкор қилинишининг олдини олиш мақсадидагина ўтказилиши мумкин.

Оқсоқоллар суди ўз мажлисларида мажлис иштирокчиларининг изоҳларини тинглашга ҳамда судьялар ва маҳкама иштирокчиларида мавжуд бўлган ҳужжатларни очиқлашга мажбур.

7-модда. Ишларни кўриб чиқишда кенгашиб ишлаш

Оқсоқоллар судларида ишлар кенгашилган тарзда кўриб чиқилади – судга раислик қиладиган шахс ва суд аъзолари таркибида.

Оқсоқоллар суди ишларни суд таркибининг сони тоқ бўлган учдан икки қисми иштирокида кўриб чиқишга ҳақли.

II бўлим**Оқсоқоллар судларини таъсис этиш тартиби****8-модда. Оқсоқоллар судлари аъзоларининг сони**

Оқсоқоллар судлари таркиби камида 5 нафар ва кўпи билан 9 нафар одамдан сайланади, айна пайтда уларнинг сони албатта тоқ бўлиши керак.

9-модда. Оқсоқоллар судлари аъзоларига қўйилган талаблар

Оқсоқоллар судларига Қирғизистон Республикасининг балоғат ёшига етган фуқаролари, қишлоқ, посёлка ва шаҳарлар аҳолиси орасида обрў-эътиборга эга бўлган, оқсоқоллар судлари

олдига қўйилган вазифаларни амалий ва ахлоқий томондан бажаришга лаёқатли бўлган эрка-
клар ҳам, аёллар ҳам сайланишлари мумкин.

Оқсоқоллар суди аъзолигига номзодлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда фуқаролар
(муайян ҳудуд аҳолиси) ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан кўрсатилади.

*(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли, 2009 йил 12 июнидаги
181-сонли Қонунлари таҳририда)*

10-модда. Оқсоқоллар судларини ташкил этиш принциплари

Оқсоқоллар судлари, одатда, қишлоқ ва посёлкаларда қуйидаги принцип асосида ташкил
этилади: битта аҳоли пункти – битта оқсоқоллар суди ёки битта қишлоқ ҳукумати – битта оқ-
соқоллар суди.

Шаҳарларда оқсоқоллар судлари қуйидаги принцип асосида ташкил этилади:

- агар аҳоли сони 25 мингдан ошмаса – битта оқсоқоллар суди;

- агар аҳоли сони 25 мингдан 50 минггача бўлса – иккита оқсоқоллар суди ва ҳ.

Мавзеларга бўлинган шаҳарларда оқсоқоллар суди аҳоли сони қанча бўлишидан қатъий
назар қуйидаги принцип асосида ташкил этилади: битта мавзе – битта оқсоқоллар суди.

11-модда. Оқсоқоллар судларининг сайланиш тартиби

Оқсоқоллар суди аъзолари яшаш жойи бўйича фуқароларнинг умумий йиғилишларида
ҳамда Жамоатчилик кенгашлари конференцияларида, қишлоқ, посёлка, туман (шаҳар) кен-
гашлари сессияларида очиқ овоз бериш йўли билан уч йилга сайланади. Оқсоқоллар суди ра-
иси оқсоқоллар судлари аъзолари ичидан ва улар томонидан сайланади.

Оқсоқоллар судлари сайлови бўйича йиғилишлар тегишли маҳаллий қишлоқ ҳукуматлари,
туман (шаҳар) кенгашлари ёки 50 кишидан кам бўлмаган фуқаролар ташаббусига кўра чақири-
лади. Сайловлар куни тўғрисидаги хабар тегишли туман (шаҳар) кенгашлари томонидан сай-
ловдан бир ой олдин тарқатилади.

Мажлисда қатнашган кўпчилик овозини олган фуқаролар суд таркибига сайланган ҳисобла-
надилар. Мажлис мазкур аҳоли пунктида яшовчи камида 50 нафар лаёқатли фуқаро иштирок
этган тақдирда қонуний ҳисобланади.

Оқсоқоллар судлари аъзолари ўз ичидан раис ва котибни сайлайдилар.

Бир почта манзилида яшайдиган ва бир оилага мансуб шахслар номидан уларнинг вакили
(оила бошлиғи ёки оиланинг бошқа аъзоси) иштирок этиши мумкин.

Жамоатчилик кенгашлари, қишлоқ, посёлка, туман (шаҳар) кенгашлари сессиялари томо-
нидан қарор қабул қилиш тартиби уларнинг низоми ва регламенти асосида бошқарилади.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли Қонуни таҳририда)

12-модда. Оқсоқоллар судларини рўйхатдан ўтказиш

Ушба Қонун моддалари талабларига мувофиқ равишда таъсис этилган оқсоқоллар судлари
туман (шаҳар) кенгашлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Оқсоқоллар судини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун туман (шаҳар) кенгашларига мазкур
аҳоли пунктида яшовчи кишиларнинг йиғилиш баённомаси ёки тегишли Жамоатчилик кен-
гашининг оқсоқоллар суди таъсис этилгани ва унинг аъзолари сайланганини тасдиқлайдиган
конференцияси баённомаси, мазкур ҳудудда яшовчи кишилар сони ҳақида давлат органи
томонидан берилган маълумотнома, оқсоқоллар судига сайланган аъзолар томонидан имзо
чекилмиш оқсоқоллар судининг ҳисоб рўйхатига олингани ҳақидаги ариза, оқсоқоллар суди
аъзоларининг паспорт нусхалари кабилар тақдим этилади.

Бишкек шаҳар депутатлар кенгашининг 2003 йил 19 декабрида қабул қилинган “Бишкек шаҳри оқсоқоллар судларининг қайдга олинишини ўтказиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 203-сонли қарорига қаранг

Бишкек шаҳар кенгаши депутатлари томонидан 2003 йил 19 декабрида қабул қилинган “Бишкек шаҳри оқсоқоллар судини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 203-сонли қарорини қаранг.

Оқсоқоллар суди аъзолари тегишли Жамоатчилик кенгашлари конференцияларида сайланган тақдирда давлат органининг мазкур ҳудудда яшовчилар сони тўғрисидаги маълумотнома-си талаб қилинмайди.

Туман (шаҳар) кенгашларининг талабига биноан оқсоқоллар суди таъсис этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

Оқсоқоллар суди аъзоларига тегишли туман (шаҳар) кенгашлари томонидан Қирғизистон Республикаси Олий суди тарафидан белгиланган ягона нусхадаги гувоҳномалар берилади.

Қирғизистон Республикаси Ҳукумати томонидан 2003 йил 3 апрелида қабул қилинган 182-сонли “Қирғизистон Республикаси оқсоқоллар суди аъзоларини гувоҳномалар билан таъминлаш тўғрисида”ги қарорига қаранг.

ҚР Ҳукуматининг 2003 йил 3 апрелида қабул қилинган “Қирғизистон Республикаси оқсоқоллар судлари аъзоларини гувоҳномалар билан таъминлаш тўғрисида”ги 182-сонли қарорига қаранг

13-модда. Оқсоқоллар суди аъзосига отвод берилиши

Оқсоқоллар суди аъзоси судда тортишаётган томонлардан бирининг яқин қариндоши бўлса ҳамда суд аъзоси иш натижасидан манфаатдор бўлишига асос берадиган бошқа ҳолатлар бўлса, оқсоқоллар суди аъзоси материалларнинг (ишларнинг) кўриб чиқилишида иштирок этолмайди.

Оқсоқоллар суди аъзосига отвод қўйидаги ҳолатларда берилиши мумкин:

- ишда қатнашаётган шахслар аризасига кўра;
- оқсоқоллар суди бошқа аъзоларининг аризаларига кўра.

Оқсоқоллар суди аъзоси ушбу қонуннинг биринчи қисмида кўрсатилган асосларга биноан ўз аризасига кўра ўзига ўзи отвод бера олади.

Оқсоқоллар суди суд аъзоси отводи ёки ўзига ўзи отвод бериши ҳақидаги аризани кўриб чиқиб, унинг натижалари бўйича моҳиятга кўра қарор қабул қилади.

Оқсоқоллар суди аъзосига отвод бериш оқсоқоллар судининг кўпчилик аъзолари овози билан қабул қилинган қарор асосида амалга оширилади.

14-модда. Оқсоқоллар суди аъзосини суд таркибидан чиқариш

Оқсоқоллар суди аъзоси суд таркибидан қўйидаги сабабларга кўра чиқарилиши мумкин:

- оқсоқоллар судига аъзоликдан бош тортиш;
- оқсоқоллар суди аъзосининг ўлими;
- ваколат муддатининг тугаганлиги;
- яшаш жойини ўзгартирганлиги (мазкур аҳоли пунктдан кўчиб кетганлиги);
- жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва судланганлиги;
- оқсоқоллар суди аъзосининг чақириб олинганлиги.

Оқсоқоллар суди аъзоси уни сайлаган фуқаролар умумий йиғилиши, тегишли Жамоатчилик кенгаши конференцияси ёки қишлоқ, посёлка, туман (шаҳар) кенгашлари сессияси томонидан қўйидаги сабабларга кўра муддатидан аввал чақиртириб олиниши мумкин:

- зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаролмаётган бўлса;
- номақбул ҳулқ-атвори туфайли;

- оқсоқоллар суди аъзоси номига тўғри келмайдиган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларни содир этган бўлса.

Оқсоқоллар суди таркибидан чиқартирилган аъзо ўрнига янги аъзони сайлаш ушбу Қонуннинг 11-моддасида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ваколат муддати тугагани муносабати билан оқсоқоллар суди таркибидан чиқарилган аъзо суд таркибига қайта сайланиши мумкин.

III бўлим

Оқсоқоллар судлари томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш тартиби

15-модда. Оқсоқоллар судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар (материаллар)

Оқсоқоллар судлари қуйидаги ишларни (материалларни) кўриб чиқиш ҳуқуқига эга:

а) фуқароларнинг мулкка оид ва оилавий можаролари ҳақидаги:

- мулкка оид қарзни ундириш бўйича;
- ёт одам ноқонуний ўзлаштириб олган мулкни талаб қилиш бўйича;
- ёт одам ноқонуний ўзлаштириб олган мулкни қайтариб олиш бўйича;
- омонатга берилган мулкни қайтариб олиш бўйича;
- ижара ҳақини ундириш бўйича;
- мулкка етказилган зарарни қоплаш бўйича;
- эр-хотиннинг умумий мулкни тақсимлаш бўйича;
- никоҳ-оила муносабатлари билан боғлиқ миллий никоҳ муносабатлари ва анъаналар бўйича;

б) ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан бола тарбиялаш ва боқиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаётгани тўғрисидаги;

в) балоғатга етган фарзандлар томонидан ишга яроқсиз ота-она ёки уларни тегишли тартибда тарбиялаган ва боққан шахсларни боқиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаётгани тўғрисидаги;

г) меҳнат шартномаси бўйича бажарилган ишга ҳақ тўлаш тўғрисидаги;

д) ер участкаларидан фойдаланувчилар орасидаги суғориш билан боғлиқ можаролар.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли Қонуни таҳририда)

16-модда. Оқсоқоллар судларида ишларни (материалларни) кўриб чиқиш муддати

Оқсоқоллар суди ишларни (материалларни) улар келиб тушганидан кейин 15 кун ичида кўриб чиқади. Зарурат туғилган тақдирда, ишларни (материалларни) кўриб чиқиш муддати материаллар сўраб олинган муддатгача узайтирилиши мумкин, бироқ бу муддат 15 кундан ошмаслиги шарт.

Оқсоқоллар судлари томонидан бошқа қарор қабул қилинмаган тақдирда, бир ой давомида кворум йиғилмаган бўлса, тегишли давлат идоралари ва уларда ишлайдиган мансабдор шахслар томонидан оқсоқоллар судига топширилган ишлар (материаллар) ҳамда фуқаролардан келиб тушган аризалар улар томонидан қайтариб олиниши мумкин.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли Қонуни таҳририда)

17-модда. Оқсоқоллар судлари томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш вақти ва жойи

Оқсоқоллар судлари томонидан ишларни (материалларни) кўриб чиқиш вақти суд раиси томонидан белгиланади. Оқсоқоллар судларида иштирок этиши шарт бўлган шахсларни маҳкамага таклиф қилиш суд раиси томонидан участка нозири орқали амалга оширилади. Бу шахсларга суд бўлиши ҳақида олдиндан (камида уч кун аввал) хабар берилиши лозим.

Агар ишни кўриб чиқиш учун бошқа жой белгиланмаган бўлса, оқсоқоллар судлари ишлари (материаллари) қишлоқ ҳукумати, туман (шаҳар) кенгашлари томонидан ажратиб берилган биноларда кўриб чиқади.

Оқсоқоллар суди қуйидаги ишлари (материаллари) кўриб чиқади:

- агар ҳуқуқбузарлик унинг ҳудудида содир этилган бўлса;
- даъвогарнинг яшаш жойидан қатъий назар, агар жавобгар шахс унинг ҳудудида яшайдиган бўлса;
- бошқа оқсоқоллар судлари илтимосига кўра, ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки жавобгар шахс унинг ҳудудида яшайдиган бўлса.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли Қонуни таҳририда).

18-модда. Оқсоқоллар судлари томонидан ишлари (материаллари) кўриб чиқиш учун асослар

Оқсоқоллар суди томонидан ишлари (материаллари) кўриб чиқиш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

- а) тегишли қишлоқ ҳукумати, туман (шаҳар) кенгашларининг тақдимномаси;
- б) маъмурий жазо бериш ҳуқуқига эга давлат идоралари ёки уларда ишлайдиган мансабдор шахслар томонидан тақдим этилган материаллар;
- в) тергов ва дастлабки тергов ҳамда суд томонидан тегишли тартибда тақдим этилган материаллар;
- г) фуқаролардан тушган аризалар;
- д) бошқа оқсоқоллар судларидан келиб тушган аризалар.

(2013 йил 30 июлида қабул қилинган Қирғизистон Республикаси 169-сонли Қонуни таҳририда)

19-модда. Оқсоқоллар судининг ишлари (материаллари) кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича хатти-ҳаракатлари

Оқсоқоллар суди келиб тушган аризалар ва ишлари (материаллари) кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган бошқа материаллари текширувдан ўтказилади. Текширув суд раиси томонидан ҳам, унинг топшириғига кўра суд аъзоси томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Зарурат туғилгудек бўлса, оқсоқоллар судига жалб қилинаётган шахс, жабрланувчи, гувоҳлар сўралади ёки улардан изоҳлар олинади.

Текширув ўтказиётган шахс унинг натижалари бўйича хулоса беради ва унда ишга оид ҳақиқий аҳвол, содир этилган хатти-ҳаракат сабаблари, оқсоқоллар судига жалб қилинаётган киши шахсига оид маълумотлари келтиради.

20-модда. Можаро иштирокчиларини мавжуд материаллар билан таништириш

Оқсоқоллар суди судга жалб қилинаётган шахсни ҳамда жабрланувчи ва можаронинг бошқа иштирокчиларини мавжуд материаллар билан таништириши шарт.

Жабрланувчи ва можаронинг бошқа иштирокчилари судга қўшимча материаллар талаб қилиш ҳақида илтимоснома киритишга ҳақли.

21-модда. Суд мажлисининг очилиши

Ишлари (материаллари) кўриб чиқиш учун белгиланган вақтда раис ёки унинг топшириғига кўра оқсоқоллар суди аъзоларидан бири оқсоқоллар суди мажлисини очади ва қандай ишлар (материаллар) кўриб чиқилишини эълон қилади.

22-модда. Жараёнда иштирок этаётган шахслар давоматини текшириш ва уларга ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш

Мажлис очилганидан кейин раислик қилувчи судга чақирилган шахсларнинг келганига қаноат ҳосил қилади, судга жалб қилинган шахсга, жабрланувчига ва жараённинг бошқа ишти-

рокчиларига уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиради, шундан сўнг уларда суд таркибига норозилик ва илтимосномалар бор-йўқлигини ойдинлаштиради, мулкка оид ва оилавий можаролар бўйича эса уларнинг иши оқсоқоллар судида кўрилишига томонлар розилигини сўрайди.

Жараёнда иштирок этаётган шахслар далилларнинг тадқиқ этилишида қатнашишга ва қўшимча материалларни талаб қилиш дохил илтимосномалар киритишга ҳақли.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли Қонуни таҳририда)

23-модда. Ишнинг моҳиятан кўриб чиқиши

Отвод ва илтимосномалар ҳақидаги масала ҳал бўлганидан кейин раислик қилувчи судга жалб қилинган шахс томонидан содир этилмиш хатти-ҳаракат ёки ҳуқуқбузарлик моҳиятини, шунингдек, ўтказилган текширув натижаларини, фуқаролар аризалари бўйича эса можаро предмети ва моҳиятини баён қилади.

Шундан сўнг суд судга жалб қилинган жабрланувчи, жавобгар, гувоҳлар ва жараённинг бошқа иштирокчилари изоҳларини тинглайди ҳамда иш учун зарур бўлган барча материалларни кўриб чиқади.

Жараён иштирокчилари томонидан қўшимчалар бўлмаган тақдирда раис ишни кўриб чиқиш якунланганини эълон қилади ва суд қарор чиқариш учун алоҳида хонага чиқиб кетади.

Бирор-бир қўшимча маълумот олишга эҳтиёж туғилган тақдирда, суд хатти-ҳаракат ёки ҳуқуқбузарлик ва фуқаролар аризалари моҳияти бўйича қарор чиқармай, мажлисни қолдириши ёки бошқа кунга кўчириши мумкин.

Оқсоқоллар судида ишларнинг кўриб чиқиши бепул амалга оширилади.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли Қонуни таҳририда)

24-модда. Оқсоқоллар суди маҳкамасининг баённомаси

Иш кўриб чиқиладиган пайтда оқсоқоллар суди аъзоси баённома юритади.

Оқсоқоллар суди баённомасида суд таркиби, иш характери, уни кўриб чиқиш вақти ва жойи, оқсоқоллар суди мажлисида иш кўриб чиқиладиганда иштирок этган шахслар ҳақида маълумот, уларнинг баёнот ва қисқа чиқишлари (изоҳлари, илтимосномалари) ва қабул қилинган қарор акс этган бўлиши лозим.

Оқсоқоллар суди мажлиси баённомаси раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли Қонуни таҳририда)

IV бўлим

Оқсоқоллар суди қарори

25-модда. Қарор чиқарилиши

Иш моҳиятан ҳал қилинадиган оқсоқоллар суди қарори қарор шаклида чиқарилади.

Оқсоқоллар суди қарори иш кўриб чиқишида иштирок этаётган суднинг барча аъзолари томонидан кўпчилик овози билан қабул қилинади. Чиқарилган қарор юзасидан норозилик билдирган суд аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баён қилади ва у қарорга илова қилинади.

26-модда. Қарорнинг асосланганлиги

Суд ўз қарорини суд мажлисида тадқиқ қилинган далилларгагина таянган ҳолда чиқаради.

27-модда. Суд қарорининг шакли ва мазмуни

Оқсоқоллар суди қарори ёзма шаклда баён қилиниб, унда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- қарор чиқарилган вақт ва жой, қарор чиқарган суд номи, суд таркиби ва ишда иштирок этган шахслар;

- тортишув предмети ёки ҳуқуқбузарлик мазмуни;
 - суд томонидан аниқланган иш ҳолати, иш ҳолати ҳақидаги суд ҳулосалари асосланган далиллар, суд рад этган у ёки бу далиллар бўйича важлар;
 - суд қарор чиқариш чоғида таянган қонунлар;
 - кўриб чиқилган материал бўйича оқсоқоллар суди томонидан қабул қилинган ҳулоса;
 - қабул қилинган қарор юзасидан шикоят аризаси топшириш муддати ва тартиби;
 - қарорнинг бажарилиш муддати.
- Қарор оқсоқоллар суди мажлисида эълон қилингунига қадар раислик қилувчи ва суд аъзолари томонидан имзоланади.

V бўлим

Оқсоқоллар судлари томонидан қўлланиладиган таъсир чоралари

28-модда. Таъсир чоралари

Оқсоқоллар суди судга жалб қилинган шахс айбдорлигини аниқлаганидан кейин қуйидаги таъсир чораларидан бирини қўллаш ҳақида қарор чиқариши мумкин:

- а) огоҳлантириш бериши;
- б) жабрланган томондан омма олдида кечирим сўраши;
- в) жамоатчилик олдида танбеҳ эълон қилиши;
- г) айбдор томонга келтирилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятини юклаши;
- д) Қирғизистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган энг кам иш ҳақининг уч баро-баригача бўлган миқдорда пуллик жарима солиши.

Оилавий можаролар бўйича суд кўриб чиқиладиган тортишув моҳиятига кўра қарор қабул қилади.

Агар оқсоқоллар суди мулкка оид ва оилавий можаролар бўйича томонларни муросага келтиришга эришолмаса, у кўриб чиқиладиган масала моҳиятига кўра қарор қабул қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қўлланилган ижтимоий таъсир чоралари ҳақида оқсоқоллар суди материални юборган идора (мансабдор шахсга) 10 кунлик муддат ичида маълум қилиши шарт.

Суд инсон қадр-қимматини таҳқирловчи жазо қўллаш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли эмас.

Ижтимоий таъсир чораларининг белгиланган рўйхат тугал ҳисобланади ва у кенг талқин қилиниши мумкин эмас.

Ушбу Қонунда кўзда тутилмаган таъсир чоралари кўрилган тақдирда, бундай жазо ноқонуний бўлиб ҳисобланади ва ижро этилмайди.

(Қирғизистон Республикасининг 2003 йил 30 июлидаги 158-сонли Қонуни таҳририда)

29-модда. Пуллик жарималар тақсимооти

Қишлоқ ёки посёлка кенгаши қошида ташкил этилган оқсоқоллар суди томонидан солинган пуллик жарималар бошланғич маҳаллий кенгашлар бюджетига киритилади.

Шаҳарлардаги Ҳудудий ўз-ўзини бошқариш жамоатчилиги кенгашлари қошида ташкил этилган оқсоқоллар суди томонидан солинган пуллик жарималар қуйидагича тақсимланади:

30 фоизи - ҳудудда оқсоқоллар суди жойлашган бошланғич маҳаллий кенгаш бюджетига;

70 фоизи - оқсоқоллар суди ташкил этилган ҳудудий ўз-ўзини бошқариш жамоатчилиги кенгаши ҳисобига.

VI бўлим

Оқсоқоллар суди қарорлари юзасидан шикоят аризаси бериш ва суд қарорларини ижро этиш тартиби

30-модда. Оқсоқоллар суди қарорлари юзасидан шикоят аризаси бериш тартиби

Оқсоқоллар суди қарори юзасидан шикоят аризаси қарор чиқарилган шахс ёки ишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан қарор чиқарилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида берилиши мумкин.

Шикоят аризаси ҳудудида оқсоқоллар суди ташкил этилган туман ёки шаҳар судига берилади.

Шикоят аризасини у келиб тушганидан бошлаб 10 кун ичида туман ёки шаҳар суди судьяси якка ўзи кўриб чиқади. Айни пайтда судья оқсоқоллар суди қарорининг Қирғизистон Республикаси қонунчилигига, ушбу Қонунга ҳамда иш ҳолатларига нақадар мувофиқлигини текшириб чиқади.

Агар туман ёки шаҳар суди судьяси шикоятни асосли деб топса, у далил-исботи билан оқсоқоллар суди қарорини бекор қилади ва материални қайта кўриб чиқиш учун қайтаради ёки ишни тўхтатади.

31-модда. Оқсоқоллар суди қарорининг ижро этилиш тартиби

Оқсоқоллар судининг етказилган зарарни қоплаш ёки мулк ундиришга оид қарори судга жалб қилинган шахс томонидан суд қарорида кўрсатилган муддатда бажарилиши лозим.

Оқсоқоллар суди ўз қарорлари ижросини назорат қилиб боради.

32-модда. Оқсоқоллар суди қарорининг мажбуран ижро этилиши

Қарор белгиланган муддат ичида томонидан тарафидан бажарилмаган тақдирда қарорнинг мажбуран бажарилишига оид ижро варақаси оқсоқоллар суди жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳар суди томонидан берилади.

Оқсоқоллар суди қарорини мажбуран бажарилишига оид ижро варақасини бериш ҳақидаги ариза фойдасига қарор чиқарилган томон тарафидан қайси ҳудудга дохиллигига қараб туман ёки шаҳар судига топширилади.

Ариза қарорни ижро этиш муддати туганидан бошлаб бир ой ичида берилиши мумкин.

Аризага оқсоқоллар суди қарори бажарилмаганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Белгиланган муддатдан ўтиб кетиб топширилган ёки зарур ҳужжатлар илова қилинмай топширилган аризалар туман ёки шаҳар суди томонидан кўриб чиқилмасдан туриб аризачига қайтарилади.

Ижро варақаси олиш ҳақидаги аризани бериш муддати ўтиб кетиши бўйича узрли сабаблар бўлган тақдирда томон илтимосига кўра муддатлар туман ёки шаҳар суди тарафидан қайта тикланиши мумкин.

Ариза туман ёки шаҳар судига келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида якка судья томонидан кўриб чиқилади. Айни пайтда судья оқсоқоллар суди қарорининг Қирғизистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига нақадар мувофиқлигини ҳам текширади.

Ариза кўриб чиқилиши натижаларига кўра ижро варақасини бериш ёки бундан варақа беришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқарилади.

VII бўлим**Оқсоқоллар судининг бошқа органлар билан ўзаро алоқалари****33-модда. Оқсоқоллар судларининг моддий-техник таъминоти**

Оқсоқоллар судлари фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ва оқсоқоллар судлари аъзоларини рағбатлантириш тегишли қишлоқ ҳукумати, туман (шаҳар) кенгаши маблағи ҳисобидан, шунингдек, турли ҳуқуқий шахслар ва фуқаролардан келаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Оқсоқоллар судлари томонидан маблағларни сарфлаш тартиби қишлоқ ҳукумати, туман (шаҳар) кенгашларининг тегишли вилоят кенгашлари билан мувофиқлаштирилган регламенти билан белгиланади.

Бишкек шаҳар кенгашининг 2003 йил 19 декабрида чиққан “Бишкек шаҳар оқсоқоллар судлари иши регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 202-қарорига қаранг.

34-модда. Оқсоқоллар судларига услубий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш

Қонунчиликни қўллаш бўйича услубий ёрдамни оқсоқоллар судларига ҳудудида ташкил этилган туман (шаҳар) судлари кўрсатади.

Оқсоқоллар судлари мажлисида ҳуқуқ-тартиботни ҳамда зарур вазиятларда ҳуқуқбузарлар, жавобгарларни оқсоқоллар суди мажлисига мажбуран олиб келишни ички ишлар органлари таъминлайди.

35-модда. Оқсоқоллар судлари ҳисоб-китоби

Оқсоқоллар судлари кўриб чиқилган ишларнинг (материалларнинг) статистик ҳисобини юритади.

Оқсоқоллар судлари йилига камида бир марта ўз фаолияти бўйича ўзларини таъсис қилган фуқаролар умумий йиғилишлари, Жамоатчилик кенгашлари конференциялари, қишлоқ, посёлка, туман (шаҳар) кенгашлари сессиялари олдида ҳисоб беради.

36-модда. Оқсоқоллар судлари иш қоғозларининг сақланиши

Материаллар кўриб чиқиб бўлинганидан сўнг оқсоқоллар судларининг иш қоғозлари тегишли қишлоқ ҳукумати, туман (шаҳар) кенгашларига сақлаш учун топширилади.

VIII бўлим**Якуний моддалар****37-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун чоп қилинган кундан бошлаб кучга киради.

“ЭркинТоо” газетасининг 2002 йил 12 июлида чиққан 52-сонида чоп қилинган

Ушбу Қонун қабул қилингунига қадар ташкил этилган оқсоқоллар судлари амалдаги оқсоқоллар суди мақомини сақлаб қолади.

Ташкил этилган ва фаолият юритаётган, аммо туман (шаҳар) кенгашларида қайддан ўтмаган оқсоқоллар судлари бир ой муддат ичида ушбу Қонуннинг 12-моддаси талабларига мувофиқ равишда қайдда ўтишлари лозим.

Қирғизистон Республикаси Президенти

А.Ақаев

*Қирғизистон Республикаси Жўғўрқу Кенеши Қонун
чиқарувчи йиғини томонидан 2002 йил 4 июнида қабул қилинган*



Уқуқ элчи

06

Уқуқ Элчининг роли
ва ваколатлари

175

Бўлим мақсади тенгдошларни “Уқуқ элчи” тушунчаси билан таништиришдан, уқуқ элчи роли ва ваколатлари ҳақида маълумот беришдан, уқуқ элчи сифатида фаолият олиб бориш учун, хусусан, ҳуқуқий ва ахборот кўмаги кўрсатиш ҳамда инсон ҳуқуқлари бузилиши масалалари бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари ва адлия сектори фаолиятини мониторинг қилиш учун зарур билим ва кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу бўлим пировардида жамиятимизда гендерга оид адолат ва қизларга нисбатан нозўравонлик амалиёти жорий бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшишни истаган юқори синф ўқувчилари ва бошқа фаол ёшлар, қонунчилик ҳамда инсон ҳуқуқлари ва бурчлари бўйича маслаҳатлар беришни истаганлар, айниқча, ўз манфаатларини олға суришда ўз кучига унча ишонмаётганлар салоҳиятини ошириш учун мўлжалланган. Бу бўлимда тақдим этилган маълумот Уқуқ Элчи ким эканини ўрганиш ва кейинчалик бу мақомни олишга қаратилган. Бундай билимга эга бўлиш иштирокчиларга ўз дўстлари, тенгдошлари, синфдошлари ва бошқаларга консультация бериш, адлия сектори билан ўзаро муносабатларда ўз манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам беради. Шунингдек, улар ўз маслаҳатлари кўпинча мижозларини адвокатлар, милиция ходимлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари ва адлия сектори вакиллари каби профессионалларга йўналтиришдан иборатлигини тушуниб оладилар. Натижада Уқуқ Элчи мақомига эга бўлган иштирокчилар ушбу бўлим якунланганидан сўнг ёшлар, хусусан, қизларнинг ҳуқуқлари бузилишига оид ҳодисаларни камайтиришга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин бўлади. Бу иш ёшлар хавфсизлиги ҳамда уларнинг қонун ва ҳуқуқ устуворлиги имкониятидан фойдалана олишлари бўйича мониторинглар ўтказиш орқали амалга оширилади.



Уқуқ Элчининг роли ва ваколатлари

Сессия мақсади: Уқуқ Элчи (норасмий ҳуқуқий ёрдамчилар) кейинчалик норасмий мижозларига, масалан, ўз тенгдошларига маслаҳат бера олиши учун уларнинг роли ва ваколатларини билиб олиш.

Вақт: 2 соат.

Сессия режаси:

№	Ном	Метод	Вақт
	Пре-тест		10 дақиқа
1	Уқуқ элчи – ким у?	Фикрий ҳужум. Умумий мунозара.	15 дақиқа
2	Уқуқ элчининг ваколатлари ва вазифалари (функциялари)	Гуруҳларда ишлаш: “Уқуқ элчи функциялари” Тақдимот Умумий мунозара	25 дақиқа
3.	Уқуқ элчининг роли	Гуруҳларда ишлаш: “Уқуқ элчи роли” Тақдимот Умумий мунозара	25 дақиқа
4	Уқуқ элчи нималарни билиши лозим?	Умумий мунозара Тақдимот	15 дақиқа
5.	Ҳаракат режасини ишлаб чиқиш	Якка тартибда ёки гуруҳларда ўтказиладиган амалий иш	20 дақиқа
	Пост-тест		10 дақиқа

Пре-тест:

(Ўзингиз тўғри деб билган битта ёки бир нечта жавобни танланг):

1. Қонунчиликка кўра, мамлакатимизда ким кўпроқ ҳуқуқ ва имкониятларга эга?

☐

Эркаклар

☐

Аёллар

☐

Улар тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга

☐

Бошқа

2. Жамият учун инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурати борми?

☐

Ҳа, чунки ҳукумат, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа органлар буни эплай олмаяпти

☐

Йўқ, бизга ёрдам беришнинг ҳожати йўқ, чунки давлат ҳаммани яхши ҳимоя қилаяпти, фуқаролик жамияти ва фуқароларни жалб қилиш қонун билан таъқиқланган

☐

Бошқа

3. Уқуқ элчи – бу:

☐

9-, 10-, 11-синфда ўқийдиган ҳар қандай ўқувчи

☐

қонун қандай ишлаши ҳақида қандайдир тасаввурга эга бўлган ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, суд тизими вакиллари ёки малакали юристга мурожаат қилиш учун профессионал ёрдамга муҳтож бўлган инсон билан ўз билимларини ўртоқлашишни истайдиган ҳар қандай одам.

☐

Албатта қиз бола, агар унинг отаси ё онаси юрист бўлса.

☐

Албатта ўғил бола, агар у синфбоши бўлса

☐

Жавоб беришга қийналаман

4. Уқуқ элчи:

☐

Норасмий ҳуқуқий маълумот, маслаҳат беради ва кимга мурожаат қилиш мумкинлиги бўйича йўл-йўриқ кўрсатади

☐

Дўстлари ва тенгдошларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида маслаҳат беради

☐

Фаол фуқаро сифатида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва адлия сектори фаолиятини мониторинг қилади

☐

Мактабда яхши ўқийди ва синфбоши қилиб сайланган бўлади

5. Ўз мажбуриятларини бажариши учун уқуқ элчига қуйидагилар зарур:

- ☐ Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро алоқа ўрнатиш
- ☐ Маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро алоқа ўрнатиш
- ☐ Адлия органлари билан ўзаро алоқа ўрнатиш
- ☐ Уқуқ элчи маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ёки адлия органлари вакиллари билан бирор-бир расмий алоқасиз ҳам ишлаши мумкин
- ☐ Қирғизистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши
- ☐ У ўзи таклиф қилиши мумкин бўлган маслаҳатларга оид чекловларни билиши лозим

6. Сиз уқуқ элчи бўлишни истармидингиз?

- ☐ Ҳа, ҳозироқ бўлишни истайман
- ☐ Йўқ, уқуқ элчи сифатида мажбуриятларим ҳақида кўпроқ маълумот олмагунимча бу мақомга эга бўлишни истамайман
- ☐ Йўқ, эвазига моддий манфаат топмасам, нега энди мен шунчаки бировга ёрдам бериш учун ўз билимларимни ишлатишим керак

1. Уқуқ элчи – ким у?

Уқуқ элчи бу махсус ўқув машғулотларидан ўтган ҳамда зўравонлик ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатига дуч келган ёшларга, айниқса, жамиятимиздаги ёш қизларга бепул ҳуқуқий ёрдам ва ахборот кўмак кўрсатиши мумкин бўлган норасмий ҳуқуқий ёрдамчилардир. Айти пайтда ҳар қандай одам уқуқ элчининг мижози бўлиши мумкин.

Уқуқ элчи бу “Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз” қўлланмаси доирасида ўз ҳамжамиятларида гендерга оид тенглик ва адолатни илгари сурувчи фаол “агентлар”дир, улар: ёшлар учун ҳуқуқий кўмак ва маълумот олиш имкониятини таъминлайдилар; қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлайдилар ҳамда инсон ҳуқуқлари бузилишига нисбатан қонун адолатли ва тўла ишлаши нисбатида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва суд органлари ишини мониторинг қилиб борадилар.

Уқуқ элчи “Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз” қўлланмаси доирасида тегишли ўқув дастурини муваффақиятли ўтаган ва ихтиёрий равишда бошқаларга кўмак кўрсатиш истагини билдирган, ўқув жойида ўзини ижобий тарафдан кўрсатган, ўз фаолиятини амалга оширишга ахлоқий ва ишбилармонлик хислатлари бўйича яроқли бўлган тенг мақомдаги мураббийлар бўлиб ҳисобланадилар.

2. Уқуқ элчининг ваколат ва вазифалари

Гуруҳларда ишлаш:

Фасилитатор иштирокчиларни 5-6 кишидан қилиб бир неча гуруҳга бўлиши ва уларга 15 дақиқа давомида уқуқ элчи вазифаларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ бериши лозим.

Фасилитатор гуруҳларга ўз ишланмалари тақдиротини ўтказиш имкониятини яратади, натижаларни умумлаштиради ва уларни қўлланмадаги ишланмалар билан таққослайди.

- Уқуқ элчи тенг мақомдаги мураббий ёки ишончга сазовор мактаб ўқитувчиси раҳбарлиги остида ишлайди. Улар ўз хатти-ҳаракатларини муҳокама қилишади ва таклиф қилинган тавсияларни эътиборга олишади.
- Уқуқ элчилар ёшлар, хусусан, қизларнинг ҳуқуқлари бузилган пайтда, уларга ахборот кўмаги ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишади. Бироқ улар ўз ваколатлари бўйича чекловлар борлигидан хабардорлар ва зарурат туғилганда, мижозларни тегишли органлар ва институтларга йўллашга тайёрлар.
- Уқуқ элчи мактаб маъмурияти, маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик қилади. Бу шунинг учун англатадики, агар бирор хатти-ҳаракат давлат қонунга мувофиқ равишда назорат қилиш лозим бўлган жиноят бўлса, уқуқ элчи бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар қилади ёки жабрланувчига ҳуқуқ-тартибот органларида жиноий ишни қайддан ўтказишда кўмак кўрсатади.
- Уқуқ элчи ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши бўйича қонунга нақадар адолатли ва тўла амал қилинаётгани нисбатида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва адлия секторининг ишига оид маълумотларни йиғиши ва уларни умумлаштиради. Бу шунинг учун англатадики, улар ҳуқуқ-тартибот идоралари ёки прокурорларга топширилган ишларни кузатиб борадилар.
- Уқуқ элчи ўз тенгдошлари учун қўлланманинг ёшлар ҳақ-ҳуқуқларига оид материаллари бўйича, ёшлар ўз ҳуқуқларига нақадар риоя қилинаётганига қандай қилиб амин бўлишлари бўйича ҳамда давлатнинг ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқларини ҳуқуқ-тартибот идоралари ва адлия сектори томонидан ҳимояланишини таъминлашига оид мажбуриятлари бўйича тренинглар ўтказиши. Шунингдек, уқуқ элчи ҳар бир кишининг фуқаро сифатидаги бурчларидан ҳам хабардор қилади.
- Уқуқ элчи ўз салоҳият-малакасини ошириш бўйича таълимий тадбирларда иштирок этади.

- Уқуқ элчи ўз ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган тадбирларни ўтказишга жалб қилинмайди.

3. Уқуқ элчининг роли

Гуруҳларда ишлаш:

Фасилитатор иштирокчиларни 5-6 кишидан қилиб бир неча гуруҳга бўлиши ва уларга 15 дақиқа давомида уқуқ элчи ролини белгилаш бўйича топшириқ бериши лозим.

Фасилитатор гуруҳларга ўз ишланмалари тақдимотини ўтказиш имкониятини яратади, натижаларни умумлаштиради ва уларни қўлланмадаги ишланмалар билан таққослайди.

- Ёшлар, хусусан, қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамкорлик қиладиган ҳуқуқ-тартибот идоралари билан конструктив алоқа ўрнатиш.
- Ёшлар ҳақ-ҳуқуқларининг бузилиши фактлари бўйича текширув ўтказишга ваколатли бўлган маҳаллий прокурорларда яхши тушунча шаклланиши учун улар билан яқиндан ишлаш.
- Бу каби иш ҳамжамият даражасида маҳаллий суд ва оқсоқоллар суди ҳакамлари билан ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай оқсоқоллар судлари фуқаровий ишларни кўриб чиқишда конституцион роль ўйнайди, шунга қарамай, улар ҳам ёш аёллар ҳуқуқлари нисбатида жиноий ҳуқуқ масалаларига (масалан, қиз ўғирлаш каби) ҳам жалб қилинади. Шу тариқа улар ўз ваколатларидан ташқарига чиқиб кетадилар, бу эса Қирғизистон Республикаси қонунчилигига зид келиб ва унинг эътиборини тушириб, жойларда инсон ҳуқуқлари бўйича вазиятга жиддий таъсир кўрсатади.
- Маҳаллий қурултой (ҳамжамиятни бошқариш ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, у ёки бу ишларни тақдим қилиш ва олға суриш учун қарор қабул қилишга масъул бўлган шахслар йиғиладиган йиллик тадбир) билан биргаликда ишлаш, бу ўз хизматини таклиф қилиш учун қурултойдан фойдаланиш мақсадида қилинади.
- Мактаб рэкетни ҳолатларини камайтиришга, ёшлар, хусусан, қизларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари бўйича хабардорлигини оширишга кўмаклашиш. Идеалда бу адлия ва хавфсизлик сектори билан ҳамкорликни шакллантириш учун имкон яратади.
- Адлия сектори Қирғизистон Жиноят кодексининг 154- ва 155-моддасига мувофиқ равишда ёшлар ва айниқса қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қониқарсиз ишлаётган бўлса, бу ҳолатларни ҳужжатлаштириш. Бу давлат органлари, оммавий ахборот воситалари ёки Қирғизистонда аккредитациядан ўтган, маълумотларни етказиш ва инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда ёрдам кўрсатиш мандатига эга бўлган халқаро ташкилотларга хабар/мурожаатнома тайёрлаш учун керак.
- Таълим муассасалари маъмуриятлари, адлия сектори вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш. Дастур якунига бориб эдвокаси ва мониторингнинг маҳаллий механизмларини шакллантирилади. Бу механизмлардан ҳадаф гуруҳи ёшларга таъсир этадиган ёки ёш аёлларга қарши қаратилган ҳуқуқбузарлик (масалан, қиз ўғирлаш) ҳолатларини аниқлаш бўйича ваколатли шахслар билан ишлашда фойдаланади.

4. Уқуқ элчи нималарни билиши лозим

Қирғизистон Республикаси Конституцияси

“Оиладаги зўравонликдан ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида”ги қонундан кўчирма

Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексидан кўчирма, хусусан, 154- ва 155-моддалар

“Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар кафолати тўғрисида”ги қонундан кўчирма.

Пост-тест:

(Ўзингиз тўғри деб билган битта ёки бир нечта жавобни танланг):

1. Қонунчиликка кўра, мамлакатимизда ким кўпроқ ҳуқуқ ва имкониятларга эга?

☐

Эркаклар

☐

Аёллар

☐

Улар тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга

☐

Бошқа

2. Жамият учун инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурати борми?

☐

Ҳа, чунки ҳукумат, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа органлар буни эплай олмаяпти

☐

Йўқ, бизга ёрдам беришнинг ҳожати йўқ, чунки давлат ҳаммани яхши ҳимоя қилаяпти, фуқаролик жамияти ва фуқароларни жалб қилиш қонун билан таъқиқланган

☐

Бошқа

3. Уқуқ элчи – бу:

☐

9-, 10-, 11-синфда ўқийдиган ҳар қандай ўқувчи

☐

қонун қандай ишлаши ҳақида қандайдир тасаввурга эга бўлган ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, суд тизими вакиллари ёки малакали юристга мурожаат қилиш учун профессионал ёрдамга муҳтож бўлган инсон билан ўз билимларини ўртоқлашишни истайдиган ҳар қандай одам

☐

Албатта қиз бола, агар унинг отаси ё онаси юрист бўлса

☐

Албатта ўғил бола, агар у синфбоши бўлса

☐

Жавоб беришга қийналаман

4. Уқуқ элчи:

☐

Норасмий ҳуқуқий маълумот, маслаҳат беради ва кимга мурожаат қилиш мумкинлиги бўйича йўл-йўриқ кўрсатади

☐

Дўстлари ва тенгдошларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида маслаҳат беради

☐

Фаол фуқаро сифатида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва адлия сектори фаолиятини мониторинг қилади

☐

Мактабда яхши ўқийди ва синфбоши қилиб сайланган бўлади

5. Ўз мажбуриятларини бажариши учун уқуқ элчига қуйидагилар зарур:

- ☐ Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро алоқа ўрнатиш
- ☐ Маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро алоқа ўрнатиш
- ☐ Адлия органлари билан ўзаро алоқа ўрнатиш
- ☐ Уқуқ элчи маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ёки адлия органлари вакиллари билан бирор-бир расмий алоқасиз ҳам ишлаши мумкин
- ☐ Қирғизистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши
- ☐ У ўзи таклиф қилиши мумкин бўлган маслаҳатларга оид чекловларни билиши лозим

6. Сиз уқуқ элчи бўлишни истармидингиз?

- ☐ Ҳа, ҳозироқ бўлишни истайман
- ☐ Йўқ, уқуқ элчи сифатида мажбуриятларим ҳақида кўпроқ маълумот олмагунимча бу мақомга эга бўлишни истамайман
- ☐ Йўқ, эвазига моддий манфаат топмасам, нега энди мен шунчаки бировга ёрдам бериш учун ўз билимларимни ишлатишим керак

Мазмун

Бизнинг хавфсиз ва осойишта мактабимиз	5
1-бўлим. Тимбилдинг ва «Тенгга тенг» ўқитиш принципи	13
1-сессия: Тимбилдинг (команда тузиш)	15
2-сессия: «Тенгга тенг» принципи (ТТП)	30
2-бўлим. Гендерга оид адолат ва инсон ҳуқуқлари	37
1-сессия: Инсон ҳуқуқлари ва аёллар ҳуқуқлари тарихи	42
2-сессия: Гендер ва гендерга оид зўравонлик	64
3-сессия: Қизларни никоҳ учун мажбуран олиб қочиш.....	72
4-сессия: Оилавий зўравонлик	86
5-сессия: Вояга етмаганлар билан никоҳ қуриш.....	98
3-бўлим. Эдвокаси	107
1-сессия: Ҳаракат қилиш вақти келди! Эдвокаси	109
2-сессия: Кампания стратегиясини режалаштириш	115
4-бўлим. Суицид ва унинг олдини олиш бўйича чоралар	130
1-сессия: Суицид ва унинг турлари.....	132
2-сессия: Суициднинг олдини олиш	139
5-бўлим. Оқсоқоллар суди	148
1-сессия: Оқсоқоллар судлари тушунчаси ва уларнинг ваколатлари.....	150
2-сессия: Суд жараёни инсценировкаси.....	158
6-бўлим. Уқуқ Элчи.....	173
1-сессия: Уқуқ Элчининг роли ва ваколатлари.....	175

